

ХАЛҚАРО НОТИЖОРАТ ХУҚУҚ МАРКАЗИ

**ЎЗБЕКИСТОНДА  
НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ  
ТАШКИЛОТЛАРИГА  
СОЛИҚ СОЛИШ  
ВА УЛАРНИНГ  
БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ**

**УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

Мазкур китобни Очик Жамият Институти Кўмак Жамғармаси-  
Ўзбекистон мадади ва маблағлари туфайли нашр этишга  
муваффақ бўлинди.

65,261,4 Ҷавлат заромади.

HO 32207  
3

Умумий таҳрир: Александр Галаганов, Геннадий Фиглин,  
Павел Смилтнек, Умида Хусанходжаева


Муаллифлар: Ирина Индина (I, II, V, VIII бўлимлар); Евгения Индина (II, III, IV, VI, VIII бўлимлар); Ирина Завалишина (VI, VII, IX бўлимлар).

Халқаро Нотижорат Хукуқ Маркази (ICNL) томонидан Америка Кўшма Штатларининг Халқаро Ривожланиш Агентлиги (USAID) молиялайдиган Каунтерпарт Консорциум дастури доирасида тайёргланган.

Муаллифларнинг позицияси Очиқ Жамият Институти Кўмак Жамғармаси-Ўзбекистон, Каунтерпарт Консорциумнинг ва Америка Кўшма Штатларининг Халқаро Ривожланиш Агентлиги (USAID) позициясига мос келмаслиги мумкин.

Кўлланмани тайёрлаш чоғида «NORMA» ахборот-хукукий тизими материалларидан фойдаланилган.

Мазкур услубий кўлланмада меъёрий-хукукий материаллар 2003 йил биринчи январдаги ҳолат бўйича келтирилган.



## **СҮЗ БОШИ**

Ижтимоий ва иқтисодий соҳалардаги эркинлаштириш, шахснинг ўз имкониятларини эркин рўёбга чиқариш учун шароитлар яратиш ислоҳотлар стратегияси бўйича ҳужжатларда марказий йўналишлардан бири сифатида белгиланади. Барча ижтимоий қатламлар ва гуруҳларнинг мувозанатлаштирилганлиги, кескинлик келиб чиқишига қарши кучли механизмгина жамиятнинг баркарор олға ривожланиши ва ҳар бир инсон учун танлаш эркинлигини кафолатлади. Асрий демократик анъаналарга эга бўлган мамлакатларнинг тажрибаси далолат беришича, ННТлар – нодавлат нотижорат ташкилотлари тизимини ривожлантириш жамиядада манфаатларнинг бундай мувозанатини ушлаб туриш, барқарорликни таъминлашнинг таъсирчан механизми сифатида хизмат килади.

Мамлакатимизда ННТлар тизими анча тез шакллантирилмокда: уларнинг сони ортмоқда, турлари ва ихтисослашишлари кенгаймоқда. Нодавлат нотижорат ташкилотлари ривожланган демократик давлатларда эгаллаган ўрнининг ахамиятига мос равишида «учинчи сектор» - жамият ҳаётининг барча соҳаларини таъминлашда давлат органлари ва тижорат тузилмаларининг шериги деб аталувчи ўрнини янада дадил эгалламоқдалар. Ўз маҳаллаларида кам таъминланган оиласларни кўллаб-куватлашдан тортиб таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, атроф мухитни муҳофаза қилиш соҳаларидаги йирик миқёсли давлат ва халқаро лойиҳаларда иштирок этишгача, манфаатлари бўйича бирлашиш, жамиядада муайян ижтимоий ва касбий қатламларнинг қонуний ҳукуқларини ҳимоя қилишдан мамлакатимизнинг очиқлиги, умумжаҳон инсоний демократик тамойилларни қарор топтириш максадида нодавлат даражада халқаро алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашгача бўлган жуда кенг соҳалар – буларнинг ҳамаси ННТларнинг фаоллик соҳасидир.

Лекин ННТларнинг ўз олдиларига кўйган вазифалари қанчалик олижаноб ва ижтимоий жиҳатдан мухим бўлмасин, уларни фақат

ўа фаолиятининг ишchan ва пухта иқтисодий механизмини созлай олган ННТларгина амалга ошира оладилар. Давлат нодавлат нотижорат ташкилотлариға қатор, шу жумладан солиқ соҳасида ҳам, имтиёзлар ва енгилликлар берган ҳолда, бунга кўмаклашмоқда, «учинчи секторни» ривожлантиришни рағбатлантирмоқда.

Нодавлат нотижорат ташкилотларини ташкил қилиш ва улар-нинг фаолиятини тартибга солиш бўйича тарқоқ меъёрий-хукукий хужожатларда белгиланган меъёрларни умумлаштириб ва тизимга солиб, амалиётнинг таҳлили асосида бухгалтерия ҳисобини, молиявий, статистик ва бошқа ҳисоботларни йўлга қўйиш, юридик шахс томонидан солиқ ва бошқа мажбуриятларини бажаришни ННТларга қўллашда қатор умумий масалаларнинг моҳиятини ёритиб, ННТларда бухгалтерия ҳисоби амалиётидан олинган долзарб ва жонли мисоллар билан таъминлаган ҳолда муаллифлар ҳозирги кунда катта эҳтиёж сезилаётган услубий қўлланма яратдилар.

Нодавлат нотижорат ташкилотларини ташкил қилишга жазм қилган ташаббускорларга мазкур қўлланма келгуси фаолиятнинг муваффақияти билан боғлиқ бўлган кўп масалаларни ҳисобга олиш ва ўз вақтида ҳал қилишга, ННТларнинг бухгалтерлари ва раҳбарларига ҳамда мазкур ташкилотлар билан ҳамкорлик қилаётган юридик ва жисмоний шахсларга - бундай ҳамкорлик доирасида амалга оширилаётган операцияларни расмийлаштириш ва ҳисобини юритишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўзига хос ҳусусиятларини чуқурроқ тушуниб етиш ва аниқроқ ҳисобга олишда ёрдам беради.

ННТлар жадал ривожланиш босқичида бўлганлиги сабабли, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўзига хос ҳусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботига талабларни белгиловчи меъёрий-хукукий хужожатларни қўллаш тажрибаси ҳозирча етарли эмас, шу сабабли таклиф қилинаётган қўлланма нафақат солиқ тўловчилар, балки солиқ органларининг ходимлари ҳамда ННТларга нисбатан қонунда назарда тутилган назорат функцияларини амалга оширувчи бошқа давлат органлари учун ҳам фойдали бўлиши мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилотларига қўйилувчи, ислоҳотларнинг турли босқичларида қабул қилинган ва тарқоқ меъёрий-хукукий хужожатларга кирган меъёрий-хукукий талабларнинг муаллифлар томонидан амалга оширилган мавзувий термаси ННТларга нисбатан қонунчиликни такомиллаштириш бўйича кейинги ишлар учун асос сифатида ҳам кўриб чиқилиши мумкин.

Шу билан бирга, ННТларни ташкил қилиш ва улар фаолияти-нинг меъёрий-ҳуқуқий асоси ҳали барқарорлашмаганлиги, ривож-ланиш жараёнида эканлиги сабабли китоб муаллифлари мурожа-ат этган ҳуқуқий хужжатлар сезиларли даражада ўзгариши мум-кинлигини ҳисобга олиш муҳимдир. Қонунчиликнинг бошқа қоидалари ҳам ўзгаради – хусусан ҳар йили қатор соликларнинг ставка-ларига тузатишлар киритилади. Буларни кўлланмадан фойдала-нишда ҳамда уни кейин қайта нашр қилишда ҳисобга олиш ло-зим.

**Эркин Файзиевич Гадоев,**  
Ўзбекистон Республикаси Давлат солик  
кўмитаси раисининг биринчи ўринbosари.

## **КИРИШ**

Жамиятни демократлаштириш жараёни ва унинг ижтимоий баркарорлигини таъминлашда нодавлат нотижорат ташкилотлари муҳим роль ўйнайди. Учинчи секторнинг мавжуд бўлиши зарурати икки асосий сабаб билан белгиланади:

1. *Ижтимоий зарурат* нодавлат нотижорат ташкилотлари жамиятни демократлаштиришда муҳим вазифаларни бажариши, аҳолининг кам ҳимояланган қатламларини ҳимоя қилишда маҳсус мухит барпо қилиши, инсон хуқуқларини ҳимоя қилишидан иборатдир.

2. *Иқтисодий зарурат* нодавлат нотижорат ташкилотлари тадбиркорлар ёки тижорат сектори нуқтаи назаридан кулай бўлмаган ёки етарлича даромад келтирмайдиган ижтимоий неъматлар ишлаб чиқариши ва хизматлар кўрсатиши ва бюрократик давлат аппаратининг мураккаб тузилмали машинаси томонидан бошқариб бўлмаслигидан иборатдир. Бундан ташқари, учинчи сектор янги иш жойлари барпо қиласди. Хизматлар кўрсатищдан ишлаб топилган ҳамма маблағларни нодавлат нотижорат ташкилотлари ўзларининг дастурларини кенгайтириш ва молиялашга йўналтирадилар, шундай қилиб ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда, таълим, соглиқни саклаш, фан, маданият ва санъатни қўллаб-кувватлашда давлат бюджетига малолик келтиргмаган ҳолда давлатга ёрдам берадилар.

Ўзининг табиатига кўра Учинчи сектор умуминсоний ва интернационал характерга эга. Хайрия фаолияти ва ўзаро ёрдам миллий мансубликка ва давлат чегараларига эга эмас. Бутун дунёда ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда ўзларининг катта ҳиссаларини қўшган Учинчи секторга тегишли ташкилотларнинг аҳамиятини етарлича баҳоламаслик қийин. Халқаро нодавлат ташкилотлари томонидан кўрсатилаётган молиявий ва техник ёрдамнинг умумий қиймати йилига 8 миллиард АҚШ долларини ташкил қиласди.

Ўзбекистонда демократик институтларни шакллантириш жамият ривожланишининг жаҳон тамойиллари оқимида бормокда. Ўзбекистонда ННТлар фаолияти биринчи навбатда жамиятнинг кам таъминланган, кекса ва ишга лаёқатсиз аъзоларини ҳимоялашга шартшароитлар яратиш, аҳолининг бандлигини кенгайтириш ва касбга қайта йўналтириш, қишлоқ жойларда ва кичик шаҳарларда ислохотларга кўмаклашиш, кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришни рафбатлантириш орқали ислохотлар дастурини амалга оширишдаги ижтимоий қийинчилликларни енгиллаштиришга йўналтирилгандир. ННТларнинг ижтимоий йўналтирилганлиги кескин ижтимоий қарама-каршиликларни нейтраллаштириш, ўтиш давридаги муқаррар қийинчилликларни юмшатиш ва одамларни янги турмуш шароитларига мослашишига имкон беради. Одамларнинг ижтимоий фаолигини оширишда фуқаролар ташабbusларини

шакллантириш, ҳаётимиздаги күлдан-күп етилган муаммоларни ҳал қилишда ННТлар катта истиқболларга әгадирлар.

Шундай қилиб, умумий қабул қилингандык таснифлашга күра Учинчи секторга тегишли бўлган ННТлар давлатимиз ҳаётининг зарурый таркибий қисмидир, уларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш эса - ҳақиқатда демократик жамиятни барпо қилишда ҳал қилувчи заминдер.

Нотижорат ташкилотлари тижорат ташкилотларидан иккисосий нарса билан фарқланади: аниқ ифодаланган вазифалари (1) ва олинган ҳар қандай даромадларни таъсисчилари (аъзолари, иштирокчилари) фойдасига тақсимлашнинг тақиқланганлиги (2).

Нотижорат ташкилотларининг алоҳида ҳусусиятларидан биринича үларни молиялаш ва мол-мулкини шакллантириш манбаларининг ўзига хослигидадир. Ўз вазифаларини бажариш учун ННТлар кўйидаги йўллар билан молиявий ресурслар топишга мажбурдирлар:

1) Устав фаолияти учун мақсадли маблағлар олиш;

2) Даромад келтирувчи фаолиятни амалга ошириш. Мазкур фаолият ННТнинг устав мақсадларига мос келиши лозим, олинаётган даромад эса ҳамма зарур солиқлар тўланганидан кейин ННТларнинг устав вазифаларини бажаришга ишлатилиши керак. Жаҳон амалиётида тадбиркорлик орқали ишлаб топилган маблағлар ҳисобига ННТларнинг самарали фаолиятига кўлдан кўп мисоллар мавжуд. Масалан, бутун дунёга машҳур Нобель мукофоти Нобелнинг мақсадли бадалини инвестициялашдан олинган маблағлар ҳисобига тўланади.

Нотижорат ташкилотлари фақатгина ўзларининг ташкил қилинишида кўзда тутилган мақсадларига эришишлари учун (а) ва мазкур мақсадларга мос (б) тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари мумкин. Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, мазкур талабларнинг иккинчиси у ёки бу нотижорат ташкилоти тадбиркорлик фаолияти доирасида ишлаб чиқариши мумкин бўлган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) характеристига мазмуний чекланишлар кўяди.

Бундан бухгалтерия ҳисоби учун мұхим хуласа келиб чиқади: нотижорат ташкилотининг барча мол-мулки, шу жумладан тадбиркорлик фаолиятидан даромад, унга келиб тушаётган барча пул ва бошқа маблағлар факат маълум мақсадларга ишлатилиши мумкин ва ушбу маънода мақсадлидир.

Шундай қилиб, ННТлар фаолиятининг ўзига хослиги үларнинг молияларини ташкил қилишнинг ҳусусиятларини белгилайди. Мазкур ҳолат, ўз навбатида, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида ўз аксини топади. Бухгалтерия ҳисоби фаолияти максимал даромад олишга қаратилган мулқорларнинг манфаатига хизмат қилувчи, бухгалтерия ҳисобининг асосий вазифаси фаолиятнинг молиявий натижаларини шакллантириш бўлган тижорат корхоналаридан фарқли равища нотижорат ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби

бининг асосий вазифаси биринчи навбатда олинган маблағлардан мақсадли фойдаланишни назорат қилишdir. Мақсадли даромадлар/харажатлар ва фойда келтирувчи тадбиркорлик ёки бошқа фаолиятидан келувчи даромадлар/харажатларнинг ҳисоби алоҳида олиб борилади.

Нотижорат ташкилотларнинг барқарорлиги солиқ режими билан боғлиқdir. Жамият ривожлана борган сари, одатда у жамоат институтларини бошқаришнинг анча мосланувчан, билвосита ҳам юридик, ҳам молиявий, шу жумладан солиқ солиш механизмларини ишлаб чиқади. ННТларнинг солиқ режими учун кўйидагилар характеридир: давлат солиқ имтиёзларидан давлат томонидан билвосита субсидиялар шаклида фойдаланган ҳолда устувор соҳаларда банд бўлган ижтимоий фойдали ташкилотларни қўллабкуватлайди ҳамда уларнинг донорларини рағбатлантиради.

ННТларнинг барқарорлиги ва самарадорлиги кўп жиҳатдан чукур ўйлаб чиқилган молиявий стратегия, солиқни режалаштириш, тўғри шакллантирилган бюджет ва ҳисоб сиёсатига боғлиқdir.

Ўзбекистоннинг нотижорат ташкилотлари учун мўлжалланган мазкур кўлланма фуқаролар жамиятининг юзага келаётган янги секторида профессионал молиявий менежментни шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилгандир. Унинг мақсади – ННТларга солиқ солиш ва бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги қонунчилик асосларини ёритиш ва шу билан уларнинг раҳбарлари, мутахассислари, таъсисчилари, аъзолари ва донорларига мазкур хукукий соҳалардан мустақил хабардор бўлиш имкониятини беришdir.

Амалиётчи ходимлар, биринчи навбатда – бухгалтерлар, кўлланмадан яхши амалий материал толадилар. Муайян вазиятларнинг таҳлили жорий қонунчиликнинг алоҳида нормалари ва қоидаларининг мазмуни ва аҳамиятини осон тушуниб етиш имконини беради.

Кўлланма ННТларда бухгалтерия ҳисоби ва солиқ солиш масалалари билан танишиб чиқишидан манфаатдор бўлган шахсларга мўлжалланган ва Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ва бухгалтерия ҳисобининг Миллий стандартти асосида уларнинг янада такомиллашишларига ёрдам беради.

*Александр Галаганов,  
Халқаро нотижорат хукук  
марказининг Ўзбекистондаги вакили.*

*Геннадий Фиглин,  
Хўжалик қонунчилигини ривожлантириш  
ва такомиллашиштириш бўйича жамоат эксперт  
кенгашининг раҳбари.*

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

### 1.1. ННТлар фаолиятининг хукукий асослари

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ва сиёсий фаолиятни эркинлаштириш сиёсати нодавлат нотижорат ташкилотларининг ташкил қилиниши ва ривожланишига кўмаклашди. Ўзбекистон Республикасида нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида қонунчилик тизими барпо қилинди. Мазкур тизимга Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Фуқаролик кодекси, 1999 йил 14 апрелдаги «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Конун, «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонун ва бошқа қонунчилик хужжатлари киради.

«Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Конунда ННТ - жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган дарамодларни (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида таҳсилмайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилотидир деган таъриф мавжуд. Фойда (даромад)га бўлган муносабат нотижорат ташкилотини тижорат ташкилотидан фарқлайди. Жорий қонунчиликка биноан нотижорат ташкилотларига муассасалар, жамоат бирлашмалари, фондлар, диний ташкилотлар, юридик шахсларнинг уюшмалари (иттифоқлари), матлубот кооперативлари, адвокатлар коллегиялари, аудиторлар палаталари ва бошқа ташкилотлар киради.

«Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Конун Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси билан ННТларнинг алоҳида турларини тартибга солувчи маҳсус қонунлар ўртасида оралиқ ўринни эгаллайди. Бу билан унинг қўйидагилар билан боғлиқ бўлган хусусиятлари белгиланади:

**Биринчидан**, унда Фуқаролик кодексининг қоидалари ривожлантирилади ва аниқлаштирилади;

**Иккинчидан**, мазкур Конун алоҳида турдаги ННТлар тўғрисидаги маҳсус Қонунларга нисбатан умумийдир ва бунинг натижасида маҳсус Конун мавжуд бўлган ҳолатда у фактат маҳсус қонунга кўшимча кўлланилади.

Шунга эътибор бериш лозимки, «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 1991 йилдаги Конунида, шунингдек 1997 йилда тасдиқланган ва 1998 йил январдан кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексида Фуқаролик Кодекси (1999 йил) ва жамоат бирлашмалари ННТларнинг

мумкин бўлган ҳуқуқий-ташкилий шаклларидан бири сифатида тушуниладиган «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонун (1999 йил) билан солиштирганда жамоат бирлашмалари тушунчаси анча кент маънода (нодавлат нотижорат ташкилотларининг синоними сифатида) ишлатилади

Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуни сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, диний ташкилотлар ва айрим бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларини ташкил қилиш, фаолияти, қайта ташкил қилиш ва тугатишнинг хусусиятларини тартибга солмайди, балки маҳсус Қонунларга мурожаат қилишини таклиф қиласди. Лекин нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти соҳасининг ўёки бу муносабатлари маҳсус қонунлар билан тартибга солинмаган ҳолларда, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуннинг қоидалари қўлланилади.

Нотижорат ташкилотларини тижорат ташкилотларидан фарқловчи энг асосий фарқ шундан иборатки, биринчилари **даромад олиш мақсадидан фарқли бўлган аниқ белгиланган фаолият мақсадига эга бўлишлари лозим**. Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонунида нотижорат ташкилотларининг айрим мумкин бўлган устав мақсадлари кўрсатилади – булар жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуклари ва қонуний манфаатларини, бошқа демократик қадриятларни ҳимоя қилиш, ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларга эришиш, маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларни қондириш, хайрия фаолиятини амалга ошириш. Албатта, қандайдир бир қонуний ҳужжат билан нотижорат ташкилотларининг мумкин бўлган фаолият турларини қамраб олиб бўлмайди, чунки уларнинг асосида жамиятда юзага келувчи кўпдан-кўп ижтимоий эҳтиёжлар ва нотижорат манфаатлар ётади. Шунинг учун қонунда кўрсатиб ўтилган рўйхат якунланмаган ҳамда тўлиқ эмас ва нодавлат нотижорат ташкилотлари бошқа ижтимоий фойдали мақсадларда ҳам ташкил қилиниши мумкинлиги айтиб ўтилган.

Фуқаролик жамиятининг умумий қабул қилинган тамойиллари Ўзбекистон шароитида босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Фуқароларнинг сиёсий ва иқтисодий фаоллиги ортган сари маълум давлат функцияларини нодавлатлар тузилмаларга бериш мўлжалланаяпти.

Янги ташкил қилинаётган ННТнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини танлаш масаласини ҳал қилишда қатор омилларни ҳисобга олиш керак:

- дастурий-стратегик мақсадлари;
- солиқ имтиёзларининг мавжудлиги;
- у ёки бу шаклнинг оммавий жамоатчилик онгидаги имиджи;
- аъзолик ташкилотини ташкил қилганда ташкилот аъзолари – жисмоний ва юридик шахслардан қўшимча маблағларни жалб қилиш имконияти
- муассисларнинг қарори билан ташкилотни тугатиш имконияти;
- тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи;
- аудитнинг мажбурлиги;
- бошқарувнинг соддалиги, шу жумладан умумий мажлисни, бошқа олий бошқарув органни чақириш жараёнининг осонлиги ёки мураккаблиги;
- бошқалар.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ўз мол-мулкидан, шу жумладан пул маблағларидан фойдаланиши тўғрисидаги маълумотлар ҳаммабоп бўлишини таъминлашлари шарт. ННТ ўз мол-мулки ва пул маблағларининг эгасидир ва ўз мулкий мажбуриятлари бўйича жавобгардир.

Молиявий органлар нодавлат нотижорат ташкилотининг мол-мулки манбалари, олган пул маблағлари ва Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига биноан солиқлар тўлашини назорат қиласидилар.

## **1.2. Қўлланмада фойдаланилган асосий тушунчалар**

**Юшмалар (иттифоқлар)** – ўзларининг манфаатларини мувофиқлаштириб бориши, шунингдек умумий манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоялаш мақсадида нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан юшмалар шаклида тузиленган бирлашмалар («Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддаси).

**Хайрия фаолияти** – юридик ёки жисмоний шахсларнинг ижтимоий фойдали мақсадларни амалга ошириш учун бошқа шахсларга мулкий ҳуқуқлар, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкни беғараз бериш ҳамда улар учун ишлар, хизматларни беғараз бажариш, бошқача тарзда қўллаб-куватлашда ифодаланувчи ихтиёрийлик асосидаги фаолияти.\*

**Давлат субсидияси** – давлат (хукумат) томонидан иқтисодиёт ривожланишини рағбатлантириш мақсадида корхоналарга муайян шартларда пул ёки натура шаклида бериладиган ёрдам. Давлат (хукумат) ёрдами турли шаклларда ва ҳар хил шартлар

\* Ўзбекистон Республикасида «хайрия фаолияти» тушунчаси қонунларда таърифланмаган.

билинглиши мумкин (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 23 октябрда 1181-сон билан рўйхатга олинган 21-сон БХМС).

**Грант** – уларни бериш қўйидаги шартларни қаноатлантирувчи пул маблаглари ёки бошқа мол-мулк:

грантлар жисмоний шахслар, нотижорат ташкилотлар, шу жумладан хорижий ва халқаро ташкилотлар ва ўюшмалар томонидан беғараз ва қайтиб олмаслик асосида тақдим қилинади;

грантлар ижтимоий фойдали мақсадларга эришишга қаратилган муайян дастурларни амалга ошириш учун тақдим қилинади;

грантлар грант берувчи томонидан белгиланган шартларда ҳамда грант берувчига грантни мақсадли ишлатилганлиги тўғрисидаги хисоботни мажбурий тақдим қилиш шарти билан берилади.\*

**Муруват ёрдами** - аҳолининг ижтимоий ночор гуруҳларига тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий соҳа муассасаларини қўллаб-қувватлаш, табиий оғатлар ҳамда бошқа фавкулодда ҳодисалар оқибатларини тугатиш учун бериладиган мақсадли беғараз кўмакнинг туридир.

Муруват ёрдами тиббиёт товарлари, озиқ-овқат маҳсулотлари, халқ истеъмол товарлари ва бошқа товарлар, шу жумладан асбоб-ускуналар, транспорт ва техника, шунингдек грантлар, ихтиёрий эҳсонлар, бажарилган ишлар ва хизматлар, шу жумладан

\* Ўзбекистон Республикасида «грант» тушунчаси қонун томонидан таърифланмаган, шунинг учун халқаро амалиётдан фойдаланилган. Юқорида муаллифларнинг фикрича, энг оптималь таъриф сифатида Россия Федерацияси Солиқ кодексининг 251-моддасининг янги таҳриридан келиб чиқувчи таъриф келтирилган. (Федеральный закон от 29 мая 2002г. № 57-ФЗ «О внесении изменений и дополнений в часть вторую Налогового кодекса Российской Федерации и в отдельные законодательные акты Российской Федерации»).

Шу билан бирга қонун меъёрий-хуқукий хужжат - Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 23 октябрда 1181-сон билан рўйхатдан ўтказилган 21-сон БХМСда қўйидаги қоида белгилаб қўйилган:

«Грант деганда корхонага давлат (хуқумат), шунингдек ноҳукумат, хорижий, халқаро ташкилотлар ва жамғармалар томонидан ижтимоий аҳамиятга эга бўлган мақсадларда, иқтисодиётни ривожлантириш, илмий-техника ва инновация дастурлари бажарилишини рағбатлантириш учун кўрсатиладиган беғараз, муруват тарзидаги пул ёки моддий-техник ёрдам тушунилади. Грант маблагларидан қатъян мақсадга мувофиқ фойдаланилади».

муруват ёрдами юкларини транспортда ташиш, кузатиб бориш ва сақлаш шаклида кўрсатилади. (Муруват ёрдами юкларини қабул қилиш, ҳисобга олиш, аниқ йўналтирилган тарзда тақсимлаш ва улардан мақсадли фойдаланишини назорат қилиш тартиби ҳамда муруват лойиҳалари мониторинги тўғрисида Низомнинг 2-банди. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 июлдаги 268-сон қарорига 1-илова).

**Хадя қилиш** - хадя шартномасига мувофиқ, бир тараф (ҳадя қилувчи) бошқа тараф (ҳадя олувчи)га ашёни текинга мулк қилиб беради ёки бериш мажбуриятини олади ёхуд унга ўзига ёки учинчи шахсга нисбатан мулк ҳукуки (талашиби)ни беради ёки бериш мажбуриятини олади ёхуд уни ўзи ёки учинчи шахс олдидағи мулкий мажбуриятдан озод қиласи ёинки озод қилиш мажбуриятини олади (ЎзРФКнинг 502-моддаси).

**Халқаро нодавлат нотижорат ташкилоти** - ўз уставига ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳамда битта ёки ундан кўпроқ чет эл давлати ҳудудида фаолият олиб бориши мумкин бўлган нодавлат нотижорат ташкилоти халқаро нодавлат нотижорат ташкилоти деб ҳисобланади (ЎзР «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуннинг 14-моддаси).

**Солик** – оммавий ҳокимият субъектларининг тўлов қобилиятини таъминлаш мақсадида жазо ёки контрибуция характеристига эга бўлмаган, давлат томонидан мажбурийлиги таъминланган, шахсий беғаразлиқ ва мажбурийлик асосида жисмоний ва юридик шахслардан мол-мулкни давлат ихтиёрига олишнинг ягона қонуний (қонун билан белгиланадиган) шаклидир.\*

**Нодавлат нотижорат ташкилоти** - жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчалири (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилотидир (ЎзР «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуннинг 2-моддаси).

**Жамоат бирлашмаси** – маънавий ёки бошқа номоддий эҳтиёжларни қондириш учун ўз манфаатларининг муштараклиги

\* Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига «солик» тушунчаси аникланмаган, шунинг учун муаллифларнинг фикрича энг оптималь бўлган С.Г. Пепеляев томонидан берилган таъриф таклиф қилинади (қаранг: Основы налогового права// под ред. С.Г. Пепеляева.-М., 1995, с.24).

асосида қонунда белгиланган тартибда бирлашган фуқароларнинг ихтиёрий бирлашмасидир (ЎзР «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуннинг 11-моддаси).

**Ижтимоий фонд** – жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрий мулкий бадаллар асосида таъсис этилган, хайрия, ижтимоий, маданий, маърифий ёки бошқа ижтимоий фойдали мақсадларни кўзлайдиган, аъзолиги бўлмаган ташкилотdir (ЎзР «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддаси).

**Эҳсон** – ижтимоий фойдали мақсадларда ҳадя қилишдир. Эҳсон фуқароларга, даволаш, тарбия, ижтимоий ҳимоя муассасаларига ёки шунга ўхшаш бошқа муассасаларга, хайрия, илмий ва ўқув муассасаларига, фондларга, музейлар ва бошқа маданият муассасаларига, жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотларга, шунингдек давлатга ва бошқа фуқаролик ҳукуқи субъектларига қилиниши мумкин. Эҳсонни қабул қилишга бирор кимсанинг рухсати ёки розилиги талаб қилинмайди (Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, 511-модда).

**Тадбиркорлик фаолияти (тадбиркорлик)** – тадбиркорлик субъектлари томонидан қонунчиликка мос равища ўзларининг таваккалчилиги ва мол-мулкий жавобгарлиги асосида даромад (фойда) олишга йўналтирилган ташаббускорлик фаолиятидир (Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддаси).

**Божхона божи** – божхона органлари томонидан товарлар Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан олиб ўтилаётганда ундириладиган тўлов (Ўзбекистон Республикасининг «Бож тарифи тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддаси).

**Бож тарифи** – божхона чегарасидан олиб ўтилаётган товарларга қўлланиладиган божхона тўловлари ставкаларининг Ўзбекистон Республикаси ташкии иқтисодий фаолият номенклатураси қоидалари ва тамойилларига мос равища тизимлаштирилган тўплами (Ўзбекистон Республикасининг «Бож тарифи тўғрисида»ги Қонуннинг 2-моддаси).

**Муассаса** – ижтимоий, маданий ва бошқа тусдаги вазифаларни амалга ошириш учун жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан тузилган нодавлат нотижорат ташкилотидир (ЎзР «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуннинг 13-моддаси).

**Нодавлат нотижорат ташкилотининг филиали** – у турган ердан ташқарида жойлашган алоҳида бўлинма бўлиб, унинг барча вазифаларини ёки вазифаларининг бир қисмини, шу жумладан ва-

колатхона вазифаларини амалга оширади (ЎзР «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонунининг 9-моддаси).

**Юридик шахс** – ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳукуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даявогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот юридик шахс ҳисобланади.

Юридик шахслар мустакил баланс ёки сметага эга бўлишлари лозим (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик қодекси, 39-модда).

## II. ННТларни МОЛИЯЛАШ МАНБАЛАРИ

### 2.1. ННТларни молиялаш манбаларининг таснифи

Нодавлат нотижорат ташкилотларини молиялаш манбалари Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелдаги 763-1-сон «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонунининг «Нодавлат нотижорат ташкилотларининг мол-мулкини шакллантириш манбалари» деб номланган 29-моддасида санаб ўтилган.

Бизнинг фикримизча, «мол-мулкни шакллантириш» термини маблағларни устав вазифаларини бажаришга сарфлашдан кўра кўпроқ маблағлардан жамғариш мақсадларида фойдаланишини англатади. Лекин, баъзи ҳолларда ННТлар жамғариш мақсадларига олиб келмайдиган фаолиятни молиялаштиришга муҳтождирлар (масалан, семинарлар, анжуманлар ва ҳ.к.ларни молиялаштириш). Шунинг учун биз бир қисмини мол-мулкни шакллантиришга йўналтирилувчи «молиялаш манбалари» терминидан фойдаланамиз.

29-моддада кўйидаги манбалар санаб ўтилган:

- кириш ва аъзолик бадаллари, агар улар уставда назарда тутилган бўлса;
- муассислардан, қатнашчилардан (аъзолардан) бир маротаба ва мунтазам равишда келадиган тушумлар;
- ихтиёрий мулкий бадаллар ва эҳсонлар;
- тадбиркорлик фаолиятидан олинган, факат устав мақсадлари учун ишлатиладиган даромадлар (фойда);
- қонулларда тақиқланмаган бошқа тушумлар.

Айтиб ўтилган моддадаги рўйхат якуний эмас ва очиқ характерга эга, чунки «қонулларда тақиқланмаган бошқа тушумлар» деган қоидани ўз ичига олади.

ННТлар молиялаш манбаларини турли белгилар бўйича таснифлаш мумкин:

- шаклига кўра (пул маблағлари, бошқа мол-мулк, волонтёрларнинг меҳнати);
- келиб тушиш даври бўйича (мунтазам равишда, бир маротабалик);
- мақсади бўйича (мақсадли, мақсадсиз);
- ресурсларни жалб қилиш усули бўйича (ташқи, ўзини ўзи молиялаш).

Ресурсларни жалб қилиш усулига кўра таснифлаш ННТлар фанлиятини режалаштириш учун ҳам, солик қонунчилигини қўллаш учун ҳам биринчи даражали аҳамиятга эгадир.

Ушбу таснифни қўидаги чизма билан ифодалаш қуладай:



Келтирилган чизмадан ўзини ўзи молиялаш манбалари ҳам ташқи манбалар сингари ННТларнинг устав вазифаларини амалга оширишга йўналтирилганлиги кўриниб турибди.

Нотижорат ташкилотларининг мол-мулки ва маблағларини шакллантиришнинг алоҳида манбалар бўйича айрим хусиятларини кўрсатиб ўтайлик.

## 2.2. Ташқи молиялаш манбалари

**Аъзолик ва кириш бадаллари** аъзоликни назарда тутувчи жамоат ёмолашмалари, диний ташкилотлар, партиялар, уюшманларни таснифлаш мумкин.

лар, иттифоқлар каби ташкилий-хуқуқий шаклларда мол-мулкни шакллантириш манбаидир.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги Қонуннинг 29-моддасига мувофиқ, агар аъзолик ва кириш бадаллари уставда назарда тутилган бўлса, яъни уставда аъзолик ва кириш бадаллари тўғрисида тегишли қоидалар мавжуд бўлса, у ҳолда улар ННТларниң мол-мулкини шакллантириш манбай деб тан олинадилар. Бунда, одатда, уставда аъзолик бадалларини тўлаш муддатлари, қиймати ва бадалларни тўлаш тартиби ҳам кўзда тутилади. Лекин, уставда аъзолик ва кириш бадалларини тўлаш муддатлари ва микдори кўрсатилмаган бўлиши мумкин, бу ҳолда ушбу мясала ННТнинг ижроия органи томонидан ёки ННТ аъзоларининг, мумий мажлисида тегишли резолюцияларни қабул қилиш орқали ҳал қилинади.

Уставда, ижро органи ёки ННТ аъзоларининг умумий мажлисида аъзолик бадалларини пул маблағлари сифатида ҳам, натурада ифодаланган мулк сифатида ҳам тўлаш назарда тутилган бўлиши мумкин.

ННТга бадал сифатида берилган мол-мулк ННТга тегишлидир. Яъни ННТ аъзолари аъзолик ва кириш бадаллари сифатида берилган мол-мулкга ўз мулкий хуқуқларини йўқотадилар.


**Муассисларнинг мақсадли бадаллари.** Кириш ва аъзолик бадалларидан ташқари муассислар ННТ фаолияти давомида муайян мақсадлар ва дастурлар учун ННТларга пул маблағлари ёки мол-мулк бериш хуқуқига эгадирлар. Бунда мол-мулкни бериш шартномасида мол-мулкдан нима мақсадларда фойдаланиш шартлари ҳамда у мақсадга мувофиқ ишлатилмагандаги жавобгарлик кўрсатилади.

**Юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий мулк бадаллари ва эҳсонлари, грантлар, давлат субсидиялари.**

«Эҳсон» тушунчаси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик қодексининг 511-моддасида таърифланган (шунингдек «Кўлланмада фойдаланилган асосий тушунчалар» 1.2 - бўлимига қаранг).

Эҳсоннинг манбалари чекланмаган, шунинг учун эҳсон исталган юридик ёки жисмоний шахслардан қабул қилиниши мумкин. Лекин эҳсон берилаётган шахс уни қабул қилишни рад этиш хуқуқига эгадир. ННТга эҳсон берувчининг ННТ тасарруфига берилаётган пул маблағлари ёки мулқдан фойдаланиш мақсади ва тартиби тўғрисида кўрсатма бўлиши мумкин, лекин эҳсон умумустав мақсадларига ҳам берилиши мумкин.

Бугунги кунда ҳалқаро ва чет эл хайрия ташкилотларининг грантлари («Кўлланмада фойдаланилган асосий тушунчалар» 1.2-бўлимига



қаранг) ННТлар фаолиятини молиялаширишнинг асосий манбала-ридан биридир. Грантлар ижтимоий фойдалари мақсадларга эришишга йўналтирилган муайян дастурларни амалга ошириш учун тақдим қилинади. Чет эл хайрия ташкилотларидан келаётган маблағларни бериш учун грант шартномасига биноан алоҳида тартиб белгиланган. Грантни тақдим қилиш шартлари грант берувчи томонидан грант берувчига грант мақсадли ишлатилганлиги тўғрисидаги ҳисоботни мажбурий тақдим қилиш шарти билан белгиланади.

ННТларга давлат томонидан ажратиладиган маблағларга нисбатан грант термини маблағлар муайян масалани ҳал қилиш учун ажратилганда қўлланилади, агар давлат томонидан маблағлар умуман ННТ фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун тақдим қилинган бўлса, у ҳолда «субсидия» термини қўлланилади («Қўлланмада фойдаланилган асосий тушунчалар» 1.2 - бўлимга қаранг).

Шуни айтиб ўтиш лозимки, бевосита давлат субсидиялари ўта мухим умуммиллий вазифаларни бажариш учун ташкил қилинаётган ННТларга тақдим қилинади (масалан, «Ибн Сино» ҳалқаро фондига).

### **Устав капитали.**

Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги Конунда ННТларнинг устав капиталини шакллантириш ҳақида ҳеч нима дей-илмаган. Лекин, қонунчиликда ННТларнинг устав капиталини шакллантиришга тўғридан-тўғри тақиқ бўлмаганилиги сабабли, айрим ННТлар барибир ўз устав капиталларини шакллантирадилар. Шуни назарда тутиш лозимки, бу бошқа ҳамма нарсалардан ташқари бухгалтерия ҳисобида ҳал қилиб бўлмайдиган вазиятларга олиб келади. Бу ҳақда «ННТларда бухгалтерия ҳисоби» деб номланган VI бобда айтиб ўтилган.

### **2.3. Ўзини ўзи молиялаш манбалари**

Ўзини ўзи молиялаш манбалари ўзининг табиатига кўра иқти-содий фаолиятдан келадиган даромадлардир ва адресли имтиё-злар бўлмаганда уларга умумий ўрнатилган тартибда солиқ соли-ниши керак.

Конунчилик нотижорат ташкилотларига тадбиркорлик фаолияти билан шуғуланиш ҳуқукини беради. Лекин бу ерда ҳисобга олиш лозим бўлган принципиал ҳолатлар мавжуд. Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги Конуннинг 31-моддасига биноан нодавлат нотижорат ташкилотлари ўз устав мақсадларига мос келадиган доираларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғуланишлари мумкин. Лекин қонунда қайси турдаги тадбиркорлик фаолияти устав мақсадларига мос келиши ва қайси турлари мос келмаслиги

ҳақида ҳеч нима айтилмаган. Шунинг учун, бизнинг фикримизча, уставда қайси турдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш кўзда тутилаётганлиги кўрсатилиши ҳамда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш мақсадларининг ННТнинг асосий мақсадлари ва вазифалари билан боғлиқлиги кўрсатиб ўтилиши лозим.

ННТнинг олинган фойданни қатнашчилари ўртасида тақсимла-майдиган ташкилот сифатидаги таърифидан («Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Конуннинг 2-моддаси) ННТ томонидан олинган даромадлардан (фойда) факат устав мақсадларида фойдаланиш лозимлиги келиб чиқади. Конунчиликнинг мазкур қоидаси ННТларнинг иқтисодий мустақилликка эришишларига тўқсинглик қиласлиги учун устав мақсадлари қаторида устав фаолиятини кенгайтириш учун ННТ иқтисодий базасини ривожлантиришни кўзда тутиш лозим. Бу қонунчиликни бузмаган ҳолда фойданни тадбиркорлик фаолиятига реинвестиция қилиш имконини беради.

**Тадбиркорлик фаолиятидан даромадлар актив ва пас-сивга бўлинади.**

**Актив даромадлар** – товарлар (ишлар, хизматлар) сотишдан келадиган даромадлар.

**Пассив даромадларга** сотиш билан боғлиқ бўлмаган, молия ва инвестицион фаолиятдан даромадлар киради.

ННТлар ўз мол-мулкига эга бўлиб уни ўз хохишига кўра тасар-руф этишга, шу жумладан уни сотишга ва ижарага беришга ҳақлидирлар. ННТлар ўзига тегишли бўш маблағларни улар бўйича дивидендлар ва фоизлар нотижорат ташкилотининг мулкига айланадиган акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли қофозларга кўйишига ҳақлидирлар.

Конунчилик томонидан ННТларнинг молиявий инвестициялар бўйича фаолиятида чекланишлар назарда тутилмаган. Лекин бизнинг фикримизча, устав фаолияти учун ва инвестиция фаолияти учун харажатлар ҳамда узок ва қиска муддатли инвестициялар ўртасида маълум пропорцияларни ўрнатиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бундан ташқари, узок муддатли инвестицияларни амалга оширишда яна бир жиҳат эҳтиёткорликни талаб қиласи. У мусассисларнинг (аъзоларнинг) маблағлар кўйилган компаниянинг мажбуриятлари бўйича жавобгарлигига тегишилдири. Нотижорат ташкилоти уставда белгиланган вазифаларни бажариш учун мўлжалланган маблағлар билан таваккалчилик қила оладими? Бизнинг нуқтаи назардан бу саволга жавоб салбийдир. Айрим мамлакатларда инвестиция маълум чекланишлар мав-

жуддир. Масалан, Испания Фонд шаклидаги нодавлат нотижорат ташкилотларига карзлари туфайли жавобгарлик юзага келиши мүмкін бўлган компанияларнинг акцияларини сотиб олишини тақиқлайди. Шунинг учун, Ўзбекистон қонунчилигида чеклашлар йўклигига қарамасдан, тадбиркорлик таваккалчилиги билан боғлиқ бўлган узоқ муддатли инвестиция қўйилмалари ННТлар учун мақсадга мувофиқ эмасдир.

Юқорида айтиб ўтилганлар ННТнинг устав мақсадларини амалга ошириш учун йўналтириладиган даромадлар олиш мақсадида ташкил қилинаётган шуъба корхоналарга маблағларни инвестиция қилишга тегишли эмас. Шуъба корхоналарни ташкил қилиш ННТларнинг иқтисодий мустакиллигини таъминловчи кучли воситадир ва мазкур ҳолда тадбиркорлик таваккалчилиги ўзини оқлайди. Оптимал солиқ солиш нұқтаи назаридан ННТнинг мулки бўлган шуъба корхонасини (шуъба корхонанинг 100% устав капитали ННТга тегишли) ташкил қилиш ННТ томонидан мустакил тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан кўра афзалроқдир. Бундай шуъба корхонага Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 32-моддасида (4-хатбоши) назарда тутилган имтиёзлар кўлланилади. Унга кўра юридик шахсларнинг солиқ солинадиган даромади (фойдаси) диний ва жамоат бирлашмаларининг (касаба юшмалари, сиёсий партиялар ва ҳаракатлардан ташқари), хайрия фондларининг мулкида бўлган корхоналар даромадидан (фойдасидан) шу бирлашмалар ва фондларнинг уставда белгиланган фаолиятни амалга ошириш учун йўналтириладиган ажратмалари суммасига камайтирилади.

**ННТларни молиялаш манбаларига шунингдек маблағларни жалб қилиш бўйича фаолият** хам киради (хайрия берувчиларни ва кўнгиллilarни жалб қилиш тадбирларини ўтказиш, шу жумладан маданий, спорт ва бошқа оммавий тадбирларни ташкил этиш, лотереялар, аукционлар ўтказиш, хайрия берувчилардан тушган мол-мулк ва эҳсонларни уларнинг хоҳишлари бўйича сотиш).

### III. ННТ ФАОЛИЯТИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА БЮДЖЕТ ТУЗИШ

#### 3.1. Режалаштириш

Хар қандай ташкилий тузилманинг барқарорлиги биринчи навбатда устав фаолиятини амалга ошириш учун етарли ресурслар ҳамда молиявий ресурсларни қайта тиклаш ва ривожлантиришнинг самарали воситаларининг мавжудлиги билан аниқланади.

Иқтисодий мустақилликка эришиш йўллари ва усуллари бир қисмини молиявий режа ташкил қилувчи стратегик ривожланиш рераси билан аниқланади.

ННТларда режалаштириш биринчи навбатда молиялаш манбаларини аниқлаш, мавжуд молия ресурсларидан оптималь фойдаланиш ҳамда ўзини ўзи молиялаш манбаларидан оқилона фойдаланиш билан боғлиқдир.

Ўзини ўзи молиялаш манбаларини, яъни даромад олишга қартилган фаолиятни ташкил қилиш ННТларнинг фойда олмасликла-ри тамоилини бузмайди. ННТларни фойда олиш учун маҳсус йўналтирилмаганлиги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари-га тақиқни билдирамайди, балки олинган фойдани муассислар ёки ходимлар манфаатларида тақсимлаш тақиқланганлигини билдира-ди. ННТларнинг тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромад ННТларнинг уставида белгилаб қўйилган ўз табиатига кўра нотижорий бўлган мақсадларга эришиш учун хизмат қилиши лозим.

Самарали фаолиятни таъминлаш учун нафакат ННТнинг узок муддатли стратегияси даражасида, балки ННТ амалга ошираёт-ган дастурлар мажмуаси ҳамда ҳар бир дастур бўйича алоҳида кундалик масалалар даражасида ҳам режалаштириш керак.

Молиявий режани шакллантириш бўйича ишларнинг мантикий давоми бюджет тузишдир.

#### 3.2. Бюджет турлари

**Бюджет** – ҳар бир дастур ва умуман ННТ бўйича харажатлар ва молиялаш манбаларининг молиявий башоратидир. Бюджет маълум вақт оралиғи учун ҳисобланади. Бюджет ўзининг моҳиятига кўра башорат бўлишига қарамасдан, у энг ишончли маълумотларга асосланган бўлиши лозим. Факат шу ҳолдагина уни эҳтимоли энг катта даражадаги асосланган башорат сифатида таснифлаш мумкин.

Мавжуд шароитларда кўпчилик ННТлар кейинги йил учун қанча молиялаш ҳажмлари олишлари мумкинлигини аниқ билмайдилар.

Шунинг учун, биринчи қарашда таклиф қилинаётган усул анча мурракаб бўлса ҳам, уч хил бюджетни тузиш тавсия қилинади:

- Минимал бюджет
- Кафолатланган бюджет
- Оптималь бюджет

**Минимал бюджет** ННТларнинг барқарор фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган минимал харажатларга асосланган ҳисобкитобдир. Минимал бюджетни қоплаш учун маблағлар одатда ўз манбаларидан келиб тушади.

**Кафолатланган бюджет** молияланиши ётарли даражада эҳтимол билан кафолатланган харажатларни ўз ичига олади. Худди мана шу бюджетни раҳбариятга тасдиқлаш учун тақдим қилиш лозим. У келгуси йил учун молиявий бошқаришнинг асосий воситаси бўлади.

**Оптималь бюджет** ҳали молиялаштирилмаган ҳамма фаолият турларини ўз ичига олади ва маблағларни йиғиш бўйича таклифларни тайёрлашда фойдаланилади.

### 3.3. Бюджет моддалари

Бюджет даромад ва харажатлар қисмларига бўлинади.

Даромадлар қисмида молиялаш манбаларидан келиши назарда тутилаётган даромадлар кўрсатилади, бунда ташқи ва ўзини ўзи молиялаш манбаларини ажратиш мақсадга мувофиқдир.

Бюджетнинг харажатлар қисми кундалик харажатлар ва капитал қўйилмаларга бўлинади.

Анъанавий бюджет қўйидаги харажатларни ўз ичига олади:

- ходимларнинг иш ҳақи ва ижтимоий ажратмалар;
- хизмат сафарлари харажатлари;
- моддий харажатлар;
- ахборот таъминоти ва алоқа учун харажатлар;
- амортизация ажратмалари;
- ташқи ташкилотларнинг хизматлари;
- бошқа харажатлар.

Бюджет баъзида даромадлар ва харажатларнинг сметаси деб аталади, лекин «бюджет» тушунчаси даромадлар қисмининг ноа-ниқлик шароитларида фаолиятни режалаштиришнинг перспектив характеристига кўпроқ мос келади.

Агар биз бюджет қисмларини жадвал тарзида тасвирлайдиган бўлсак, у ҳолда биз унинг қурилишида анъанавий баланс билан ўхшашликларни кўришимиз мумкин. Худди шу жадвалнинг ўзи баланс – даромадлар ва харажатлар балансидир.

**БЮДЖЕТ**

ХАРАЖАТЛАР ҚИСМИ	ДАРОМАДЛАР ҚИСМИ
Капитал құйилмалар	Үзини үзи молиялаш манбалари
Кундалик харажатлар	Ташқи молиялаш манбалари

**3.4. Бюджет тузиш босқичлари**

Йиллик бюджетни тузиш молиявий йил бошланмасидан уч-түрт ой олдин бошланади ва йил бошланишига тасдиқланган бўлиши лозим.

Бюджет тузиш жараёни уч асосий босқични ўз ичига олади:

- Ўтган йил натижаларини таҳлил қилиш;
- Жорий йил бюджетининг бажарилишини таҳлил қилиш;
- Кейинги бюджет йили учун режалаштириш.

Ўтган йил натижаларини таҳлил қилиш ННТ фаолиятининг амалдаги кўрсаткичлари кутилаётгандаридан паст ёки юқори бўлган соҳаларни аниқлашдан иборатdir.

Агар ўтган йил бюджетининг рақамлари реал бўлса, чунки ўтган йил якунланган, жорий йил учун тўлиқ бўлмаган маълумотларга эга бўламиз – фактат 8 ёки 9 ой учун (акс ҳолда янги бюджет йил бошланишига тайёр бўлмайди). Шунинг учун жорий йил кўрсаткичлари ўтган йилнинг мос кўрсаткичлари билан таққослаб кўриш даражасида бўлиши ва янги йил учун бюджет тузишида фойдали бўлиши учун уларни мавсумийликни ҳисобга олган ҳолда бутун йил учун экстраполяция қилиш лозим. Шундай қилиб, жорий йил бюджети янги йилга лойиҳаланаётган бюджет сингари башоратли бўлади.

Биринчи икки босқич етарли даражада эҳтимол билан асосий молиялаш манбалари ва улар билан боғлиқ бўлган асосий харажатларни ҳамда маблағ йигишнинг синааб кўрилган турли усулларининг кучли ва заиф томонларини аниқлайди.

Масалан, ўтган йил натижаларини жорий йил натижалари билан таққослашда у ёки бу молиялаш манбаининг пасайиши ёки уларни олиш учун харажатларнинг кўпайиши аниқланса ва айтиб ўтилган ўзгаришларнинг таҳлили ушбу жараённи яқин келажакда орқасига қайтариб бўлмаслигини кўрсатса, у ҳолда келгуси йил бюджетининг даромад қисмига мазкур манбалар кам ҳажмларда киритилади ёки умуман киритилмайди. Манбаларни олиш учун харажатларга келсак, агар харажатларни камайтиришнинг реал имкониятлари кўринмаётган бўлса, у ҳолда бунчалик кўп харажат-

ларни талаб қылмайдиган молиялашнинг муқобил манбаларини кўриб чиқиш лозим.

Тендер таҳлили, яъни ўтган бир неча йиллар учун таҳлил келлаётган йилда бюджетда бор бўлиши кутилмаётган тасодифий характерга эга бўлган омилларни аниқлаш ва мос равишда башоратга тузатишлар киритиш имконини беради.

Кейинги йил учун бюджет тузиш якунловчи босқичдир. Уни имкони борича аниқроқ тузиш учун қуидагиларни инобатга олиш лозим:

- талаб қилинувчи харажатларни кўрсатувчи молиялаш режаси;
- ўтган йил бўйича биринчи босқичда олинган маълумотлар;
- жорий йил бўйича иккинчи босқичда олинган маълумотлар;
- ўтган ва жорий йил маълумотларини солиштириш ҳамда ўтган бир неча йиллар учун тендер таҳлили билан аниқланган молиялаш ва маблағларни харажат қилиш шарт-шароитларининг ўзгариши тенденцияси;
- кейинги йил режасини бажариш учун таъсир кўрсатиши мумкин бўлган турли янги омиллар. Масалан, кутилаётган қонунчиликдаги ўзгаришлар, янги манбадан фойдаланиш имконияти, грант олиш учун танловда ютиб чиқиш – буларнинг ҳаммаси ННТ фаолиятини молиялашнинг тузилмаси, даромадларнинг миқдори ва таркибини сезиларли даражада ўзгариши мумкин ва бу эса табиий равишда келгуси йил учун бюджет лойиҳасида ҳисобга олиниши лозим.
- келгуси йилда амалга оширилиши мумкин бўлган ҳар қандай янги ташаббуслар;
- кутилаётган харажатлар – доимий ва ўзгарувчан. Харажатларни аниқлаш одатда бюджет тузишнинг молия манбаларини излаш қисмидан анча осон қисмидир.

Бюджет тузишнинг ушбу босқичида биз келгуси йилда кўзда тутилаётган молиялаш манбалари, лойиҳаланаётган дастурлар ва уларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган харажатлар тўғрисида маълумотларга эга бўламиз. Энди бюджет тузишнинг асосий масаласига – молиялаш манбалари ва дастурлар бўйича харажатларни таққослаш ва дефицитсиз бюджет олиш учун бирбири билан мослаштиришга киришишимиз мумкин.

### **3.5. Бюджет тузишга шартли мисол**

Келаётган йил учун бюджет тузишга шартли мисолни кўриб чиқайлик.

Фараз қилайлик, кейинги йил учун уч молиялаш манбай белгиланган: аъзолик бадаллари, ННТнинг устав вазифаларига мос келувчи мавзуда услугубий қўлланма яратиш учун грантдан тушган маблағлар ва шульба корхонадан келган даромадлар; уларни мос равишда И1, И2 ва И3 билан белгилаймиз.

Келгуси йилда уч дастурни: семинарлар туркумини ташкил қилиш, услугубий қўлланма яратиш ва ННТнинг устав вазифаларини ҳал қилиш билан боғлиқ бўлган бир дастурни амалга ошириш кўзда тутилган, уларни шартли равишда Пр1, Пр2 ва Пр3 билан белгилаймиз. Ўтган йиллар ва жорий йилдаги харажатларнинг таҳлили асосида ҳар бир дастур бўйича бўладиган харажатлар аниқланган.

Бундан ташқари, шундай харажатлар борки, уларни бевосита қандайдир дастур фаолиятига тегишли деб бўлмайди. Масалан, ходимларга иш ҳаки тўлаш, умуман ННТни бошқаришни амалга ошириш, омбор ишчилари, хизмат кўрсатувчи ходимларга (фаррошлар, вахтерлар) иш ҳаки тўлаш, транспорт ва алоқа учун харажатлар, офисни ижарага олиш, офис ускуналарининг амортизацияси ва бошқалар. Ушбу харажатлар ўзининг иқтисодий мазмунига кўра маъмурий-хўжалик харажатларидир ва қайси дастурлар бажарилаётиди, қайсилари эса умуман бажарилмаётганига боғлиқ эмас. Мазкур харажатлар бюджет тузишда қўйидаги усувлардан бири билан ҳисобга олинади:

- 1) Маъмурий-хўжалик харажатлари дастурлар бўйича ННТ учун кулай бўлган усул билан тақсимланади (тақсимлаш услубияти ҳисоб сиёсатида қайд қилинган бўлиши лозим). Бу усул амалга оширилаётган дастурлар сони кам бўлганида қуладир.

- 2) Бир пайтда кўп дастурлар амалга оширилаётган ҳолларда маъмурий-хўжалик харажатларини маҳсус дастур коди билан бирлаштириб, масалан уни «ННТни бошқариш дастури» деб номланган ҳолда, алоҳида ҳисобга олиш қуладир

Ҳар қандай ҳолатда ҳам давр харажатларини ҳисобга олиш нинг қабул қилиб олинган усули ҳисоб сиёсатида акс эттирилиши лозим.

Фараз қилайлик, ҳисоб сиёсатида иккинчи усул кўзда тутилган.

Молиялаш манбаларидан олиниши режалаштирилаётган даромадлар ва башорат қилинаётган харажатлар бўйича маълумотларни жадвал кўринишида кўрсатиш қуладир:

## 1. Келаётган молиявий йил учун дастлабки бюджет

БЮДЖЕТ ҚИСМЛАРИ	ДАРО-МАД-ЛАР	ХАРАЖАТЛАР		
		ЖАМИ	ШУ ЖУМЛАДАН	
			ҮЗГАР-МАС	ҮЗГАР-УВЧАН
		ш.б.	ш.б.	ш.б.
Йил бошига фойдаланилмаган маблағларнинг қолдиги	100			
Кўзда тутилаётган молиялаш манбалари:				
И1 (аъзолик бадаллари)	500			
И2 (грант)	3000			
ИЗ (ШКлардан тушум)	1500			
ДАРОМАДЛАРНИНГ ЖАМИ	5100			
1-дастур бўйича харажатлар (семинарлар ўтказиш)		1000	200	800
2-дастур бўйича харажатлар (услубий қўлланма ишлаб чиқиш учун)		3000	1500	1500
3-дастур бўйича харажатлар		2000	300	1700
Маъмурий-бошқарув ва умумхўжалик харажатлари		300	200	100
ХАРАЖАТЛАРНИНГ ЖАМИ		6 300	2 200	4 100
БЮДЖЕТ ДЕФИЦИТИ		1200		
ОРТИБ ҚОЛГАН МАБЛАҒЛАР				

Назарда тутилаётган молиялаш манбалари кейинги йил учун лойиҳаланаётган фаолият бўйича харажатларни қопламаслиги жадвалдан кўриниб турибди. Бюджет дефицити 1200 ш.б.ни ташкил қиласди.

Бюджет тузишнинг асосий вазифаси – дефицитиз берадиган таъминлаш мақсадида даромадлар ва харажатларни бир-бирига мослаштиришдир.

**Бюджетни оптималлаштиришга харажатларни камайтириш ёки молиялаш манбаларини кўпайтириш, одатда эса кўрсатиб ўтилган йўналишларнинг ҳар иккисини комбинациялаган ҳолда эришилади.**

### **Харажатларни камайтириш**

Камайтириш имкониятларини аниқлаш мақсадида бюджетда кўзда тутилган харажатлар таҳлил қилинади. Ушбу жараён «харажатларни камайтириш» деб ҳам аталади. Харажатларни камайтиришнинг усуллари анча кўп, улар ННТнинг фаолият тури, лойиҳаланаётган дастурларнинг хусусиятлари, маҳаллий шароитлар ва бошқаларга боғлиқдир. Биз барча ННТлар учун умумий бўлган айрим усулларга тўхтаб ўтамиз.

Биринчи навбатда алока, транспорт, реклама, материаллар, техник хизмат кўрсатиш каби харажатларни қисқартириш имкониятларини кўриб чиқиш лозим. Мазкур харажатларни қатъий назорат қилинганида анча осон камайтириш мумкин.

Катор ҳолатларда харажатларни турли дастурлар бўйича харажатларни бирга қўшиб амалга ошириш йўли билан камайтириш мумкин. Фараз қилайлик, кўриб чиқилаётган мисолда 1-дастур бўйича семинарларнинг мавзуси 2-дастурда ишлаб чиқилиши лозим бўлган масалалар (услубий кўлланма яратиш) билан ҳамоҳангидир, шунинг учун 2-дастурнинг ижрочиларига услубий кўлланма учун тайёрланган материаллар асосида семинар учун маъruzалар тузиш ва уларни ўқиш таклиф қилинди. 1- ва 2-дастур бўйича ишларни бажариш муддатларини мувофикалаштириш мақсадида семинарлар туркуми 2-дастур бўйича услубий кўлланманинг асосий бўлимларини тугатиш назарда тутилган анча кейинги муддатга кўчирилди. Бундай бирлаштириш 1-дастур бўйича иш ҳаки ҳамда моддий харажатларни (семинар иштироокчиларига тарқатма материал сифатида услубий кўлланманинг тезис вариантидан фойдаланиш назарда тутилган) анча камайтириш имконини берди.

З-дастур бўйича харажатларни камайтириш имкониятларини кўриб чиқиша бошқа вариантлардан фойдаланилди. Кўнгилли-

лар (волонтерлар) билан ишларнинг бир қисмини беғараз бажа-ришга, хизматлар кўрсатувчилар билан эса – кўрсатилаётган хизматларнинг нархини пасайтиришга келишилди. Амалга оширилган маркетинг тадқиқотлари натижасида доимий етказиб берувчи ларнинг бир қисми дастурлар учун керакли материалларни анча паст нархларда етказиб берувчилар билан алмаштирилди.

2-дастур бўйича назарда тутилган харажатларга келсак, уларга тузатишлар киритилмайди, чунки улар худди мана шу ҳажмда грант берувчи томонидан тасдиқланган.

Харажатларни камайтириш бўйича амалга оширилган ишлар натижасида бюджет кўйидаги кўринишга келади:

## 2. Харажатлар қисмига тузатишлар киритилган бюджет

БЮДЖЕТ ҚИСМЛАРИ	ДАРО-МАД-ЛАР	ХАРАЖАТЛАР		
		ЖАМИ	ШУ ЖУМЛАДАН	
			ЎЗГАР-МАС	ЎЗГАРУВ-ЧАН
		ш.б.	ш.б.	ш.б.
Йил бошига фойдаланилмаган маблағларнинг қолдиги	100			
Кўзда тутилаётган молиялаш манбалари:				
И1 (аъзолик бадаллари)	500			
И2 (грант)	3000			
И3 (ШКлардан тушум)	1500			
ДАРОМАДЛАРНИНГ ЖАМИ	5100			
1-дастур бўйича харажатлар (семинарлар ўтказиш)		600	150	450
2-дастур бўйича харажатлар (услубий кўлланма ишлаб чикиш учун)		3000	1500	1500

З-дастур бўйича харажатлар		1500	200	1300
Маъмурий-бошқарув ва умумхўжалик харажатлари		300	200	100
ХАРАЖАТЛАРНИНГ ЖАМИ		5400	2050	3350
БЮДЖЕТ ДЕФИЦИТИ		300		
ОРТИБ ҚОЛГАН МАБЛАГЛАР	-			

Шундай қилиб, харажатларни камайтириш жараёни бажарилганидан сўнг бюджет дефицити анча камайди, лекин бюджет дефицитлигича қолмокда. Харажатларнинг кейинги камайтирилиши лойиҳаланаётган дастурлар бўйича ишларнинг бажарилиш сифати пасайишига олиб келади, бунга эса йўл қўйиб бўлмайди.

Шунинг учун қўшимча молиялаш маблағларини аниқлаш мақсадида бюджетнинг даромад қисмига мурожаат қилиш кейинги қадам бўлади. Булар қандай манбалар бўлиши мумкин?

Биринчи наабатда яна бир бор шахсий имкониятларни чамалаб кўриш лозим: бюджетнинг даромад қисмини ортириш масадида ННТ тасарруфидаги маблағлардан фойдаланиш мумкинми?

Мавжуд манбаларнинг таҳлили бундай ички резервлар мавжудлигини кўрсатади. Шульба корхоналардан тушумлар келгуси йилнинг марта месецидан кутилмоқда, грант бўйича маблағлар январда келиб тушади, дастурлар бўйича харажатлар эса бир йилга ҳисобланган, шундай қилиб маълум вақт давомида ННТ қўшимча молиялаш манбалари олиш учун фойдаланиши мумкин бўлган вақтинча бўш маблағларга эгадир. Энг оддий ечим – бўш маблағларни қиска муддатли давлат облигациялари ёки ННТга хизмат кўрсатувчи банкда депозит ҳисобварағига қўйишидир.

Ҳисоб-китоблар дастурларни ўз вақтида молиялашга зарар етказмасдан 2000 ш.б.ни 9 ойга депозит ҳисобварағига қўйиш мумкинлигини кўрсатади, бунда соликни чегириб ташлаганда фоизли даромад 150 ш.б.ни ташкил қиласди.

Бундан ташқари, З-дастурни бажариш учун харажатларнинг 20 фоизини ўзига олувчи бошқа нотижорат ташкилотини жалб қилишга келишилган. Бу эса қўшимча 300 ш.б. келиб тушиши кутилаётган яна бир қўшимча молиялаш манбай пайдо бўлганлигидан да-лолат беради.

Ва ниҳоят, 1-дастур бўйича семинарларнинг бир қисмини пулли қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган, бу эса ҳисоблашларга кўра бюджетнинг даромад қисмини қўшимча яна 200 ш.б.га ортиши лозим.

Шундай қилиб, қўшимча молиялаш манбаларини жалб қилиш ёрдамида бюджет дефицити тутатилган ва даромадларнинг харажатлар қисмидан 350 ш.б.га ортишига (бюджет профицитига) эришилган.

### 3. Даромад ва харажатлар қисмига тузатишлиар киритилган бюджет

БЮДЖЕТ ҚИСМЛАРИ	ДАРОМАДЛАР	ХАРАЖАТЛАР			
		ЖАМИ	ШУ ЖУМЛАДАН		
			ҮЗГАРМАС	ҮЗГАРУВЧАН	
		ш.б.	ш.б.	ш.б.	ш.б.
Йил бошига фойдаланилмаган маблағларнинг қолдиги	100				
Кўзда тутилаётган молиялаш манбалари:					
И1 (аъзолик бадаллари)	500				
И2 (грант)	3000				
И3 (ШКлардан тушум)	1500				
И4 (Депозит бўйича фоизли даромадлар)	150				
И5 (Биргаликдаги фаолиятдан даромадлар)	300				
И6 (Пулли хизматлар кўрсатишдан даромад)	200				
ДАРОМАДЛАР ЖАМИ	5750				
1-дастур бўйича харажатлар (семинарлар ўтказиш)		600	150	450	
2-дастур бўйича харажатлар (услубий кўлланма ишлаб чиқиш учун)		3000	1500	1500	

З-дастур бўйича харажатлар		1500	200	1300
Маъмурӣ-бошқарув харажатлари		300	200	100
ХАРАЖАТЛАРНИНГ ЖАМИ		5400	2050	3350
БЮДЖЕТ ДЕФИЦИТИ				
ОРТИБ ҚОЛГАН МАБЛАГЛАР	350			

Бу илгари қисқартирилган харажатлар қисмини қайта тиклаб, харажатларни 350 ш.б.га кўпайтириш мумкинлигини англатадими? Агар харажатларни камайтириша асосий шарт дастурлар бажарилишининг сифатини пасайтирмаслик бўлганини ҳисобга оладиган бўлсак, жавоб салбий бўлади.

Юқорида биз ННТ фаолиятини изчиллик билан кенгайтириш имкониятларини молиявий таъминлаш учун устав мақсадларига нодавлат нотижорат ташкилотларининг ресурсларини ривожлантириш вазифасини киритиш зарурати тўғрисида айтиб ўтган эдик. Шунинг учун ННТ фаолияти дастурида бошқа дастурлар билан бир қаторда «Ресурсларни ривожлантириш» дастури бўлиши лозим. Бу дастурга кўра маблағларнинг маълум қисми стратегик масалаларни ечиш учун жамланади.

Дастлабки бюджетда мазкур дастур бўйича харажатлар назарда тутилмаган эди (дастлабки бюджет дефицитли бўлганини эслаб кўрайли). Ушбу дастурни, уни бажариш учун ортиқча маблағларни йўналтирган ҳолда, бюджет тузишнинг якуний босқичида бюджетга киритамиз. Якуний бюджетнинг даромад қисми унинг харажатлар қисмiga teng, ортиқча маблағлар ҳам, дефицит ҳам йўқ.

#### 4. Келгуси молиявий йил учун якунний бюджет

БЮДЖЕТ ҚИСМЛАРИ	ДАРО- МАД- ЛАР	ШУ ЖУМЛАДАН		
		ЖАМИ	В ТОМ ЧИСЛЕ	
			ЎЗГАР- МАС	ЎЗГАРУВ- ЧАН
	ш.б.	ш.б.	ш.б.	ш.б.
Йил бошига фойдаланилмаган маблағларнинг қолдиги	100			

Кўэда тутилаётган молиялаш манбалари:				
И1 (аъзолик бадаллари)	500			
И2 (грант)	3000			
И3 (ШКлардан тушум)	1500			
И4 (депозит бўйича фоизли даромад)	150			
И5 (биргаликдаги фаолиятдан даромад)	300			
И6 (пулли хизматлар кўрсатишдан даромад)	200			
<b>ЖАМИ ДАРОМАДЛАР</b>	<b>5750</b>			
1-дастур бўйича харажатлар (семинарлар ўtkазиш учун)		600	150	450
2-дастур бўйича харажатлар (услубий кўлланма ишлаб чиқиш учун)		3000	1500	1500
3-дастур бўйича харажатлар		1500	200	1300
Маъмурӣ-бошқарув ва умумхўжалик харажатлар		300	200	100
“Ресурсларни ривожлантириш” дастурига маблағларни жамлаш		350	350	
<b>ЖАМИ ХАРАЖАТЛАР</b>	<b>5750</b>	<b>2400</b>	<b>3350</b>	
<b>БЮДЖЕТ ДЕФИЦИТИ</b>	-			
<b>ОРТИГ ҚОЛГАН МАБЛАҒЛАР</b>	-			

Харажатларни камайтириш янги молиялаш манбаларини ўзлаштириш билан бирга шахсий ресурсларни ривожлантириш учун маблағларни жамлаш имконини беради. Оқилона режалаштириш натижасида шундай кун келадики, бунда сизнинг нодавлат нотижорат ташкилотингиз устав мақсадларининг кўпчилиги ички манбалар ҳисобига молиялаштирилади.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, мазкур мисолда «Ресурсларни ривожлантириш» дастури қолдик принципи асосида молиялаштирилган, лекин ННТнинг уставида уни амалга ошириш учун даромаднинг бир қисмини йўналтириш назарда тутилиши мумкин.


«Ресурсларни ривожлантириш» дастури бўйича жамланган маблағларни «Мақсадли тушумлар» номли 96-хисобварақнинг алоҳида кичик ҳисобварағи шаклига (58-хисобварақ «Кисқа муддатли кўйилмалар», 51 «Хисоб-китоб ҳисобварағи», 01 «Асосий воситалар» ва бошқалар) мос бўлган актив билан корреспонденциядага акс эттириши тавсия қиласиз.

Якуний бюджет ННТ раҳбарияти томонидан тасдиқланади.

Келгуси йил учун бюджет башоратли эканлигини эсдан чиқармаслик лозим ва уни амалда бажарилиш кўрсаткичлари башорат қилинган миқдорлардан у ёки бу томонга фарқ қилиши мумкин.

Тахмин қилинган даромадлар ва харажатлар амалдагисидан кескин фарқ қиласлиги учун ҳар чорақда бюджетни қайта кўриб чиқиш тавсия қилинади.

Биз тузган бюджетда факат бир дастур – **Пр2** (Услубий қўлланма тузиш) бир манбадан молиялаштирилади, чунки мазкур иш грант бўйича бажарилади, қолган барча дастурларни турли манбалардан молиялаштиришни назарда тутиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Молиялаштириш чизмасини кўйидагича тасвирлаш мумкин:



**Бюджет тузиш бўйича айрим тавсиялар**

1. Маъмурий харажатларни шахсий маблағлар ҳисобига молиялашга ҳаракат қилинг, бу донорлардан анча мустақил бўлингизга ёрдам беради;
2. Маъмурий харажатларни иложи борича камайтиришга ҳаракат қилинг;
3. Жорий йил ва ўтган йиллар натижаларининг таҳлилидан келгуси йил учун бюджет тузишида фойдаланинг, ўтмишда бўлган барча тасодифий даромадлар ва харажатлар қисмларини чиқарив ташланг – уларнинг қайтарилиш эҳтимоли жуда ҳам камдир;
4. Молиялаш манбаларини комбинациялашга ва улардан бирга фойдаланишга ҳаракат қилинг;
5. Келгуси йилда бажарилиши кўзда тутилаётган дастурлар орасида ресурсларни ривожлантириш дастури бўлиши лозим;
6. Консерватив бўлинг. Бу олиниш эҳтимоли кам бўлган даромадларнинг бюджетнинг даромадлар қисмига киритилмаслигини, шундай эҳтимолга эга бўлган харажатларни бюджетнинг харажатлар қисмига киритиш лозимлигини англатади.

## IV. ННТ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

### 4.1. Ташқи назорат

Агар ННТлар тадбиркорлик фаолиятини амалга оширмаётган ва солиқлар тўламаётган бўлса, улар томонидан солиқ интизомига риоя қилинишини текширишдан маъно йўқ, агар улар давлат грантлари ва субсидиялардан фойдаланмасалар, у ҳолда бошқа давлат органлари ҳам ННТларни текширмасликлари лозим деб ўйлаш хато бўлар эди. Ҳақиқатда ҳам тижорат фаолияти амалга оширилмаётидими, ННТнинг юридик ва жисмоний шахслардан олинган маблағлари нима мақсадларга ишлатилмоқда, устав фаолияти ҳамда умумхўжалик фаолиятини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конунчилигининг бузилишлари йўқми, ННТ активлари сунистеъмол қилишлардан яхши муҳофазаланганми – ушбу масалалар доираси ҳудудида ННТ фаолият кўрсатаётган ҳар қандай давлатни қизиқтирумасдан қолмайди. Шунинг учун ННТларнинг фаолияти, ҳар қандай юридик шахснинг фаолияти каби, солиқ инспекцияси, прокуратура, молия вазирлигининг назорат-тафтиш бошқармаси каби давлат органлари ҳамда юридик шахслар фаолиятининг турли жиҳатларини назорат қилувчи органлар томонидан назорат қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Конунининг 21-моддасига биноан ННТни рўйхатдан ўтказган орган ННТ уставининг фаолият мақсадларига тегишли қоидаларига риоя қилинишини назорат қиласди.

Ташқи назорат грант берувчи томонидан ҳам амалга оширилади: грант берувчига топшириладиган ҳисобот комплектига мажбурий равишда ҳисобот тузишда фойдаланилган бирламчи ҳужжатлар киритилади. Грант берувчи ННТга ажратилган маблағларнинг мақсадли фойдаланилишини назорат қилишга ҳам ҳақлидир, масалан, у грант бўйича сотиб олинган ҳисоблаш техникаси жойида ҳақиқатда ҳам борми ва ундан қандай мақсадда фойданилаётганини текшириши мумкин.

Ижтимоий фонд шаклидаги ННТ ҳар йили мажбурий равишда аудиторлик текширувидан ўтиши лозим.

Агар ННТ Ўзбекистон Республикасига мурувват ёрдами беришва (ёки) бегараз техник кўмак бўйича халқаро лойиҳаларда қатнашаётган бўлса, мурувват ёрдами юкларини олиш, сақлаш ва тақсимлаш устидан ташқи назорат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 июлдаги «Мурувват ёрдамидан ва бегараз техник кўмакдан мақсадли фойдаланилишини таъминлаш

чора-тадбирлари түгрисида» 268-сон қарорига 1-иловага мувофиқ амалга оширилади (қарорнинг матни мазкур қўлланма иловаларида келтирилган).

Ташқи назоратнинг ижобий натижалари ННТ учун ҳатто тижорат ташкилотидан ҳам катта аҳамиятга эга, чунки дод тушмаган обрў ННТнинг янги эҳсонлар, грантлар ва субсидиялар тарзида дивиденклар келтирувчи асосий капиталидир. Ташқи назоратнинг натижалари ижобий бўлиши учун самараали ички назорат тизими зарурдир.

#### **4.2. Ички назорат**

ННТлар учун ички назоратнинг асосий мақсади маълумотларнинг етарли даражада тўлиқлик ва аниқлик даражасини таъминлаш, активларни сақлаб қолиш ва маблағлардан мақсадли фойдаланишdir.

Ички назоратнинг асосий элементлари қўйидагилардир:

- Бюджет назорати;
- Активларнинг бутлигини назорат қилиш;
- Ҳисобни назорат қилиш.

**Бюджет назорати** – ННТ маблағларидан оқилона ва мақсадли фойдаланишини назорат қилишdir, амалдаги харажатларни бюджетда кўзда тутилган харажатлар билан солишириш орқали амалга оширилади.

Бюджет харажатлар сметасини тузиш учун асос бўлиб хизмат қиласи. Смета ҳар бир дастур учун алоҳида ва умуман ННТ учун тузилади. Йиллик смета тузилганидан кейин уни дастурлар бўйича ишлиш графигига мос равишда ойлар бўйича сметаларга бўлинади. Сўнгра харажатлар сметасининг бир нусхаси дастурлар бўйича менежерга топширилади, бошқаси эса бухгалтерияда қолади. Дастурлар бўйича менежер сметага риоя қилиш учун жавобгардир. Ички хужжатлар айланишини сметанинг бажарилиши түгрисидаги ҳисботни ҳар ойда бухгалтерияга топширилишини назарда туган ҳолда ташкил қилиш мақсадга мувофиқ бўлар эди, бу амалдаги ва башорат қилинган кўрсаткичлар орасида сезиларли фарқлар мавжуд бўлган ҳолларда ўз вақтида чоралар кўриш ёки бюджетга тузатишлар киритиш ёки дастурларни амалга ошириш усууларига ўзгартиришлар киритиш имконини беради.

**Активларнинг бутлигини назорат қилиш** суистеъмоллик имкониятларини истисно қилиш мақсадида хужжатларга виза қўйиш тизимини ташкил қилишдан; моддий бойликларни сақлаш, ҳисобга олиш ва уларни бошқариш бўйича вазифаларни ажра-

тишдан; активларни сақлашнинг техникавий шарт-шароитларини таъминлашдан, 19-сон БХМСга мувофиқ равишда инвентарлаштиришни амалга оширишдан иборатдир.

**Ҳисоб назоратининг ташкилий қисмлари қўидагилардан иборатдир:**

- Операцияларнинг вақт бўйича тўғри акс эттирилишини назорат қилиш;
- Операцияларни ўз вақтида ва тўлиқ рўйхатдан ўтказиш;
- Операцияларни бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида проводжалар билан тўғри акс эттирилишини назорат қилиш.

Умуман ННТ фаолиятининг самарадорлиги ички назорат тизимининг қанчалик самарали ташкил қилингандигига боғлиқдир.

## V. ННТларга СОЛИҚ СОЛИШ

### 5.1. Ўзбекистон Республикасида солиқлар тизими ва ННТларга бериладиган солиқ режимларининг хусусиятлари

Солиқ қонунчилиги Солиқ кодекси, солиқлар ҳамда йиғимлар соҳасидаги муносабатларни тартибга соловучи бошқа қонулар ва бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатлардан иборатdir.

Ўзбекистон Республикасида солиқ муносабатларини тартибга соловучи асосий қонун ҳужжати 1997 йил 24 апрелда Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган ва 1998 йил 1 январдан амалга киритилган Солиқ кодексидир. Солиқ солиш масалалари бўйича қонуности ҳужжатларнинг қоидалари ушбу Кодексга мувофиқ бўлиши лозим.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида ушбу Кодексдагидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, у ҳолда халқаро шартнома қоидалари кўлланилади.

Солиқ қонунчилигига биноан Ўзбекистон Республикаси худудида амал қилинадиган солиқлар тизимига умумдавлат солиқлари ҳамда маҳаллий солиқлар ва йиғимлар киради. Солиқларни умумдавлат ёки маҳаллий солиқ ва йиғимларга ажратиш Солиқ кодексининг олтинчи ва еттинчи моддалари асосида тартибга солинади.

Хозирги кунда Ўзбекистон Республикаси худудида амалда бўлган **умумдавлат солиқларига** юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғи, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи, кўшилган қиймат солиғи ва бошқалар киради. Умумдавлат солиқлари ставкалари Олий Мажлис томонидан ёки Олий Мажлис ваколатлаган орган томонидан белгиланади. Масалан, юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғи бўйича Солиқ кодексининг 28-модда иккинчи қисмида кўзда тутилганидек, ҳар йили Давлат бюджети тасдиқланаётган вақтда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамаси юридик шахсларнинг даромадларига (фойдасига) солинадиган солиқ ставкасини ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган энг юқори миқдоридан кўпайтирмай белгилаган ҳолда уни қайта кўриб чиқиши мумкин. Ушбу норманинг қонун чиқарувчи томонидан белгиланган хозирги кундаги энг юқори миқдори солиқ олинадиган даромад (фойда)нинг ўттиз беш фоизини ташкил этади.

**Маҳаллий солиқ ва йиғимлар** ўз навбатида қуидагиларга ажратиласди:

- маҳаллий солиқлар, Ўзбекистон Республикаси қонун хужкатлари орқали жорий этилади ва унинг ҳудудида амалда бўлади (молмулк солиги, ер солиги). Ушбу маҳаллий солиқ нормалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

- маҳаллий солиқ ва йигимлар, Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри давлат ҳокимияти органлари томонидан жорий этилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ушбу нормаларнинг факат энг юқори миқдорини белгилайди. Белгиланган миқдордан юқори бўлмаган нормаларнинг аниқ миқдорларини юқорида қайд этилган давлат ҳокимияти органлари мустақил равишда белгилайди. Ушбу солиқ ва йигимлар бўйича имтиёзлар бериш тартиби хам амалдаги қонунлар асосида улар томонидан мустақил равишда белгиланади.

Умумқабул қилинган тизим билан бир қаторда **айрим тоифадаги корхоналарга солиқ солишда ўзига хос ҳусусиятлар мавжуддир\***.

Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлашни назарда тутувчи солиқ солиш тизими кўлланилиши мумкин. Акциз солиги тўланадиган маҳсулот ишлаб чиқарувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар акциз солиги тўлаш шарти билан ягона солиқ тўлашга ўтишлари мумкин.

Рўйхати Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланувчи тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турларини амалга оширганда, мазкур микрофирмалар ва кичик корхоналар қатъий белгиланган муайян солиқ суммасини тўлайдилар.

Ушбу рўйхатда кўрсатилмаган фаолият турларини амалга оширганда, микрофирмалар ва кичик корхоналар ўз хоҳишларига кўра ёки ягона солиқни ёки ушбу солиқ тўловчилар тоифаси учун белгиланган барча солиқлар тўпламини тўлайдилар.

Улгуржи савдо (чакана савдо соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналардан ташқари) ва умумий овқатланиш корхоналари бюджетга ялпи тушумдан (товар айланмаси ҳажмидан) ягона солиқ тўлайдилар. Чакана савдо соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналар белгиланган даромаддан олинадиган ягона солиқ тўлайдилар.

Кишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар амалдаги барча умумдавлат ва маҳаллий солиқлар ҳамда йигимлар ўрнига, алкоголли маҳсулотлар учун акциз солиги бундан мустасно, ягона ер солиги тўлайдилар.

\* ННТлар шуъба корхоналарини ташкил қилишда солиқ солишнинг алоҳида режимларидан фойдаланиши мумкин.

Тадбиркорликнинг айрим турлари бўйича белгиланган стависаларда ўрнатилган солиқ суммасини тўлашни назарда тутувчи алоҳида солиқ солиши тартиби мавжуд.

Рўйхати Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Мажхамаси томонидан белгиланувчи фаолиятнинг алоҳида турларини амалга оширганда, корхоналар қатъий белгиланган муайян солиқ суммасини тўлайдилар.

Ўзбекистондаги нодавлат нотижорат ташкилотлар ривожланишини рағбатлантириш учун давлат томонидан ишлатиладиган солиқ имтиёzlари ва преференциялари тизимида учта асосий йўналишни алоҳида кўrsатиш мумкин:

- 1) нотижорат ташкилотларини маълум турдаги соликлардан озод қиласди;

- 2) эҳсон қилаётган юридик шахсларга солиқ имтиёzlари беради;

- 3) нотижорат ташкилотларнинг мулки бўлган корхоналарнинг даромад солиги солинувчи базани мазкур нотижорат ташкилотнинг устав мақсадларига йўналтирилган даромад (фойда)дан тўловлар суммаси микдорида камайтиради

Солиқ имтиёzlари каби иктисодий бошқариш воситасидан фойдаланиш ННТлар учун солиқ режимининг характерли белгисидир. Солиқ имтиёzlари давлат томонидан билвосита субсидијаларнинг шаклидир ва устувор соҳаларда банд бўлган ижтимоий фойдали нодавлат нотижорат ташкилотларни кўллаб-куватлашга йўналтирилгандир. Бунда уларнинг кўп вариантилиги ва салмоклилиги ННТларга солиқни режалаштириш, ташкилот тузилмасини оптималлаштириш, фаолиятининг барқарорлиги ва самардорлигини оширишда кенг имкониятлар яратади.

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексида солиқ солиши обьекти тадбиркорлик фаолиятининг натижалари билан бўғлиқдир. Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинликларининг кафолатлари тўғрисида»ги Конунининг З-бандида мустаҳкамлаб қўйилган тадбиркорлик фаолиятининг таърифини (қаранг: мазкур қўлланманинг 1.2-бўлими – Асосий терминлар) ННТлар томонидан амалга оширилётган тадбиркорлик фаолиятига ҳам кўлласа бўлади, чунки Ўзбекистон Республикаси конунчилигида бу борада мустаснолар кўзда тутилмайди.

Амалдаги солиқ қонунчилиги солиқ ва божхона имтиёzlарини олиш хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда, ННТларга солиқ солиши шартли равишда икки ҳукукий режимга дифференциаллаш учун асос беради:

1) Солиқ, Божхона кодекслари ва тегишли давлат тузилмаларининг норматив ҳужжатларида белгиланган ва ҳамма учун мажбурий характерга эга бўлган ННТларга солиқ имтиёзлари берилишининг умумий режими;

2) Ҳукумат органларининг алоҳида ва маҳсус қарорлари билан ташкил қилинган нодавлат тузилмалар учун имтиёзлар бериш режими<sup>\*</sup>

Ҳар икки режимнинг батағсиял характеристикаси ННТларга алоҳида солиқ турлари бўйича солиқ солиши кўриб чиқиша келтирилган.

Солиқ ҳақидаги конун ҳужжатларини бузганлиги учун нодавлат нотижорат ташкилотларига нисбатан солиқ тўловчи сифатида Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 135-моддасида кўзда тутилган молиявий жазо чоралари қўлланилади, уларнинг мансабдор шахслари эса конунчилликка мос равишда маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Мансабдор шахслар томонидан солиқ қонунчилигини бузганлиги факат маъмурий, шу жумладан жарималар тарзида ҳамда жиноий жавобгарликка олиб келади, бу ҳолда моддий жавобгарликка ННТ тортилади.

Агар бир турдаги солиқ ва йигимлар тўланмаганида бошқа турдаги солиқлар ва йигимлар учун тўланган пулнинг ортиқаси мавжуд бокимандани коплайдиган бўлса, у ҳолда ННТлар бошқа солиқ тўловчилар каби жавобгарликдан озод қилинадилар. Йўл қўйилган хато солиқ органи томонидан ҳужжатли текширув амалга оширилгунга қадар мустақил бартараф қилинган бўлса, у ҳолда ташкилот пеня тўлашни мустасно қилган ҳолда жавобгарликдан озод қилинади.

Ташкилотлардан солиқ ва йигимлар бўйича бокимандалар ҳамда молиявий жазо суммаларини ундириб олиш солиқ органлари томонидан сўzsиз тартибда амалга оширилади. Бокимандаларни тўлаш солиқ мажбуриятларини бажаришдан озод қilmайди.

Ташкилот томонидан солиқ қонунчилиги бир неча маротаба бузилган бўлса, ҳар бир қонун бузилиш ҳолатларига нисбатан алоҳида молиявий жазо чоралари қўлланилади.

\* У ёки бу нодавлат нотижорат ташкилотларни тузиш ва улар фаолиятини давлат ҳокимияти органларининг маҳсус ҳужжатлари воситасида бошқариш ННТлар ҳалқаро практикасида тарқалмаган. Лекин Ўзбекистон Республикасида бундай ташкилотлар мавжуддир, шунинг учун мазкур қўлланмада уларга солиқ ва божхона имтиёзларини бериш масалаларининг алоҳида хусусиятлари кўриб чиқилади.

Агар ННТлар тўғрисидаги қонунчиликни бузганлиги учун молиявий жазога тортилган ташилот жазо чораси кўрилган кундан бошлаб бир йил давомида яна шундай хукуқбузарликни такрор-ламаса, бундай ташкилот жазоланмаган ҳисобланади.

## **5.2. ННТларга умумдавлат ва маҳаллий соликларнинг алоҳида турлари бўйича солик солиш. Имтиёзлар бериш ва уларни қўллаш тартиби**

### **Ташкилотларнинг даромадига (фойдасига) солинадиган солик**

#### **Умумий қоидалар**

Юридик шахсларнинг даромадига (фойдасига) солинадиган соликларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикасининг Солик кодекси, Юридик шахсларнинг даромади (фойдаси)га солинадиган соликни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги йўрикнома (Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2002 йил 13 марта 1109-сон билан рўйхатдан ўтказилган) ва бошқа норматив хужжатлар билан тартибга солинади.

Солик кодексининг ННТларга тегишли бўлган юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиги масалалари бўйича энг муҳим қоидаларини келтирамиз.

Молия йилида солик солинадиган даромадга (фойдага) эга бўлган юридик шахслар даромад (фойда) солиги тўловчилар ҳисобланади.

**Солик солиш мақсадида юридик шахс сифатида мулкдорлигига, хўжалик юритишида ёки тезкор бошқарувида молмулкка эга бўлган ва ўз мажбуриятлари бўйича ушбу мол-мulk билан жавобгар бўлувчи ҳамда мустақил баланс ва ҳисобварагига эга бўлган корхона ва ташкилотларнинг барча турлари (шу жумладан уларнинг алоҳида бўлинмалари) тушунилади.**

**Солик солиш объекти** сифатида ялпи даромад ва Ўзбекистон Республикасининг Солик кодексига мос равишда белгиланган чегирмаларнинг айримаси тарзида ҳисобланган даромад олинади.

Жами даромаднинг таркиби ва чегирмаларни ҳисоблаб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Солик кодексининг 5-6-боблари билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси Солик кодексининг 28-моддасига кўра, юқорида таъкидланганидек, юридик шахсларнинг солик

солинадиган даромадига (фойдасига) энг юқори – ўттиз беш фоизлик ставка бўйича солиқ солинади. Ҳар йили давлат бюджетини тасдиқлашда Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси юридик шахслар учун даромад (фойда) солиғининг ставкасини кўрсатиб ўтилган энг юқори миқдордан ортиқ бўлмаган ҳолда белгилаб қайта кўриб чиқиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 30 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2003 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 455-сон қарорига мувофик (Вазирлар Маҳкамасининг 455-сон қарорига З-илова) 2003 йилда юридик шахсларнинг даромадидан (фойда) олинадиган солиқнинг қўидаги ставкалари белгиланган:

N	Солиқ тўловчиilar	Солиқ солинадиган даромадга (фойдага) нисбатан % да солиқ ставкалари
1	Юридик шахслар (2-4-бандларда назарда тутилганлари бундан мустасно)	20
2	Аукционлар ўtkазишдан, гастрол-концерт фаолияти билан шуғуланишга лицензияси бўлган юридик ва жисмоний шахсларни, шунингдек норезидентларни жалб қилган ҳолда оммавий томоша тадбирларини ташкил этишдан даромад олувчи юридик шахслар	35
3	Устав капиталида 50 фоиз ва ундан кўп хорижий сармояга эга бўлган ишлаб чиқариш корхоналари устав капиталининг миқдори 1,0 млн. АҚШ долларигача тенг ва ундан юқори бўлгандан	16
4	Болалар ассортименти, аёллар гигиенаси предметлари ва бадиий хунармандчилик буюмлари ва болалар ўйинчокларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган юридик шахслар *)	10

5	Үзи ишлаб чиқарған товарларда әркін алмаштириладын валютада товарлар (ишлар, хизматлар) экспортининг улуши құйидагиларни ташкил қылувчы ташкилоттар - экспортчилар:	
	Умумий реализация ҳажмида 15 дан 30 фоизгача	Белгиланған ставка 30%га пасайтирилады
	Умумий реализация ҳажмида 30 фоиз ва үндан ортиқ	Белгиланған ставка 2 баравар пасайтирилады

\*) Ихтисослашлган корхоналарға құйидаги махсулотларни ишлаб чиқарувчы корхоналар киради:

- ишлаб чиқарылған махсулотлар умумий ҳажмининг 60%дан кам бўлмаган қисмини ташкил этувчи болалар ассортименти махсулотлари;

- аёллар гигиенаси буюмлари ва бадиий ҳунармандчиллик махсулотлари ишлаб чиқарылдиган махсулотларнинг 60%дан кам бўлмаган қисмини ташкил этганда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 13 ноябрдаги 2002 йил «Бозорни истеъмол товарлари билан тўлдиришни рафбатлантириш ҳамда ва ишлаб чиқарувчилар ва савдо ташкилотларининг ўзаро муносабатларни такомиллаштириш чора тадбирлари» тўгрисида» 390-сон карорига биноан:

- истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчы корхоналар истеъмол товарлари ишлаб чиқаришдан олинган даромадлардан даромад (фойда) солигини амалдаги ставқадан 20%га камайтирилган ставқада тўлайдилар;

- болалар ассортименти махсулотларини ишлаб чиқарувчы корхоналар, ушбу махсулотларни ишлаб чиқаришдан олинган даромад (фойда) бўйича 7 фоиз ставқада даромад солиги тўлайдилар.

Юқорида келтирилган кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида юридик шахсларга солинадиган даромад (фойда) солигининг ставкаларини умумбелгиланганидан паст бўлиши мумкин бўлган шарт-шароитлар кўзда тутилган.

### **Юридик шахсларга солинадиган даромад (фойда) солиги бўйича имтиёзлар.**

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 31-моддаси даромад солигини тўлашдан озод қилинган юридик шахслар рўйхатини

Ўз ичига олади, мазкур Кодекснинг 32-моддаси эса мазкур моддада назарда тутилган мақсадлар учун харажат қилинувчи суммага солиқ солинадиган базани камайтиришни назарда тутади. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 31-32-моддаларини қўллаш Адлия ва зирлиги томонидан 2002 йил 13 марта 1109-сон билан рўйхатдан ўтказилган Юридик шахсларнинг даромади (фойдаси)га солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджеттага тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 21-22-бандларида тартиба солинган. Ушбу қоидаларга мувофиқ, даромад (фойда) солигини тўлашда юридик шахслар куйидаги имтиёзлардан фойдаланадилар.

Даромад солигини тўлашдан куйидаги юридик шахслар озод қилинади:

- протез-ортопедия буюмлари, инвентари ишлаб чиқаришга, шунингдек ногиронларга хизмат кўрсатишга ихтисослашган юридик шахслар – асосий фаолият тури бўйича;
- жамоат ташкилотлари, «Нуроний» жамғармаси ва «Ўзбекистон Чернобилчилари» ўюшмасининг мулкида бўлган ва ишловчилари умумий сонининг камида эллик фоизини ногиронлар, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фаҳрийлари ташкил этган юридик шахслар, савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланадиган юридик шахслардан ташқари.

Йўриқноманинг 21-банди «в» кичик бандининг иккинчи қисмига биноан кўрсатиб ўтилган имтиёзни олиш учун ҳукуқни аниқлашда ишловчиларнинг умумий сонига корхона штатида бўлган ишчилар, шу жумладан ўриндошлик бўйича ишловчилар ҳамда корхона штатида бўлмаган ишчилар (пудрат шартномаси ва фуқаровий-ҳукукий характерга эга бўлган бошқа шартномалар асосида ишларни бажарувчилар) киритилади.

- даволаш муассасалари қошидаги даволаш-ишлаб чиқариш устахоналари;
- жазони ижро этиш муассасалари;

**● нотижорат\*- тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлардан (фойдадан) ташқари.**

\*Солиқ солиши мақсадида нотижорат ташкилот сифатида Солиқ кодексида куйидагилар тушунилади:

- Фақат давлат маблағлари ҳисобига молияланувчи, характерларни қоплаш учун тасдиқланган сметалар чегарасида бюджетдан дотация олувчи корхона, муассаса ва ташкилотлар;

- хайрия бирлашмалари, ўюшмалар ва фонdlар, халқаро ташкилотлар, диний бирлашмалар ва бошқа ташкилотлар;

а) ижтимоий-хайрия ёки бошқа мақсадлар учун ташкил қилинған, таъсис ҳужжатларида айтиб ўтилган тадбиркорлик фаолиятидан даромад олишни күзде тутмайдиган;

б) молиявий ва бошқа маблағларни ишчиларнинг, муассисаларнинг ёки мазкур ташкилотнинг аъзолари шахсий манфаатларида тақсимламайдиган (конунчилик билан белгилаб қўйилган меҳнат учун ҳақ тўлашдан ташқари)\*.

- шахар йўловчилар транспорти (такси, шу жумладан йўналишили таксидан ташқари) йўловчиларни ташиш хизматлари билан боғлиқ хизматлари бўйича;

- тарих ва маданият ёдгорликларини таъмирлаш ва қайта тиклашни амалга оширишдан олинган даромадлар (фойдалар) бўйича;

- умумий фойдаланишдаги автомобил йўлларини сақлаш, таъмирлаш ва куриш ишларини амалга оширишдан олинган даромадлар (фойдалар) бўйича;

- янги ташкил қилинган деҳқон (фермер) хўжаликлари ва хусусий корхоналар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлашдан, халқ истеъмоли моллари, бинокорлик материаллари ишлаб чиқаришдан олган даромадлари (фойдалари) бўйича рўйхатдан ўтган вақтидан эътиборан икки йил муддатга;

- хорижий инвестициялар иштирокидаги янги ташкил этилиб, экспортга йўналтирилган ва импортнинг ўрнини босадиган маҳсулотлар чиқарадиган ишлаб чиқариш корхоналари:

агар ишлаб чиқариш хажмининг 25 фоиздан ортиғи болаларбоп маҳсулотлардан иборат бўлса, ишлаб чиқариш бошланган пайтдан эътиборан 5 йил муддатга. Кейинги йилларда солиқ амалдагига нисбатан 2 баравар камайтирилган ставка бўйича ундирилади;

агар хорижий сармоя улуши корхона устав фондининг 50 фоизи ва ундан кўпини ташкил этса, ишлаб чиқариш бошланган пайтдан эътиборан 2 йил муддатга;

- Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларга капитал маблағлар сарфлайдиган чет эл инвестицияси иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари, рўйхатдан ўтган вақтидан эътиборан дастлабки етти йил давомида;

\* Ўзбекистон Республикаси СКнинг 31-моддасига изоҳдаги нотижорат ташкилоти тушунчаси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Конунининг тегишли қоидала-ридан фарқ қиласи.

● қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва уларни қайта ишлаш (узум ва мевалардан винолар, ўткир ичимликлар тайёрлашдан ташқари), ҳалқ истеъмоли товарлари ва бинокорлик материаллари, тиббиёт асбоб-ускуналари, қишлоқ хўжалиги, ёнгил ва озиқ-овқат саноати учун машиналар ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришга, иккимамчи ҳом ашё ва майший чиқиндиларни тайёрлаш ҳамда қайта ишлашга ихтисослашган, устав фондидағи чет эл капитали ўтиз фоиздан ортиқ бўлмаган чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналар – рўйхатдан ўтган вақтидан эътиборан икки йил давомида;

● кўргонлар, қишлоқлар ва овуллар ҳудудларида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва ҳалқ истеъмоли товарлари бўйича янги ташкил этилаётган корхоналар маҳсулот ишлаб чиқаришни бошлаган пайтдан эътиборан уч йил муддатга. Кейинги йилларда солиқ амалдагига нисбатан икки баравар камайтирилган ставка бўйича ундирилади.

Мазкур бандда назарда тутилган имтиёз кўргонлар, қишлоқлар ва овуллар ҳудудида ишлаб-чиқариш – техникага мўлжалланган маҳсулотлар, қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган ҳамда қурилиш фаолиятини, таъмирлаш, таъмирлаш-қурилиш, майший ва коммунал хизматларни кўрсатувчи Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ёки Ўзбекистон дехқон ва фермер хўжаликлари ўюшмасининг аъзолари бўлган кичик ва ўрта бизнеснинг янги ташкил қилинаётган хусусий корхоналарига ҳам жорий қилинади;

● янги ташкил этилган юридик шахслар (савдо, воситачилик, таъминот, сотиш ва тайёрлаш фаолияти билан шугулланувчилардан ташқари) ташкил этилган (рўйхатдан ўтказилган) пайтдан эътиборан биринчи йили белгиланган ставканинг йигирма беш фоизи миқдорида ва иккинчи йили эллик фоизи миқдорида солиқ тўлайдилар. Кейинги йилларда даромад (фойда) солиғи белгиланган ставка бўйича тўлиқ миқдорда тўланади;

● ички ишлар органлари қошидаги қўриклиш бўлинмалари;

● қишлоқ жойларда янги ташкил қилинаётган чет эл инвестицияси иштирок этган ишлаб-чиқариш корхоналари ишлаб чиқариш бошланган пайтдан эътиборан уч йил муддатга. Мазкур муддат тугаганидан сўнг кейинги икки йил ичida кўрсатиб ўтилган кўшма корхоналар учун солиқ ставкаси амалдаги жорий ставканинг эллик фоиз миқдорида белгиланади;

● гастрол-концерт фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга юридик шахслар;

● суғурта шартномалари бўйича суғурта қопламаси сифатида олинган (суғурта суммаси) маблағ суммасидан.

Ўзбекистон Республикаси Солик кодексининг 31-моддасида, Йўриқноманинг 21-бандида янги ташкил этилган корхоналарга берилган имтиёзлар аввалдан амал қилиб турган юридик шахслар, уларнинг филиаллари ва таркибий бўлинмалари негизида тузилган юридик шахсларга (чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналардан ташқари), шунингдек корхоналар ҳузурида тузилган юридик шахсларга нисбатан, башарти улар корхонадан ижарага олинган асбоб-ускуналарда ишлаётган бўлсалар, кўлланилмайди (СКнинг 31-моддаси 2-қисми).

Юридик шахслар (янги ташкил этилган корхоналарга берилган соликдан озод қилиш бўйича имтиёзлардан фойдаланган) белгиланган имтиёзли даврдан кейин бир йили ўтгунига қадар тутатилган тақдирда, солик суммаси уларнинг бутун фаолият даври учун тўлиқ ундириб олинади. (СКнинг 31-моддаси 3-қисми).

Ўзбекистон Республикаси СКнинг 32-моддаси ва қўйида келтирилган Йўриқноманинг 22-бандига биноан **юридик шахсларнинг солик солинадиган даромади (фойдаси) қўйидаги суммага камайтирилади:**

**а)** экология, саломатлик ва хайрия фондлари, маданият, халк таълими, соғлиқни саклаш, ижтимоий таъминот, жисмоний тарбия ва спорт муассасаларига бадаллар суммасига, бироқ солик солинадиган даромаднинг (фойданинг) бир фоизидан кўп бўлмаган микдорида;

**б)** инвестицияларга (асосий ишлаб чиқаришни ривожлантириш, кенгайтириш ва реконструкция қилиш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг қарори билан коллежлар, академик лицейлар, мактаблар ва мактабгача муассасалар қуришга), шунингдек инвестициялар учун олинган кредитларни узишга йўналтирилган харажатлар суммасига, ҳисобланган эскиришдан тўлиқ фойдаланиш шарти билан, бироқ солик солинадиган даромаднинг (фойданинг) эллик фоизидан кўп бўлмаган микдорда;

Инвестиция деб қўйидагилар учун шахсий харажатлар тушунилади:

Янги курилиш шаклидаги капитал курилишлар ҳамда мавжуд корхоналарни реконструкция қилиш, кенгайтириш ва техник қайта жиҳозлаш;

Ишлаб чиқариш мақсадлари учун бинолар, иншоотлар, ускуналар, транспорт воситалари ва бошқа алоҳида обьектларни сотиб олиш.

Кўрсатилган имтиёз қўйидагилар ҳисобига инвестиция амалга оширилганда берилади:

шахсий маблағлар – инвестиция учун амалда қилинган харатлар доирасида;

банк кредитлари – банк кредитларига хизмат күрсатиш учун харажатлардан ташқари банк кредитларини қоллаш учун амалда тұланған сумма доирасыда.

в) диний ва жамоат бирлашмаларининг (касаба уюшмалари, сиёсий партиялар ва харакатлардан ташқари), хайрия фондларининг мулкида бўлган корхоналар даромадидан (фойда-сидан) шу бирлашмалар ва фондларнинг уставда белгиланған фаолиятини амалга ошириш учун йўналтириладиган ажратмалар суммасига;

г) табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини ўтказишга кетган харажатларнинг ўттиз фоизи суммасига;

Мазкур имтиёз факат ўз ишлаб чиқаришининг экологик таъсирини яхшилаш учун табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга ошираётган корхоналарга тегишлидир

Табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга ошириш учун буюртмалардан даромад (фойда) олуви корхоналарга юқорида айтиб ўтилган имтиёз жорий қилинмайды.

д) футболни ривожлантиришга кўмаклашиш, футбол клублари ва мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга сарфланадиган маблағлар суммасига, бироқ солинадиган даромаднинг (фойданинг) беш фоизигача миқдорида;

е) «Умид» жамғармаси дастурларини молиялаштириш учун йўналтирилаётган маблағлар.

Ишловчилари умумий сонининг уч фоиздан кўпроғини ногиронлар ташкил этган юридик шахслар учун даромад (фойда) солиғи суммаси кўйидаги тарзда: белгиланған нормадан ортиқ ишга жойлаштирилган ногиронларнинг ҳар бир фоизига даромад (фойда) солиғи бир фоиз камайтирилади.\*

\* Ишловчиларнинг умумий сонини аниқлаш Йўриқноманинг 21-банди «в» кичик бандига мос равишда амалга оширилиши керак, яъни ишловчиларнинг умумий сонига корхона штатида бўлган ишчилар, шу жумладан ўриндошлик бўйича ишловчилар ҳамда корхона штатида бўлмаган ишчилар (пудрат шартномаси ва фуқаровий-хукуқий характерга эга бўлган бошқа шартномалар асосида ишларни бажарувчилар) киритилади.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси СКнинг 32-моддаси учинчи қисмида ва Йўриқноманинг 25-моддасида кўзда тутилган мазкур имтиёз фаолият турлари бўйича чекланмаган холда берилади.

Амалдаги солиқ қонунчилиги билан ҳукумат органларининг қарорларига биноан ташкил қилинган нодавлат тузилмалари учун солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар беришининг кўшимча солиқ ва божхона имтиёзлари беришни назарда тутувчи алоҳида режими ўрнатилган. Масалан, 1997 йил 25 августдаги «Ўзбекистон Республикасида теннисни ривожлантиришни қўллаб-кувватлаш фондини ташкил қилиш тўғрисида» 414-сон Ҳукумат қарори; 1999 йил 1 июндаги «Боксни ривожлантиришни қўллаб-кувватлаш тўғрисида»ги 279-сон қарор; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 12 марта «Ўзбекистон товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар Палатасини ташкил қилиш тўғрисида» ПФ-1407-сон Фармони ва бошқалар. Уларнинг алоҳида солиқ режими тегишли Ҳукумат қарорлари ёки Президентнинг Фармонларида белгиланган. Худди мана шу нотижорат ташкилотлари ҳамда улар томонидан ташкил қилинган корхоналар ва бошқа тузилмаларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 26 августдаги «Давлат бюджетига солиқлар ва тўловлар бўйича имтиёзлар беришни тартибига солиш тўғрисида» ПФ-2343-сон Фармони татбиқ қилинади.

Солиқ имтиёзларининг адресли бўлиши, барча хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бюджетнинг даромад базасини шакллантиришнинг ягона принципларини ўрнатиш мақсадида ушбу Фармонда белгилаб кўйилган:

- биринчидан, 1999 йил 1 сентябрдан бошлаб хайрия ва бошқа фондлар ва жамиятлар ҳамда улар ташкил қилинган корхоналар ва бошқа шўъба тузилмаларга солиқлар, йигимлар ва божхона тўловлари бўйича берилган барча имтиёзлар факат улар томонидан амалга оширилаётган нотижорат фаолиятига жорий қилинади;
- иккинчидан, тижорат фаолиятининг алоҳида турлари бўйича амалдаги қонунчиликда назарда тутилган имтиёзлар юқорида кўрсатиб ўтилган фондлар, жамиятлар, корхоналар ва тузилмаларга умумий асосларда жорий қилинади.

Мазкур Фармонни амалга ошириш механизми Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 17 ноябрдаги 502-сон Қарори билан тасдиқланган «Хайрия ва бошқа фондлар ва жамиятлар ҳамда улар томонидан ташкил қилинган корхоналар ва шўъба тузилмаларга солиқлар, йигимлар ва божхона тўловлари бўйича имтиёзларни жорий қилиш тартиби тўғрисидаги Низом»да белгилаб кўйилган.

Мазкур Низомга кўра, Президентнинг ПФ-2343-сон Фармони Президент Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамা-

сининг алоҳида Карорлари билан Ўзбекистон Республикасининг Солик, Божхона кодекслари ва Ўзбекистон Республикасининг «Бож тарифи тўғрисида»ги Конунларида назарда тутилган имтиёзларга қўшимча соликлар, йигимлар ва божхона тўловлари бўйича имтиёзлар берилган нотижорат ташкилотлари, улар томонидан ташкил қилинган корхоналар ва бошқа шуъба тузилмаларга татбиқ қилинади.

Низомда берилган **қўшимча имтиёзлар** доирасида ижтимоий-хайрия ва бошқа мақсадлар учун ташкил қилинган, таъсис хужжатларида кўрсатиб ўтилган тадбиркорлик фаолиятидан даромад олишни назарда тутмайдиган ҳамда молиявий ва бошқа маблағларини ходимларининг, муассисларнинг ва мазкур ташкилот аъзоларининг шахсий манфаатларида инвестиция килмайдиган ёки тақсимламайдиган (қонунчиликда белгиланган меҳнат учун ҳак тўлашдан ташқари) нотижорат ташкилотларига солик ва йигимлар солинмаслиги белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, устав фаолиятини амалга ошириш учун нотижорат ташкилотлари томонидан олинган юридик ва жисмоний шахсларниг ҳайрия бадаллари ва бошқа ажратмалари солиқга тортилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Солик кодексининг 32-моддаси, Президентнинг алоҳида Фармонлари ва Вазирлар Мажкамасининг алоҳида Карорларида назарда тутилган ҳолларда нотижорат ташкилотларининг мулки бўлган корхоналар учун даромад (фойда) солиги солинадиган база мазкур ташкилотнинг устав фаолиятларини амалга ошириш учун йўналтирилган чегирмалар суммасига камайтирилади.

Кўрсатиб ўтилган имтиёз фақат нотижорат ташкилотларининг мулки бўлган, яъни устав капитали мазкур фондлар ва жамиятлар томонидан 100% миқдорида шакллантирилган корхоналар ва бошқа тузилмаларга татбиқ қилинади. Амалда мазкур имтиёз одатда ННТларнинг шуъба корхоналарига татбиқ қилинади.

Агар нотижорат ташкилоти корхоналар ёки бошқа тузилмаларнинг муассисларидан бири бўлса, яъни ташкил қилинаётган корхонанинг устав капитали тўлиқлигича нотижорат ташкилотининг маблағлари ҳисобига шакллантирилмаган бўлса, у ҳолда бундай корхоналар ва бошқа тузилмаларга юқорида кўрсатиб ўтилган имтиёз жорий қилинмайди. Корхоналарнинг мазкур тоифасига, қонунчиликда назарда тутилган ҳоллардан ташқари, умумий асосда солик солинади.

### **ННТларга нисбатан даромад (фойда) солигининг асосий хусусиятлари**

Юқорида келтирилган Ўзбекистон Республикаси солик қонунчилигининг асосий қоидаларидан нотижорат ташкилотлари тад-

биркорлик фаолиятидан олинадиган даромадлардан ташқари даромадлар бўйича даромад (фойда) солиги тўлашдан озод қилинганлиги кўриниб турибди. Бошқача қилиб айтганда, асосий устав фаолияти (нотижорат фаолияти) доирасида ННТларга ҳар қандай мақсадли тушумларга (пул маблағлари, асосий воситалар, материаллар ва бошқалар) солик солинмайди. Масалан, ННТларнинг устав мақсадлари ва вазифалари учун олинган ҳомийлик бадаллари, мақсадли пул ажратмалари, аъзолик бадаллари, ННТ аъзоларининг улушли ва мақсадли омонатлари, грантлар ва юридик ва жисмоний шахсларнинг бошқа ажратмалари. Бунда факат бир томондан асосий устав фаолиятини амалга ошириш учун турли хилдаги бадаллар ва мақсадли маблағлардан даромад ва харажатларни ва иккинчи томондан тадбиркорлик фаолиятидан келадиган даромадларнинг ва харажатларнинг ҳисобини алоҳида олиб бориши лозим.

Юридик шахснинг солик солинадиган жами даромадига жўнатилган товарлар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар ва бошқа операциялар учун юридик шахс олиши лозим бўлган (олган) ёки текинга олган пул ёхуд бошқа маблағлар киради. (Ўзбекистон Республикаси СКнинг 17-моддаси). Шу жумладан, охиргисига бегараз олинган мол-мулк ва бегараз молиявий ёрдам киради (давлат бюджетидан субсидиялардан ташқари). Шундан келиб чиқкан ҳолда, мақсадли характерга эга бўлмаган, нотижорат ташкилотининг асосий устав мақсадларига мос келмайдиган ва (ёки) у томонидан тижорат мақсадларида фойдаланиувчи ҳар қандай бегараз тушумларга умумий белгиланган тартибда солик солиниши лозим. Бу ташкилот томонидан васият қилинган мерос ёки ҳадя сифатида олинган мол-мулкка ҳам тегишилдири.

Юқорида айтиб ўтганларни ҳисобга олганда, ННТларга ҳадя ёки мерос сифатида мол-мулк берилаётганида ҳадя қилиш ёки мол-мулкни меросга бериш мақсадли характерда эканлигини олдиндан келишиб олиш тавсия қилинади.

Шуни маҳсус таъкидлаб ўтиш лозимки, солик органлари айрим вакилларининг нотўғри ҳисоблашларича, даромад солиги мақсадли даромадларнинг мақсадли харажатлар суммасидан ортиб кетишидан эмас, балки факат тадбиркорлик фаолияти бўйича даромадларнинг харажатлардан ортиб кетиш суммасидан тўланади. Мақсадли молиялашнинг фойдаланилмаган қолдиги даромадга кирмайди ва мақсадга биноан ишлатилмаган маблағлар сифатида бюджетга ўтказилмайди, чунки маблағлардан фойдаланилмаган.

Мақсадлари бўйича ишлатилмаган мақсадли маблағлар солиқ органлари томонидан сўзсиз бюджет фойдасига тортиб олиниши мумкин деган фикр мавжуд. Бу борада шуни айтиб ўтиш лозимки, маблағлардан мақсадли ёки мақсадсиз фойдаланилганини аниқлаш ҳуқуқига фақат эҳсон қилувчи (грант берувчи, ҳомий, донор) эгадир, баҳсли ҳолларда эса солиқ хизматлари эмас, балки суд ҳал қиласи.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, у ёки бу тушумларнинг мақсадли эканлигини аниқлаш нафақат пул ўтказиш учун тўлов топширикномасида тўлов тафсилотларининг тавсифлари билан, балки берувчи томонга хеч қандай қарама-қарши етказиб беришларни кўзда тутмайдиган муносабатларнинг амалдаги беғаразлиги билан ҳам аниқланади. Акс ҳолда бу соҳта битим сифатида баҳоланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 124-модда-сидағи қоидани ҳисобга олиш жуда муҳимdir. Унга кўра агар битим бошқа битимни яшириш учун тузилган бўлса (соҳта битим), у ҳолда томонлар ҳақиқатда назарда тутган битимга тегишли қоидалардан фойдаланади.

Соҳта битимларга жуда кўп мисоллар келтириш мумкин. Масалан, аъзоларининг аъзолик бадаллари ҳисобига фаолият кўрсататётган ННТ ўз аъзоларига оғис жойлаштириш учун текинга хоналар беради. Бу ҳолда мол-мulkни ижарага олиш битими яширилган. Битимнинг юридик талқин қилиниши ўзгартирилганида тегишли солиқларни тўлаш керак.

Шундай қилиб, агар мақсадли молиялаш кўринишида олинган маблағлар ННТ кўрсатаётган хизматларга молияловчи томон фойдасига ҳак тўлаш билан боғлиқлиги аниқланса, у ҳолда тегишли солиқлар суммаси сўзсиз равишда олинади.

Нотижорат ташкилоти тадбиркорлик фаолияти билан унинг устав мақсадларига мос келувчи доираларда шуғулланиши мумкин (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 40-моддаси 4-қисми).

Мазкур қоида ННТлар тўғрисидаги қонунчиликда ҳам акс эттирилган. Нодавлат нотижорат ташкилоти қонун хужжатларига мувофиқ ўз устав мақсадларига мос келадиган доираларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин (ЎзРнинг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуни, 31-мода).

Шундай қилиб, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тақиқланмаган, лекин мақсад бўйича чекланишлар мавжуд – ННТнинг тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромад ННТнинг

Уставида белгилаб күйилган, ўз моҳиятига кўра нотижорат бўлган мақсадларига эришиши учун хизмат қилиши лозим. Мазкур чеклаш олинган даромаднинг бир қисми тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш учун йўналтирилишини тақиқлаш сифатида талқин қилинмаслиги керак. Даромадни реинвестициялаш имкониятисиз ташкилотни ривожлантириб бўлмайди. Лекин, юқорида айтиб ўтилганидек, ННТнинг ҳар қандай тадбиркорлик фаолиятига солиқ солинади. Тадбиркорлик фаолияти тушунчаси Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинликларининг кафолатлари тўғрисида»ги Конунида норматив бўйича тарифланган. Унинг 2-моддаси иккинчи бандига биноан ушбу қонун нотижорат ташкилотларига нисбатан фаолиятнинг ўз характеристига кўра тадбиркорлик бўлган қисмига татбиқ қилинади. Бунда шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, тадбиркорлик фаолиятининг устав мақсадлари билан боғлиқ ёки боғлиқ эмаслиги ва даромадга солиқ солиш турли текисликларда жойлашган. Боғлиқ бўлмаган фаолият билан шуғулланиши ташкилотни тугатиш масаласини кўйиши мумкин, лекин солиқ солиш нуқтаи назаридан Ўзбекистон Республикасида ҳар икки ҳолатда ҳам даромадга бир хил тартибда солиқ солинади. **ННТларнинг устав мақсадларига зид бўлган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши, нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисидаги қонунда кўрсатилган ҳолларда ва тартибда ушбу ташкилотлар фаолиятининг тўхтатилишига ва тугатилишига олиб келиши мумкин.** ННТларнинг тадбиркорлик фаолиятидан олган даромадига солиқ қонунчилигига мувофиқ солиқ солинади.

Нотижорат ташкилотлари ҳамда улар томонидан ташкил этилган корхоналар ва бошқа тузилмалар томонидан тадбиркорлик фаолияти амалга оширилган тақдирда уларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг Солик, Божхона кодексларида ва «Бож тарифи тўғриси»даги Ўзбекистон Республикаси Конунида назарда тутилган солиқлар, йиғимлар ва божхона тўловлариundiриш тартиби татбиқ этилади. (Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 17 ноябрдаги 502-сон Қарорининг 5-6-моддалари).

Ўзбекистон Республикаси Солик кодексининг 29-моддаси ва Йўриқноманинг 20-моддасига биноан:

**Юридик шахсларга тўланадиган дивидендлар ва фоизларга** Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган ставкалар бўйича тўлов манбаида солиқ солинади.

Солиқ солиши мақсадида дивидендерлар акциялар ва хұжалик юрітувчи субъектларнинг устав капиталида улушли иштирокидан олинадиган даромадлардир.

Фоизларга депозит омонатлар, қарз мажбуриятлари ва қимматли қоғозлардан олинадиган даромадлар киради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 30 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2003 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 455-сон қарорига мувофиқ юридик шахсларга тўланадиган дивидендерлар ва фоизларга (Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ солиқ солищдан озод этиладиган фоизлар бундан мустасно) тўлов манбаида 15% ставка билан солиқ солинади.

Ўзбекистон Республикасида тўлов манбаида илгари солиқ үндирилган дивидендерлар ва фоизлар олган резидент-юридик шахс тўлов манбанинг солиқни тўланганлигини тасдиқлайдиган ҳужжатлари мавжуд бўлса, уларни жами даромаддан чегириб ташлаш хукукига эгадирлар.

Давлат облигациялари ва бошқа давлат қимматли қоғозлари буйича олинган дивидендерлар ва фоизларни (Солиқ кодексининг 29-моддаси) ҳамда юридик шахслар томонидан дивидендерлар шаклида олинган ва юридик шахснинг устав капиталига йўналтирилувчи даромадларни (Йўриқноманинг 21-моддаси) солиқдан озод килиш буйича имтиёзлар (умумий асосларда) мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 32-моддаси биринчи қисмининг 4-хатбоисига биноан юридик шахсларнинг солиқ солинувчи даромади (фойдаси) диний ва жамоат бирлашмаларининг (касаба уюшмалари, сиёсий партиялар ва ҳаракатлардан ташқари), хайрия фондларининг мулкида бўлган корхоналар даромадидан (фойдасидан) шу бирлашмалар ва фондларнинг уставда белгиланган фаoliyati амалга ошириш учун йўналтириладиган ажратмалари суммасига камайтирилади

### **Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ\***

\* Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ, хусусан ННТларга солиқ солиши предмети бўлмаса ҳам, мазкур кўйланмага киритилган, чунки Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 63-моддасига биноан ННТ жисмоний шахсларга даромад тўлайдиган юридик шахс сифатида жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқни ушлаб қолиш ва бюджетга ўтказиш учун мажбурдир ва жавобгардир. Бу ўз навбатида ННТнинг бухгалтерия ҳисобида ўз аксини топади.

## Үмумий қоидалар

Ўзбекистон Республикасида жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган солиқ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 14 мартағи 1110-сон билан рўйхатга олинган «Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқни хисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида» Йўрикнома ва бошқа меъёрий-хукукий хужжатлар билан тартибга солинади.

Молия йилида солиқ солинадиган даромадга эга бўлган жисмоний шахслар жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқни тўловчилардир.

Бунда солиқ солиши мақсадида барча жисмоний шахслар икки тоифага бўлинади: *Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентлари*.

Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган ёки молия йилида бошланадиган ёки тугайдиган ўн икки ой мобайнида 183 кун ёки ундан кўпроқ муддатда Ўзбекистонда турган жисмоний шахс Ўзбекистон Республикасининг резиденти деб қаралади.

Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлмиш жисмоний шахсларга уларнинг Ўзбекистон Республикасидаги, шунингдек ундан ташқаридаги фаолияти манбаларидан олинган даромад бўйича солиқ солинади.

Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлмаган жисмоний шахсларга Ўзбекистон Республикаси худудидаги фаолиятдан олинган даромадлар бўйича солиқ солинади.

*Жисмоний шахснинг жами ийллик даромади солиқ солиши обьектидир.* Унинг таркибига солиқ тўловчи олиши лозим бўлган (олган) ёки текинга олган пул ёхуд бошқа маблағлар киритилади, шу жумладан:

1. меҳнатга ҳақ тўлаш шаклида олинадиган даромадлар;
2. жисмоний шахсларнинг мулкий даромади;
3. жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятидан келадиган ялпи даромад киради.

Меҳнатга ҳақ тўлаши шаклида олинадиган даромадларга жисмоний шахсларнинг меҳнат шартномаси бўйича қилинган ишлардан ва фуқаровий-хукукий шартномалар бўйича олинадиган даромадлари киради.

Меҳнатга ҳақ тўлаш шаклида олинадиган даромадларга қўйидағилар ҳам киради:

- а) ходимларга сотиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) қий-

мати билан бундай товарларни харид қилиш нархи ёки уларнинг таннархи ўртасидаги манфий фарқ;

Масалан, агар ходимга 5000 сўмга товар сотилган бўлса, уни харид қилиш нархи эса корхона учун 8500 сўмни ташкил қиласа, у холда фарқ  $(5000 - 8500) = -3500$  - ходимнинг даромадидир.

б) юридик шахс (иш берувчи) томонидан ўз фаолияти билан боғлиқ бўлмаган, ходимларнинг чиқимларини қоплаш учун қилинган харажатлар (масалан, уяли телефон ходимга шахсан тегишли бўлганда, уяли алоқа хизматларига пул тўлаш);

в) ходим иш берувчига тўлаши керак бўлган, аммо иш берувчининг қарори билан ҳисобдан чиқарилган қарз суммалари;

Масалан, ходим корхона кассасига 30000 сўм топшириши лозим (ортиқча берилган сафар харажатлари учун берилган пул ёки бошқа қарз). Раҳбарнинг буйруғи билан ушбу қарз корхона харажатлари учун ҳисобдан чиқарилади (қандайдир сабабга кўра) ва бу холда 30000 сўм сумма ходимнинг жами даромадига қўшилади.

г) иш берувчининг ўз ходимларининг ҳаёти ва соғлигини ихтиёрий суғурталаш бадалларини тўлаш учун қилган харажатлари;

Маълумки, мажбурий суғурта қилиш учун харажатлар корхона харажатларига киритилади. Мажбурий бўлмаган (ихтиёрий) суғуртани ходимнинг ўзи ёки корхона тўлаши мумкин, лекин охирги ҳолатда бу ходимнинг даромади деб ҳисобланади.

д) иш берувчининг жисмоний шахсдан ушлаб қолиниши керак бўлган тўловлар юзасидан тўлаган суммаси;

Жисмоний шахсдан ушлаб қолиниши керак бўлган ҳар қандай тўлов, масалан ўз ходими учун иш берувчи томонидан ходим ўрнига тўланган маъмурий жарима охиргисининг даромади бўлади.

е) иш берувчининг ўз ходимларининг бевосита ва билвосита даромадларини ташкил этадиган бошқа даромадлар.

Бундай харажатларга юридик шахс томонидан ходимининг ўзи тўлаши лозим бўлган харажатлар учун тўланган маблаглар киради.

Масалан, коммунал хизматлар, яшаш учун тўловлар, давлат пенсиясига қўшимча тўловлар, овқатланиш учун тўланадиган қўшимча пул суммаси, рўзнома ва журналларга обуна учун тўловлар суммаси, туристик путевкалар, абонементлар ва спорт секцияларига пул тўлаш, ойлик йўл чипталарининг нархи (хизмат максадларида фойдаланиладиган ойлик чипталардан ташқари) ва бошқа шунга ўхшаш харажатлар.

Бунда, иши хизмат юзасидан автотранспортда юриш билан боғлиқ бўлган ва улар учун ойлик йўл чипталари сотиб олинувчи

ходимлар рўйхати, уларнинг фаолият турлари ҳамда чипталарни сотиб олиш мақсади иш берувчининг тегишли бўйруғи билан расмийлаштирилади.

### **Жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган солиқ ставкалари**

2003 йил 1 январдан эътиборан жисмоний шахсларнинг ойлик маоши, мукофот ва бошқа даромадларига қуидаги миқдорда солиқ солинади:

Жами даромад миқдори (энг кам иш ҳақини чегириб ташламаган ҳолда)	Солиқ суммаси
Энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдоригача	Даромад суммасининг 13 фоизи
Энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдоридан (+1 сўм) ўн баравари миқдоригача	Беш баравар миқдоридан олинадиган солиқ + энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ортувчи суммадан 22 фоиз
Энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдоридан (+1 сўм) ва ундан юқори	Ўн бараваридан олинадиган солиқ + энг кам иш ҳақининг ўн баравар миқдоридан ортувчи суммадан 32 фоиз

Солиқ солиш мақсадлари учун энг кам иш ҳақининг миқдори йил бошидан эътиборан ортиб борувчи якун тарзида ҳисобланади (йил бошидан эътиборан тегишли давр учун энг кам иш ҳақининг ойлик миқдорлари суммаси).

Жисмоний шахсга тўланадиган дивиденdlар и фоизлар. Уларга тўлов манбаида 15 фоиз ставкада солиқ солинади.

Солиқ солиш мақсадларида:

Дивиденdlарга акциялар ва хўжалик юритувчи субъектларнинг устав капиталида улушли иштирокидан олинадиган даромадлар киради;

Фоизларга депозит омонатлар, қарз мажбуриятлари ва бошқа қимматли қоғозлардан олинадиган даромадлар киради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1997 йил 24 декабрдаги «Жисмоний шахсларнинг айрим тоифалари даромадларига имтиёзли солиқ солиш тўғрисидаги» 562-сон қарори ўз кучини сақлаб қолди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сон Қарори билан тасдиқланган ишлаб чиқариш-

лар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 1-, 2-, 3- рўйхатларига кирувчи ўта зарарли, ўта оғир, зарарли ва оғир меҳнат шароитларига эга ишлаб чиқаришларда банд бўлган ишчиларнинг даромадлари.

Улардан юкорида келтирилган ставкаларда солиқ ундирилади, лекин бунда уларнинг даромадларидан солиқ ундириш дараҷаси 25 фоиздан ортмаслиги керак.

Бундай ишчилар учун имтиёзли солиқ солиши тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 1 мартдаги «Фуқароларнинг ўта зарарли ва оғир меҳнат шароитларига эга ишлаб чиқаришларда ишловчи алоҳида тоифаларига имтиёзли солиқ солиши тўғрисида» 72-сон Қарорида белгиланган.

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги Қарори билан тасдиқланган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичлар 1-рўйхатининг 3-қисмида ва 2-рўйхатининг 1-қисмида кўрсатилган ўта зарарли ва ўта оғир иш шароитларига эга ишларда банд бўлган аёлларнинг даромадлари.

Мазкур тоифадаги аёлларнинг даромадларига солиқ солиши тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 17 мартдаги «Ўта зарарли ва ўта оғир меҳнат шароитларига эга ишларда банд бўлган аёллар даромадларига имтиёзли солиқ солиши тўғрисида» 117-сон Қарори билан тасдиқланган. Мазкур тартиб 1999 йил 1 апрелдан бошлаб жорий килинган. Тартибга мувофиқ солиқ солиши юкорида келтирилганга ўхшаш амалга оширилади, лекин даромадлардан солиқ ундириш дараҷаси 20 фоиздан ортмаслиги керак.

**Оғир иклим шароитларига эга худудларда ишлагани учун қўшимча тўловлар (баланд тог, чўл ва сувсиз худудларда ишлагани учун) жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқнинг амалдаги энг паст ставкаси бўйича соликка тортилади.** 2003 йилдан бошлаб бундай ҳолларда солиқ 13 фоиз ставка билан олинади.

### **Солиқ бўйича имтиёзлар**

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 58-моддасига биноан қўйидаги даромадлар жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган даромадларига киритилмайди:

- давлат ижтимоий сугуртаси ва давлат ижтимоий таъминоти бўйича нафақалар, ишсиэзлик бўйича нафақалар ва меҳнат шартномасини бекор қилинганда тўланадиган ишдан бўшатиш нафақаси,

хомиладорлик ва туғиши нафақалари, вақтінча мекнатта қобилият-сизликтің нафақаларидан (шу жумладан ойланинг бемор аъзоларини парваришилаш нафақаларидан) ташқари, шунингдек хайрия ва экология жамғармалари маблагларидан фуқароларга пул ёки натура шаклида бериладиган нафақалар ҳамда бошқа ёрдам пуллари;

Мазкур бандда қўйидагига алоҳида эътибор бериш керак: *касаллик варакалари бўйича вақтінча мекнатта қобилиятсизликтің нафақалари жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган даромадларига киритилади;*

- олинадиган алиментлар;

● олий ўкув юртлари ва ўрта маҳсус ҳамда ҳунар-техника ўкув юртлари ҳамда улар базасида ташкил қилинган бизнес мактаблари, шу жумладан олий ва ўрта диний ўкув юртлари томонидан ўз талабаларига ва ўқувчиларига тайинланадиган стипендиялар, шунингдек хайрия ва экология фондларининг маблагларидан таъсис этилган стипендиялар;

- давлат пенсиялари, шунингдек уларга устамалар;

Лекин корхона ходимига ўз маблаглари ҳисобидан қўшимча пенсия суммасини тўлаётган бўлса, ундан умумий қоидалар бўйича даромад солиғи олинади.

● шахслар қон топширганлик учун, донорликнинг бошқа турлари учун, она сути топширганлик учун оладиган суммалар, шунингдек тиббиёт муассасаларининг ходимлари қон йигиб топширганликлари учун оладиган суммалар;

● майиб бўлиш ёки соглигининг бошқача тарэда шикастланиши билан боғлиқ ҳолда, шунингдек бокувчисининг вафот этганилиги муносабати билан кўрилган заарни қоплаш юзасидан олинадиган суммалар;

● Фуқароларнинг хорижда ишлашга юборилиши муносабати билан давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларидан чет эл валютасида оладиган иш ҳақи суммалари ва бошқа суммалар – қонун ҳужжатларида белгиланган суммалар доирасида;

● жисмоний шахсларнинг хусусий мулк ҳукуки асосида ўзларига қарашли бўлган мол-мulkни сотиши натижасида оладиган суммалари, тадбиркорлик фаолияти доирасида мол-мulk сотишдан олинган даромадлар бундан мустасно;

● ёрдамчи ҳўжаликда етиширилган қорамол, қуён, нутрия, балик, паррандаларни ҳам тирик ҳолатда, ҳам сўйиб, маҳсулотларини хом ва қайта ишлаган ҳолда, шунингдек асаларичилик маҳсулотларини ва бундай ҳўжаликда етиширилган табиий дехқончилик маҳсулотларини сотишдан олган даромад суммаси;

● бир йил мобайнида юридик шахслардан олинган энг кам иш ҳақи миқдорининг олти бараваригача бўлган суммадаги қимматли совғалар қиймати, шунингдек халқаро ҳамда республика танлов ва мусобақаларида олинган соаврин буюмлар қийматининг суммаси;

Агар бир йил давомида юридик шахслардан олинган қимматли совғаларнинг қиймати энг кам иш ҳақи миқдорининг олти бараваридан ортиқ бўлса, у ҳолда ортиқча қиймат суммаси жисмоний шахснинг даромад солигига киритилади.

● мерос қилиб олиш ва ҳадя қилиши натижасида олинган суммалар ва мол-мулк қиймати, фан, адабият ва санъат асарлари меросхўрлари (хукуқий ворислари) оладиган муаллифлик ҳақи суммалари бундан мустасно;

● давлат заёмлари облигациялари ва лотереялари бўйича ютуклар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг давлат қимматли қоғозлар бўйича фоизлар;

● Фуқароларнинг суғурта бўйича оладиган суммалари;

● **бир йил мобайнида** бериладиган моддий ёрдам суммалари:

- табиий оғатлар, бошқа фавқулодда ҳолатлар муносабати билан бериладиган моддий ёрдам – тўлалигича;

- вафот этган ходимнинг оила аъзоларига ёки оила аъзолари вафот этганлиги муносабати билан ходимга бериладиган моддий ёрдам суммаси – энг кам иш ҳақининг ўн бараваригача миқдорда;

- бошқа ҳолларда - бир йил давомида энг кам иш ҳақининг ўн икки бараваригача миқдорида;

● банклардаги омонатлар ва давлат хазина мажбуриятлари бўйича фоизлар ва ютуклар;

● Фуқароларнинг иш ҳақи ва солиқ солинадиган бошқа даромадларининг давлат корхоналари мол-мулкини сотиб олиш, хусусийлаштирилаётган корхоналар акцияларини сотиб олиш, «Ўзуйжойжамғармабанк»нинг шахси кўрсатилган уй-жой облигацияларини харид қилишга ва шу мақсадлар учун берилган кредитларни узишга йўналтирилган суммалари, шунингдек акциялар бўйича олинган ҳамда дивиденд тўлаган акциядорлик жамиятининг акцияларини сотиб олишга йўналтириладиган дивидендер.

● патент эгаси бўлган жисмоний шахснинг (лицензиарнинг) саноат мулки обьектларидан ўз ишлаб чиқаришида фойдаланишдан ёки фойдаланиш бошланган санадан эътиборан амал қилиш муддати доирасида уларга лицензия сотишдан, шунингдек лицензиат саноат мулки обьектларидан фойдалана бошлаган санадан эътиборан ушбу фойдаланишдан олган даромади суммаси:

- ихтиро ва селекция ютуғидан патент бўйича – беш йил давомида;
- ихтиrolардан дастлабки патент бўйича фойдаланишдан – уч йил давомида;
- селекция ютуғидан гувоҳнома бўйича – уч йил давомида;
- саноат намунасидан патент бўйича – уч йил давомида;
- саноат намунасидан дастлабки патент бўйича – икки йил давомида;
- фойдали моделдан гувоҳнома бўйича – икки йил давомида;

Бу ерда шуни айтиб ўтиш жоизки, рационализаторлик тақлифлари бўйича мукофотлар мазкур бандга тегишли эмас ва улардан умумий ўрнатилган тартибда солиқ олинади.

● болалар лагерлари ва бошқа соғломлаштириш лагерларига, ота-оналарнинг болалари билан дам олишга маҳсус мўлжалланган санаторий-курорт муассасаларига бориш учун болалар ва ўсминаларга бериладиган йўлланмалар қўймати, шунингдек ўз ходимларининг амбулатория ёки стационар тиббий хизматдан фойдаланиш қўйматини тўлиқ ёки қисман компенсациялаш тартибида корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ўз ходимларига ёки улар учун тўлаган суммалар.

Бунда тўлов ходим томонидан амалга оширилган бўлса, ўз ходимларига даволаш қўйматини компенсациялаш бўйича имтиёзлар мазкур ходим томонидан даволаниш муассасасининг ушбу ходим даволанганилиги тўғрисида тўловнома-маълумотнома ҳамда даволаниш учун ҳақ тўланганилиги ҳакида даволаш муассасасининг квитанцияси тақдим қилинганида берилади.

Кўрсатиб ўтилган тўловлар жумласига ногиронларнинг соғломлаштириш ва санаторий-курорт муассасаларига берилган йўлланмалари қўйматини, даволаниш ва тиббий хизматдан фойдаланиш, ногиронликнинг олдини олиш мақсадида техника воситалари сотиб олиш ҳамда ногиронларнинг саломатлигини тиклаш учун қилинган харажатларни тўлиқ ёки қисман тартибда корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар тўлаган суммалар ҳам киради;

● амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган нормалар доирасидаги товон тўловлари (хизмат сафари харажатлари каби), меҳнат шартномасини бекор қилиш пайтида фойдаланилмаган таътил учун бериладиган товонлар бундан мустасно.

Агар раҳбариятнинг қарори билан хизмат сафари харажатларига тўланадиган сумма миқдори меъёрдагидан ортиқ бўлса, у ҳолда ортиқ бўлган қисми жисмоний шахснинг солиқ солинадиган даромадига киритилади.

Мөхнат шартномаси тугатилганда фойдаланилмаган таътил учун бериладиган товонларга умумий ўрнатилган тартибда даромад солиғи солинади.

Асосий иш жойида тўланадиган корхона тугатилганда (штатларни қисқартириша) бир ойлик ёрдам пулидан даромад солиғи олинмайди.

Аҳоли бандлигига кўмаклашиш фонди томонидан тўланадиган икки ойлик ёрдам пулига ҳам даромад солиғи солинмайди.

Ходимнинг шахсий автомобилидан хизмат сафарлари учун фойдаланилгани учун тўланадиган товонларга даромад солиғи солинмайди ва ўртача иш ҳақини ёзишда ҳисобга олинмайди.

• бир маротаба бажариладиган ишлар учун олинган даромадлар, агар бундай ишга ёллаш бир маротабалик вақтинча иш билан таъминлаш маркази томонидан амалга оширилган бўлса.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йилда 19 январдаги Халқаро илмий-техника алоқалари, илмий дастурлар ҳамда халқаро ва хорижий ташкилотлар ва фондларнинг грантлари бўйича лойиҳаларни давлат томонидан қўллаб-кувватлаш тўғрисида 31-сон ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 18 сентябрдаги 324-сон Карори билан киритилган ўзгартиришлар ва тўлдиришларга биноан халқаро ташкилотлардан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Фан ва техникани ривожлвириш бўйича координацион кенгашнинг Фан ва техника маркази хуносаси асосида илмий-техник ҳамкорлик битимлари доирасида олинган грант суммаси жисмоний шахсларнинг солик солинадиган жами даромадларига киритилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Солик кодексининг 59-моддасига биноан жисмоний шахсларнинг даромадига соликдан тўлиқ озод килинадилар:

*Хукуматга қарашли бўлмаган халқаро ташкилотларнинг мансабдор шахслари - агар улар Ўзбекистон Республикаси фукаро-си бўлмаса, ушбу ташкилотларда олган даромадлари бўйича.*

Куйидаги солик тўловчиларнинг даромадлари жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган соликдан қисман, ҳар бир тўлиқ ой учун энг кам иш ҳақининг тўрт баравари микдорида озод килинади:

а) «Ўзбекистон Қаҳрамони», Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган шахслар, учала даражадаги Шуҳрат ордени билан таҳдирланган шахслар, уруш ногиронлари ёхуд 1941-1945 йиллардаги уруш даврида ёки ҳарбий хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш чоғида яраланиш, контузия бўлиш ёки шикастланиш оқибатида ёхуд фронтда бўлиш билан боғлик бўлган касаллик туфайли ногирон бўлиб қолган ҳарбий хизматчилар жумласидан бўлган бошқа ногиронлар, собиқ партизанлар жумласидан бўлган ногиронлар, шунингдек пенсия таъминоти бўйича мазкур тоифадаги ҳарбий хизматчиларга тенглаштирилган бошқа ногиронлар;

Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари, учала даражадаги Шуҳрат ордени билан таҳдирланган шахсларга имтиёз бериш учун Совет Иттифоқи Қаҳрамони китобчаси ва орден китобчаси ёки ҳарбий комиссариатнинг маълумотномаси асос бўлади, Улуғ Ватан уруши ногиронлари – «Улуғ Ватан уруши ногирони гувоҳномаси», бошқа ногиронлар учун эса – мазкур бандда кўрсатиб ўтилган «Ногироннинг имтиёз олиш хукуки гувоҳномаси» асос бўлади;

б) хизматни ҳаракатдаги армия таркибида кирган ҳарбий қисмлар, штаблар ва муассасаларда ўтаган ҳарбий хизматчилар, собиқ партизанлар жумласидан бўлиб, фуқаролар уруши ва 1941-1945 йиллардаги уруш, собиқ СССРни ҳимоя қилиш бўйича бошқа жанговар операцияларнинг қатнашчилари, 1941-1945 йиллардаги уруш даври меҳнат фронтининг фахрийлари ва концентрацион лагерларнинг собиқ ёш тутқунлари;

Имтиёз «Улуғ Ватан уруши қатнашчиси гувоҳномаси» асосида берилади, Улуғ Ватан уруши давридаги меҳнат фронти фахрийлари ва концентрацион лагерларнинг собиқ ёш тутқунларига эса «Имтиёз олиш хукуки гувоҳномаси» ёки ижтимоий таъминот бўлимининг маълумотномаси асосида берилади;

в) Ленинград камали пайтида, 1941 йил 8 сентябрдан 1944 йил 27 январгача бўлган даврда Ленинград шаҳрида ишлаган фуқаролар.

Имтиёз ушбу шахсларнинг қамал даврида Ленинград шаҳаридаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ишлаганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида берилади;

г) ички ишлар органларининг бошликлари ва оддий хизматчилари жумласидан бўлиб, хизмат вазифаларини бажариш чоғида яраланиш, контузия бўлиш ва шикастланиш оқибатида ногирон бўлиб қолганлар.

Имтиёз бериш учун «Ногироннинг имтиёз олиш хукуки гувоҳномаси» асос бўлади;

д) болалиқдан ногирон бўлиб қолганлар, шунингдек I ва II гурух ногиронлари.

Имтиёз пенсия гувохномаси ёки ТМЭКнинг маълумотномаси асосида берилади;

е) қаҳрамон оналар, ўн ва ундан ортиқ боласи бўлган аёллар.

Имтиёз бериш учун «Қаҳрамон она» китобчаси ёки маҳаллий ўзини ўзи бошқарыш органининг фарзандлари борлигини тасдиқловчи маълумотномаси асос бўлади;

ж) собиқ СССРни ҳимоя қилиш ёхуд ҳарбий хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш чоғида яраланиш, контузия бўлиш ёхуд шикастланиш оқибатида ёки фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналари, рафиқалари.

Имтиёз «Ҳалок бўлган жангчининг беваси (отаси, онаси)» деб ёзиб қўйилган ёки пенсия гувохномасини берган муассаса раҳбарининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган тегишли ёзуви бўлган пенсия гувохномаси асосида берилади;

Кўрсатиб ўтилган шахслар пенсионер бўлмаган ҳолларда, уларга имтиёзлар ҳарбий хизматчининг ҳалок бўлганлиги тўғрисида собиқ СССРнинг Мудофаа вазирлиги, ДХҚ ёки ИИМнинг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, МХХ ва ИИВнинг тегишли органлари маълумотномалари асосида берилади;

Собиқ СССРни ҳимоя қилиш ёхуд ҳарбий хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш чоғида яраланиш, контузия бўлиш ёхуд шикастланиш оқибатида ёки фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг рафиқаларига имтиёзлар улар қайта никоҳга кирмаган ҳолларида берилади;

з) хизматни Афғонистон Республикасида ва жанговар ҳаракатлар олиб борилган бошқа мамлакатларда вактинча бўлган кўшинларнинг чекланган контингенти таркибида ўтаган ҳарбий хизматчилар ҳамда ўқув-синов йиғинларига чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар.

Имтиёз бериш учун «Имтиёз олиш учун хуқуқ гувохномаси» ёки (туман) шаҳар ҳарбий комиссиариати, ҳарбий қисм, ҳарбий-ўқув муассасаси, собиқ СССРнинг Мудофаа министрлиги, ДХҚ ёки ИИМнинг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, МХХ ва ИИВ тегишли органларининг маълумотномаси асос бўлади;

и) Чернобиль АЭСдаги фалокат оқибатида жабр курган шахслар.

Имтиёз ТМЭК маълумотномаси, ногироннинг маҳсус гувохномаси, Чернобиль АЭСдаги фалокат оқибатларини тутатиш қатнаш-

чиси гувоҳномаси ҳамда ваколатли органларнинг имтиёз бериш учун асос бўла оладиган бошқа хужжатлари асосида берилади;

к) икки ва ундан ортиқ ўн олти ёшга тўлмаган болалари бор ёлғиз аёллар.

Ариза мөхнат ва ижтимоий таъминот органлари томонидан берилган «Ёлғиз аёл шахсий китобчаси» асосида берилади;

л) икки ва ундан ортиқ боласи бор ва бокувчисини йўқотганлик учун пенсия олмайдиган бева аёл ва бева эркаклар.

Имтиёз эри (хотини) вафот этганилиги тўғрисидаги гувоҳнома, болалари борлиги ва қайта никоҳдан ўтилмаганлигини тасдиқловчи паспорт ҳамда бокувчисини йўқотганлиги учун пенсия олмаслиги ҳақида мөхнат ва ижтимоий таъминот органларининг маълумотномаси тақдим қилинганда берилади;

м) болалигидан ногирон бўлган ва доимий парваришни талаб қиласидиган фарзанди билан бирга яшаб, уни тарбиялаётган ота-онасидан бири.

Ариза доимий парвариш талаб қилинишини тасдиқловчи пенсия гувоҳномаси ёки тиббиёт муассасасининг маълумотномаси, биргалиқда яашаш қисмида эса – фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарип организининг маълумотномаси асосида берилади;

н) корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва ўқув юртлари томонидан қишлоқ хўжалик ишларига юборилган фуқаролар – ушбу ишларни бажарганликлари учун олган даромадлари бўйича.

Рахбарнинг буйруги ёки қишлоқ хўжалиги корхонаси бошқарувининг қарори имтиёзни қўллаш учун асос бўлади;

Жисмоний шахсларнинг имтиёзларга хукуқлари хисобот йилида тегишли хужжатлар тақдим қилинганида юзага келади.

Энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдоридаги имтиёз хисобот йилида имтиёзга хукуқ пайдо бўлган сайдан бошлаб тақдим этилади.

Энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдоридаги имтиёз («н» бандида кўрсатилганларидан ташқари) жисмоний шахснинг асосий иш жойида қўлланилади, асосий иш жойи бўлмаган тақдирда – йиллик даромад бўйича декларация асосида соликни хисоблашда турар жойи бўйича солик органлари томонидан қўлланилади.

#### *Мазкур имтиёзни қўллашга мисол:*

II гурӯх ногиронига 2002 йилнинг апрель ойи учун 18000 сўм миқдорида иш ҳақи ёзилган. Мазкур ой учун даромад солиғини хисоблашда ёзилган иш ҳақидан энг кам иш ҳақининг тўрт бараварини айириб ташлаш лозим ( $4 \times 3945$  сўм)=15780 сўм, қолган 2220

сўм фарқина жисмоний шахс – ногироннинг солиқ солинадиган даромадини ташкил қилади.

Имтиёз олишга хуқуқи йўқотилган фуқаро 15 кундан кечиктири- масдан ундан солиқ ундириб олаётган корхона, муассаса, ташки- лот ёки солиқ органига (агар солиқ мазкур орган томонидан хисобланётган бўлса) бу ҳақда хабар бериши лозим.

Энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдорида солиқ тўлаш- дан озод қилиш кўринишидаги имтиёзлар жисмоний шахслар- нинг фоизлар, дивидендлар кўринишида ҳамда мол-мулкни ижа- рага беришдан оладиган даромадларига ҳам тааллуклидир.

Бунда, агар дивидендлар асосий иш жойида ёзилаётган бўлса, имтиёз ҳам асосий иш жойида кўлланилади.

Агар дивидендлар асосий бўлмаган иш жойида ёзилаётган бўлса, у ҳолда имтиёз жисмоний шахс томонидан йиллик даро- мад тўғрисида турар жойидаги солиқ органига декларация топ- ширишда кўлланилади.

#### **Чет эллик жисмоний шахсларнинг даромадига солиқ солишнинг хусусиятлари**

Чет эллик жисмоний шахслар икки тоифага бўлинади: Ўзбеки- стон Республикасининг резидентлари ва норезидентлари.

Чет эллик жисмоний шахс-резидентга (яъни Ўзбекистон худу- дидаги 183 кун ва ундан ортиқ ҳар қандай молиявий йилда бошли- нувчи ёки тугалланувчи 12 ойгача муддат давомида) Ўзбекистон- да ҳамда ундан ташқарида олаётган барча даромадлари манба- лари бўйича Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сингари ва худди шундай ставкаларда жисмоний шахсларнинг даромадла- рига солинадиган солиқ солинади.

Чет эллик жисмоний шахслар – резидентларнинг даромадла- ридан солиқ миқдорини солиқ хизмати органи резидент томони- дан тақдим қилинувчи мўлжалдаги даромадлар ҳақидаги дастлабки декларация асосида ҳисоблаб чиқади.

Жорий йил учун резидентнинг мўлжалдаги даромадлари ҳақида декларацияси ва унинг жўнаб кетиши ҳақида дастлабки маълу- мотлар бўлмаса, ўтган йил учун якуний декларация маълумотлари жорий йил учун ҳам авансли солиқ тўловларини ҳисоблаш учун асос қилиб олинади.

Ўзбекистон Республикаси қатнашаётган халқаро шартномалар ва битимларга мувофиқ, жисмоний шахс Ўзбекистон Республика- сида солиқ тўлашдан тўлиқ ёки қисман озод қилиниш хуқуқига эга ва жисмоний шахс бу тўғрида ариза топшириши мумкин.

Аризанинг уч нусхаси Ўзбекистон Республикасида солиқ тұлағеттан жойидаги солиқ органига топширилади. Солиқ органды аризанинг күрсатыб ўтилган мамлакаттар билан тузилған халқаро шартномалар ва битимларнинг қоидаларига мөс келишини текшириб чиқиб, тегишли белги құяды ва аризанинг икки нусхасини ариза берувчига қайтариб беради.

Нұсхалардан бирини ариза берувчи Ўзбекистон Республикасида үнга даромад тұлағеттан муассаса ёки ташкилотта топширади. Шу асосда солиқ тұловчы Ўзбекистон Республикасида жисмоний шахсларнинг даромадидан солиқ тұлашдан тұлық ёки қысман озод қилинади.

Ариза даромад олувчи томонидан эмас, балки у ваколат берған шахс томонидан ҳам топширилиши мүмкін. Бу ҳолда ариза топширувчи ваколаттарини тегишли равишда расмийлаштирган бўлиши лозим.

Чет эллик жисмоний шахслар билан битимлар түзиш өғида, бундай битимларнинг шартларига солиқ тұловчы ҳамда бошка шахслар чет эллик жисмоний шахсларнинг соликлар ва йиғимлар тұлаш бўйича харажатларини ўз зиммаларига олишни назарда тутадиган солиқ ҳақидаги изохларнинг киритилишига рухсат берилмайди.

Ишга ёлловчи томонидан чет эллик жисмоний шахсга Ўзбекистон Республикасида бўлган ҳар бир куни учун иш ҳақига қўшимча равишда тұланувчи суммалар сафар харажатлари учун товон деб ҳисобланмайди, чет эллик жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикаси худудида ва ундан ташқарыда харакатланиши билан боғлиқ ҳолатлар учун харажатлар бундан мустасно. Бундай харажатлар асосий иш ҳақига устама ҳисобланади ва солиқ солинувчи даромадларга қўшилади.

Чет эллик жисмоний шахслардан солиқ ва йиғимларни үндириш тегишли чет давлатда Ўзбекистон Республикасининг жисмоний шахсларига нисбатан ҳам худди шундай чора-тадбирлар кўрилған ҳолларда ўзаро келишув асосида тұхтатилиши ёки чекланиши мүмкін.

Чет эллик жисмоний шахс-норезидентта қаерда олинганидан қатын назар, фақат Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олган даромадлари бўйича жисмоний шахсларнинг даромад солиғи солинади.

Ўзбекистон Республикасида доимий муассаса орқали фаолиятни амалга ошираётган жисмоний шахс-норезидент Ўзбекистон

Республикасидаги доимий муассаса билан боғлиқ бўлган манбадардан олинган даромадлар бўйича солиқ тўловчири. Бу ерда 183 кундан ортмайдиган вақтинчалик иш назарда тутилади.

Масалан, ННТда маош олувчи ва контракт шартларига биноан Ўзбекистонда ярим йилдан ортиқ бўлмайдиган маслаҳатчи – норезидент.

Бундай шахсларга солиқ солиш Ўзбекистон фуқаролари учун солиқ солиш ставкалари бўйича амалга оширилади.

*Доимий муассаса билан боғлиқ бўлмаган жисмоний шахс-норезидентнинг даромадларига, агар даромад манбаи Ўзбекистонда жойлашган бўлса, даромадни тўлаш манбаида қўйидаги ставкаларда солиқ солинади:*

Дивидендлар ва фоизлар - 15 фоиз.

Таваккалчиликни суғурта қилиш учун ва қайта суғурта қилиш учун тўланган мукофотлар - 10 фоиз.

Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлат орасида харатланганда халқаро алоқа учун телекоммуникация ёки транспорт хизматлари (юк ташибдан даромадлар) - 6 фоиз.

*Роялти, ижарадан даромадлар, хизматлар кўрсатишдан даромадлар, шу жумладан бошқарув, маслаҳатлар ва шунга ўхшаш даромадлар - 20 фоиз.*

Тўлов манбаида солиқ солиш тўлов Ўзбекистон Республикасининг ичкарисида ёки ундан ташқарида амалга оширилганлигидан қатъи назар қўлланилади.

Норезидентларнинг мазкур грухига фуқаровий-хукукий характеристерга эга бўлган бир маротабалик битимларга (масалан, мутахасис маслаҳатлари) эга бўлган, ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудида пассив даромадларга эга (фоизлар, дивидендлар, роялти ва бошқалар) чет эллик шахслар киради.

### **Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш тартиби**

Жисмоний шахсларнинг асосий иш жойида оладиган иш ҳақи ва бошқа тўловлар бўйича даромадларига солиқ календар йилининг бошидан ҳар ойда йил бошидан ўсиб борувчи жами даромад суммасидан ҳисоблаб чиқарилади.

Йил давомида асосий иш (хизмат, ўқиш) жойи ўзгарган ҳолатларда, фуқаро янги иш жойида биринчи маош олгунга қадар бухгалтерияга жорий йилда тўланган даромадлар ва ушлаб қолинган

солиқлар тұғрисида қуидеги шақлда маълумотнома тақдим қилиши керак:

### Маълумотнома

Берилди \_\_\_\_\_

(фамилия, исми ва отасининг исми)

шу ҳақдаким, у корхонамизда (муассаса, ташкилот) ишлади, қуидеги даромадларни олди:

Ойлар	Хисоблаб ёзилган даромад		Кроме этих доходов получил (а) доход		
	Жа-ми	Шу жумладан оғир ва зарарли меҳнат шароитларида олган даромадлари	Моддий ёрдам	Буюм мукофоти	Оғир иқлим шароитларда олган даромади
Январь					
Февраль					
Март					
Апрель					
Май					
Июнь					
Июль					
Август					
Сентябрь					
Октябрь					
Ноябрь					
Декабрь					

Олинган даромадлардан жисмоний шахсларнинг даромад солиғи ушлаб қолинган:

Жами \_\_\_\_\_ сүм. \_\_\_\_\_ тийин.

Мухр

Раҳбар (имзо)

Бош бухгалтер (имзо)

Янги жойга ишга (хизмат, ўқиши) кирганда солиқ йил бошидан олдинги ва янги иш жойида олган жами даромаддан келиб чиқкан ҳолда ҳисобланади.

Олдинги иш жойидан маълумотнома тақдим қилинмаган ҳолда, солиқ солиқ солинадиган даромаднинг энг кўп ставкаси – 32% ставкада ушлаб қолинади. Кейинчалик маълумотнома тақдим қилинганда солиқ умумий белгиланган тартибда қайта ҳисоблаб чиқилиши мумкин.

Амалда ходим корхонада тўлиқ йил эмас, балки бир неча ой ишлаёттан ва бошқа жойда ҳам ишламаган вазиятлар тез-тез юзага келиши мумкин. Масалан ёш мутахассис ўқув муассасасини та момлаб ишга тушган ёки она болани парвариш қилиш учун таътилда бўлган.

Хар қандай ҳолатда ҳам, ходим томонидан олинган даромадга қайси давр учун солиқ солинишидан қатъи назар, ҳисоблар мазкур давр учун амал қилаётган шкалада олиб борилиши лозим; августда ишлаган бўлса – август ойи шкаласида, сентябрда эса – сентябрь ойи шкаласи бўйича.

Агар ходимнинг олдинги асосий иш жойидаги меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ бўлган мукофотлар ёки бошқа тўловлар у бўшаб кетганидан кейин унга тўланаёттан бўлса, мазкур мукофотлар ва тўловларга уларга тўланаётганида имтиёзларни кўлламаган ҳолда (ҳатто қонун бўйича имтиёзлар берилган бўлса ҳам) умумий белгиланган тартибда солиқ солинади, бунда солиқдан қисман озод қилиш, тўрт баробар миқдорида, имтиёзлари кўлланилмайди.

Мазкур фуқароларга тўланган даромад ва ундириб олинган солиқнинг умумий суммаси тўғрисида корхона, муассаса, ташкилотлар бир ой муддат ичида ўзи жойлашган жойдаги солиқ органига хабар беришлари керак.

Асосий бўлмаган иш жойида олинадиган иш ҳақи ва бошқа тўловлардан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги даромаднинг тўлов манбаида календар йилининг бошидан ҳар ойда солиқ солинувчи жами даромаднинг йил бошидан ўсиб борувчи суммасидан (агар бундай даромадлар тўланган бўлса) имтиёзларни кўлламаган ҳолда белгиланган ставкаларда (13% - 32%) ҳисоблаб чиқиласди, бунда солиқдан қисман озод қилиш, тўрт баробар миқдорида, имтиёзлари кўлланилмайди.

Агар асосий иш жойи бўлмаган жойда иш ҳақи олаётган ходим бухгалтерияга ундан максимал ставка – 32% бўйича солик ушлаб қолиш тўғрисида ариза берган бўлса, у ҳолда даромад тўлаётган юридик шахс солик тўловчининг аризасига биноан солик ундириб олишга ҳақлидир. Асосий бўлмаган иш жойидан даромад олуви жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган соликнинг якуний суммаси олинган даромадлар, ҳаражатлар ва ундириб олинган солик суммалари тўғрисида декларация маълумотлари асосида солик органи томонидан ҳисоблаб чиқилади.

Жисмоний шахслар – резидентларнинг Ўзбекистон Республикасидан ташқарида (шу жумладан асосий иш жойи бўйича ҳам) олган даромадларидан соликнинг якуний суммаси ҳам худди шу тартибида ҳисоблаб чиқилади.

Шунга эътиборни қаратиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 88-сон қарори билан қорхоналар ва ташкилотларга, уларнинг мулкчилик шаклларидан қатъи назар иш ҳақини табиий кўринишда – товарлар билан тўлаш 2002 йил 1 апрелдан бошлаб тақиқланади. Фақатгина ўзлари ишлаб чиқарган кишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва уларни қайта ишлаш маҳсулотлари келишилган нархда иш ҳақи сифатида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари томонидан, ишчиларнинг бу ҳақдаги ёзма аризасидан сўнг берилиши мумкин. Бу ҳолда, ишчи иш ҳақини олаётганда, жисмоний шахсларга солинадиган даромад солиғининг суммаси бюджетга даромад олинган ойдан кейинги ойнинг 5 кунигача ўтказилади.

Бошқа ҳолларда, иш ҳақи натура кўринишида тўланганда, иш ҳақини узоқ мuddат олмаслик ва иш ҳақини ўз вақтида беришнинг конун билан белгиланган тартиби бузилиш ҳоллари учун айбдор раҳбар шахсларни шахсий жавобгарликка тортиб, жиноий жавобгарликкача олиб бориши мумкин.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги 280-сон «Пул маблағларининг банқдан ташқаридаги муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига биноан 2002 йилнинг 1 октябридан мулкдорлик шаклидан қатъи назар корхоналар ва ташкилотларнинг иш ҳақига йўналтирилаётган маблағларини давлат томонидан тартибга солиш бекор қилинди, юридик шахс-

лар эса ҳар чоракда давлат солиқ органларига ёлланма ишчила-рига меҳнатга иш ҳақи тұлаш шаклида ёзилған ва амалда тұлан-ған маблағтар ҳамда ушбу даромаддан солиқ суммалари түғри-сида маълумот беришлари керак.

*Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқни тұлов манбаида ушлаб қолишини қуидаги юридик шахслар амал-га оширишлар шарт:*

- ишлайдиган жисмоний шахсларга меҳнат шартномалари ёки фуқаровий - хукукий шартномалар бүйічә тұловларни амалга оширувчи юридик шахслар;
- нодавлат пенсияларини тұловчилар;
- жисмоний шахсларга дивидендер ва фоизлар тұловчилар;
- доимий муассаса билан боғлық бўлмаган норезидентларга тұловларни амалга оширувчилар.

Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқни ушлаб қолиши ва бюджетта үтказиши учун тұловчи юридик шахс жавобгардир.

Солиқ суммаси ушлаб қолинмаганда даромад тұловчи юридик шахс ушлаб қолинмаган солиқ суммасини ҳамда у билан боғлық жарима ва бўнакларни бюджетта үтлаши шарт.

Жисмоний шахсларнинг даромадларидан солиқни ҳисоблаб чиқиши ва бюджетта үтказиши тартиби түғрисидаги Йүриқномага (ЎзР Адлия вазирлиги 13.09.2002й. № 1110-1) киритилған күшим-чаларга мувофиқ юридик шахс ҳар чоракда, ҳисобот ойидан кей-инги ойнинг 15-санасидан кечирмасдан, юридик шахс рўйхатдан үтказилған жойдаги давлат солиқ хизмати органларига ишга ёлланған ходимларига иш ҳақи ёки бошқа даромадлар шаклида ёзилған ва амалда тұланған суммалар ҳамда мазкур даромадлар-га ундирилған соликлар суммаси түғрисида маълумотлар топши-риши лозим. Маълумотлар қуидаги шаклда тақдим қилинади:

Корхона (ташкилот) штампи

Давлат солиқ инспекциясига

(корхона, ташкилотнинг тұлиқ номи)

Солиқ тұловчининг      □□□□□□□□□□  
иентификация рақами

Солиқ органининг  
штампи ёки  
белгиси

Олинган \_\_\_\_\_

**Ёлланган ишчиларига иш ҳақи ёки бошқа даромадлар шаклида ёзилған ва амалда тұланған сүммалар ҳамда мазкур даромадларга ундирилған соликлар сүммаси түғрисида маълумотлар**  
**200 \_\_ й. \_\_\_\_\_ чорак учун**

N	Күрсаткичлар	Са- тр	Үлчов бирлиги	Тұлов- чининг маълу- мотлари бүйича
	Йил бошидан даромад олған жисмоний шахслар сони, жами	01	одам	
1	Шу жумладан:			
	01 Үриндошлик бүйича	02	одам	
	Пудрат шартномалари бүйича ишлар бажарувчилар	03	одам	
	01 сатрдан чет эллик жисмоний шахслар	04	одам	
2	Хисобот даврининг бошига ходимларга даромад тұлаш бүйича қарз (соликлар ва ундириларни чиқарып ташлаган холда)	05	минг сүм	
3	Хисобот даврининг бошига жисмоний шахсларнинг даромад солигини тұлаш бүйича қарз	06	минг сүм	
4	Хисобот даври учун тұланған:			
	Ходимларга тұлаш керак бўлған даромадлар сүммаси (солик ва бошқа ундирилар чегириб ташланганда):			
	ој учун	07	минг сүм	
	ој учун	08	минг сүм	
	ој учун	09	минг сүм	
	Имтиёзлар ва чегирмалар сүммаси:			
	ој учун	010	минг сүм	

	ои учун	011	минг сўм	
	ои учун	012	минг сўм	
Тўланиши лозим бўлган жисмоний шахсларнинг даромад солиги:				
	ои учун	013	минг сўм	
	ои учун	014	минг сўм	
	ои учун	015	минг сўм	
5* Хисобот даврида тўланган:				
Ходимларнинг даромадлари суммаси (солиқлар ва бошқа ундиришларни чиқариб ташлаган холда):				
	ои учун	016	минг сўм	
	ои учун	017	минг сўм	
	ои учун	018	минг сўм	
Жисмоний шахсларнинг даромад солигининг бюджетга тўланадиган суммаси:				
	ои учун	019	минг сўм	
	ои учун	020	минг сўм	
	ои учун	021	минг сўм	
6 Ҳисобот даври охирига ходимларнинг даромад тўлаш бўйича қарз (солиқ ва бошқа ундирмаларни чиқариб ташлаган холда):		022	минг сўм	
7 Ҳисобот даврининг охирига жисмоний шахсларнинг даромад солигини тўлаш бўйича қарз:		023	минг сўм	
8 ** Ишчиларнинг даромадлари суммасига нисбатан жисмоний шахсларнинг даромад солиги бўйича тўланмай қолган қарз суммаси		024	минг сўм	
9 Корхона томонидан жисмоний шахсларга даромад солигини вактида тўлмаганлик учун ёзилган бўнакнинг суммаси:		025	минг сўм	

\* Тұланған даромад ва бюджетта кириллігін жисмоний шахслар даромад солигининг тұланған сана ва суммаси көлтирилген расшифровка илова қилинади

\*\* 024 сатри бүйіча маълумотлар солиқ органдың томонидан ижро этилган тұлов хужжатларына күра юридик шахснинг банкдағы ҳисобварақларыдан чиқарып ташланған пул маблағларына пропорционал тартибда аниқланади ва тұлдирилади

Корхона рахбары

	(имзо)	(Ф.И.ОИ)
Бош бухгалтер	(имзо)	(Ф.И.ОИ)
Олди	(имзо)	(Ф.И.ОИ)
200 __ й.» __ » _____		

Солиқни ундириб олувчи юридик шахслар қуидагиларни баражишилари шарт:

- жисмоний шахсга иш ҳақи тұлашда уннинг талаби бүйіча даромад тури ва суммаси ҳамда ушлаб қолинган солиқ (агар солиқ ушлаб қолинган бўлса) суммаси тұғрисида маълумотнома бериллар;

- молиявий йил якунланғандан кейин 30 кун мобайнида давлат солиқ органларыга асосий бўлмаган иш жойидан даромад олган жисмоний шахслар тұғрисида маълумотнома топшириллари лозим. Маълумотномада жисмоний шахснинг рўйхатдан ўтиш рақами ёки паспорт маълумотлари, исми, фамилияси, отасининг исми, доимий турар жойи адреси, ҳисбот йили учун умумий даромад суммаси ва ушлаб қолинган умумий солиқ суммаси қуидаги шаклда тақдим қилиниши лозим:

Жисмоний шахсга \_\_\_\_ йилда тұланған даромадлар суммаси

1. Юридик шахснинг номи \_\_\_\_\_
2. Юридик шахс - солиқ тұловчининг идентификация рақами (СТИР)
3. Юридик шахснинг пошта индекси, адреси \_\_\_\_\_
4. Жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми \_\_\_\_\_
5. Паспорт маълумотлари: Серия \_\_\_\_\_ N \_\_\_\_\_ берилгандан \_\_\_\_\_
6. Даромад олувчининг доимий турар жойи адреси \_\_\_\_\_
7. Даромад олишда ишлаган ойлар сони (көреклиси чизиб қўйилсан): \_\_\_\_\_

I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII
---	----	-----	----	---	----	-----	------	----	---	----	-----

8. Тўланган даромад суммаси \_\_\_\_\_ сўм.

9. Шу жумладан:

- меҳнат шартномаси бўйича ўриндошлик учун \_\_\_\_ сўм.

- фуқаровий-ҳукукий характердаги шартнома бўйича иш учун \_\_\_\_ сўм.

- товарларни реализацияга топшириш учун \_\_\_\_ сўм.

- моддий ёрдам \_\_\_\_ сўм.

- буюм совғалар \_\_\_\_ сўм.

- гонорарлар \_\_\_\_ сўм.

- Бошқа бевосита ва билвосита даромадлар \_\_\_\_ сўм.

10. Даромад солиги ҳисоблаб чиқилган даромад

суммаси \_\_\_\_ сўм.

11. Ушлаб қолинган солиқ суммаси \_\_\_\_ сўм.

Бош бухгалтер \_\_\_\_\_  
(имзо) (фамилия, исми, отасининг исми)  
МЎ

---

Тўлов манбаида солиқ солинадиган даромадлардан солик конунчилик томонидан жисмоний шахсларнинг хусусий даромад солигини ҳисоблаб чиқиш, ушлаб қолиш ва бюджетга ўтказиш мажбурияти юлатилиган субъектлар томонидан даромадни тўлаш пайтида ушлаб қолиниши керак.

Банқда ҳисоб-китоб ҳисобварақлари бўлган юридик шахсларнинг солиқ тўлаш санаси деб маблағларни тўловчининг ҳисобварағидан чиқариб ташлаш санаси ҳисобланади, бошқалар учун эса, шу жумладан жисмоний шахслар учун, кредит муассасасининг касасига топширилган кун ҳисобланади.

### Қўшилган қиймат солиги

#### Умумий қоидалар

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ қўшилган қиймат солиги (КҚС) товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш), уларни реализация килиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси худудига товарлар (ишлар, хизматлар) импорт қилиш жараёнида қўшилган қийматнинг бир кисмини бюджетга ажратищdir.

КҚСни ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида (65-79 моддалар) белгиланган ҳамда:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 1997 йил 29 декабрда 383-сон билан рўйхатдан ўтказилган «Ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товар (иш, хизмат)лар бўйича кўшилган қиймат солигини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2002 йил 15 апрелда 1123-сон билан рўйхатдан ўтказилган «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилинадиган ишлар, хизматларга нисбатан кўшилган қиймат солигини ҳисоблаб чиқиши ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2002 йил 15 апрелда 1124-сон билан рўйхатдан ўтказилган «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилинадиган товарларга нисбатан кўшилган қиймат солигини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Йўриқномаларда батафсил баён қилинган.

### **Кўшилган қиймат солигини тўловчиликлар:**

- Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар кўшилган қиймат солигини тўловчиликлардир, жорий қонунчилик билан алохида солиқ солиши назарда тутилган юридик шахслар (чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналари – асосий иш фаолияти бўйича, ягона солиқ тўлашга ўтган микро фирмалар ва ягона ер солиги тўлашга ўтган қишлоқ ҳўжалик махсулотлари ишлаб чиқарувчилари) бундан мустасно;
- Импорт товарларини (иш, хизматлар) олиб кирувчи юридик шахслар, шунингдек товарларни (иш, хизматлар) ўз эҳтиёжлари учун божхона тўловларисиз олиб кириш нормасидан кўп миқдорда олиб кирувчи жисмоний шахслар импорт товарларига кўшилган қиймат солигини тўловчиликлар деб ҳисобланади.

Товарлар (ишлар, хизматлар) реализацияси бўйича оборот ва импорт **кўшилган қиймат солиги солинадиган объект ҳисобланади.**

Товарларни реализация қилиш обороти, кўшилган қиймат солиги тўлашдан озод қилинган ва ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун ишлатиладиган товарлар обороти бундан мустасно, солиқ солинадиган оборот ҳисобланади.

Товарларни (иш, хизмат) сотиш бўйича оборот деганда, жўнатилган махсулот, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар (бундан бўён «товарлар (ишлар, хизматлар)» деб юритилади) тушунилади.

Товарларни сотишда ўзи ишлаб чиқарган ва четдан сотиб олган барча товарларни сотиш бўйича оборотлар солиқ солиши обьекти ҳисобланади.

Солиқ солиши мақсадида истеъмол сифати ва қийматига эга бўлган барча нарсалар товар ҳисобланади (товар, маҳсулот, кўчмас мулк, бинолар, иншоотлар, электр ва иссиқлик энергияси, газ, сув ва х.к.).

**Ишларни сотища бажарилган қурилиш-монтаж, таъмирлаш, илмий-текширув, тажриба-конструкторлик, технологик, лойиҳатадқиқот ишлари ва бошқа ишларнинг қиймати солиқ солиши обьекти бўлиб ҳисобланади.**

**Хизматларни сотища қуидагиларнинг қиймати солиқ солиши обьекти бўлиб ҳисобланади:**

- йўловчи ва юқ транспорти хизматлари, газ, нефть, нефть маҳсулотлари, электр ва иссиқлик энергиясини ташиш (ўтказиш), маҳсулотларни юклаш, тушириш, қайта юклаш ва сақлаш бўйича кўрсатиладиган хизматлар ҳам ҳисобга олинади;

- мулк ва кўчмас мулк обьектларини ижарага бериш хизматлари;
- воситачилик хизматлари;
- алоқа хизмати, майший, уй-жой, коммунал хизматлар;
- реклама хизмати;
- маълумотлар билан таъминлаш ва уларни қайта ишлаш бўйича кўрсатиладиган хизматлар;
- бошқа хизматлар.

Солиқ солинадиган оборотларга, шунингдек, қуидагилар ҳам киради:

а) маҳсулотлар, ишлар ва хизматларни сотиши бўйича оборотлар, шу жумладан, корхона ичидағи ўзининг ва ходимларнинг истеъмоли учун, корхона тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган товарлар, ишлар, хизматлар;

б) бошқа корхоналарга, жисмоний шахсларга, шу корхона ишчиларига товарларни (иш, хизматлар) текинга ёки қисман пул тўлаш орқали ўтказиш обороти;

в) гаровга кўйилган буюмларни сотиши бўйича оборотлар, бу буюмларни гаров мажбуриятлари бажарилмаган ҳолатда эга-сига қайтариш ҳам ҳисобга олинади.

Лотерея билетларини сотиши лотерея ташкилотчиси учун солиқ солиши обьекти бўлиб ҳисобланмайди.

Бўнда лотерея билетларини сотиши (тарқатиш) бўйича корхоналар томонидан лотерея ташкилотчисига кўрсатиладиган хизматларга солиқ умумий белгиланган тартибда солинади.

*Реализация бўйича солиқ солинадиган оборот миқдори реализация килинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) қиймати асосида, қўлланиладиган нархлар ва тарифлардан келиб чиқиб, қушилган қиймат солиғини киритмасдан белгиланади.*

Акциз солиғи солинадиган товарлар бүйича солиқ солинадиган оборот микдорини ҳисоблашда унга акцизлар суммаси киритилади.

Товарлар текинга берилгандай тақдирда, солиқ солинадиган оборот микдори солиқ тұловчыда бериш пайтида таркиб топған нархлар даражасидан келиб чиқиб, уларга құшилған қиймат солиғи ні киритмасдан, бирок мазкур товарларни (ишлар, хизматларни) ишлаб чиқариш (сотиб олиш) учун амалда таркиб топған харажатлардан кам бўлмаган микдорда белгиланади.

Товарлар текинга (ишлар, хизматлар) берилганда уларни берувчи солиқ тұловчи ҳисобланади.

Текинга берилгандай асосий маблағлар, агар ушбу маблағларнинг текинга берилиши шу корхоналарнинг мулқорлари ҳисобланувчи юқори ташкilotларнинг буйруғига биноан корхоналар орасида ажратувчи баланс бүйича тизим ичида содир бўлса, солиқ солинадиган оборотга киритилмайди.

Маҳсулотларни ҳақиқий таннархидан паст қийматда сотувчи корхоналар учун, солиқ солиши мақсадида, корхонада сотиш вактида юзага келдиган, лекин ушбу товарларни (иш, хизматлар) ишлаб чиқаришда (сотиб олишда) юзага келган ҳақиқий харажатлардан паст бўлмаган баҳо қабул қилинади.

Корхона ичида ўзи ишлаб чиқарған, корхонанинг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган, маҳсулотлар (иш, хизматлар)дан фойдаланишда солиқ солиши учун уларнинг ҳақиқий таннархи асос қилиб олинади.

Берилган хом ашё ва материаллардан товарлар ишлаб чиқарилганда, уларга ишлов бериш қиймати (харажат ва фойда ҳисобга олинади), акциз товарлари бүйича – акцизларни ҳисобга олган ҳолда ишлов бериш қиймати солиқ солиши обороти бўлиб ҳисобланади.

Асосий воситалар ва номоддий активларни, шу жумладан, корхонанинг солиқ суммасини ҳисобга олиш кўзда тутилмаган низом капиталига улуш сифатида киритилган активларни сотишида солинадиган солиқ микдори сотиш баҳоси ва қолдиқ баҳо ўртасидаги фарқ кўринишида белгиланади.

Солиқ солинадиган оборотга қуйидагилар кирмайди:  
корхоналарнинг бирор таркибий қисми томонидан бошқа таркибий қисмининг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун сотилган маҳсулотлар, ярим тайёр маҳсулотларни, бажарилган иш ва хизматлар (завод ичини обороти). Ушбу ҳолатда корхонанинг таркибий қисми сифатида банк муассасаларида ўз ҳисоб рақамига эга

бўлмаган ва асосий корхона балансида турувчи таркибий қисмлар тушинилади.

### **Солиқ солинадиган оборотга тузатиш киритиш**

Харидорлар томонидан ҳисоб-китоб ҳужжатлари, йўл ҳужжатлари тўлангандан сўнг товарлар қайтарилиганда, шунингдек илгаридан тўланган иш ва хизматлар буюртмачи томонидан рад этилганда, кўшилган қиймат солиги суммасига шундай операциялар бўйича товарларни сотишда даъво муддатига риоя қилган ҳолда оборотларга тузатиш киритилади.

Агар фойдаланиш муддати кафолатланган товарлар ишлаб чиқарувчи корхонага ушбу муддат давомида қайтарилса, ушбу товарлар бўйича кўшилган қиймат солиғини ҳисобга олиш ёки қайтариш харидор томонидан ҳисоб-китоб ҳужжатлари тўланишининг дастлабки муддати ва солиқнинг бюджетга тушиш муддатига боғлиқ бўлмаган ҳолда амалга оширилади.

### **ККС бўйича имтиёзлар**

**Кўшилган қиймат солиғидан қуийдагилар озод қилинади** (Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 71-моддаси):

- суғурта бўйича воситачилар ва агентлар томонидан амалга оширилган суғурта қилиш, қайта суғурта қилиш операциялари, шу жумладан бундай операциялар билан боғлиқ хизматлар;
- ссудалар бериш ва ўтказиш;
- пул омонатлари, жорий ҳисобвараклар, тўловлар, ўтказмалар, чеклар ва бошқа қимматли қоғозларга дахлдор операциялар;
- қонуний тўлов воситаси бўлган чет эл валютаси ва пуллар муомаласига дахлдор операциялар, нумизматика мақсадларида фойдаланиладигани бундан мустасно;
- қимматли қоғозлар муомаласига дахлдор операциялар, уларни тайёрлаш ва сақлаш операциялари бундан мустасно;
- маҳсус вакил қилинган органлар томонидан бажариладиган ва давлат божи, йигимлар ундириладиган ҳаракатлар;
- болаларни мактабгача тарбия муассасаларида боқишига, беморлар ва қарияларни парвариш қилишга доир хизматлар;
- дағн этиш бюролари ва қабристонларнинг маросим хизматлари;
- интеллектуал мулк обьектларига бўлган ҳуқуқларни олганлик учун патент божлари, рўйхатга олиш йигимлари ва лицензия тўловлари;
- протез-ортопедия буюмлари, ногиронлар учун инвентарлар ишлаб чиқариш ва ногиронларга ортопедик протезлаш хизмати

кўрсатишга ихтисослашган корхоналарнинг маҳсулотлари, даво-  
лаш муассасалари ҳузуридаги даволаш-ишлиб чиқариш устахо-  
наларининг маҳсулотлари;

- божхона ҳақидаги қонун хужжатлари билан тасдиқланган товарларни божсиз олиб кириш нормалари доирасида жисмо-  
ний шахслар томонидан импорт қилинаётган товарлар.
- ўзи етиштирган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини реализаци-  
ция қилиш;
- почта маркалари (коллекция қилинадиганларидан ташқари),  
маркали открытиялар ва конвертлар сотиш;
- алоқа ташкилотларининг пенсия ва нафақалар тўлаш бўйи-  
ча хизматлари;
- *Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан-техника тараққиёти  
бўйича координацион кенгаш қошидаги Фан ва технология мар-  
кази дастурлари доирасидаги шартномалар бўйича илмий-тадқ-  
иқот ва инновацион ишлилар;*
  - шаҳар йўловчилар транспортининг хизматлари (такси, шу  
жумладан йўналишили таксидан ташқари), шунингдек умумий  
фойдаланишдаги темир йўл ва автомобиль транспортида (такси,  
шу жумладан йўналишили таксидан ташқари), шаҳар атрофидаги  
йўналишларда йўловчилар ташиб хизматлари;
  - аҳолига кўрсатиладиган уй-жой-коммунал ва уй-жойдан  
фойдаланиш хизматлари;
  - ҳалқ таълими соҳасидаги ўкув-ишлиб чиқариш жараёни би-  
лан боғлик хизматлар, шунингдек олий ва ўрта маҳсус ўкув юртла-  
ридаги таълим учун ҳак;
  - сақлаб туриш бўйича ваколатли давлат органига қимматли  
металларни реализация қилиш оборотлари;
  - диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг үдумлар ва маро-  
симлар ўтказишга доир хизматлари;
  - тиббий санаторий-курорт, соғломлаштириш ва туристик  
экскурсия хизматлари, жисмоний тарбия ва спорт муассасалари-  
нинг асосий (соҳа) фаолияти бўйича кўрсатиладиган хизматла-  
ри, болалар дам олиш лагерларининг хизматлари;
  - ҳусусийлаштирилаётган давлат мулкининг қиймати;
  - гидрометеорология ва аэрология ишлилари;
  - геология ва топография ишлилари;
  - нашриётларнинг, газета ва журналлар таҳририятларининг,  
полиграфия корхоналарининг, Телерадиокомпаниянинг, Ўзбеки-  
стон Миллий ахборот агентлигининг асосий фаолиятига доир  
маҳсулотлари ва хизматлари;

- ваколатли давлат ташкилотлари ўтказадиган экология экспертизаси хизматлари;
- давлат тилини ва давлат тилида иш юритишни ўргатиш хизматлари;
- республикада ишлаб чиқариладиган ҳамда якка тартибда иморат курувчиларга сотиладиган бинокорлик материаллари;
- қурилиш ва маҳсус монтаж ишларини амалга оширувчи пуррат, таъмирлаш-курилиш, маҳсус монтаж ташкилотлари хусусий ўй-жой қурилишида бажарган ишлари;
- экспорт қилинаётган товарларни, шунингдек чет мамлакатларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали олиб ўтиладиган юкларини (транзит юкларни) ташиш, ортиш, тушириш, қайта ортиш бўйича хизматлар;
- ногиронларнинг жамоат уюшмалари, «Нуроний» жамғармаси ва «Ўзбекистонлик чернобилчилар» уюшмаси нинг мулки бўлган, ишловчилари умумий сонининг эллик фоизини ногиронлар ташкил қилган юридик шахслар ишлаб чиқараётган ва реализация қиласатидан ташқари), ишлар ва хизматлар (савдо, восита-чилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолиятидан ташқари);
- табиий оғатлар, қуролли можаролар, баҳтсиз ҳодиса ёки фалокатлар юз берганда ёрдам кўрсатиш учун олиб келинадиган мол-мулк, шунингдек муруват ёрдами сифатида олиб келинадиган товарлар;
- юридик шахслар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро ва чет эл молиявий ва иқтисодий ташкилотлари билан тузган шартномалари (битимлари) асосида грантлар ва кредитлар хисобига олиб кирилаётган ускуналар, материаллар (ишлар, хизматлар);
- ички ишлар органлари қошидаги қўриқлаш бўлинмаларининг хизматлари;
- бюджет ташкилотларининг буортмалари бўйича бюджетдан ажратилган пул маблағлари хисобига Ўзбекистон Республикаси худудига олиб келинаётган ускуналар, товарлар (ишлар, хизматлар);
- импорт бўйича олиб келинаётган дори-дармон воситалари ва тиббиёт ускуналари;
- гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланиш хуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган юридик шахслар;
- китоблар, мактаб ўқув қуроллари, кўргазмали қуроллар, дори-дармонлар ва тиббиётга оид буюмларни улгуржи сотиш;
- мулкни лизинг бўйича беришдаги лизинг тўловлари;

- ваколатли банкнинг тегишли тасдиқномасига эга бўлган ҳолда Ўзбекистон Республикаси худудига лизинга бериш учун олиб кирилган технологик жиҳозлар.

### **Ноль даражали ставка бўйича солиқ солиши**

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 72-моддасига биноан қўйидагиларга ноль даражадаги ставка бўйича солиқ солинади:

- эркин конвертацияланувчи валютага товарлар экспортига, шу жумладан МДХ давлатларига етказиб бериш, агар бошқаси хукуматлар ўртасида тузилган битимларда назарда тутилмаган бўлса;
- қишлоқ хўжалик корхоналарига қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун етказиб бериладиган минерал ўғитлар ва ёнилғи-мойлаш материаллари;
- хорижий дипломатик ва уларга тенгглаштирилган ваколатхоналарнинг расмий фойдаланишлари учун сотиладиган товарлар (иш, хизматлар), шунингдек, ушбу корхона ходимлари ва улар билан бирга яшовчи оила аъзолари, агарда улар Ўзбекистон Республикасининг фуқароси хисобланмасалар ва республикада доимий равишда яшамасалар, чет эл томонидан ўзаро ҳамкорлик принципи қўлланиши шарти билан.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 30 декабридан 455-сон қарорига биноан, 2003 йил 1 январдан бошлаб экспортчи корхоналар тўланган қўшилган қиймат солиги учун товош олиш хукуқига фақаттина товарларнинг республика худудидан олиб чиқиб кетилганилиги ва уларнинг хисобига валюта тушуми тушганлиги тасдиқланганидан сўнг эга бўладилар.

КҚСдан озод қилювчи оборотлардан фарқли ўларок, корхоналар ноль даражадаги солиқ ставка бўйича солиқ солинадиган маҳсулотларга қўшилган қиймат солигини «0» ставкасида хисоблайдилар ва ушбу товарларни ишлаб чиқариш учун фойдаланилган моддий ресурслар бўйича солиқ суммаси хисобга ўтказилади.

### **Қўшилган қиймат солиги ставкаси**

Қўшилган қиймат солиги 20 фоизли ставкада тўланади.

#### **Бюджетга тўланиши лозим бўлган**

#### **КҚСни хисоблаб чиқиш механизми**

Сотиб олинадиган моддий ресурсларга солинадиган солик, шунингдек чет ташкилотларнинг ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланиладиган ишлаб чиқариш харажатларига (фойдаланиш

чиқимлари) кирмайды, солиқдан озод қилинган товарларни (иш, хизмат) сотиш бундан мустасно.

Бюджеттега тұланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи солиқ солинадиган оборотлар учун ҳисоблаб чиқилган қўшилган қиймат солиғи суммаси билан ҳисобга ўтказиладиган солиқ суммаси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади:

$$С \ KKC_{бюджетта} = С \ KKC_{хис.чик.} - С \ KKC_{хисобга \ ўтказилган}$$

KKCни ҳисоблаб чиқишнинг бундай усули «бильвосита инвойсли» ёки ҳисобвараклар бўйича ҳисобга ўтказиш деб номланади ва жаҳон амалийтида энг кўп тарқалгандир.

Қўшилган қиймат солиғининг суммаси қўйидаги ифода бўйича аниқланади:

$$С \ солиқ = Ооб \times Н / 100;$$

Бу ерда: С солиқ – истеъмолчилардан ундириб олинадиган солиқ суммаси;

Ооб – солиқ солинадиган оборот;

Н – қўшилган қиймат солиғи ставкаси.

Товарларни (ишлар, хизматлар) ўз ичига қўшилган солиқни киритган нархлар ва тарифларда реализация қилишда солиқ қўйидаги ифода билан аниқланади:

$$С \ солиқ = Ст \times Н / (Н + 100);$$

Бу ерда: Ст – товарнинг (иш, хизматнинг) қўшилган қиймат солиғи ҳисобга олингандаги нархи.

Қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган корхоналар ёки қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган товарларни (иш, хизмат) сотиш билан шугулланувчи корхоналар, эркин (келишилган) нархга ва тарифга қўшилган қиймат солиғи суммасини киритмайдилар.

Ушбу тартиби амалдаги қонунларга мувофиқ солиқ солишининг маҳсус тартиби кўзда тутилган юридик шахсларга ҳам тааллуклидир.

Агарда ташкилот қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган фаолият билан бир қаторда солиқ солинадиган бирор фаолият юритса, у ҳолда ушбу фаолият тури бўйича харажат ва фаолият натижаларининг алоҳида ҳисобини олиб бориши керак.

Қўшилган қиймат солиғининг ҳисобга олинадиган суммаси бўлиб ҳисобот даври мобайнида келиб тушган, шу жумладан импорт

қилинган, товарлар (ишлар, хизматлар), солиқ солинадиган оборот (ноль даражали ставка бүйича оборот қүшилган ҳолда) бүйича олинган ҳисобварақ-фактураларга биноан тұланадиган солиқ суммаси ҳисобланади.

Импорт қилинган товарлар (иш, хизмат) бүйича ҳисоблашга асос бўлиб божхона юқ декларацияси (бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар далолатномаси) ва қўшилган қиймат солиғи ҳақиқатда тұланғанлигини тасдиқловчи тұлов ҳужжатлари хизмат қиласди.

Импорт қилишда қўшилган қиймат солиғини тұлашни кечиктиришга ёки бўлиб-бўлиб тұлашга рухсат берилса (божхона қонунларига биноан ёки ҳукумат қарори билан) қўшилган қиймат солиғининг ҳисобга ўтказиладиган суммаси деб солиқнинг ҳақиқий тұланған суммаси ҳисобланади.

#### *Күйидаги солиқ суммаси ҳисобга ўтказилмайди:*

а) қўшилган қиймат солиғи тұлашдан озод қилинган корхоналар ҳамда қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган товарлар ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан сотиб олинган ва фойдаланилаётган товарлар (ишлар, хизматлар) бүйича;

б) солиқ тұловчининг тадбиркорлик фаолияти билан боғлик бўлмаган сотиб олинган товарлар бүйича.

Буларга масалан, корхона балансида бўлган ошхонани таъмирлаш учун сотиб олинган материаллар киради.

Кимгадир мол-мulkни текинга бериш бунга кирмайди (вахоланки бу ҳам тадбиркорлик фаолияти билан боғлик бўлмаслиги мумкин), чунки текинга бериш ККС бүйича солиқ солинадиган оборот ҳисобланади ва бу одатда мазкур мол-мulkни сотиб олишда тұланған ККС ҳисобига ўтказилади;

---

\* Шуни ҳисобга олиш керакки, соддалаштирилган солиқ со- лиш тизимининг субъектлари ўзлари ишлаб чиқарган товарларга эркин (келишилган) нарх шаклланишининг охирги босқичида ККС ҳисоблаб чиқмайдилар. Товарларни (иш, хизматлар) қабул қилиб олувлчилар томонидан келтириладиган ҳисобварағида «ККСсиз» деб белгилаб қўйилади. Бунда етказиб берилган хом ашё ва материалларга тұланадиган ККС суммаси ишлаб чиқариш харажатларига ҳисобдан чиқарилади. Шундай қилиб, корхоналар – ягона солиқ тұловчилардан товар сотиб олувлы солиқ тұловчилар ККСни оширилган миқдорда тұлашга мажбур бўладилар. Бу ҳолат ягона солиқ тұловчилардан товар сотиб олиш истагининг йўқолишига, уларнинг рақобатбардошлиги ва товар айирбошланишининг пасайишига олиб келади.

в) ўзининг шахсий ишлаб чиқариш эҳтиёжларига ишлатилувчи сотиб олинган асосий воситалар ва номатериал активлар бўйича;

г) корхонанинг устав капиталига улуш сифатида киритилган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича, улардан кейинчалик реализация қилиш ёки солиқ солинадиган ва солинмайдиган оборот учун ва тадбиркорлик бўлмаган фаолият учун фойдаланилганда.

Бунда корхонанинг устав капиталига улуш сифатида киритилган импорт қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича, улардан кейинчалик реализация қилиш ёки солиқ солинадиган ва солинмайдиган оборот учун ва тадбиркорлик бўлмаган фаолият учун фойдаланилганда, тўланган ККС суммаси умумий белгиланган тартибда ҳисобга ўтказилади.

Хорижий муассисдан мол-мулк шаклида улуш олинганида, корхона божхонада мол-мулкни расмийлаштиришда ККС тўлаши лозим ва мана шу тўланган ККС суммасини ҳисобга ўтказишга корхонага ҳукуқ берилган.

д) агар ҳисобот даврида сотиб олинган товарлар (хизматлар, ишлар) бўйича қўшилган қиймат солиги ҳисобга ўтказилган, кейинги даврларда эса ушбу материал ресурслар тадбиркорлик бўлмаган фаолият учун ва солиқ тўловчининг солиқ солинмайдиган етказиб беришлари учун ишлатилган бўлса, у ҳолда мазкур (кейинги) даврлар учун қўшилган қиймат солигини ҳисоблаб чиқишининг 1-бандида оборот ва солиқ суммасига тузатишлар киритилади.

Агар корхона солиқ солинадиган оборотлар ҳамда соликдан озод қилинган оборотларга эга бўлса, у ҳолда солиқ солинадиган етказиб беришларга тўғри келадиган қўшилган қиймат солигининг суммаси қўшилган қиймат солиги ҳисобига ўтказилади.

Агарда ўтган ҳисобот йили учун ҳисобга ўтказиладиган солиқ суммаси микдори ёзилган солиқ суммасидан ошиб кетса, у ҳолда солиқнинг ошган қисми ҳисобот йилидан кейинги йилга қўшиб ҳисобланади.

Агарда корхонага ҳисобот чорагида ёзиладиган солиқ суммасидан ҳисобга ўтказиладиган солиқ суммаси ошиб кетса, у ҳолда ушбу ошган қисми (манфий сальдо) корхонанинг ёзма аризасига биноан бошқа солиқлар ҳисобига ўтказилади.

### **Ҳисобварак-фактура**

1998 йилнинг 1 январидан товарларни реализация қилиш, хизмат кўрсатиш ва ишлар бажаришда ҳисобварак-фактуралар ёзиб бериш ҳамма учун мажбурийдир.

Хисобварап-фактурани тұлдириш тартиби юқорида күрсатыб үтілған Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигіда 1997 йил 29 декабря 383-сон билан рўйхатга олинган «Ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товар (иш, хизмат)лар бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Йўрикнома-нинг 11.1-11.7-кичик бандлари ва З-иловасида белгилаб қўйилган.

Хисобварап-фактураларни тұлдириш тартиби бузилганда қўйидаги молиявий жазолар қўлланилади:

- хисобварап-фактуралар қўйидаги камчиликлар билан тұлдирилганда:

товарларни реализация қилишда белгиланган тартибни бузган ҳолда, агар мазкур тартиб бузишлар қўшилган қиймат солиғининг келиб тушмаслигига олиб келган бўлса, товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчидан реализация қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) қийматининг ўн фоизи миқдорида жарима ундирилади, қўйидаги бандда күрсатилган холлардан ташки;

қўшилган қиймат солиги тўловчилари бўлмаган етказиб берувчилар томонидан товарларни реализация қилишда ҳисобварап-фактураларда қўшилган қиймат солиги акс эттирилган холларда, етказиб берувчидан ҳисобварап-фактурада күрсатилган солиқ суммаси ундириб олинади ва шу сумма миқдорида жарима ундирилади. Бунда товар сотиб олувлар бюджет билан қўшилган қиймат солиги бўйича қайта ҳисоб қиласидилар ва уларга жарима жазо чоралари қўлланилмайди;

- хисобварап-фактураларни расмийлаштирумагани ёки белгиланган шаклда расмийлаштирумагани учун (солиқ тўловчининг идентификация рақамлари, солиқ тўловчининг бошқа реквизитлари күрсатилмаган ёки ноаниқ кўрсатилган, қонунчиликда эса уларнинг кўрсатилиши мажбурий деб белгилаб қўйилган ҳолларда), ҳар бир нотўғри тузилган ҳужжат учун энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдорида жарима ундириб олинади.

Кўшилган қиймат солиги солинмайдиган товарларни реализация қилувчи, ишларни бажарувчи ва хизматлар кўрсатувчи корхоналар ҳамда қўшилган қиймат солиги бўйича имтиёзларга эга корхоналар ҳисобварап-фактурада қўшилган қиймат солиги суммасини кўрсатмайдилар ва «кўшилган қиймат солигисиз» деб ёзиди кўядилар ёки штамп кўядилар.

Хисобварап-фактура товарни жўнатиш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш санасидан кечиктирумасдан ёзилади.

Хисобварап-фактура етказиб берувчи корхона (пудратчи, бажарувчи) томонидан сотиб олувлар корхона (буортмачи) номига икки нусхадан кам бўлмаган ҳолда тузилади, улардан биринчиси

товарни жүннатиш (ишларни бажариш, хизматлар күрсатиш) сана-  
сидан кечіктірмасдан товарни етказиб беруучы томонидан тақ-  
дим қилинади ва олувчига қүшилган қиймат солиғини ҳисобға  
ұтказиш (үрнини тұлдириш) ҳуқуқини беради.

Хисобварап-фактуранинг иккінчи нұхаси етказиб берувида  
қолади.

Хисобварап-фактура мажбурий равишида рүйхатта олиш кито-  
бида ҳисобға олинади.

Айрим бухгалтерлар ҳисобварап-фактура бланкларидан олдин-  
дан тұлаш учун ҳисобварап ёзіб бериш учун фойдаланадилар.  
Шунға зәтиборни жалб қилиш лозимки, ҳисобварап-фактура (юк-  
хат билан бир қаторда) жүннатиш хұжжатидир ва уни зинхор бо-  
шқа мақсадларда ишлатиш керак эмас. Олдин тұлаш учун ҳисоб-  
варапларға келсак, улар учун маҳсус шактады бланклар мавжуд  
ва уларни тұлдиришга ҳисобварап-фактурага қўйиладиган каби  
хеч қандай қатый талаблар қўйилмайды.

### **Импорт қилинувчи товарлар (ишлар, хизматлар) бүйича қүшилган қиймат солиғини тұлаш тартиби ва муддатлари**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилинаёттан товарлар  
бүйича қүшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқында божхона қонун-  
чилигига биноан белгиланадиган божхона қиймати асос бўлади.

Товарлар импорти бүйича солиқ солинадиган оборот миқдо-  
рига божхона нархи билан бир қаторда товарни импорт қилишда  
тұланиши лозим бўлган божхона ыйими ва акциз солиғининг сум-  
маси (акциз солиғи солинадиган товарлар учун) киритилади.

Импорт қилинаёттан товарлар бүйича қүшилган қиймат солиғи  
қуйидаги формула билан ҳисоблаб чиқилади:

$$\text{С солиқ} = (\text{С б} + \text{П бб} + \text{Ас}) \times \text{Н}/100$$

Бу ерда: С солиқ – қүшилган қиймат солиғи суммаси;

Ст – импорт қилинувчи товарнинг божхона нархи;

П бб – божхона божи суммаси;

Ас – акциз солиғи солинадиган товар учун акциз солиғи суммаси;

Н – қүшилган қиймат солиғи ставкаси (фоизларда).

### **Қүшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар импорти**

Амалдаги конунларга биноан қүшилган қиймат солиғидан қуй-  
идаги импорт қилинадиган товарлар озод этилади:

а) хорижий дипломатик ва унга тенглаштирилган ваколатхоналарда расмий фойдаланиш учун мўлжалланган товарлар,

б) дипломатик ва унга тенглаштирилган ваколатхоналарнинг дипломатия ходимлари ва уларнинг ўзлари билан бирга яшайдиган ва Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган оила аъзоларининг шахсий фойдаланиши учун, шу жумладан дастлабки рўзгор буюмлари учун мўлжалланган товарлар;

в) хорижий дипломатик ва унга тенглаштирилган ваколатхоналарнинг маъмурӣ-техник ходимлари ва уларнинг ўзлари билан яшайдиган оила аъзолари, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса ва Ўзбекистон Республикасида доимий яшамаса, томонидан олиб кирилаётган дастлабки уй-рўзгор товарлари;

*г) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда мурувват ёрдами сифатида олиб келинадиган товарлар;*

д) жисмоний шахслар томонидан йиғимларсиз олиб келиш доираларида импорт қилинувчи товарлар, тижорат мақсадларига мўлжалланган товарлар бундан мустасно;

*е) табиий оғатлар, ҳарбий можаролар, баҳтсиз ҳодисалар ёки фалокатлар юз берганида ёрдам кўрсатиш учун олиб келинадиган мол-мулк;*

ж) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинаётган технологик ускуналар:

- 1998 йилнинг инвестиция дастурига киритилган устувор объектларни жиҳозлаш учун;

- давлат кафолатлари бўйича хорижий кредитлар ҳисобига молиялаштирилаётган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун;

- ҳалқ истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган, янги курилаётган ва реконструкция қилинаётган корхоналар учун;

- хорижий инвестицияли капиталга эга корхоналарнинг устав капиталига хорижий инвесторлар томонидан улуш сифатида олиб келинаётган;

- республиканинг нефть-газ саноати объектлари учун турли сортаментли қувурлар;

- янги ишлаб чиқаришлар ташкил қилиш ҳамда фаолият кўрсатётганларини модернизациялаш ва қайта жиҳозлаш бўйича белгиланган тартибда тасдиқланган лойиҳаларга биноан, ваколатли банкнинг тегишли тасдиғи мавжуд бўлганда;

з) қуидаги доираларда келтириладиган ускуналар (асбобалар, материаллар, ахборот ва ташкилий техника тизимлари ва воситалари):

- Ўзбекистон Республикасида халқаро ва чет эл ташкилотлари ва фонdlарининг грантлари бўйича илмий-техникавий ва инновация дастурлари ва лойиҳаларини амалга ошириш;

- илмий-техника ҳамкорлик битимлари, ваколатли органнинг кўрсатилган ускуналарни берилган грантларнинг (маблағларнинг) мақсадлари ва вазифаларига мос келиши тўғрисидаги хуносаси асосида;

чет элдан келтирилган ёки сотиб олинган ускуналар (асбобалар, материаллар, ахборот ва ташкилий техника тизимлари ва воситалари) бошқалар мулкига ўтказилган ҳолларда, барча тўловлар ва солиқлар белгиланган тартибда тўланади.

и) Халқаро ва чет эл ҳукуматларининг, молиявий ва иқтисодий ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси билан тузилган битимлари бўйича берилган қарзлар ва грантлар ҳисобига юридик шахслар, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари томонидан олиб келинаётган ускуналар ва материаллар;

к) болалар учун пойабзал ишлаб чиқаришга ихтисослашган чет эл инвестицияли корхоналарнинг ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келаётган хом ашё, материаллар ва ярим маҳсулотлари;

л) бюджет ташкилотларининг буюртмаларига биноан бюджет маблағлари ҳисобига Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинаётган ускуналар;

м) импорт бўйича олиб келинаётган дори-дармон воситалари ва тиббиёт учун мўлжалланган буюмлар;

н) олиб келинаётган компьютер техникаси ва улар учун эҳтиёт кисмлари, дастурий воситалар.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарларни импорт қилишда қўшилган қиймат солиғи божхона декларацияси қабул қилингунча ёки у билан бир вақтда тўланади.

Агар божхона декларацияси Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексида белгиланган муддатларда тақдим қилинмаган бўлса, у ҳолда қўшилган қиймат солиғини тўлаш муддатлари божхона декларациясини тақдим қилиш муддатлари тугаган кундан бошлаб ҳисобланади.

Импорт қилинаётган товарлар бўйича қўшилган қиймат солиги товарларни божхонада расмийлаштиришни амалга оширувчи божхона органига тўланади.

*Кўшилган қиймат солиги миллий валюта – сўмда тўланади.*

Божхона органининг қарорига биноан тўловчига импорт қилинаётган товарларга қўшилган қиймат солигини тўлаш муддатини кечикиришга ёки бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат берилиши мумкин. Бунда уларнинг тўланиши божхона қонунчилигига назарда тутилган ва божхона тўловлари муддатини чўзиш ва бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат бериш тартиби тўғрисидаги йўрикномага (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 8 апрелда 697-сон билан рўйхатдан ўтказилган) мувофиқ таъминланиши шарт.

Тўловни кечикириш ёки бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат бериш муддатлари, тўлов микдоридан қатъи назар, одатда божхона декларациясини қабул қилинган санадан бошлаб икки ойдан ошмайди. Экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун моддий-техникавий ресурсларни импорт қилувчи корхоналар ва, ишлаб чиқарувчи корхоналар бундан мустасно, улар учун қўшилган қиймат солигини тўлаш муддатлари юқ декларацияси қабул қилинган кундан бошлаб 90 кунга кечикирилиши мумкин.

Импорт қилинувчи ишлар (хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиги куйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқилиши мумкин:

$$\text{С солик} = \text{С} \times \text{Н}/100$$

Бу ерда: С солик – қўшилган қиймат солиги суммаси;

С – далолатномалар, маълумотномалар ва бошқа ҳужжатлар билан тасдиқланувчи импорт қилинган ишлар (хизматлар) нархи;

Н – қўшилган қиймат солиги ставкаси (фоизларда).

Ишлар, хизматлар Ўзбекистон Республикасида қўшилган қиймат солиги тўловчиси бўлмаган норезидентдан олинган ҳолларда, кўрсатилган ишлар, хизматлар, агар улар Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудида реализация қилинган бўлса, ишлар, хизматларни олувланинг солик солинадиган оборотига киритилади.

**Ўзбекистон Республикасида қўшилган қиймат солиги тўловчиси бўлмаган норезидентдан ишлар, хизматлар олишда солик солиш тартиби.**

◆ Ўзбекистон Республикасида қўшилган қиймат солиги тўловчиси бўлмаган норезидент томонидан тақдим қилинган ишлар, хизматлар, агар уларни реализация қилиш жойи Ўзбекистон Рес-

публикаси божхона ҳудуди бўлса, улар Ўзбекистон Республикаси нинг солиқ тўловчиси обороти хисобланади ва унга қўшилган қиймат солиги солинади.

◆ Ишларни, хизматларни олувчида солиқ солинадаган обортнинг микдори норезидентга тўланиши лозим бўлган суммадан келиб чиқиб, унга Ўзбекистон Республикаси тўлов манбаларида ушлаб қолининиши лозим бўлган солиқ суммасини хисобга олган ҳолда аниқланади.

◆ Бюджетга тўланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солигининг суммаси солиқ солинадиган оборотга ККСнинг 20% ставкасини қўллаш билан аниқланади.

◆ Хисоблаб чиқилган қўшилган қиймат солиги ишларнинг амалда бажарилган кунидан бошлаб 5 кун ичida тўланади. Агар тақдим қилинган ишлар, хизматлар ККС солигидан озод қилинган бўлса, у ҳолда ККС тўланмайди.

◆ Импорт қилинувчи ишлар (хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиги тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати ККС тўловчига бюджет билан ўзаро хисоб-китоб қилишда солиқ суммасини хисобга ўтказиш ҳукуқини беради.

ККС солиги тўламайдиганларда тўланган қўшилган қиймат солигининг суммаси импорт қилинган ишлар (хизматлар) суммаси билан бирга харажатларга киритилади.

### **Қўшилган қиймат солигидан озод қилинадиган ишлар ва хизматлар импорти:**

а) юридик шахслар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан ҳалқаро ва хорижий ҳукуматларнинг молиявий ва иқтисодий ташкилотлари билан Ўзбекистон Республикаси тузган битимлар бўйича тақдим қилинган қарзлар ва грантлар хисобига олиб кирилаётган ишлар, хизматлар;

б) бюджет ташкилотларининг буюртмалари бўйича бюджет маблағлари хисобига Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинаётган ишлар ва хизматлар;

в) Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 71-моддасига биноан, яъни қўшилган қиймат солигидан озод қилинган импорт қилинаётган ишлар ва хизматлар;

Импорт қилинаётган ишлар ва хизматлар бўйича қўшилган қиймат солиги ишларнинг амалда бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида мазкур ҳужжатлар тузилган кунга Марказий

банкнинг курси бўйича қайта ҳисоблаб чиқилган нарх бўйича ҳисобланади ва уларни импорт қилувчи шахс томонидан ёзib берилган ва «импорт қилинувчи ишлар, хизматлар учун қўшилган қиймат солигини тўлаш» деб ёзib қўйилган тўлов талабномаси асосида тўланади. Тўлов талабномаси, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ишлар ва хизматларни импорт қилувчи шахс томонидан ёзib берилади.

Импорт қилинаётган ишлар ва хизматлар бўйича қўшилган қиймат солиги ишларнинг амалда бажарилган санасидан бошлаб 5 кун ичida бюджетта (резидент рўйхатдан ўтказилган жойдаги солик органларига) тўланади.

Импорт қилинувчи ишлар ва хизматлар бўйича қўшилган қиймат солигининг ҳисоби импорт қилинган ишлар ва хизматлар бажарилган ҳисбот ойидан кейинги ойнинг 15-санасидан кечиктириласдан солик органларига тақдим қилинади.

### **ННТларга нисбатан қўшилган қиймат солиги солишнинг асосий хусусиятлари**

КҚС тўловчилар тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик шахслар (Ўзбекистон Республикаси СКнинг 66-моддаси) бўлганлиги учун, *ННТлар асосий устав фаолиятини амалга ошириш доираларида КҚС солиги тўловчилари бўлмайдилар*.

Соликнинг мазкур тури бўйича Ўзбекистон Республикаси СҚда ННТларга солик солишнинг ҳеч қандай маҳсус нормалари келтирилмаган.

Агар ННТ тижорат фаолиятини амалга ошираётган бўлса, у мазкур фаолият бўйича КҚС солиги тўловчиси бўлади.

Агар ННТ товарларни (ишлар, хизматларни) импорт қилса, у товарлар (ишлар, хизматлар) импорти бўйича КҚС тўловчиси бўлади.

Агарда ННТ нотижорат фаолияти билан бир қаторда солик солинадиган тадбиркорлик фаолиятини олиб борса, у ҳолда ташкилот харажатлар ва ушбу фаолият натижалари бўйича алоҳида ҳисоб олиб бориши керак.

### **Юридик шахсларга солинадиган мол-мулк солиги**

Корхоналарнинг мол-мулкига солик солиш Ўзбекистон Республикаси Солик кодекси ва юридик шахслар томонидан мол-мулк солигини ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўрикнома (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 11 марта 1107-сон билан рўйхатдан ўтказилган ) асосида амалга оширилади.

## Умумий қоидалар

Солиқ солинадиган мол-мулкка эга бўлган юридик шахслар мол-мулк солиғи тўловчиларидир, ягона солиқ тўловчилар\* – микрофирмалар ва кичик корхоналар, белгиланган даромаддан олинадиган ягона солиқ тўловчи савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, ягона ер солиғи тўловчилар – қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиширувчилар ва фақат белгилаб қўйилган солиқ тўлаш на зарда тутилган тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар бундан мустасно.

**Юридик шахслар учун асосий воситаларнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати** (қонунчиликка биноан мол-мулк эгалигига со-тиб олинган ер қиймати бундан мустасно) ва номоддий активлар хамда ўрнатилмаган (фойдаланилмаган) жиҳозлар ва белгиланган муддатда тутатилмаган қурилишлар солиқ солиши объекти ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 30 декабрдаги 455-сон қарорига биноан Ўзбекистон Республикасидаги барча корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар мулкчилик шаклларидан ва қайси идорага бўйсунишидан қатъи назар, ҳар йили 1 январдаги ҳолати бўйича Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт вазирлиги томонидан тасдиқланган тартибда асосий фонdlарни қайта баҳолайдилар.

Юридик шахслар мол-мулкининг ўртача йиллик қолдиқ қиймати ҳисобот йилининг биринчи январь ҳолатига мол-мулк қолдик қийматининг ярмини ҳисобот йилидан кейин келувчи йилнинг 1 январига қийматининг ярми билан қўшишдан ҳосил бўлган сумма ва ҳисобот даври қолган ҳар бир ойнинг 1-санасига мол-мулк қолдиқ қиймати суммасини 12га бўлишдан ҳосил бўлган бўлинма сифатида қўйидаги формула билан аниқланади:

$$\begin{array}{c}
 \begin{array}{ccccc}
 & 1 & \text{январга} & & 1 & \text{январга} \\
 & \hline & + & 1 & \text{февралга...} & + & 1 & \text{декабрга} & + & \hline
 \end{array} \\
 \begin{array}{c}
 \text{Уртача йиллик} \\
 \hline
 \text{қолдиқ қиймати} = 
 \end{array}
 \begin{array}{c}
 2 \\
 \hline
 2 \\
 \hline
 12
 \end{array}
 \end{array}$$

\* Агарда ягона солиқ тўловчи микрофирмалар ва кичик корхоналар асосий маблағларини ва номоддий активларини ижарага берсалар, у ҳолда улар ижарага берилган активлар қийматидан (молиявий лизинг бундан мустасно) мол-мулк солиғини умумий ўрнатилган тартибда тўлайдилар.

Агар мол-мұлк ойнинг биринчи ярмида ишга туширилған бўлса, у ҳолда ўртача қолдиқ қийматини ҳисоблашда ишга тушириш ойи тўлиқ ой деб олинади.

Агар мол-мұлк ойнинг иккинчи ярмида ишга туширилған бўлса, у ҳолда ўртача қолдиқ қиймати кейинги ойнинг 1-санасидан бошлаб ҳисобланади.

### **Мол-мұлк солиги ставкалари**

Юридик шахслар учун мол-мұлк солиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 30 декабридаги 455-сон қарорига биноандык юридик шахсларга З фоизлик ставкада мол-мұлк солиги солинади.

Экспорт товарлари ишлаб чиқарувчи ва уларни мустақил рашида ёки ихтисослашган бирлашмалар ва фирмалар орқали сотувга чиқарувчи ҳамда вазирликлар, идоралар, корпорациялар, концернлар, ассоциациялар ва компанияларнинг таркибий қисмлари ҳисобланувчи корхоналар учун мол-мұлк солигининг табакаланган ставкаси экспортнинг ўзи ишлаб чиқарган товарлар умумий сотиш хажмидаги улушига бағлиқ ҳолда қўйида миқдорларда белгиланади:

- экспорт улуши 15-25 фоиз – белгиланган ставка 30 фоизгача камаяди;
- экспорт улуши 25-50 фоиз – белгиланган ставка 50 фоизгача камаяди;
- 50 фоиз ва ундан кўп – солик ундирилмайди.

Кўрсатилган имтиёзлар савдо – воситачи корхоналар, шунингдек эркин алмаштириладиган валютага хом ашё маҳсулотларини – пахта толаси, ип-газлама, линт, нефть, нефть маҳсулотлари, газ конденсати, табиий газ, электр энергияси, қимматбаҳо рангли ва қора металларни экспорт қилувчи ишлаб чиқариш корхоналари учун кўлланилмайди.

Нормативда белгиланган муддатларда ўрнатилмаган жиҳозлар (фойдаланилмаган жиҳозлар) учун мол-мұлк солиги иккита баробар миқдорда ундириб олинади.

### **Мол-мұлкка солинадиган солик бўйича имтиёзлар**

Юридик шахслар учун мол-мұлк солиги ҳисоблаб чиқилгандага солик солинадиган база қўйидагиларнинг қиймати учун камайтириллади:

- солик тўловчи балансидаги уй-жой-коммунал ва ижтимоий-маданий соҳа обьектлари;

- табиатни асраш, санитар тозалаш ва ёнғин хавфсизлиги мақсадларида фойдаланиладиган объектлар;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш ва селекциялашда, балиқ етишириш, тутиш ва қайта ишлашда фойдаланиладиган объектлар;
- товар ўтказиш йўллари, боғловчи йўллар (автомобиль йўллари ҳам киради), алока ва энергия узатиш йўллари, шунингдек уларни иш ҳолатида саклаб туриш мақсадида қурилган иншоотлар;
- алока йўлдошлари;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан тўхтатиб қўйилган асосий ишлаб чиқариш фонdlари;
- шаҳар йўловчи транспорти (такси, йўналишдаги таксидан ташқари), йўловчиларни шаҳар атрофи йўналишларида ташийдиган умумий автомобиль транспорти (такси, йўналишдаги таксидан ташқари);
- йўлларни таъмирлаш ва сақлаш билан шуғулланувчи йўл хўжалиги корхоналари ва ташкилотларига қарашли транспорт воситалари;
- Ўзбекистон Республикаси қуролли кучларига давлат дастурлари бўйича кадрлар тайёрлашда фойдаланиладиган транспорт воситалари;
- фуқаро мудофааси ва сафарбарлик учун мўлжалланган, солиқ тўловчи балансида бўлган ва тадбиркорлик фаолиятида фойдаланилмайдиган объектлар;
- хорижий кредит ҳисобидан сотиб олинган жихозлар, ушбу кредитни тўлаш муддати давомида, лекин 5 йилдан кўп бўлмаган муддатга;
- лизингга олинган мол-мулк, лизинг шартномаси амал қилиш муддати давомида.

### **Куйидаги юридик шахсларнинг мол-мулкига солиқ солинмайди:**

- |  |
|--|
| <ul style="list-style-type: none"> <li>● нотижорат ташкилотлари, тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиган мол-мулкдан ташқари;</li> </ul> |
|--|
- ҳалқ таълими ва маданият муассасаларининг эҳтиёjlари учун фойдаланиладиган мол-мулк;
  - уй-жой-коммунал ва шахарнинг бошқа умумфуқаровий фойдаланиладиган хўжаликлари корхоналари;
  - асосий фаолият тури бўйича қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етишириш, сақлаш ва уларнинг селекцияси, қорамолчилик

маҳсулотларини етиштириш, балиқ етиштириш, овлаш ва уни қайта ишлаш соҳасидаги корхоналар;

- ногиронларнинг жамоат уюшмалари, «Нуроний» жамғармаси ва «Ўзбекистонлик чернобилчилар» уюшмасининг мулки бўлган, ишловчилари умумий сонининг эллик фоизидан кам бўлмаган қисмини ногиронлар ташкил қилган корхоналар, савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчи корхоналардан ташқари;
- янги ташкил қилинаётган корхоналар, рўйхатдан ўтказилган санадан бошлаб иккى йил мобайнида.

Мазкур имтиёз тугатилган (қайта тузилган) корхоналар, уларнинг филиаллари ва тузилмавий бўлинмаларининг ишлаб чиқариш қувватлари ва асосий фондлари базасида ташкил қилинган корхоналарга ҳамда юридик шахслар қошида ташкил қилинган корхоналарга, башарти улар ушбу корхоналардан ижарага олинган ускуналарда ишлаётган бўлсалар, жорий қилинмайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва маҳаллий ҳокимият органлари (мулклари ушбу худудда жойлашган солиқ тўловчиларга нисбатан) томонидан қўшимча имтиёзлар берилиши мумкин.

### **ННТларга нисбатан мол-мулкка солинадиган солиқнинг асосий хусусиятлари**

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 92-моддасига биноан ННТларнинг, юкорида таъкидланганидек, тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиладиган мол-мулкидан ташқари мол-мулкига мол-мулк солиғи солинмайди.

Агар ННТлар асосий фаолияти (нотижорий) билан бир қаторда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган бўлса, уларда кўпинча мол-мулкка солинадиган солиқ бўйича имтиёзлардан фойдаланиш тўғрисида саволлар пайдо бўлади. Бу солиқ солиши мақсадида тадбиркорлик фаолиятида фойдаланилаётган мол-мулкнинг иштирок даражаси ва пропорцияларини (улушини) аниqlаш билан боғлиқдир.

Бошқа муаммо: мол-мулкни тадбиркорлик фаолиятида қўллаш муддатлари ва шундан келиб чиқкан ҳолда мол-мулк солиғини ҳисоблаб чиқиш ва унинг даврини қандай аниqlаш мумкин? Бу саволларга солиқ қонунчилиги жавоб бера олмайди.

Амалиётда күпинча мол-мулкка солинадиган солиқни мол-мулкканинг қолдик қийматини ҳамма пул тушумларининг умумий суммасида тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар улушига пропорционал равишда шартли бўлишдан келиб чиқсан ҳолда ҳисоблаб чиқиши назарда тутивчи усулдан фойдаланилади.

Масалан, ташкилот томонидан 8 млн. сўм олинган, шу жумладан, давлат субсидиялари – 3,2 млн. сўм ва товарларни реализация қилишдан тушум – 4,8 млн. сўм. Тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромад барча пул тушумларининг  $(4,8/8,0) \times 100\% = 60\%$ ини ташкил қиласди, шунинг учун мол-мулк солигини ҳисоблаб чиқишида корхона мол-мулкининг ўртача йиллик қолдик қийматининг 60%и олиниши лозим.

Фараз қиласлий, корхона мол-мулкининг ўртача йиллик қолдик қиймати 900 минг сўмни ташкил қиласди. Мол-мулкка солинадиган солиқ  $3\%(60\% \times 900) = 16,2$  минг сўмга тенг бўлади.

### **Бошқа умумдавлат, маҳаллий солиқлар ва йигимлар. ННТларга нисбатан бошқа солиқлар ва йигимларнинг асосий хусусиятлари**

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 102-моддасининг 1-банди биринчи қисмига биноан ННТлар, агар улар ер участка-ларидан тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланмасалар, ер солигидан озод қилинадилар.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 119-моддасига биноан ННТлар, агар улар сув ресурсларидан тадбиркорлик фаолиятида фойдаланмасалар, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқдан озод қилинадилар.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан тадбиркорлик фаолияти амалга оширилганда, ННТлар асосий нотижорий фаолият билан бир қаторда юқорида кўрсатилгани каби мол-мулк солигига тегишли масаларни ҳал этишига тўғри келади.

Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Экология солигини ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тўғрисидаги йўриқномасида (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 15 январда 394-сон билан рўйхатдан ўтказилган) нотижорат ташкилотлари тадибркорлик фаолиятини амалга оширганида мазкур фаолият билан боғлиқ бўлган харажатлардан\* келиб чиқсан ҳолда экология солигини тўлашлари

\* Изоҳ: 2003 йил 1 январдан эътиборан ишлаб чиқариш ва муддатли харажатлар экология солиги обьекти ҳисобланади, давлатнинг мақсадли фондларига ажратиладиган солиқлар, йигимлар ва чегирмалар бундан мустасно.

белгилаб қўйилган. Умумхўжалик харажатларини бўлиш асосий фаолият ва тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан тушган умумий тушумга пропорционал равишда амалга оширилади [6.3-банди. Хатбоши 2-сон қўшимчалар ва тўлдиришларга (ЎЗР АВ № 394-2 2000 йил 21 август) биноан киритилган].

Бошқа маҳаллий солиқлар ва йигимларга нисбатан шуни айтиб ўтиш лозимки, асосий устав иш фаолияти доираларида ННТлар солиқ тўловчи эмасдирлар.

### **5.3. ННТларга нисбатан божхона тўловлари ва имтиёзлар**

#### **Умумий қоидалар**

Ўзининг иқтисодий моҳиятига кўра божхона тўловлари давлат томонидан ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш ва ички товарларга нисбатан ҳимоя қилиш сиёсатини амалга ошириш шаклларидан биридир.

Таснифланиш белгиларига кўра божхона тўловлари билвосита солиқлар гуруҳига киради, чунки уларни тўлаш бўйича харажатларни импорт қилувчилар импорт қилинаётган товарларнинг нархига киритадилар.

#### **Божхона тўловларининг турлари:**

- 1) божхона божлари
- 2) божхона йигимлари
  - божхонада расмийлаштириш учун божхона йигими;
  - сақлаш учун божхона йигими;
  - божхонада кузатиб бориш учун божхона йигими;
- 3) бошқа характеристики йигимлар
  - божхона органлари томонидан лицензия берганлиги учун йигим;
  - божхонада расмийлаштириш бўйича мутахассис атtestатини бериш учун йигим;
- 4) Дастлабки қарор учун тўлов.

#### **Божхона божи**

Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан олиб ўтилувчи товарларга божхона қонунчилигига биноан божхона божлари солинади.

Олиб келиш ва олиб чиқиб кетиш учун божхона тўловларининг ставкалари ташқи савдонинг самарадорлик кўрсаткичлари, жаҳон бозори конъюнктураси ва халқаро битимларга мос равишда белгиланади.

Божхона божлари ставкалари яғонадир ва улар товарларни божхона чегарасидан олиб ўтувчи шахслар, битимларнинг тури ва бошқа омилларга боғлиқ равишда (божхона қонунчилигига назарда тутилган ҳолатлардан ташқари) ўзгартирилмайди.

Ўзбекистон Республикасида экспорт учун божхона тўловлари 1997 йилнинг 1 ноябриндан бекор қилинган.

Божхона божлари импорт объектигининг жисмоний ҳажмига қатъий миқдорда (махсус ставкалар) ёки юкнинг божхона декларациясида божхона нархига фоиз миқдорида (адвалор ставкалар) белгиланади

Бундан ташқари комбинацияланган ставкалар мавжуд. Комбинацияланган ставкалар кўпланилганда ҳам қатъий, ҳам адвалор ставкалардан фойдаланиш назарда тутилади.

Божхона божлари ставкалари божхона юк декларацияси қабул қилинган санада товар келиб чиқиш мамлакатларига боғлиқ равишда дифференциалланган ҳолда кўпланилади.

Божхона божлари ставкалари Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда ўрнатида ва ташқи иқтисодий савдо иштирокчиларининг барчаси учун яғонадир.

Ўрнатилган ставкалар миқдорида божхона тўловлари Ўзбекистон Республикаси савдо-иқтисодий муносабатларда мумкин қадар қулийлик бериш режими ўрнатган мамлакатлардан келиб чиқсан товарлар, уларни жўнатувчи давлат ва экспортердан қатъий назар, кўпланилади.

Ўзбекистон Республикаси эркин савдо ҳудудлари барпо қилиш тўғрисидаги битимларга эга бўлган мамлакатлардан келиб чиқсан товарларга божхона тўловлари:

- кўпланилмайди, агар товар мазкур Битимнинг иштирокчиси бўлган давлатнинг резиденти томонидан экспорт қилинаётган бўлса ва мазкур Битимнинг иштирокчиси бўлган давлатнинг резиденти томонидан мазкур Битимнинг иштирокчи бўлган бошқа давлатнинг божхона худудидан олиб кирилаётган бўлса (божхона да мусодара қилиниши тўғрисидаги протоколларга киритилган товарлардан ташқари). Бунда резидент деб ушбу давлат худудида ташкил қилинган ташкилот ёки ушбу давлатнинг худудида доимий истиқомат килувчи жисмоний шахс тушунилади;

- бошқа ҳолатларда – ўрнатилган ставкалар миқдорида кўпланилади.

Икки томонлама битимларга биноан ўзаро келишилган рўйхатлар бўйича товарлардан импорт учун божхона тўловлари олинмайди.

Эркин савдо худудлари барпо қилиш тұғрисидаги битим им-  
золанған давлатлар ва мүмкін қадар қулагылыш беріш режимі бе-  
рилгандықтан да жаңынан оның мөнін анықтаудың мүмкінлігін  
безекестердің мәдениеттік мемлекеттік миссиясынан жақында.

Бошқа давлатлардан келиб чиққан товарлар ҳамда божхонада  
расмийлаштириш даврига келиб чиқыш давлати ишончли аник-  
ланмаган товарларга божхона түловлари ставкаларининг иккі  
баравар орттирилган мүкдөри құлланилади.

Товарнинг келиб чиқыш мамлакатини аниклаш учун Ўзбекистан  
Республикасининг божхона органлари «Бож тарифи тұғриси-  
да»ғы Қонун ва Ўзбекистан Республикасининг бошқа қонун ұж-  
жатларига биноан товарнинг келиб чиқыши тұғрисидаги серти-  
фикатни талаб қилишга ҳақлидирлар.

Божхонада расмийлаштириш даврида келиб чиқыши ишончли  
аниқланмаган товарлар учун товарнинг келиб чиқыш сертификати  
божхонада расмийлаштирилган санадан бошлаб бир йилдан ке-  
чикирмасдан тақдим қилиш шарты билан мүмкін қадар қулагылыш  
беріш режимі ёки эркин савдо режимі тиқлапаниши мүмкін.

### **Божхона божларини тұлаш бүйіча имтиёзлар**

Күйидагилар божхона божлари тұлашдан озод қилинади:

- юклар, багаж ва йұловчиларни халқаро ташишни амалға ошираётгандықтан транспорт воситалари ҳамда уларнинг йүлда юриши, оралиқ тұхташ жойларыда нормал эксплуатация қилиш ёки мазкур транспорт воситалари фалокатининг (бузилиши) оқибаттарини тугатиш учун зарур бўлган чет залда сотиб олинган моддий-техни-  
кавий таъминот буюмлари;

- Ўзбекистан Республикаси валютаси, чет залда сотиб олинган моддий-техни-  
кавий таъминот буюмлари (нумизматика мақсадларыда фойланиладиганидан ташкари) ҳамда қонун-  
чиликка биноан қимматли қофозлар;

- Ўзбекистан Республикасининг кемалари ва Ўзбекистан Республикасининг жисмоний ва юридик шахслари томонидан ижа-  
рага олинган денгизда ов ишларини олиб борувчи кемаларнинг фаолиятини таъминлаш учун божхона худудидан олиб чиқиб ке-  
тилаётгандықтан таъминот буюмлари ва ускуналар, ёнилғи, озиқ-овқатлар ва бошқа буюмлар ҳамда уларнинг Ўзбе-  
кистон Республикаси божхона худудига олиб келинаётгандықтан мах-  
сулотлари;

- қонунда назарда тутилган ҳолларда давлат мулкига айланти-  
рилиши лозим бўлган товарлар;

- қонун ұжжатлари ёки Ўзбекистан Республикасининг халқаро

шартномаларига биноан божхона божларисиз олиб келиш ҳуқуқига эга жисмоний шахслар, чет эл давлатларининг вакиллари томонидан расмий ёки шахсий фойдаланиш учун божхона худудига олиб келинаётган буюмлар;

- давлатлар, ҳукуматлар, ҳалқаро ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси божхона худудига муруватт ёрдами, бегараз ёрдам сифатида ёки хайрия мақсадларида, шу жумладан техник ёрдам кўрсатиш ва табиий оғатлар, фалокатларнинг оқибатларини тутгатиш мақсади олиб келинаётган товарлар;
- белуп таълим, мактабгача таълим ва даволаш муассасалари учун ўкув қўлланмалари;

- божхона ҳудудидан божхона назорати остида транзит режимида олиб ўтилаётган ва учинчи мамлакатларга мўлжалланган товарлар;

- жисмоний шахслар томонидан божхона ҳудудидан олиб ўтилаётган ва ишлаб чиқариш ёки бошқа тижорат мақсадларига мўлжалланмаган товарлар божхона қонунчилигига биноан.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонларига биноан:

1997 йил 31 январдаги ПФ-1702-сон «Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонга мувофиқ 1997 йил 1 февралдан бошлаб кичик ва ўрта ишлаб чиқариш, лизинг компаниялари хорижий кредитларни жалб қилиш хисобига олиб келинаётган технологияли ускуналарнинг импорти учун божхона тўловларидан озод қилинган;

1998 йил 9 апрелдаги ПФ-1987-сон «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонга мувофиқ кичик ва ўрта бизнес корхоналари ўзлари ташкил қиласаётган ишлаб чиқариш учун технологияли ускуналарни импорти учун божхона тўловларидан озод қилинган;

2002 йил 11 июлдаги ПФ-3105-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига истеъмол товарлари олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги Фармонга мувофиқ божхона тўловларини тўлаш бўйича имтиёзлар олиб келинаётган компьютер техникаси ва уларнинг бутловчи кисмлари, программа таъминотига жорий қилинади.

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 31 мартағи 137-сон «Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо фаолиятини эркинлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ қўйидаги товарларга ҳам божхона тўловлари солинмайди:

- Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан ёки унинг кафолатлари бўйича тузилган ҳукуматлараро ва кредит битимлари бўйича етказиб берилаётган;

- Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларига мувофиқ давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобига олиб келинаётган;

- олиб келинаётган товарлар ўзларида ишлаб чиқарилган бўлиши шарти билан Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига умумий микдори 50 млн. доллар ва ундан ортиқ бўлган инвестицияларни амалга ошираётган хорижий юридик шахслар томонидан олиб келинаётган;

кўргазмалар, реклама ва тақдимот маросимлари учун экспонат сифатида олиб келинаётган;

олиб кетиладиган маҳсулот олиш учун келтириладиган хом ашё, материаллар ва бутловчи буюмлардан;

Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ хорижий инвесторлар томонидан ўзларининг ишлаб чиқариш эҳтиёjlари ҳамда хорижий инвесторлар ва хорижий инвесторлар билан тузилган меҳнат шартномаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида бўлган хорижий давлатлар фуқароларининг шахсий эҳтиёjlари учун олиб келинаётган молмук учун божхона тўловлари солинмайди.

Адвалор ставкаси қўлланиладиган товарларга нисбатан олиб келиш учун божхона божини ҳисоблаб чиқиш қўйидаги формула асосида амалга оширилади:

$$\Pi = Ct \times C, \text{бу ерда}$$

$\Pi$  – олиб кириш учун божхона божи микдори;

$Ct$  – товарнинг божхона қиймати;

$C$  – товарнинг божхона қиймати нисбатан фойизда ўрнатилган олиб кириш учун божхона тўлови ставкаси.

Маҳсус ставкалар бўйича тўловлар солинадиган товарларга нисбатан олиб кириш учун божхона тўловини ҳисоблаб чиқиш қўйидаги формула бўйича амалга оширилади:

$$\Pi = Bt \times C, \text{бу ерда}$$

$\Pi$  – олиб кириш учун божхона божи қиймати;

$Bt$  – товарлар сони;

$C$  – товар бирлигини олиб кириш учун божхона божининг ставкаси.

Комбинацияланган ставкалар күлланиладиган товарга нисбатан олиб кириш учун божхона тұловларини ҳисоблаб чиқиш бир неча босқичда амалға оширилади. Дастлаб олиб кириш учун божхона божининг қымати адвалор ставка бүйіча ҳисоблаб чиқылади, сүнгра ЕВРО ёки АҚШ доллари ставкаларида товар бирлиги учун ҳисоблаб чиқылади. Тұланиши лозим бўлган божхона божининг суммасини аниқлаш учун ҳар иккисидан каттаси ишлатилади.

### **Божхонада расмийлаштириш учун йигимлар**

Товарларни, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан товар сифатида олиб ўтилаётган транспорт воситаларини ва кузатиб борилмайдиган бағажда, халқаро поча жұнатишларида ва юқ сифатида олиб ўтилаётган нотижорат мақсадлари учун мўлжалланган товарлар ҳамда транспорт воситаларини божхонада расмийлаштириш учун йигимлар ундирилади.

Товарларни божхонада расмийлаштириш учун божхона йигимлари товарлар қуйидаги божхона режимларида олиб ўтилганда ундириб олинади:

- эркин муомалага чиқариш учун;
- реимпорт;
- божх тұланмайдиган дүкөн;
- божхона омбори;
- эркин омбор;
- эркин божхона худуди;
- транзит;
- божхона худудида қайта ишлаш;
- божхона назорати остида қайта ишлаш;
- божхона худудидан ташқарида қайта ишлаш;
- вақтингчалик киритиш/олиб чиқиш;
- экспорт;
- резэкспорт;
- товарларни йўқ қилиш;
- давлат фойдасига рад жавобини бериш.

Божхона тұловларини ҳисоблаб чиқышда товарлар ва товар сифатида олиб ўтилаётган транспорт воситаларининг божхона нархи асос бўлади.

Ўзбекистон Республикаси божхона худудидан олиб чиқиб кетилаётган товарларнинг божхона қымати товарнинг ҳисобварак-фактурасида кўрсатилган нархи ҳамда ҳисобварак-фактурага киритилмаган бўлса, қуйида келтирилган амалдаги харажатлар асосида аниқланади:

- товарларни аэропортга, портга ёки Ўзбекистон Республикаси божхона худудидан олиб чиқиб кетиш жойига етказиб бериш бўйича харажатлар
- ташиб учун харажатлар қиймати;
- товарларни юклаш, тушириш, қайта юклаш бўйича харажатлар;
- суғурта суммаси;
- сотувчи томонидан қилинган харажатлар;
- комиссия ва брокерлик мукофотлари;
- контейнерлар ёки бошқа кўп маротаба фойдаланиладиган таранинг қиймати, агар уларга ташқи иқтисодий фаолият номенклатурасига мувофиқ баҳоланаётган товарлар билан бир бутун деб қаралса;
- ўраб-жойлаш қиймати, шу жумладан ўров материаллари ва ўраб-жойлаш бўйича ишлар қиймати.

Ўзбекистон Республикаси божхона худудига олиб келинаётган товарларнинг божхона нархи Тарифлар ва савдо тўғрисидаги Бош битимнинг (ТСББ) божхонада баҳолаш умумий принципларига асосланади.

Божхона нархи божхона чегарасидан олиб ўтишда декларант томонидан зълон қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг божхона худудига олиб келинаётган товарларнинг божхона қийматини куйидаги усуулларни қўлланган ҳолда аниқлаш мумкин:

- ◆ олиб келинаётган товарнинг битимдаги нархи бўйича;
- ◆ шунга ўхшаш товарнинг битимдаги нархи бўйича;
- ◆ бир хил турдаги товарларнинг битимдаги нархи бўйича;
- ◆ қийматини айириб ташлаш;
- ◆ қийматини қўшиш;
- ◆ захира усулида.

Божхона қийматини аниқлашда асосий усул олиб келинаётган товарларнинг битимдаги нархи бўйича аниқлаш усулидир.

Асосий усулни қўллаш имконияти бўлмаган ҳолларда юқорида санаб ўтилган усууллар кетма-кет қўлланилади.

Бунда ҳар бир кейинги усул ундан олдинги усул билан товарнинг божхона нархини аниқлаш мумкин бўлмаганида қўлланилади. Декларатнинг аризасига мувофиқ қийматни айириш ва қўшиш усууллари тескари кетма-кетлиқда қўлланилади.

«Бож тарифи тўғрисида»ги Конунга мувофиқ божхонада баҳолаш фақат импорт қилинувчи товарнинг божхона нархини аниқлаш учун қўлланилади. Бу божхона тўловлари, йигимлари ва бошқа тўловларни тұлаш учун реал базани аниқлаш мақсадида амалга оширилади.

## ННТларга нисбатан божхона тўловларининг асосий хусусиятлари

Ўзбекистон Республикасининг «Бож тарифи тўғрисида»ги Конунининг 33-моддасига ва 1999 йил 27 июлда Адлия вазирлигига 782-тартиб рақами билан рўйхатдан ўтказилган Импорт учун божхона тўловларини хисоблаб чиқиш ва ундириш тартибининг 4.1 – бандига мувофиқ ННТларнинг фаолияти билан боғлиқ равишда тез-тез божхона чегарасидан олиб ўтиладиган айрим товарлар импорти учун божхона тўлови тўлашдан озод қилиш на зарда тутилган.

Чунончи, божхона тўловидан озод қилинганлар:

- давлатлар, хукуматлар, халқаро ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига муруват ёрдами, беғараз ёрдам сифатида ёки хайрия мақсадларида, шу жумладан техник ёрдам кўрсатиш ва табиий оғатлар, фалокатларнинг оқибатларини тутатиш мақсадида олиб келинаётган товарлар;
- белул таълим, мактабгача таълим ва даволаш муассасалари учун ўкув кўлланмалари.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 17 ноябрдаги 502-сон Қарори билан тасдиқланган Хайрия ҳамда бошқа жамғармалар ва жамиятларга, шунингдек, улар томонидан ташкил қилинган корхоналар ва шуъба тузилмаларига солиқлар, йигимлар ҳамда божхона тўловлари бўйича берилган имтиёзларнинг кўлланиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ кўшимчча имтиёзларни кўллаш тартиби назарда тутилган.

Чунончи, айтиб ўтилган Низомнинг З-бандида берилаётган кўшимчча имтиёзлар доирасида қўйидагилардан божхона тўловлари (божхона расмийлаштириши учун йигимлар бундан мустасно) ундирилмайди:

а) ўзининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун нотижорат ташкилотлари, шунингдек, улар томонидан ташкил қилинган корхоналар ва шуъба тузилмалари томонидан олиб келинаётган товарлардан;

б) устав вазифалари ижро этилишига мувофиқ муруват ёрдами мақсадида олиб келинган товарлардан.

Яъни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 17 ноябрдаги 502-сон қарори билан тасдиқланган Низомда Президент Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари билан берилаётган кўшимчча имтиёзлар рўйхати ННТнинг устав фаолияти билан анча кенг, аниқ ва узвий боғлиkdir.

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 19 январдаги «Халқаро илмий-техникавий алоқаларни ривожлантиришини, халқаро ва хорижий ташкилотлар ва жамғармалар грантлари бўйича илмий дастурлар ва лойиқаларни давлат томонидан қўллаб-куватлаш тўғрисида»ги 31-сон (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 18 сентябрдаги 324-сон карори билан ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилган) Қарорига мувофиқ қўйидагилар божхона тўловлари тўлашдан озод қилинади:

кўйидаги доираларда етказиб берилаётган ускуналар (ахборот ва ташкилий техника тизимларининг асбоблари, материаллари ва воситалари):

- Ўзбекистон Республикасида халқаро ва чет эл ташкилотларининг грантлари бўйича бажарилаётган илмий-техникавий ва инновацион дастурлар ва лойиҳалар;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридағи Илмий-техника тараққиётини мувофиқлаштириш кенгаши қошидаги Фан ва технологиялар маркази кўрсатиб ўтилган ускуналарни грантларнинг мақсадлари ва вазифаларига мос келиши тўғрисидаги хulosалари асосида Фан-техника бўйича халқаро ҳамкорлик битимлари.

Грант бўйича сотиб олинган ёки четдан келтирилган ускуналар (ахборот ва ташкилий техника тизимларининг асбоблари, материаллари ва воситалари) бошкага берилганда барча тўловлар ва соликлар белгиланган тартибда тўланади.

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида божхона тўловлари учун имтиёзлардан фойдаланиб олиб келинган товарларни уларнинг олиб келиниш мақсадларидан бошқа қандайдир мақсадларга ишлатилишининг олдини олувчи нормалар мустаҳкамлаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси юридик шахсларга нисбатан божхона тўловлари бўйича имтиёзлар билан импорт қилинган товарлардан имтиёзларнинг берилиши шарт-шароитларида назарда тутилган мақсадлардан бошқа мақсадларда фойдаланилганда ёки сотиб юборилган ҳолларда улардан фойдаланиш ва тасарруф этиш учун ҳам, уларни сотиб олиш, сақлаш ва ташиш учун ҳам жазо чораларини қўллашни назарда тутади (Божхона кодексининг 165-166-моддалари). Мазкур моддаларга мувофиқ юридик шахсларга жарималар, товарларни мусодара қилиш,

божхона органлари томонидан берилган лицензияларнинг амал килишини тұхтатиш күринишидаги жазо чоралари мансабдор шахслар ва бошқа ходимларни улар томонидан содир этилган божхона қонунчилигининг бузилишлари учун жавобгарлиқдан (харакатларида жиноят белгилари бўлганда – жиноий жавобгарликдан) озод қилмайди (ЎзР Божхона кодекси 130-131-моддалар).

Божхона қонунчилигини бузганлиги учун жазо чораларини қўллаш юридик ва жисмоний шахсларни божхона тўловларни тўлаш ва Божхона кодексида назарда тутилган бошқа талабларни бажаришдан озод қилмайди (ЎзР Божхона кодексининг 132-моддаси 5-қисми).

Божхона тўловлари бўйича берилган имтиёзлардан фойдаланган ҳолда импорт қилинган товарлардан уларга имтиёз берилган мақсадлардан бошқа мақсадларда фойдаланиш ҳолларида божхона тўловларини ундириб олиш ва жазо чораларини кўришни назарда тутувчи қоидалар одатда божхона имтиёзларини ўрнатувчи норматив-хукуқий хужжатлар таркибиға киради.

Масалан, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 17 ноябрдаги 502-сон қарори билан тасдиқланган солиқлар, йигимлар ҳамда божхона тўловлари бўйича берилган имтиёзларнинг қўлланиш тартиби тўғрисида Низомда қуидагилар назарда тутилган:

Олиб келинган товарлардан мазкур Низомнинг 3.1-кичик бандида назарда тутилмаган мақсадларда фойдаланилганда ёхуд кейинчалик товарлар беш йил мобайнида ҳаки тўланган ҳолда сотилганда Ўзбекистон Республикасига олиб келишада божхона тўловлари тўлашдан озод қилинган товарлар қыйматидан амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган миқдорларда бўнак кўшилган ва жазолар қўлланилган ҳолда, божхона декларацияси расмийлаштирилган санада амалда бўлган барча божхона тўловлари ундирилади.

#### **5.4. Бюджетдан ташқари фондларга мажбурий тўловлар**

##### **Пенсия фондига мажбурий бадаллар ва тўловлар**

Суғурта бадаллари, бюджетдан ташқари Пенсия фондига тўловлар миқдори Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан белгиланади ҳамда солиқлар ва йигимларга тенгглаштирилади.

Бюджетдан ташқари Пенсия фондининг даромадлари ва харажатлари ҳар йили Ўзбекистон Республикасининг бирлаштирилган бюджети таркибиға киритилади.

Мажбурий суғурта бадалларини ва ажратмаларини ҳисоблаб ёзиш ва тўлаш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томо-

нидан 2001 йил 16 мартда 1018-сон билан рўйхаттдан ўтказилган Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича мажбурий бадаллар ва ажратмаларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага мувофиқ амалга оширилади

### **Мехнатга ҳақ тўлаш фондидан тўловлар ва фуқароларнинг мажбурий суғурта бадаллари**

Юридик шахслар меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ажратмаларни бюджетдан ташқари Пенсия фондига тўловчилардир.

Бюджетдан ташқари Пенсия фондига фуқароларнинг иш ҳақидан мажбурий суғурта бадалларини тўловчилар межнат шартномасига биноан ишлаётган жисмоний шахслардир.

Межнат шартномасига мувофиқ ишлаётган фуқароларга мажбурий суғурта бадалларини ёзиш ва ушлаб қолиш ҳамда тўғри ҳисоблаб чиқиш учун жавобгарлик иш берувчи юридик шахсга юклатилади.

### **Солиши объекти**

Мехнатга ҳақ тўлаш фондидан ажратмалар ва фуқароларнинг мажбурий суғурта бадалларини тўлаш амалда ёзилган меҳнатга иш ҳақи тўлаш фонди ва ижтимоий суғурта жорий қилинадиган ходимларнинг барча тоифаларининг иш ҳақидан келиб чиқсан ҳолда амалга оширилади.

Мехнатга ҳақ тўлаш фондидан ажратмалар ва фуқароларнинг мажбурий суғурта бадаллари, куйида кўрсатиб ўтилган тўловлардан ташқари, иш ҳақининг барча турларига молиялаш манбаларидан қатъи назар 37,3% ставкада ушлаб қолинган солиқларни ҳисобга олмаган ҳолда тўланади.

Мехнатга ҳақ тўлаш фондидан ажратмалар ва фуқароларнинг мажбурий суғурта бадаллари тўланмайдиган тўловлар турлари:

1. Фойдаланилмаган таътил учун товон;
2. Ишдан бўшатишда бериладиган ёрдам пули;
3. Моддий ёрдам сифатида берилувчи турли хилдаги ёрдам пуллари;
4. Товон тўловлари (хизмат сафарлари учун кундалик пуллар ёки унинг ўрнига тўланган пуллар, иш билан боғлиқ бўлган шикастланиш ёки соғлигининг ёмонлашишидан зиённи қоплаш учун тўланган тўловлар);
5. Айрим тоифадаги ходимларга бепул тақдим қилинаётган квартиralар, коммунал хизматлар, ёнилғи, ойлик йўл чипталари

ёки уларнинг нархини қоплаш қиймати;

6. Берилган маҳсус кийим-бош, маҳсус пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари, совун, ёғсизлантирувчи воситалар, сут ва даволаш-профилактик овқатланишнинг қиймати;

7. Бепул овқатланиш қиймати;

8. Тушликка дотациялар, санаторий-курорт даволаниш, дам олиш уйлари учун йўлланмаларнинг қиймати, стационар ва амбулатория даволаш қиймати;

9. Бошқа ҳудудга ишга ўтказилганлиги ёки кўчиб ўтиши муносабати билан йўл харажатлари, мол-мулкни ташиб ва хонани ижарага олиш харажатлари.

10. Доимий иш йўлда амалга оширилганда ёки хизмат сафарлари муносабати билан кўчиб юриш характеристига зга бўлганда кундалик сафар харажатлари учун тўлов ўрнига иш ҳақига қўшимча тўлов ёки устамалар;

11. Мехнатга иш ҳақи тўланмайдиган кунларда (шанбаликлар, якшанбаликлар ва х.к.) тегишли бюджет ёки хайрия фондларига ўтказиладиган иш ҳақи;

12. Юбилей саналари, туғилган кунлари, кўп йиллик соғдили меҳнати учун, фаол жамотчилик иши учун ва бошқа шунга ўхшаш холларда иш ҳақи Фонди (мехнатга ҳақ тўлаш фонди) хисобига амалга ошириладиган рағбатлантириш тўловлари.

13. Мусобақалар, кўриклар, танловлар ва х.к.ларда совринли ўринни эгаллагани учун пул мукофотлари;

14. Корхоналар ва ташкилотлар томонидан ишлаб чиқаришдан ажралган равишда ўқишига йўлланган ўкувчиларга тўланадиган стипендиялар;

15. Ёш мутахассисларга олий ўқув юртини ёки ўрта маҳсус таълим муассасасини тамомлаганидан кейин бериладиган таътил даврида корхона хисобидан тўланадиган ёрдам пули;

16. Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича, ишсизлик бўйича ёрдам пуллари, ижтимоий ёрдам пуллари ва пенсиялар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 30 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2003 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 455-сон қарорига мувофиқ 2003 йил 1 январдан бошлаб ижтимоий суғурта бўйича мажбурий бадаллар қуйидаги миқдорларда белгиланган:

	Үлчов бирлиги	Ажратма- лар фоизи
Юридик шахсларнинг иш ҳақи фондидан ижтимоий суғурта бўйича мажбурий бадаллар, мулчилик шаклидан қатъи назар:		
Бюджетдан ташқари Пенсия фондига	%	35,0
Иш билан таъминлашга кўмак бериш давлат фондига	%	1,5
Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига	%	0,7
2. Фуқароларнинг иш ҳақидан мажбурий суғурта бадаллари	%	2,5

Адвокатлик бюролари, коллегиялари ва фирмалари бюджетдан ташқари Пенсия фондига иш ҳақидан мажбурий суғурта бадалларини умумбелгилangan тартибда юқорида кўрсатилган ставкаларда тўлайдилар.

### **Мехнатга ҳақ тўлаш фондидан ажратмалар бўйича имтиёзлар:**

Махсус цехлар, участкалар ва корхоналарда ногиронлар меҳнатидан фойдаланувчи корхоналар учун меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ажратмалар миқдори 4,7% ни ташкил қиласди;

«Ўзбекистонлик чернобилчилар» республика уюшмаси, унинг ишлаб чиқариш тузилмалари ва ташкилотлари учун давлат ижтимоий суғурта фондига бадал миқдори меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан 4,7%ни ташкил қиласди;

SOS «Ўзбекистоннинг Болалар Кишлоклари» учун давлат ижтимоий суғурта фондига бадал миқдори меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан 7 %ни ташкил қиласди.

Бадаллар суммасини ҳисоблаб чиқиш ҳисобот ойи учун ёзилган меҳнатга ҳақ тўлаш фонди ва тасдиқланган ставкалардан келиб чиқсан ҳолда, тўловчи томонидан мустақил равишда амалга оширилади.

Ишлаёттан пенсионерларга пенсия тўлаш учун берилган суммалар ва қонунчиликда белгилаб қўйилган давлат ижтимоий ёрдам пуллари суммаларидан фойдаланишда корхоналар фойдаланил-

ган суммаларни Пенсия фондига ажратмалар ҳисобига акс эттиради.

Тұловчилар ҳар ойда, ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 10-са-насигача, давлат солиқ инспекцияси органларига мөхнатта ҳақ тұлаш фондидан ёзилған, фойдаланилған ва тұланған ажратмала-рининг ҳисоб-китобини тақдим қыладилар.

### **Корхоналар томонидан пенсиялар ва ёрдам пулларини тұлаш тартиби**

Жорий ой учун пенсиялар ва ёрдам пулларини тұлаш иш ҳақининг иккінчи ярмини тұлаш учун белгиланған муддатларда амалға оширилади.

Ташкилот ҳатто тұланадиган бадалларнинг суммаси пенсия ва ёрдам пулларини тұлаш бүйіча амалдаги харажатларни қоплама-ған тақдирда ҳам, пенсия ва ёрдам пулларини тұлашни тұхтатиб қўйишга ҳақи йўқ.

Мөхнатта ҳақ тұлаш фондидан ажратмалар маблағлари етар-лича бўлмаган тақдирда, корхоналар фуқароларнинг суғурта бадалларидан ажратмалар ва амалда реализация қилинған маҳсу-лотнинг ҳажмидан ажратмалар ҳисобига ҳисобга ўтказадилар.

Ҳисобот чораги учун тұловчи томонидан тұланадиган харажат-лар суммаси ушбу чорак учун тұланған бадаллар (шу жумладан фуқароларнинг мажбурий суғурта бадаллари) суммасидан ортиб кетган ҳолларда, харажатлар суммаси билан бадаллар суммаси орасидаги фарқ кейинги чорак учун тұлов ҳисобига ҳисобланади.

Агар харажатлар суммасининг бадаллар суммасидан ортиб кетишини кейинги кварталда бюджетдан ташқари Пенсия фонди бадаллари ҳисобига қоплаб бўлмаса, у ҳолда кейинги квартал учун ҳисоб-китоблар бўйича кутилаётган натижаларни ҳисобга олган ҳолда ортиб кетган сумма давлат солиқ хизмати органларининг тақдимотлари бўйича ижтимоий таъминот органи томонидан ба-дал тұловчига қайтариб берилади.

2002 йил 28 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Вақтинге мөхнатта қобилиятсизлик бўйича нафа-қаларни тұлашни такомиллаштириш тұғрисидаги 71-сон қарори қабул қилинди. Үнга мувофиқ 2002 йилнинг 1 мартаңдан бошлаб вақтинге мөхнатта қобилиятсизлик бўйича нафақалар куйидаги тартибда тұланади:

- Иккінчи жаҳон уруши қатнашчилари, байналмилал жангчи-лар ва уларга тенглаштирилған шахслар бўлған ходимлар, қара-моғида 16 ёшга етмаган (ўкувчилар – 18 ёш) уч ва үндан ортиқ

фарзанди бўлган ходимлар, Чернобил АЭС фалокати оқибатла-рини тугатишда иштирок этган ходимлар, Чернобил АЭС фалоката-ти натижасида радиоактив заарланиш ҳудудларидан эвакуация қилингандан ва кўчирилгандан ходимлар, қон яратувчи органлари, қалк-онсимон бези ва заарли шишлар (аденома, рак) билан касалланганда ҳамда оғир шикастланиш ва касб касаллиги натижасида вактингча ишга қобилиятсизлигини йўқотган ходимлар – иш ҳақининг тўлиқ миқдорида;

- ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликлар бўйича рўйхатда турган ходимлар, улар томонидан давлат ижтимоий суғурта бадалларини тўлаш даврининг узуунлигига боғлиқ равишда – 60 фойиздан 100 фойиз миқдоригача;

- қолган ҳолларда давлат ижтимоий суғурта бадалларини тўлаш даврининг узуунлигига (умумий иш стажига) боғлиқ равишда – иш ҳақининг 60 фойиздан 80 фойизигача миқдорда.

### **Ажратмаларни тўлаш муддатлари**

Мехнатга ҳақ тўлаш фондидан ажратмалар ва фуқароларнинг мажбурий суғурта бадалларини тўлаш тегишли давр учун иш ҳақига пул олишда банк бўлинмаларида ҳисобот ойидан кейин келувчи ойнинг 10- санасидан кечиктиրмасдан тўловчиларнинг тўлов топшириқномалари ёки солиқ органларининг инкассо топшириқномалари йўли билан тўланади.

Пенсия фондига суғурта бадаллари ҳар чоракда ҳисобот чораги-дан кейин келувчи ойнинг 8-санасидан кечиктирилмасдан тўланади.

Суғурта бадаллари нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ёки нақд пул тўлаш йўли билан Ҳалқ банкининг бўлинмалари орқали амалга оширилади.

Тўлов топшириқномасида (квитанцияда) қайси давр учун тўлов амалга оширилаётгани кўрсатилиши лозим.

Қайси давр учун тўлов амалга оширилаётгани кўрсатилмаган тақдирда, тўлов қайси ойда амалга оширилган бўлса, ўша ой учун тўланган ҳисобланади.

Тўланган суғурта бадаллари қайтариб берилмайди.

### **Амалда реализация қилингандан маҳсулот (ишлар, хизматлар) ҳажмидан бюджетдан ташқари Пенсия фондига ажратмалар**

Юридик шахслар амалда реализация қилингандан маҳсулот (ишлар, хизматлар) ҳажмидан ажратмаларни тўловчилардир.

Куйидагилар мажбурий ажратмаларни тўлаш обьекти ҳисобланади:

- а) саноат, транспорт ва қишлоқ хўжалик корхоналари учун – ККС, акциз солиғисиз ҳисобот даврида (ойида) амалда реализация қилинган маҳсулот (ишлар, хизматлар) микдори;
- б) ташкилотларнинг комиссион мукофотлари суммаси – дилерлар ва воситачилик хизматларини кўрсатувчи корхоналар учун;
- в) ўз кучлари билан бажарилган ишлар ҳажми – курилиш, курилиш-монтаж, курилиш-таъмирлаш, созлаш-ишга тушириш, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ташкилотлари учун;
- г) товар обороти, бажарилган ишлар, хизматлар ҳажми – тайёрловчи, савдо, шу жумладан умумий овқатланиш, таъминот-сотиш ташкилотлари учун;
- д) ялпи даромад – улгуржи ва чакана дорихона муассасалари учун;
- е) консигнация шартномалари бўйича воситачилик фаолиятини амалга оширувчи корхоналар ва ташкилотлар учун - тўлов солиш обьекти реализация қилинган барча маҳсулот ҳажми, шу жумладан консигнация қилинган товар қиймати;
- ж) банклар, сугурта ташкилотлари ва уларнинг муассасалари учун тўлов обьекти ҳисобот даврида амалда олинган даромад;

**з) тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган нотижорат, бюджет ташкилотлари учун тўлов обьекти мазкур фаолиятдан олинган тушум суммасидир.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 30 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2003 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 455-сон қарорига мувофиқ 2003 йил 1 январдан бошлаб бюджетдан ташқари Пенсия фондига амалда реализация қилинган маҳсулот (ишлар, хизматлар) ҳажмидан ажратмалар ставкаси 0,7% микдорида ўрнатилган.

### **Ҳисоблаб чиқиши тартиби, ҳисобот тақдим қилиш муддатлари ва тўлаш муддатлари**

Амалда реализация қилинган маҳсулот (ишлар, хизматлар) ҳажмидан ажратмаларни ҳисоблаб чиқиши тўловчининг ўзи мустақил равиша амалга оширилади.

Амалда реализация қилинган маҳсулот (ишлар, хизматлар) ҳажмидан ажратмаларнинг ҳисоб-китоби ҳар ойда ўсиб борувчи якун билан ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 10-санасигача муддатларда солиқ органига тақдим қилинади.

Бюджетдан ташқари Пенсия фондига мажбурий ажратмалар юридик шахс томонидан ҳар ойда хисобот ойидан кейинги ойнинг 10-санасидан кечиктирмасдан тұланади.

### **Йүл фондига ажратмалар**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 5 июлдаги «Республика йүл фондини ташкил қилиш тұғрисида»ғи қарорига мувофиқ йүл фондини ташкил қилиш манбалари белгиланган ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 30 декабрдагы 455-сон қарори билан Республика йүл фондига ажратмаларнинг қуидаги ставкалари белгиланган:

1.	2-5-бандларда күрсатилмаган корхона, хұжаликлар, ташкилотлар томонидан амалда ишлаб чиқарылған маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ҳажмидан, ҚҚС айирилған ҳолда	1,5%
2.	Тайёрловчи, воситачи, савдо корхоналари, шу жумладан умумий овқатланиш, таъминот - сотиши ташкилотлари маблағларидан ажратмалар -товар оборотидан ҚҚС айирилған ҳолда, шунингдек, улгуржи ва чакана дорихона муассасаларининг ялпи даромадидан	1,0%
3	Банклар (Марказий банк тизимидан ташқари), суғурта ташкилотлари, видеосалонлар (видео күрсатыш пунктлари), аукционлар, казино, видео ва аудиокассеталардан нұсха күчириш, уларнинг прокатидан, пул ютуқлы үйин автоматларини эксплуатация қилиш, лотерея үйинларини үтказиш, оммавий концерт томошаларини ташкил қилишдан даромад олувчи корхоналарнинг маблағларидан ажратмалар - даромаддан	1,5%
4.	Курилиш, курилиш-монтаж, қурилиш-таъмирлаш, созлаш-ишга тушириш, лойиха-қидируг ва илмий-тадқиқот ташкилотлари томонидан үз күчлари билан амалда бажарылған ишлар ҳажмидан ажратмалар	1,5%
5.	Автотранспорт корхоналаридан маҳсулот (ишлар, хизматлар) реализацияси бүйіча даромадларидан маблағлар ажратмалари, ҚҚС айирилған ҳолда	2,5%

6.	Мулкчилик шаклидан қатыи назар автотранспорт воситаларини сотиб олишда сотиб олуучи томонидан сотиб олинган воситанинг қийматидан тұланадиган йиғимлар:	
	- сотиб олинган енгил автомобильнинг қийматидан	6%
	- бошқа автотранспорт воситалари: юқ ташувчи, автобуслар, махсус автомобиллар қийматидан	20%
7.	"Ўзавтойўл" концерни корхоналари ва ташкилотларининг мол-мүлкүни сотиб олишдан бюджетта тушиши лозим бўлган маблағларнинг умумий суммадан ажратмалар	50%
8.	Қорақалпогистон Республикасида ёнилғи-мойлаш махсулотларини реализация қилиш ҳажмидан ажратмалар	7%
9.	Хорижий давлатлар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси худудига кириши учун тўлов, ҳар бир автоташувчи восита учун	400 АҚШ дол-лари

Йўл фондларига ажратмаларнинг суммаси корхоналар томонидан хисоб-китоблар ёрдамида бухгалтерия ва статистика хисоблари асосида амалда бажарилган ишлар ҳажмига ўсиб борувчи якун билан ҳар чорақда қайта ҳисоблаб чиқиши йўли билан аниқланади;

Режали тўловлар ҳар ойнинг 15-санасидан кечиктиրмасдан чорак суммасининг 1/3 миқдорида ўтказилади.

Тўлов субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти натижаларидан қатыйи назар амалга оширилади.

Ҳар бир кечикирилган кун учун киритилмаган сумманинг 0,07% миқдорида пеня ёзилади.

Республика йўл фондининг маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги Низомнинг 18-бандига мувоффик қуидидаги корхоналар ва хўжалик юритувчи ташкилотлар йўл фондига ажратмалар тўлашдан озод қилинадилар:

- давлат бюджетида турган ташкилотлар ва муассасалар;
- томоша кўрсатувчи корхоналар, санаторийлар, дам олиш уйлари ва пансионатлар;
- умумий фойдаланишдаги автомобил йўлларини таъмирлаш, реконструкция қилиш ва куриш ҳамда улардан фойдаланиш ишларини амалга оширувчи йўл хўжалиги ташкилотлари;

- уй-жойдан фойдаланиш идоралари ва уй бошқарувлари;
- Марказий банкнинг муассасалари;
- давлат суғурта органлари;
- Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг ташқи савдо бирлашмалари;
- давлат, кооператив ва жамоат ташкилотларининг республика маҳаллий бошқарув органлари;
- Мудофаа вазирлиги ва Ички ишлар вазирлигининг корхоналари ва ташкилотлари, уларга бўйсунувчи хўжалик ҳисобида бўлган хўжалик ташкилотларидан ташқари.

### **5.5. Эҳсон қилувчи юридик шахслар учун солиқ имтиёзлари**

Хорижий ва халқаро фонdlар ва ташкилотлар кейинги ўн йил ичida Ўзбекистонда энг фаол ҳомийлар бўлдилар. Уларнинг хизматларини тан олган ҳолда шуни ҳисобга олиш лозимки, бундай ёрдам одатда қисқа муддатли характерга эга: грант тамом бўлиши билан лойиҳа ҳам тамом бўлади. Мустакил фаол ҳаракатлар зарурдир. ННТларнинг ўзлари ўз имкониятларини, ҳаражат ва ресурсларини баҳолашни, шерикчилик қилган ҳолда, жамиятнинг бошқа секторларини ҳамкорликка жалб қилган ҳолда ўз муаммоларини ҳал қилишни ўрганишлари лозим.

Нотижорат секторининг мавжудлиги ва ривожлантириш муаммоларини ҳал қилиш учун корпоратив хайрия фаолиятини, яъни тижорат тузилмалари экология, соғломлаштириш ва хайрия фонdlарига, маданият, халқ таълими, соғлиқни саклаш, ижтимоий таъминот, жисмоний тарбия ва спорт муассасаларига эҳсонлар қилиш фаолиятини ривожлантириш катта аҳамиятга эгадир. Тижорат ташкилотлари учун бу хайрия фаолиятининг энг одатдаги ва эҳтимол анъанавий туридир. Даромадга эга бўлган тижорат корхоналари ННТларга маблағларни тақдим қилишдан манфаатдор бўлишлари керак. Бундай манфаатдорлик нотижорат ташкилотларининг ижтимоий фойдали мақсадларга йўналтирилган фаол фаолиятига ҳамда потенциал донорлар бўлган нафақат юридик шахслар, балки жисмоний шахслар учун ҳам ижобий солиқ муҳитига боғлиқдир.

Прогрессив солиқ тизими мавжуд бўлган кўпчилик мамлакатларда солиқ қонунчилиги рағбатлантириш тадбири сифатида хайрия мақсадларига ишлатилган сумманинг бир қисмини хайрия қилувчининг солиқ солинадиган базасидан чиқариб ташлаш имконини назарда тутади. Бунда солиқ имтиёзларига микдорий че-

гара даражаси масаласи юзага келади. Масалан, АҚШда хусусий шахс хайрия фаолиятини амалга оширишда даромадлариң 50%-ини солиқдан озод қилиши мүмкін. Австралияды эса умуман ҳеч кандай чекланишлар йўқ.

Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигида жисмоний шахслар – меценатларнинг йиллик жами даромадларини камайтириш назарда тутилмаган. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 32-моддасига мувофиқ экология, саломатлик ва хайрия фондлари, соғлиқни саклаш, ижтимоий таъминот, жисмоний тарбия ва спорт муассасаларига бадаллар суммасига юридик шахснинг солиқ солинадиган даромади камайтирилади, бирок солиқ солинадиган даромаднинг (фойданинг) бир фоизидан кўп бўлмаган микдорда.

Даромад солиги бўйича солиқ солинадиган базани юкорида кўрсатиб ўтилган бадаллар суммасига камайтириш тартибини куйидаги мисолда кўриб чиқайлик (рақамлар шартли):

Тижорат корхонаси ҳисобот йилида экология фондига 300 минг сўм микдорида бадал киритди.

Солиқ солинмасдан олдинги даромад	10000
Солиқ солинадиган базага киритиладиган харажатлар:	
● ПСЗга 1-илова бўйича*	2000
бу ҳолда харажатларнинг кўриб чиқилаётган қисми	
бўйича	300
● ПСЗга 2-илова бўйича	500
СОЛИҚ СОЛИНАДИГАН ФОЙДА:	12500
ЎЗР СКнинг 32-моддасига мувофиқ солиқ солинадиган даромаднинг камайиш суммаси ( $12500 \times 1\%$ )	125
СОЛИҚ СОЛИНАДИГАН БАЗА ЖАМИ:	12375
Солиқ ставкаси	20 %
Даромад солиги	2475

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 32-моддасида корхоналарнинг солиқ солинадиган даромадларини футболни ри-вожлантиришга кўмаклашиш, футбол клублари ва мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга сарфланадиган маблағлар суммасига, бироқ солиқ солинадиган даромаднинг (фой-

\* Махсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиши харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом. (Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори.)

данинг) беш фоизигача миқдорида камайтириш назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида корпоратив хайрия фаолиятини амалга оширишда бир ҳисобот йилида солиқ солинадиган даромаднинг бир фоизидан ортмайдиган миқдорда имтиёзлар берилиши корпоратив хайрия фаолиятини рафбатлантириш учун етарлича кўринмайди. Лекин, Халқаро Нотижорат Ҳуқуқ Марказининг маълумотларига кўра, халқаро статистика шуни кўрсатидики, 1-2 фоиз даромадларини хайрия мақсадларига бेरувчи тижорат корхоналарининг сони амалда жуда камдир ва шунинг учун корпоратив хайрия фаолиятига бериладиган имтиёзнинг юқори чегараси қандай бўлиши тўғрисидаги баҳслар ўзининг ҳар қандай маъносини йўқотади.

Бирок, жисмоний шахсларга нисбатан ахвол бутунлай бошқа-чадир. Солиқ солинадиган базадан хайрия қилинган маблағларни чиқариб ташлашда ҳеч қандай чегаралар ўрнатилмаган мамлакатларда бой одамлар ҳар йили хайрия ташкилотларига солиқ солинадиган даромадлар суммасига teng суммани ўтказган ҳолда умуман солиқ тўламасликлари мумкин. Шунинг учун XНХМ чекланмаган миқдорда хайрия маблағларини солиқ солинадиган даромадлардан чиқариб ташлашга рухсат беришни тавсия қилмайди. Худди шу билан бирга, агар маълум ижтимоий фойдали вазифаларни бажарувчи ва энг муҳим ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда давлаттга ёрдамлашувчи ташкилотларга хайрия суммаларини чиқариб ташлашга рухсат берилса, у ҳолда чиқариб ташлашга анча юқори чегара белгилашда маъно бор.

Бугун давлат энг асосий ислоҳотидир. У доимо аҳолининг кам ижтимоий ҳимояланган қатламлари учун асосий таянчлигича қолади. Жамиятнинг ҳар бир аъзосининг, ҳар бир юридик ва жисмоний шахснинг хайрия қилиш салоҳияти давлат сиёсатига боғлиkdir. Жаҳон амалиётидаги тажрибадан келиб чиқкан ҳолда анча катта солиқ имтиёзлари бериш орқали корпоратив хайрия фаолияти учун рафбатлантириш омилларини ишга солиш лозим.

Жамият ҳаётининг барча соҳаларини ислоҳ қилиш жараёнини мамлакатимиз хоҳишларимизни ҳаётнинг воқеаликлари билан ўлчаган ҳолда, босқичма-босқич амалга оширмоқда. ННТлар учун ҳам, уларнинг донорлари учун ҳам тадбиркор, мосланувчан ва дифференциалланган солиқ имтиёзлари тизими лозим. Дифференциаллаш жамият ва иктиносидни ислоҳ қилишнинг барча муайян босқичларида ҳукуматнинг ижтимоий сиёсат концепциясининг устуворликларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Бунда мамлакат иқтисодий салоҳиятининг ўсиши ва давлат функцияларини аста-секин ННТларга бериш жараёни билан бирга кечувчи фуқароларнинг сиёсий ва иқтисодий фаоллигининг ортиши билан бирга солиқдан чегирмаларнинг миқдорини босқичмабосқич ошириш назарда тутилиши керак.

### **5.6. ННТнинг микромолиялашдан олган даромадларига нисбатан солиқ имтиёзлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 30 августдаги «Ўзбекистон Республикасида микрокредитлашни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 309-сон Қарорига мувофиқ кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириши рағбатлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг халқаро молия институтлари, хорижий давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг (донор ташкилотларининг) беғараз маблағларини (грантларни) жалб қилиш ёрдамида микромолиялашни ривожлантириш тўғрисидаги таклифи кўллаб-куватланди.

Юқорида айтиб ўтилган қарорнинг 4-бандига мувофиқ нотижорат ташкилотларининг микромолиялашдан олган даромадлари, бўшаётган маблағларни операцион харажатлар, ўз моддий-техника базасини ривожлантириш ҳамда кейинги микромолиялаштириш учун мақсадли йўналтирилган ҳолда, 2006 йилнинг 1 январи гача даромад солиғи тўлашдан озод қилинган.

## VI. НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИДАГИ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

### 6.1. Умумий қоидалар

Бухгалтерия ҳисобининг мақсади фойдаланувчиларни түлиқ, ишончли, ўз вактида молиявий ва асосланган хўжалик қарорларини кабул қилиш учун зарур бўлган бошқа аҳборотлар билан тъминлашдир.

Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига фаол интеграцияланиши бухгалтерия ҳисобини меъёрий тартибга солишнинг халқаро стандартларига имкон борича яқинлаштирилган миллий тизимни барпо этиш эктиёжини юзага келтириди.

Бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан хўжалик юритувчи субъектлар молия-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобвараклар режаси ва уни қўллаш бўйича йўрикнома ишлаб чиқилди, улар 21—сон Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти сифатида тасдиқланди ва рўйхатдан ўтказилди. Юқорида айтилган стандартнинг бухгалтерия ҳисоби тизимида юз бераётган ўзгаришларни ҳисобга оладиган янги таҳрири Молия вазирлигининг 2002 йил 9 сентябрдаги 103-сон буйруғи билан тасдиқланган, Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 23 октябрда 1181-сон билан рўйхатдан ўтказилган ва 2002 йил 2 ноябрдан кучга кирган.

2002 йил 1 январдан бошлабоқ янги ҳисобвараклар режаси бўйича хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ва аудиторлик ташкилотлари бухгалтерия ҳисобини юритмоқда. 2003 йил 1 январдан бошлаб уларга биржалар, 2004 йил 1 январдан бошлаб эса – мулкчилик шаклидан қатъи назар бошқа хўжалик юритувчи субъектлар қўшилади.

ННТ учун бухгалтерия ҳисобини юритишнинг маҳсус тизими ишлаб чиқилмаган, шунинг учун нотижорат ташкилотлари барча юридик шахслар учун умумий бўлган меъёрий-хукукий хужжатлардан фойдаланишлари керак.

Бу Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунни, Президент фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, шунингдек бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (бундан кейин БХМС), у белгиланган тартибда тегишли вазирликлар ва идоралар билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига рўйхатдан ўтказилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби түғрисида»-ги Қонунининг 7-моддасига биноан бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини корхона, муассаса ва ташкилот раҳбари ташкил қилади.

Рахбар қуидаги ҳуқуқларга эга:

бosh бухгалтер раҳбарлигига бухгалтерия ҳисоби хизматини яратиш ёки шартнома асосида жалб қилинган бухгалтер хизматларидан фойдаланиш;

шартнома асосида бухгалтерия ҳисобини юритишни маҳсус бухгалтерия фирмасига ёки таркибиға бухгалтерия ҳисоби субъектти кирадиган хўжалик бирлашмасининг марказлаштирилган ҳисоб-китоб бўйлимига ўтказиш;

бухгалтерия ҳисобини мустақил юритиш.

Айнан раҳбарга қуидагиларни таъминлаш юклатилган:  
ички ҳисоб ва ҳисобот бериш тизимини яратиш;  
хўжалик операцияларини назорат тартиби;  
тўла ва ишончли бухгалтерия ҳисоби;  
ҳисоб-китоб ҳужжатларининг сақланиши;  
ташқи фойдаланувчилар учун молиявий ҳисоботни тайёрлаш;  
солиқ ҳисоботлари ва бошқа молиявий ҳужжатларни тайёрлаш;

ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш.

## **6.2. Янги ҳисобвараклар режасининг тузилмаси**

Мазкур қўлланманинг тавсиялари янги таҳрирдаги 21-сон БХМС «Хўжалик юритувчи субъектлар молия-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобвараклар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома»га асосланган (АВ рўйхат раками 1181, 2002 йил, 23 октябрь).

Янги ҳисобвараклар режасини босқичма-босқич жорий этиш тартиби мулкчилик шаклидан қатъи назар барча хўжалик юритувчи субъектларнинг, шу жумладан нодавлат нотижорат ташкилотларнинг 2004 йил 1 январдан бошлаб унга тўлиқ ўтишини кўзда тутиши сабабли, қўлланмада бухгалтерия проводкалари амалдаги ҳисобвараклар режаси бўйича ҳам берилган.

Ҳисобваракларни жойлаштириш тартиби бўйича янги Режа шундай тузилганки, даставвал, 1-8-бўйлимларда доимий, баланс ҳисобвараклар, кейин эса, 9-бўйимда транзит ёки вақтли ҳисобвараклар жойлаштирилган.

Доимий ҳисобваракларнинг номи уларнинг ҳар бир ҳисобот даврида ёпиладиган вақтлилардан фарқли ўлароқ доимо сальдо-га эга бўяла олиши билан боғлиқ.

Доимий ҳисобвараплар балансда күрсатилған, шунинг учун улар баланс ҳисобвараплар деб ҳам аталади: булар активлар, мажбуриятлар ва ўзига тегишли сармоядир. Доимий ҳисобвараплар актив, пассив ва контрап (контр-актив ва контр-пассив) бўлиши мумкин.

Янги режанинг амалдагидан принципиал фарқи актив-пассив ҳисобварапларнинг йўқлигидир.

Актив ҳисобвараплар турли активларни акс эттиришга мўлжалланган ва фақат дебет сальдога эга бўлиши мумкин. Активларнинг ортиши актив ҳисобвараплар дебетлари бўйича кўрсатилади.

Пассив ҳисобвараплар мажбурият ёки сармояларни акс эттиришга мўлжалланган бўлиб, фақат кредит ҳисобварапқа эга бўлишлари мумкин, мажбурият ва сармоянинг ортиши бу ҳисобварапларнинг кредити бўйича кўрсатилади.

Контрап ҳисобвараплар – активлар ва мажбуриятларнинг соф қиймати молиявий ҳисобот беришда кўрсатиш учун уларнинг сальдоси у билан боғлиқ асосий ҳисобвараплардан айриладиган ҳисобвараплардир. Контр-актив ҳисобварапларнинг мисоли – соф (баланс) нархини молиявий ҳисобот беришда кўрсатиш учун сальдоси уларнинг дастлабки нархидан айриладиган асосий воситалар амортизациясидир. Контр-пассив ҳисобварапларнинг мисоли – ҳисобот беришда устав капиталининг реал нархини акс эттириш учун сальдоси «Устав капитал» ҳисобварагидан айриладиган сотиб олинган ўз акцияларидир.

Янги Режада «синтетик» ҳисобварап, кичик ҳисобварап, яъни иккинчи тартибли - синтетик ҳисобварапларнинг аналитик қисми тушунчалари йўқ. Барча ҳисобвараплар энди тўрт хонали рақамланишига эга ва активлар, мажбуриятлар ва сармоянинг ҳар бир хилига очилади. Масалан, амалдаги ҳисобвараплар Режасида «Материаллар» 10-синтетик ҳисобварагига 10-1 «Хом ашё ва материаллар», 10-2 «Сотиб олинадиган яримфабрикатлар ва комплектловчи буюмлар» ва ҳ.к. ҳисобвараплар очилади. Янги ҳисобвараплар Режасида моддий захираларнинг бундай хиллари алоҳида: 1010 «Хом ашё ва материаллар», 1020 «Сотиб олинадиган яримфабрикатлар ва комплектловчи буюмлар» ва ҳ.к. ҳисобварапларда ҳисобга олинади.

Корхоналар баланс ҳисоботларида айланма (жорий) ва узоқ муддатли активлар ва пассивларни фарқлашлари керак. Бу айланма сармоя сифатида айланувчи активлар ва яқин муддатда (йилда) олиш мўлжалланган активни корхонанинг узоқ муддатли операцияларида фойдаланиладиган активлардан ажратиш учун мухимдир.

Схематик тарзда янги ҳисобвараплар Режаси тартиби қўйида-ги кўринишга эга:

## ЯНГИ ҲИСОБВАРАҚЛАР ТУЗИЛМАСИ

ГУРУХ	МАҚСАДИ	БҮЛИМ
<b>АКТИВ ҲИСОБВАРАҚЛАР - ДЕБЕТ САЛЬДОСИГА ЭГА</b>		
0110-0990	Узоқ муддатли активлар хисоби ҳисобвараклари	1
1010-2990	Товар-моддий захиралари хисоби ҳисобварағе	2
3110-3290	Келажақдаги даврлар харажатлари ва муддати кечиктирилган харажатларнинг ҳисоби	3
4010-4910	Олишга доир ҳисобвараклар - жорий қисми	4
5010-5910	Пул-маблағлари, кисқа муддатли инвестициялар ва бошқа жорий активлар	5
<b>ПАССИВ ҲИСОБВАРАҚЛАР - КРЕДИТ САЛЬДОСИГА ЭГА</b>		
6010-6990	Жорий мажбуриятлар хисоби ҳисобвараклари	6
7010-7920	Узоқ муддатли мажбуриятлар ҳисоби ҳисобвараклари	7
8310-8910	Сармоя, тақсимланмаган фойда ва зәхиралар ҳисоби ҳисобвараклари	8
<b>ТРАНЗИТ (ВАҚТИНЧА) ҲИСОБВАРАҚЛАР</b>		
9010- 9900	Даромадлар ва харажатлар хисоби ҳисобвараклари	9

Янги ҳисобвараклар Режасининг охирги, 9-бўлими транзит (вакъти) ҳисобвараклар – даромадлар ва харажатлар ҳисобваракларидан иборат ва ҳисобваракларни жойлаштириш тартиби бўйича «Молиявий натижалар ҳақида ҳисобот» шаклига мос келади.


Ҳисобварақлар транзит (вақтли) дейилишининг сабаби улар ҳар бир ҳисбот даври якуннада ёпилиши ва кейинги давр бошланишида нолга тенг сальдога эга бўлишлариdir.

### **6.3. Ҳисоб сиёсати ва ҳисобварақлар ишчи Режаси**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 14 августда 474-сон билан рўйхатдан ўтказилган 1-сон БХМС «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисбот»га биноан ҳисоб сиёсати деганда уларнинг принципи ва асосларига мувофиқ бухгалтерия ҳисобини юритиш ҳамда молия ҳисботини тузиш учун хўжалик юритувчи субъект раҳбари қабул қиласидан усувларнинг жами тушиллади. Ҳисоб сиёсати хўжалик юритувчи субъект фаолияти-нинг турли йилларда бериладиган молиявий ҳисботдаги молиявий кўрсаткичлар қиёсланадиган бўлиши учун шакллантирилади.

Бухгалтерия ҳисобини юритиш усувларига хўжалик фаолияти далилларини гурухлаш ва баҳолаш, активлар қийматини сўндириш, хужжатлар айланмасини ташкил этиш, инвентаризация, бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларини кўллаш усувлари, ҳисоб регистрлари, аҳборотга ишлов бериш тизимлари ҳамда бошқа усувлар киради.

Хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб сиёсати унинг раҳбари тарафидан тегишли ташкилий-буйрукли хужжати (буйруқ, фармойиш ва ш.к.) билан расмийлаштирилиши лозим.



Субъект тарафидан ҳисоб сиёсатини шакллантиришда танланган бухгалтерия ҳисобини юритиш усувлари тегишли ташкилий-буйрукли хужжат чиқарилгандан кейинги йилнинг биринчи январидан кўлланилади, ҳисбот йили давомида янгитдан тузилган хўжалик юритувчи субъектлар бундан мустасно.

Бунда улар хўжалик юритувчи субъектнинг барча таркибий бўлинмалари (алоҳида балансга ажратилганлар ҳам шу жумладан) томонидан уларнинг жойлашган ўрнидан қатъи назар кўлланилади.

Яңги тузилған ташкилот ўзи танлаган ҳисоб сиёсатини мазкур бандга биноан молиявий ҳисоботнинг биринчи эълонига қадар, лекин юридик шахс ҳуқуқини (давлат қайдини) олган кундан бошлаб 90 кундан ортиқ үтказмай, расмийлаштиради. Танланған ҳисоб сиёсати юридик шахс ҳуқуқини (давлат қайдини) олган кундан бошлаб қўлланяпти, деб ҳисобланади.

Бухгалтерия ҳисобининг усул ва услублари рўйхати сифатида ташкилотнинг ҳисоб сиёсати амалий ишларда бошқариш мақсадларида ва солиқ тўловчилар ҳамда солиқ органлари орасидаги баҳсли саволларни ҳал қилишда бухгалтерия ҳисобининг тўғрилигини қонуний асословчи ҳужжат сифатида қўлланилади ва назорат қилувчи органлар (аудит, солиқ органлари ва ҳ.к.) томонидан ҳар қандай текширишнинг биринчи босқичида ўрганиладиган асосий ҳужжатлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ҳисоб сиёсати қўйидаги асосий усувларни ўз ичига олиши керак:

1 Ҳисобвараклар ишчи Режаси	2 Хўжалик опера- цияларини ҳисобвараклар ишчи Режасида акс эттириш	3 Ички ҳисобот хужжатлари шакллари
4 Хужжатларни визалаш тизими ва хужжатлар айланмаси графиги	5 Активлар ва мажбуриятларни баҳолаш усуллари	6 Активлар ва мажбуриятларни инвентаризация- лаш

Ҳисоб сиёсатининг таркибида бошқа усувлар ҳам кўзда тутилиши мумкин, лекин юкорида саналгандар бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил этиш ва ҳисботни шакллантириш учун мажбурийдир.

Ташкилотнинг ҳисоб сиёсати бухгалтерия ҳисобини юритишнинг умумий белгиланган барча қоидалари ва меъёрларини сабаб кўрсатишдан иборат бўлмаслиги керак.

Хисоб сиёсатини тузишда қуйидаги ҳолатларни ҳисобга олиш тавсия қилинади.

1. Хисоб сиёсатида амалдаги бухгалтерия ҳисоби ҳақидаги қонунчилікка биноан варинатлар назарда тутилган процедураларгина акс эттирилади. Меъёрий ҳужжатларда аник ёзилган процедураның ҳисоб сиёсатида күрсатылмайды.

2. Хисоб сиёсатига меъёрий ҳужжатларни тавсифлашни ёки зикр қилишни киритиш жоиз эмас.

Молия вазирлиги томонидан тасдиқланған бухгалтерия ҳисобининг ҳисобвараптар режаси асосида корхона айнан шу корхонада ҳисоб юритиш учун зарур бўлган ҳисобвараптар ва (ёки) илова ҳисобвараптарни назарда тутувчи ўзининг ишчи режасини ишлаб чиқиши мумкин.

Ҳисобвараптар ишчи режасини тузиш - ҳисоб сиёсатини шакллантиришнинг жуда масъулиятли пайти. Бухгалтерия ҳисобининг очиқ-ойдинлиги, молиявий ва бошқа ҳисоботларни тўғри шакллантириш, НHT фаолиятининг турли иқтисодий кўрсаткичларини тезкор олиш имконияти - ҳисобвараптар ишчи режаси қанчалик пухта йўлаб тузилганлигига боғлиқдир. Ҳисобвараптар ишчи режасини тузишни қуйидаги изчилликда олиб бориш тавсия қилинади:

1. НHT умумий таркиби ва фаолият ҳажмини баҳоланг. Филиаллар ва шульба корхоналар борми? Агар бор бўлса, улар билан ҳисоб-китоблар қандай йўналишлар бўйича амалга оширилаяпти, марказий НHT дастурлари бўйича ишда филиаллар иштирок этиши кутилаяптими?

2. Келгуси йил учун бюджетни қуйидаги ахборотни олиш нуқтаси назаридан дикқат билан ўрганинг.

- Молиялашнинг қанча манбай бор? Манбаларнинг характеристика қандай?

- Тадбиркорлик фаолияти амалга ошириладими?

- Дастурларнинг қанча миқдорини бажариш тахмин қилинапти?

3. Хўжалик операцияларининг келгуси йил учун рўйхатини тузинг.

4. Шакллантириш зараур бўлган ҳисоботлар реестрини тузинг. Бунда барча ҳисоботларни – назорат органларига, дононларга, статистика органларига, ички ҳисоботларни инобатга олинг.

5. Ушбу ҳисоботларни тузиш учун зарур бўлган ахборотлар реестрини тузинг.

6. Ҳисобвараптар намунавий режасида барча активлар ва мажбуриятлар ҳисоби учун зарур ҳисобвараптарни танланг.

7. Агар намунавий режа ҳисобварақларидан бирортаси НHT үтказаётган хўжалик опрециялари ва мавжуд активларнинг иқтисодий мазмунига жавсб бермаса, ишчи режага ҳисобварақлар намунавий режасида ишлатилмайдиган ҳисобварақларни киритинг.

8. Зарур таҳлилий ахборот олиш мақсадида ҳисобварақни илова ҳисобварақларга бўлинг (амалдаги ҳисобварақлар режасини қўллаганда).

9. Ҳисобварақлар ишчи режасида хўжалик опрецияларини акс эттириш тартибини тавсифланг.

Масалан, III бўлимда кўрилган бюджет тузишга оид мисолда НHTнинг нотижорий ва тижорий фаолияти ҳисоби учун алоҳида ҳисобварақлар кўзда тутилиши зарур, чунки бюджетда пулли хизматлар кўрсатиш ҳисобига молиялаш И6 манбаи кўзда тутилган.

Эслашимиизга кўра, якуний бюджетда молиялашнинг 6 манбаи кўзда тутилган, улар учун алоҳида ҳисобварақлар (илова ҳисобварақлар) кўзда тутилиши мақсадга мувофиқдир.

Ишчи режага қуидаги ҳисобварақлар (илова ҳисобварақлар) кириши мумкин:

8810 (96.1) – грант;

8830 (96.3) – аъзолик бадаллари;

8850 (96.5) – биргаликда фаолият бўйича шерикдан мақсадли тушумлар;

8860 (96.6) – шульба корхоналаридан тушумлар;

8870 (96.7) - НТ устав мақсадларини бажаришга йўналтирилган тадбиркорлик фаолиятидан фойда (бизнинг мисолда – пулли хизматлар кўрсатишдан, депозит бўйича фоизли даромад);

8890 (96.9) – бошқа мақсадли тушумлар (бу ҳисобварақ – бюджетда кўзда тутилмаган мақсадли тушумлар ҳисоби учун).

Гарчи бюджет тузишга оид мисолда депозит бўйича фоизлар алоҳида молиялаш манбаи кўринишида белгиланган бўлсада, биз унинг ҳисоби учун алоҳида ҳисобварақ (илова ҳисобварақ) назарда тутмаганимизга эътибор беринг. Бу нарса молиявий фаолиятдан даромадлар «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисбот» 2-сон шаклда, соф фойда иқтисодий фаолиятнинг барча турлари, шу жумладан молиявий фаолият бўйича умумий якун сифатида акс эттирилиши билан изохланади, шунинг учун, бизнингча, ўзини ўзи молиялашнинг барча манбаларини умумий ҳисобварақда акс эттириш мақсадгага мувофиқдир.

Бюджетда бир вақтда тўрт дастурни бажариш (шу жумладан «Ресурсларни ривожлантириш» дастурини) кўзда тутилганлиги муносабати билан ҳисобварақлар ишчи режасига амалдаги ҳисоб-

варақлар режасида ишлатилмайдиганлари орасида алоҳида ҳисобварақлар (бир ҳисобварақ қлова ҳисобварақлари) киритилишини тавсия қилиш мумкин, дастурлар бўйича барча харажатлар уларга йигилади, масалан:

2210 (22.1) - «1 – дастур бўйича харажатлар»,

2220 (22.2) - «2 – дастур бўйича харажатлар»,

2230 (22.3) - «3 – дастур бўйича харажатлар»,

2290 (22.9) - «Ресурсларни ривожлантириш» дастури бўйича харажатлар»,

Ҳисоб сиёсатида инвентаризациялашни ўтказиш тартиби ва муддатларини ҳам кўзда тутиш зарур.

Мол-мулк ва мажбуриятларни инвентарлаш 19-сон БХМС «Инвентарлашни ташкил қилиш ва ўтказиш»га биноан амалга оширилади; мақсадли молиялаш бўйича ҳисоб-китобларни инвентарлаш - ташкилот ихтиёрига кўра (ҳар ойда ёки ҳар чорақда).

Ташкилот ўзи ички ҳисботлар юритишнинг таркиби ва шаклларини танлаб олиши, ҳужжатлар айланишининг графигини тузиши, унда бухгалтерияга моддий ҳисботлар топширишнинг муддатини белгилаши лозим. Бухгалтерияга ҳужжатларни топшириш графиги Ҳисоб сиёсатидан қўчирма сифатида мазкур жараёнда иштирок килувчи ҳар бир корхона ходимида бўлиши керак.

Ички ҳўжалик назорати тизимида товар-моддий бойликларни қабул қилиб олиш ва бериш тартибини белгилаш, мулкнинг айрим турларини тасарруф қилиш ҳуқуқи берилган ва ҳужжатларни имзолаш ҳуқуқига эга шахсларни аниқлаб қўйиш муҳимдир.

Ҳисоб сиёсатини тузишда шунингдек уни иложи борича узоқ муддат ўзгартирмаслик мақсадга мувофиқлигини ҳам эътиборга олиш керак, чунки молиявий аҳборот фойдаланувчилар учун манфаатли бўлиши учун у турли ҳисбот даврларида таққосланадиган бўлиши керак.

Календар йили давомида ҳисоб сиёсатида ўзгартиришларни фақат қўйидаги ҳоллардагина жоиз қиласди:

- субъектнинг қайта ташкил қилиниши;

- қонунчиликнинг ёки Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини меъёрий меёрий тартибга солиш тизимининг ўзгариши.

Ҳисоб сиёсатидаги қонунчилик билан боғлиқ бўлмаган ўзгаришлар оқибатлари 1-сон БХМСга биноан бухгалтерия ҳисобининг янги усувлари қўлланиладиган муддатга нархлаб баҳоланиши керак.

#### 6.4. Бухгалтерия ҳисобида ННТ түзиш жараёнини акс эттириш

Юридик шахс шакллантирилишида ва давлат қайдидан ўтишида одатда даставвал құйидаги бухгалтерлик ёзуви бажарилади: № 4710 (75.1.) «Низомий сармояга бадаллар бўйича муассисларнинг мажбуриятлари», Кт 8300 (85.1) Эълон қилинган ва қайд қилинган суммага «Устав капитали». Натижада ҳар қандай юридик шахснинг дастлабки баланси муассисларнинг баланс активида акс эттирилган низомий фондга бадаллари бўйича мажбуриятлари ва баланс пассивида кўрсатилган таъсис ҳужжатларига мос низомий фонднинг қийматидан иборат бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида нотижорий ташкилотнинг низомий сармоясини шакллантириш назарда тутилмаган. Лекин амалда, қонунчиликда низомий сармояни шакллантиришда очиқ тақиқнинг йўқлиги сабабли ННТнинг таъсис ҳужжатларига кўпинча низомий сармоянинг ҳажми, шакллантириш тартиби, таъсисчиларнинг ҳиссалари ҳақида қоидалар киритилади. Биз қуйидаги сабабларга кўра буни қилмасликни қатый тавсия қиласиз.

«Устав капитали» ҳисобвараги тузилаётган юридик шахснинг таъсисчилар олдидаги мажбуриятлари, уларнинг фойдадаги ҳиссаларини қайд қилишга мўлжалланган, демак, юридик нуқтаи назардан ННТ учун унинг аҳамияти йўқ, чунки ННТ ҳақидаги қонунга кўра унинг таъсисчилари ННТ мулкига ҳам, унинг фаолиятидан фойда олишга ҳам ҳақдор эмаслар.

Бухгалтерия ҳисоби нуқтаи назаридан ННТнинг устав капиталини шакллантириш умуман жоиз эмас, чунки уни балансда акслантириш куйидаги абсурд ҳолатга олиб келади:

Фараз қиласлилар, муассислар низомий сармояга омонат сифатида пул маблағларини, бошқа узоқ муддатли ва жорий активларни қўшдилар. Низомий фаолият бошланган. Фаолият жараёнида жорий активлар сарфланади. Асосий воситалар амортизацияланади (бизда барча юридик шахслар, шу жумладан ННТ ҳам мажбурий тартибда амортизация устамасини амалга оширади). Агар пассивлар факат низомий сармоя бўлса, активларнинг камайиши билан боғлиқ пассивларнинг камайишини балансда қандай акс эттириш мумкин? Бунинг иложи йўқ, чунки бу ҳолда балансда зарарни ёки устав капитали камайишини акс эттиришга тўғри келади. Бироқ тижорий фаолият бўлмаганида ННТда зарар бўлиши мумкин эмас, устав капиталини эса кейин қайта рўйхатдан ўтказиш таомили билан бирга уставга тегишли ўзгартирishлар киритмасдан камайтириб бўлмайди.

Агар таъсис ҳужжатларида устав капитали эмас, ННТга мулкларини ўтказиш бўйича муассислар (шериклар)нинг мажбуриятлари кўрсатилган бўлса, бундай муаммо келиб чиқмайди.

Ҳисобварақлар ишчи режасига 4690 (75.9.)- «Муассисларнинг бадаллар бўйича қарзи» ҳисобварағини киритиш тавсия қилинади. Бунда муассисларнинг мажбуриятлари Дт 4690 (75.9.)- «Муассисларнинг бадаллар бўйича қарзи», Кт 8831 (96) - «Муассисларнинг бадаллари» проводкаси билан акс эттирилади.

Активларнинг сарфи тегишли актив ҳисобварақнинг дебети ва 8831 (96) ҳисобварақнинг кредити бўйича проводка ёрдамида кўрсатилади, яъни активларнинг сарфланиши натижасидаги уларнинг камайиши пассивнинг камайиши билан корреспонденцияланади ва муаммо келиб чиқмайди.

## **6.5. ННТ даромадларини ҳисоб-китоб қилиш**

Мақсадли молиялаш маблағларининг ҳолати ва харакати, шунингдек аъзолик бадаллари ва қайтарилмайдиган, мақсадли тадбирларни амалга ошириш учун мўлжалланган бошқа маблағлар тушуми ва сарфланиши тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш куйидаги ҳисобварақларда акс эттирилади::

8810 (96.1) – грантлар

8820 (96.2) – субсидиялар

8830 (96.3) – аъзолик бадаллари

8840 (96.4) – мақсадли фойдаланиладиган солиқ имтиёзлари

8890 (96.9) – бошқа мақсадли тушумлар

Бошқа мақсадли тушумларни табақалаштириш ва намунавий режада ишлатилмаган 8850, 8860, 8870, 8880 ҳисобварақларда акс эттиришга йўл қўйилади (ҳисобварақлар ишчи режасини ишлаб чиқишида буни қилган эдик).

Грант (субсидиялар ва ш.к.) ажратилгани ҳақидаги хабар олингандан унинг суммаси 8810 (8820 ва хоказо) ҳисобварақ кредити бўйича 4890 (76) «Бошқа дебиторларнинг қарзи» ҳисобварағи билан биргалиқда акс эттирилади.

Мақсадли лойиҳанинг бюджетида назарда тутилган пул маблағлари ва мулкни олиш 5110, 5210 (51, 52) пул маблағлари ҳисобварақлари, капитал қўйилмалар (0820, 0830) ва х.к. ҳисобварақлар дебети бўйича, мақсадли маблағлар эгаси қарзининг камайиши эса 4890 (76) -ҳисобварақнинг кредити бўйича акс эттирилади.

Хорижий валютадаги мақсадли тушумлар суммасини ЎзР миллий валютаси (сўм)га қайта ҳисоб қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг нотижорий ташкилот ҳисобварағига ўтка-

зиш кунидаги курси бүйіча амалга оширилади. Бунда юзага келгән курс фарқы 8800 (96) ҳисобварақларда акс эттирилади.

Нотижорат ташкилоти шұйба тузилмалари табдиркорлик фаолиятидан факат низомий мақсадларни бажаришга ишлатадиган даромадлар олиши мүмкін. Бундай даромадлар ҳам мақсадлы тушум каби күрсатилади ва солиққа тортиш объекти бўлмайди:

Дт 5110 (51) «Ҳисоб- китоб ҳисобварағи»

Кт 8890 (96.9) «Бошқа мақсадлы тушумлар»

Ёки бизнинг ҳисобварақлар ишчи режаси мисолимизда,

Кт 8860 (96.6) «Шұйба корхоналардан тушумлар».

ННТнинг табдиркорлик фаолиятидан даромадларни кўрсатиш бошқа хўжалик юритувчи субъектлардагидек амалга оширилади:

- маҳсулот-товарлар, ишлар, хизматларни бажаришдан даромадлар ҳисоби ҳисобварақлари орқали – 9010-9030 (46-ҳисобварақ)

- бошқа сотиш даромадлари ҳисоби ҳисобварағи орқали – 9210-9220 (47,48-ҳисобварақ)

- бошқа операцион даромадлар ҳақидаги ҳисобварағи орқали – 9330-9390 (80.3-ҳисобварақ)

- молиявий фаолиятдан даромадлар ҳисоби ҳисобварағи орқали – 9510-9590 (80.4-ҳисобварақ).

Шунга эътибор бериш керакки, 9010, 9020, 9030 ҳисобварақлари кредитлари бүйіча юкланған маҳсулот, бажарилған ишлар ва кўрсатилған хизматлар учун олинган фойда суммаси КҚС, акцизлар ва олинган даромаддан бошқа чегирмаларни айириб кўрсатилади.

Масалан, 60000 сўмлик маҳсулот КҚС ни ҳисобга олиб таннархи 36000 сўмлик маҳсулот 100% олдиндан пул ўтказиш йўли билан сотилди.

1. Олдиндан тўлов олинди (Эски ҳисобварақлар режасига биноан 51-ҳисобварақ дебети, 64-ҳисобварақ кредити):

Дт 5110 «Ҳисоб-китоб ҳисобварағи» 60000

Кт 6310 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар» 60000

2. КҚС ҳисобга олиниб маҳсулот сотилгани акс эттирилади (64-ҳисобварақ дебети, 46-ҳисобварақ кредити ва 46-ҳисобварақ дебети, 68-ҳисобварақ кредити):

Дт 6310 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар» 60000

Кт 9010 «Тайёр маҳсулотни сотишдан даромадлар» 50000

Кт 6410 «КҚС бўйича бюджетдан қарэ» 10000

3. Сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқаришдаги таннархи ҳисобдан чиқарилди (46-ҳисобварақ дебети, 40-ҳисобварақ кредити):

Дт 9110 «Сотилган махсулот таннархи» 36000

Кт 2810 «Омбордаги тайёр маҳсулот» 36000.

Янги ҳисобвараклар режасига биноан маҳсулот (товарлар, ишлар, хизматлар)ни сотишни акс эттиришнинг айрим ҳусусиятларини күрсатиб ўтамиз:

1. ҚҚС, акцизлар сотиш даромадлари ҳисоби ҳисобваракларидан күрсатилмайди, яъни бир йўла соф даромад күрсатилади;

2. Сотишдан даромад ҳисобваракларида ҚҚС ва акцизлар че-гирилган ҳолда соф даромад акс эттирилади;

3. Эски режадаги 46-ҳисобваракқа ўхшаш сотиш натижаси якъол кўриниб турадиган қиёсий ҳисобварак йўқ. Сотишдан даромад 9000-ҳисобваракнинг кредити бўйича кўрсатилса, сотилган махсулотнинг таннархи - 9100-ҳисобварак дебети бўйича акс эттирилади;

Ҳисобот даври якуннида 9000, 9100 ҳисобвараклар ёпилиши амалга оширилади:

Дт 9010 «Тайёр маҳсулотни сотишдан даромадлар» 50000

Кт 9900 «Якуний молиявий натижа» 50000  
ва

Дт 9900 «Якуний молиявий натижа» 36000

Кт 9110 «Сотилган махсулот таннархи» 36000.

9900 ҳисобварак бўйича сальдо 9000, 9100 ҳисобвараклар ёпилгач, сотишдан умумий молиявий натижани кўрсатади (14000 сўм).

Бошқа қолган барча (9300, 9400, 9500, 9600, 9700) ҳисобвараклар ёпилгандан кейингина биз 9900 ҳисобварагида соликни тўлашдан аввалги фойда (зарар)ни оламиз.

Фойдадан соликни ҳисоблаб ёзиш проводкаси:

Дт 9810 «Даромад (фойда) солиги бўйича харажатлар»

Кт 6410 «Фойдадан солик бўйича бюджетга қарз»,

9810 ҳисобвараги ҳам бундан кейин ёпилади:

Дт 9900 «Якуний молиявий натижа»

Кт 9810 «Даромад (фойда) солиги бўйича харажатлар»

Ва энди 9900 ҳисобварак бўйича сальдо корхонанинг ҳисобот давридаги соф фойдасини кўрсатади (амалдаги ҳисобвараклар режасида соф фойда – 80 - ҳисобварак сальдоси).

Фойда ННТ ўз устав (нотижорат) фаолиятини амалга ошириш учун фойдаланиши сабабли, 9900 ҳисобварак сальдоси ҳисобвараклар ишчи режасида кўзда тутилган мақсадли фойдаланишининг тегишли ҳисобварагига (илова ҳисобварагига) ўтказиш (бизнинг мисолимизда 8870-ҳисобварак ёки амалдаги режада – 96.7-ҳисобварак) мақсадга мувофиқдир.

Бирок тадбиркорлик фаолияти натижасида зарар күрілса, дебет сальдоси мақсадлы молиялаш ҳисоби ҳисобварағига үтказишга йўл кўйиб бўлмайди: бу мақсадли молиялашдан тадбиркорлик фаолиятидан зарарни коплаш учун фойдаланилган бўлар эди.

## **6.6. Моддий бойликларни ҳисобга олиш ҳусусиятлари**

### **Узоқ муддатли активлар ҳисоби**

Узоқ муддатли активлар кўйидаги воситалардир:

- бир йилдан ортиқ фойдали хизмат муддатига эга;
- корхона фаолиятида такрор-такрор кўлланилади;
- қайта сотилмайди.

Агар ННТ устав вазифаларига мувофиқ қандайдир бойликлар бошқа юридик ва жисмоний шахсларга бериш учун мўлжалланган бўлса, уларни айланма воситаларга киритиш керак. Масалан, рентген аппарати касалхона учун асосий восита ҳисобланса, уни берган ННТ учун айланма воситаларга киради. Яъни асосий ва айланма активлар орасидаги фарқ уларнинг табиатида эмас, балки улардан фойдаланиш усулидадир.

ННТда асосий воситаларнинг ҳисоб қилиш бошқа корхоналардагидан амалда фарқ қилмайди ва 5-сон БХМС «Асосий воситалар» асосида олиб борилади.

Асосий воситаларни харид қилиш нархига келтириш, ўрнатиш, ишга тушириш билан боғлиқ барча харажатлар киради, яъни объектнинг нархи унга сарфланган суммага, яъни харид нархи плюс уни ташиб, суғурталаш, ўрнатиш ва бошқа зарурий харажатлар, чунки бу харажатларсиз улар нормал ишлай олмайдилар.

Асосий воситаларни харид қилиш билан боғлиқ харажатлар капитал харажатлар дейилади.

Капитал харажатлар ҳисоби амалдаги ҳисобварақлар режасининг 08 ҳисобварағида, янги режада - кўйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

- 0810 – тугалланмаган қурилиш
- 0820 – асосий воситалар хариди
- 0830 – номоддий активлар хариди
- 0840 – асосий подани шакллантириш
- 0850 – ерни ободонлаштиришга капитал қўйилмалар
- 0860 – узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларга капитал қўйилмалар
- 0890 – бошқа капитал харажатлар.

Масалан, ташкилот бино харид қиласи. У харид нархи учун 2000

минг сўм, брокер хизматлари учун 20 минг сўм ва юрист хизматлари учун 15 минг сўм, хужжатларни расмийлаштириш учун 20 минг сўм тўлайди. Бухгалтерлик ёзуви қўйидагича:

Дт 0820-ҳисобварақ «Асосий воситалар хариди» (08-ҳисобварақ) 2060

Кт 5110-ҳисобварақ «Пул маблағлари» (51-ҳисобварақ) 2060  
ва давомида

Дт 0120-ҳисобварақ «Бинолар, иншоотлар, узатуви қурилмалар» (01-ҳисобварақ) 2060

Кт 0820-ҳисобварақ «Асосий воситалар хариди» (08-ҳисобварақ) 2060

Бухгалтерия ҳисоби тамойилларига биноан асосий воситалар қиймати уларни ишлатишга мўлжалланган муддатга улар фойдали бўладиган ҳисобот даврларига бўлиб текис тақсимланиши керак.

Бу жараён амортизация дейилади.

«Амортизация» термини жисмоний эскириш ёки маълум вакт ичida объект бозор нархининг камайиши сифатида эмас, балки уларни фойдали ишлаши даврида нархини ҳисобдан чиқариш, яъни ташкилотнинг илгариги харажатларини ҳисобдан чиқариш сифатида тушунилиши керак.

Бундан хуноса: агар нотижорий ташкилот асосий воситалар харидига ўз маблағларидан ҳеч нарса сарф қилмаган бўлса (яъни асосий воситалар мақсадли молиялаш маблағлари, грантлар ва ш.к.лар ҳисобига харид қилинган бўлса), у холда амортизацияни харажатларга ҳисобдан чиқариш мумкин эмас.

Асосий воситаларни (масалан, ускунани) харид қилишга мақсадли молиялашни олиш:

Дт 5110 (51)

Кт 8810-8890 (08)

Асосий воситаларга олдиндан ҳақ тўланди:

Дт 4320 (61)

Кт 5110 (51)

Асосий воситалар етказиб берувчисидан олинди:

Дт 0820 (08)

Кт 6010 (60)

Асосий воситалар таркибиغا қўшилди:

Дт 0130 (01)

Кт 0820 (08)

Илгари тўланган бўнак ҳисоби:

Дт 6010 (60)

Кт 4320 (61)

Молиялаш манбаидан фойдаланиши акс эттириш (мақсадли молиялаш суммаларини 21-сон БҲМСга мувофиқ ташкилотнинг резерв капиталини тўлдиришга киритиш):

Дт 8810-8890 (96) «Грантлар ва субсидиялар»

Кт 8530 (85.3) «Текинга олинган мол-мулк»

Бизнингча, нотижорат ташкилотлари асосий воситалар ва амортизация ажратмалари ҳисобини бюджет ташкилотларида қилинаётганига ўхшаш тарзда юритсалар мақсадга мувофиқ бўларди.

Маълумки, бюджет ташкилотларида баланс пассивида «Асосий воситалардаги фонд» маҳсус ҳисобварагида асосий воситаларнинг қолдик қиймати, яъни баланс қиймати билан ҳисоблаб ёзилган амортизация ўртасидаги фарқ акс эттирилади.

Ҳисобвараклар ишчи режасига 8200 (88)-ҳисобварак «Асосий воситалар ва номоддий активларда ННТ фонди»ни киритамиш ва сонли мисолда амортизацияни ҳисоблаб ёзишни қараймиз.

Айтайлик, унга доир ишни бажариш муддати икки йилни ташкил этадиган грант бўйича қиймати 1000 минг сўмлик компьютер олинди. Компьютер олиш проводкаси:

Дт 0150 (01), Кт 8810 (96.1) – 1000.

Компьютерни ишлатишнинг меъёрий муддати 5 йилни ташкил этади (амортизация – йилига 20%). Грантнинг амал қилиш муддати тугагач, грант берувчига ҳисбототга компьютер харид қилинганлигидан гувоҳлик берувчи ҳужжатлар илова қилинади, яъни ҳисбототда компьютернинг бутун қиймати кўрсатилади. Шубҳасиз, грант ёпилаётганда 8810-ҳисобваракда (96.1-ҳисобварак) қолдик бўлмаслиги керак. Бирок, агар биз амортизацияни ҳисоблаб ёзишни Дт 8810 (96.1), Кт 0250 (02) проводкаси билан акс эттирсак, икки йилда ҳисоблаб ёзилган амортизация суммаси бор-йўғи 400 минг сўмни ташкил этади, 8810 (96.1)- ҳисобварак бўйича қолдиқ компьютер қиймати бутунлай амортизацияланганигача, яъни грант бўйича ишлар якунланганидан кейин яна уч йил «осилиб» туради.

Шунинг учун, бизнингча, компьютер олиш далили бўйича унинг қийматини мақсадли молиялаш ҳисобварагидан 8200 (88)-ҳисобварак «Асосий воситалар ва номоддий активларда ННТ фонди» ҳисобварагига қўйидаги проводка билан ўтказиш мақсадга мувофиқдир:

Дт 8810 (96.1), Кт 8200 (88) – 1000

Сўнгги проводка мақсадли молиялаш маблағлари сарфлангани, улар бўйича қолдиқлар йўклиги, улар ҳисобига олинган мол-мулк эса ташкилот капитали (фонdlари)ни кўпайтиришидан гувоҳлик беради.

Юқорида күрсатилганидек, АВни мақсадли молиялаш бўйича олинган амортизация харажатларга ҳисобдан чиқарилмайди, яъни харажатлар ҳисоби ҳисобвараги дебети ва ҳисоблаб ёзилган амортизация ҳисобвараги кредити бўйича анъанавий бухгалтерия ёзуви амалга оширилмайди. Бунинг ўрнига эскириш суммасига (зеро ҳар қандай ҳолда ва ҳар қандай мол-мулк дастлабки қийматини йўқотиш ва эскириш хоссасига эга) қуидаги бухгалтерия ёзуви таклиф этилади:

Дт 8200 «Асосий воситалар ва номоддий активларда ННТ фонди»

Кт 0250 (02) «Компьютер ускунаси ва ҳисоблаш техникасининг эскириши»

Бу ёзув олинган мол-мулк дастлабки қийматининг камайишини ва, бунинг оқибатида, асосий воситаларда ННТ фондининг камайишини акс эттиради.

5 йил ичидаги 8200 (88)-ҳисобварак дебетига компьютернинг тўлиқ қиймати – 1000 минг сўм ҳисобдан чиқарилади.

### **Товар-моддий захиралар ҳисоби**

«Товар-моддий захиралар» ҳисоби унга ўзгартиришлар кирилган (АВ 2002 йил 20 ноябрда 486-1-сон рўйхат раками) 4-сон БХМС билан тартибга солинади.

Товар-моддий захиралар (ТМЗ) хўжалик юритувчи субъект зонлигида мавжуд ҳом ашё, сотиб олинган яримфабрикатлар ва бутловчи буюмлар, ёқилғи, идиш, эҳтиёт қисмлар, инвентарь ва хўжалик анжомлари (арzon ва тез эскирувчан буюмлар), бошқа иш жараёнида фойдаланиладиган материаллар кўринишидаги активлардир.

Шуни таъкидлаш керакки, амалдаги ҳисобвараклар режасида арzon ва тез эскирувчан буюмлар ҳисоби алоҳида «Арzon ва тез эскирувчан буюмлар» 12- актив ҳисобваракда олиб борилади, АТЭБ эскириши эса «АТЭБ эскириши» 13-контрактив ҳисобваракда олиб борилади. Олдин АТЭБ фойдаланишга берилганда уларнинг қийматини ҳисобдан чиқаришда икки хил усуслдан биттаси кўлланиларди: 50% қиймати ёки тўлиқ қиймати. АТЭБ эскириши 13- ҳисобварак кредити ва тегишли харажатлар ҳисобвараклари дебетида акс эттириларди. Ҳозирги вақтда арzon ва тез эскирувчан буюмлар товар-моддий захиралар ҳисобвараклари таркибида ҳисобланади. Янги ҳисобвараклар режасида улар «Инвентарь ва хўжалик анжомлари» 1080-ҳисобваракда акс эттирилади.

Ушбу ҳисобваракда қуидаги мезонлардан бирига жавоб берадиган мол-мулк ҳисоб қилинади:

а) хизмат муддати бир йилдан ошмайдыган;

б) Қиймати бир бирлик (комплект) учун хизмат муддатидан қатын назар, Ўзбекистон Республикасида белгиланган (харид килиш пайтида) энг кам иш ҳақининг эллик бараваригача миңдорда бўлган буюмлар. Раҳбар ҳисбот йилига уларни инвентарь ва хўжалик анжомлари таркибида ҳисобга олиш учун буюмлар қийматининг бундан паст чегарасини белгилаш ҳуқуқига эгадир.

Хизмат муддати ва қийматидан қатын назар инвентарь ва хўжалик анжомлари таркибиға киритилади:

- а) маҳсус асбоблар ва мосламалар (муайян буюмларни туркумли ва оммавий ишлаб чиқариш ёки якка тартиbdаги буортмани тайёрлаш учун мўлжалланган мақсадли вазифадаги асбоблар ва мосламалар);
- б) маҳсус ва санитария кийимлари, маҳсус пойабзал;
- в) кўрпа-тўшаклар;
- г) ёзув-чизув анжомлари (калькуляторлар, стол устига қўйиладиган асбоблар ва ҳоказо);
- д) ошхона инвентари, шунингдек сочиқ-дастурхонлар;
- е) уларни барпо этиш қурилиш-монтаж ишларининг таннархига киритиладиган вақтнинчалик (титулда бўлмаган) иншоотлар, мосламалар ва қурилмалар;
- ж) фойдаланиш муддати бир йилдан кам бўлган алмаштириладиган ускуналар;
- з) овлаш қуроллари (траплар, ёйма тўрлар, тўрлар, анжомлар, матраплар ва ҳоказо).

Корхоналар инвентарь ва хўжалик анжомлари ҳисобини юритиш учун уларнинг нима мақсадда фойдаланиши ва молия-хўжалик фаолиятидаги ролига қараб мустақил равиша ҳисобвараклар очишлари мумкин. Уларнинг қиймати бериш вақтида тўлиқ ишлаб чиқариш ёки давр харажатларига киритилади. Кейинчалик фойдаланишдаги инвентарь ва хўжалик анжомлари бутлигини таъминлаш мақсадида уларнинг ҳисоби балансдан ташқари 014 «Инвентарь ва хўжалик анжомлари» ҳисобварагида цехлар омборлари ва якка фойдаланувчилар бўйича олиб борилади.

Инвентарь ва хўжалик анжомларининг фойдаланишига яроксиз ҳолатида уларнинг ҳисобдан чиқарилиши балансдан ташқари ҳисобваракдан белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги далолатнома асосида амалга оширилади.

Товар-моддий захиралар ҳисоб ва ҳисботда ҳақиқий таннархи бўйича акс эттирилади.

Моддий ресурсларнинг амалдаги таннархи уларни харид қилишга харажатлардан, жумладан, таъминотчи, ташки иқтисодий ва бошқа ташкилотларга тўланган комиссион мукофотлар (хизматлар қиймати), божхона тўловлари, бошқа ташкилотлар кучлари ёрдамида амалга оширилган ташиш, сақлаш ва келтириш учун харажатлардан келиб чиқиб аниқланади.

Кулайлик учун материаллар хариди ҳақидаги ҳамма ахборот жамланган 15 (1510) «Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш» ҳисобварағини қўллаш мумкин. Масалан, 560 минг сўмлик материаллар олинган:

Дт 1510 (15) 560

К 6010 (60) 560

Уларни келтириш учун харажатлар 30 минг сўм бўлди:

Дт 1510 (15) 30

Кт 6010 (60) 30

Материални харид қилиш билан боғлиқ барча харажатлар ягона жамғарма ҳисобварақда йиғилгач, харид қилинган материаллар 1010-1090 (10-ҳисобварақ) ҳисобварақда кўрсатилиши мумкин:

Дт 1010-1090 (10) 590

Кт 1510 (15) 590

Ишлаб чиқаришга ҳисобдан чиқариладиган моддий ресурсларнинг фактик таннархини аниқлашни, 4-сон БХМС га биноан, захираларни баҳолашнинг қуидаги усулларидан бири ёрдамида амалга оширишга рұксат берилади:

ўртacha таннарх бўйича

вақт бўйича дастлабки сотиб олиш таннархи бўйича (ФИФО).

ННТ нотижорий фаолияти учун материаллар сарфига келсак, уларни бажарилаётган дастур сметасига мувофиқлиқда ҳисобдан чиқариш зарур. Бу нарса айниқса мақсадли молиялаш дастурини бажариш пайтида мухимdir: агар грант берувчи томонидан тасдиқланган сметага мувофиқ ташкилот, масалан, қофознинг ҳар бир пачкасини 6000 сўмдан сотиб олган бўлса, дастурни бажарища ҳам ана шу нархда ҳисобдан чиқариш лозим бўлади, ҳолбуки, омборда илгари 4000 сўмдан харид қилинган қофоз мавжуд бўлиб, бутун мавжуд қофознинг ўртacha қиймати эса 5000 сўмни ташкил этиши бунда ахамиятта эга эмас.

Моддий-ишлаб чиқариш захиралари тегишли мақсадли молиялаш манбалари ҳисобига ҳисобдан чиқариладилар:

Дт 8810-8890 (96)

Кт 1010-1090 (10)

Ёки, агар ҳисобварақлар ишчи режасида дастурлар бўйича харажатлар ҳисоби кўзда тутилган бўлса

- Дт 2200 (22)
- Кт 1010-1090 (10)
- Дт 8810-8890 (96)
- Кт 2200 (22).

Нотижорат фаолияти билан бир қаторда тадбиркорлик фоалиятини амалга оширганда товар-моддий захираларни ҳисобдан чиқариш «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарорига иловава) Низомга мувофиқ амалга оширилади:

- таннархга
- Дт 2010 (20)
- Кт 1010-1090 (10),
- давр харажатлари
- Дт 9410-9430 (26)
- Кт 1010-1090 (10)

## **6.7. ННТ харажатларини ҳисоб қилиш**

Маҳсулотни сотишдан олинган маблагни, унинг таннархини, фойдани кетма-кет ҳисобловчи тижорий корхоналардан фаркли ўлароқ ННТ ўзининг нотадбиркорлик фаолияти доирасида мақсадли даромадлар (тушумлар) ва мақсадли харажатларни ҳисобга олиши керак. Амалда бу даромадлар ва харажатлар сметасини тузища ифодаланади, ҳисбот даври тугаганидан кейин эса одатда сметани бажариш ҳақида ҳисбот тузилади.

Низомий нотадбиркорлик фаолияти доирасида қилинган харажатлар иқтисодий элементлар бўйича эмас, балки смета (бюджет) бандлари бўйича ҳисобга олинади. Бундай бандлар рўйхатини ташкилот ўзи мустақил аниқлайди, мақсадли тушумларни ишлатиш йўналишларини фақат ўзининг донорлари, грант берувчилари, аъзолари билан келишиши мумкин.

Юқорида айтилганидек, кўп микдорда дастурлар амалга оширилганда ва уларни турли манбалардан комбинациялашган ҳолда молиялаштирилганда ҳисобвараклар ишчи режасига мақсадли нотижорат дастурлар бўйича харажатлар ҳисобвараклари киритилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Дастурлар (ёки уларнинг босқичлари) бажарилишига қараб бу ҳисобвараклар сальдоси тегишли молиялаш манбаларига ўтказилади.

Агар бажарилаётган дастурлар микдори кўп бўлмаса ва уларнинг хар бири аниқ молиялаш манбай билан боғлиқ бўлса, ноти-

жорат фаолияти харажатларини бевосита тегишли молиялаш манбаларига ҳисобдан чиқариш мүмкін. Масалан, ойлик ёзилди:

Дт 8810 (96) «Грантлар»

Кт 6710 (70) «Ходимлар меҳнат ҳақи бўйича тўловлар»

ННТ фаолиятида устав фаолияти билан (нотижорий фаолият) боғлиқ харажатлар билан бир қаторда тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ харажатлар келиб чиқиши мүмкін.

ННТ нинг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ харажатлари уларнинг иқтисодий элементлари бўйича Махсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Ниҳом (Вазирлар Махкамасининг 05.02.1999 йилдаги 54-сон Қарори)га мувофиқ ҳисобга олинади. Бундай харажатлар 2010 (20) «Асосий ишлаб чиқариш» ва 9410-9440 (26) «Давр харажатлари» ҳисобваракларида ҳисобга олинади. Бу харажатлар молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда кўрсатилади.

Ишлаб чиқариш харажатлари 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» (эски ҳисобвараклар режасидаги 20-ҳисобварақ билан айнан бир хил) ҳисобварагида акс эттирилади.

Зараrlар ҳам иқтисодий фойдаларнинг камайишини кўрсатади ва шунинг учун ўз табиатига кўра бошқа харажатлардан фарқ килмайди.

Бевосита ишлаб чиқариш жараёни билан боғланмаган харажатлар давр харажатлари тоифасига киритилади. Яъни булар бошқариш харажатлари, тижорий харажатлар, умумхўжалик мақсадидаги бошқа харажатлар, шу жумладан илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари харажатларидир.

Бу харажатлар бевосита корхонанинг маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш бўйича фаолияти билан боғланмаганилиги, лекин уларни сотишга доир асосий фаолияти билан боғланганлиги учун операцион харажатлар деб ҳам аталади. Улар, асосан, ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига боғлиқ бўлмайди; лекин улар даромад олиш давомида қилинган харажатлардир ва, даромад ҳамда харажатларнинг мувофиқлиги тамоилиliga кўра, ушбу харажатлар туфайли олинган даромадлар акс эттирилган ҳисобот даврига киритилиши керак.

Давр харажатлари қўйидаги ҳисобваракларда ҳисобга олинади:

9410 «Сотиш харажатлари» (эски ҳисобвараклар режаси бўйича 26.1-ҳисобварақ билан айнан бир хил)

9420 «Маъмурий харажатлар» (эски ҳисобвараклар режаси бўйича 26.2-ҳисобварақ билан айнан бир хил)

9430 «Бошқа операцион харажатлар» (эски ҳисобвараплар ретінде бүйіча 26.3-хисобварап билан айнан бир хил)

9440 «Хисобот даври харажатлари» (эски ҳисобвараплар ретінде бүйіча 26.4-хисобварап билан айнан бир хил).

Давр харажатлари таркиби Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиши харажатлари таркиби ҳамда молиявий нағызжаларни шакллантириш тартиби тұғрисида низом, шунингдек 4-сон Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарты «Товар-моддий захиралар» билан тартибға солинади.

9410-«Сотиши харажатлари» ҳисобварагыда маҳсулотни сотиши харажатлари, яғни маҳсулотни истеммолчига етказиб беріши, транспорт воситаларига ортиш билан боғлиқ харажатлар, маркетинг билан банд бўлимлар ва ходимларнинг сарф-харажатлари ва ҳоказолар акс эттирилади.

Масалан, реклама харажатлари акс эттирилди:

Дт 9410 «Сотиши харажатлари»

Кт 5110 «Хисоб-китоб вараги».

9420-«Маъмурий харажатлар» ҳисобварагыда корхонани бошқариш харажатлари, умуммаъмурий мақсаддаги асосий воситаларни таъмираш харажатлари, умумхўжалик мақсадидаги хоналарнинг ижараси, ахборий, аудиторлик ва маслаҳат хизматларига ҳақ тўлаш ва бошқа харажатлар ҳисобга олинади.

Масалан, маъмурий бино бўйича амортизация ҳисоблаб ёзилди:

Дт 9420 «Маъмурий харажатлар»

Кт 0220 «Бинолар, иншоотлар ва узатиш қурилмаларининг эскириши».

9430-«Бошқа операцион харажатлар» ҳисобварагыда илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари харажатлари, корхона активларини сотиши ва бошқача чиқиб кетишидан зарарлар, ТМЗ нархини туширишдан зарарлар, табиий йўқолишдан талафотлар, ходимларга (шу жумладан ишлаб чиқариш ходимларига) моддий ёрдам, суд чиқимлари ва хўжалик (операцион) фаолияти жараёнида юзага келадиган, ишлаб чиқариш жараёни, молиявий фаолият билан боғланмаган ҳамда харажатларнинг фавқулодда моддалари хислатларига эга бўлмаган бошқа харажатлар кўрсатилади.

Масалан, номоддий активлар чиқиб кетишидан зарар акс эттирилди:

Дт 9430 «Бошқа операцион харажатлар»

Кт 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши».

Муддатда тўланмаган соликлар бўйича пенялар акс эттирилди:

Дт 9430 «Бошқа операцион харажатлар»

Кт 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз».

Зарурат бўлганда корхона ҳисобварақлар ишчи режасига тегишли бўлимларда ҳар қандай қўшимча ҳисобварақлар киритиши ва уни ҳисоб сиёсати доирасида тасдиқлаши мумкин. Масалан, 9411-«Реклама харажатлари», 9421-«Маъмурий-бошқарув ходимлари иш ҳақининг харажатлари», 9431-«Асосий воситаларни ҳисобдан чиқаришдан зарарлар», 9437-«ИТТКИ харажатлари» ҳисобварақларини ёки мазкур корхона учун хос бўлган операцияларни акс эттириш учун зарур бўлган бошқа ҳар қандай ҳисобварақларни киритиш мумкин.

Хуносада шуни таъкидлаш жоизки, харажатларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган меъёрларни ҳисобга олиб ҳисобдан чиқариладиган бир неча турлари мавжуд. Белгиланган меъёрлардан ошиб кетадиган харажатлар суммалари даромад (фойда) солиғи бўйича солик солинадиган базага қайтар тартибда киритилиди.

### **Вакиллик чиқимлари**

Вакиллик чиқимлари (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солик бошқармасининг 1993 йил 3 майдаги 31/23-сон биргаликдаги хатига биноан) – булар корхонанинг бошқа корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар (жумладан хорижий)дан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатиш ва қўллаб-куватлаш учун келган вакилларини, шунингдек корхонанинг кенгаши (бошқаруви) ва тафтиш ҳайъати мажлисларига келган қатнашчиларни қабул қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича харажатлари.

Вакиллик чиқимларига вакиллар (қатнашчилар)ни расмий қабул қилиш билан боғлик, уларни транспорт билан таъминлаш, маданий-томуша тадбирларга бориш, маданий дастур тадбирлари ва музокаралар пайтида буфет хизматлари, корхона штатида бўлмаган таржимонлар хизматларини корхона кенгаши (бошқаруви) томонидан тасдиқланган сметаларга биноан тўлаш билан боғлик харажатлар киради.

### **Йилдаги вакиллик харажатлари меъёрлари**

Махсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан олинган тушумнинг йиллик ҳажми (КҚС билан кўшиб)	Вакиллар чиқимларининг смета бўйича энг катта миқёслари
Минимал ойликнинг уч минг беш юз мартагача миқдорида (жумладан)	Тушум ҳажмидан 1 фоиз
Минимал ойликнинг уч минг беш юз мартасидан то 35 минг мартасигача миқдорида (жумладан)	Тушум ҳажмининг минимал ойликнинг 3,5 минг марталик миқёсидан 1 фоиз плюс тушум ҳажмининг 3,5 минг марталик миқёсидан ортиқ қисмидан 0,2 фоиз
Минимал ойликнинг 35 минг мартасидан юкори миқдорида (жумладан)	Тушум ҳажмининг минимал ойликнинг 3,5 минг баравари миқдоридан 1 фоиз плюс тушум ҳажмининг 3,5 минг марталик миқёсидан ортиқ қисмидан 0,2 фоиз плюс тушумнинг минимал ойлиқдан 35 минг бараваридан ортиқ қисмидан 0,05 фоиз

*Ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга чиқимлар*

Ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга йиллик чиқимларнинг меъёрлари меҳнатта ҳақ тўлаш йиллик фондининг 2 фоизи миқдорида белгиланган.

*Телефон сўзлашувларини тўлашга чиқимлар.*

Шаҳарлараро ва халқаро телефон сўзлашувларини тўлашга йиллик чиқимлари меъёрлари маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан олинган КҚСиз йиллик тушумдан 0,3 фоиз миқдорида.

*Изаҳ. Даромад (фойда)дан солик тўловчи савдо, таъминот ва сотувчи корхоналар вакиллик чиқимлари чегара миқдорлари ни ҳисоблашда товарларни сотишдан олинган ялпи даромад кўрсаткичини қўллайдилар.*

\*Даромад (фойда)дан солик солинадиган базани ҳисоблашда ҳисобот давридаги минимал иш ҳақи миқдори қўлланилади.

Нотижорат ташкилотининг бошқариш функцияларини амалга ошириш, бошқа низомий масалаларни бажариш билан боғлиқ харажатлари одатда бу ташкилотларни сақлаш бўйича мақсадли ажримлар ҳисобига амалга оширилишига, чунки ҳар қандай смета (бюджет) да маъмурый харажатлар назарда тутилганига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Шунинг учун ННТ бу харажатларни тадбиркорлик фаолияти бўйича харажатлар таркибида, яъни соликқа тортиладиган фойдани камайтирувчи харажатлар таркибида ҳисобга ола олмайди. Айнан шунинг учун харажатларнинг бу бандига алоҳида диққат билан қараш ва иложи борича батафсил кўрсатиш керак, мақсадли даромадлар ва харажатлар сметасида ҳисобга олинмаган маъмурый харажатларгина ННТ нинг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Масалан, ташкилотнинг умуман ишлаши билан боғлиқ харажатларга хусусан кўйидагилар киради: ташкилот раҳбарлари, уларнинг муовинлари, бухгалтерлик ва бошқа хизматларнинг ижтимоий суғурталаш ишига чегирмалар билан маош; бошқарув аппарати банд қилган хоналар ижараси учун тўлов; банк хизматлари учун тўлов ва бошқа баъзилар. Ташкилот низомий фаолият билан бир қаторда тадбиркорлик фаолиятини бажарганда уни бажариш учун харажатлар таркибида юқорида кўрсатилган харажатлар фақат бундай фаолиятдан даромад олиш мавжудлиги ҳужжатлар билан тасдиқланганда гина ҳисобга олиниши мумкин.

Тадбиркорлик фаолияти олиб борилганда (устав фаолияти билан бир қаторда) маъмурият иш ҳақи (бошқариш билан боғлиқ бошқа шу каби харажатлар ҳам) ННТ нинг ҳисоб сиёсатида акс эттирилган ихтиёрий асосда икки хил фаолият кўриниши орасида тақсимланиши керак:

- Маъмуриятнинг маошлари икки хил фаолиятдан олинадиган маблағлар микдорига пропорционал бўлинади;
- Маъмуриятга маошига қўшимча тадбиркорлик фаолияти бўйича устама тўланади;
- Тадбиркорлик фаолияти олиб борилганда икки хил фаолиятнинг раҳбарлигини олиб борувчи ходимлар маошлари оширилган янги ишлар жадвали белгиланади.

Маъмурый харажатларни бўлишнинг бошқа варианти ҳам бўлиши мумкин, лекин ҳар қандай вариант доимий асосда қўлланилиши ва корхонанинг ҳисоб сиёсатида акс эттирилиши керак.

## 6.8. Мехнатга ҳақ тўлаш ҳисоби

Нотижорат ташкилотларида бир неча тоифадаги шахслар ишлаши мумкин:

- мазкур корхонада меҳнат дафтарчалари бўлган доимий ходимлар;

- ўриндошлар;

- Фуқаролик-хуқуқий тусдаги шартномалар тузилган шахслар;
- кўнгиллилар (волонтерлар).

НТ да ходимлар учун меҳнат ҳақини тўлаш одатда штат жадвалига биноан аниқ ойликларда белгиланади.

Маошни ўтказиш куйидагича расмийлаштирилади:

- мақсадли молиялаш ҳисобварағи ҳисобига -

Дт 8800 (96) «Мақсадли тушумлар»

Кт 6710 (70) «Ходимлар меҳнат ҳақи бўйича тўловлар»

- тадбиркорлик фаолияти бажарилганда –

Дт 2010,9400 (20-, 26-ҳисобварақлар) – харажатларни ҳисоб килиш ҳисобварақлари

Кт 6710 (70) «Ходимлар меҳнат ҳақи бўйича тўловлар»

Даромаддан солиқ ушлаб қолинганда:

Дт 6710 (70) «Ходимлар меҳнат ҳақи бўйича тўловлар»

Кт 6410 (68) «Бюджетга тўловлvr бўйича қарз»

Давлат ижтимоий суғуртаси, ташкилотлар ишчиларининг пенсия таъминоти ҳақидаги маълумотлар ва шуларга ўхшаш харажатларни акс эттириш куйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

6510 (69) «Суғурта бўйича тўловлар»

6520 (67) «Давлат мақсадли фондларига тўловлар»

Шулар билан айнан бир хил тўловларни таҳлилий ҳисоб қилиш учун қўшимча ҳисобварақлар очиш тавсия этилади, масалан:

6511 – ИХФдан Пенсия жамғармасига тўловлар

6512 - ИХФдан Иш билан таъминлашга кўмаклашиш жағармасига тўловлар

6513 - ИХФдан Касаба Уюшмалари Федерациясига тўловлар

6514 – фуқароларнинг иш ҳақидан мажбурий суғурта бадаллари

6521 - Пенсия жамғармасига сотиш хажмидан тўловлар ва ҳ.к.

Суғурта бўйича тўловларни ҳисоблаб ёзиш куйидагича акс этирилади:

- ИХФдан Пенсия жамғармасига

Дт 8800 (мақсадли молиялаш ҳисоби ҳисобварақлари), ёки 2010, 9410, 9420 (харажатлар ҳисоби ҳисобварақлари)

Кт 6511 «ИХФдан Пенсия жамғармасига тўловлар»

- 2,5% Пенсия жамғармасига

Дт 6710 «Ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар»

Кт 6514 «Фуқароларнинг иш ҳақидан мажбурий сұғурта бадаллари».

### **6.9. Сафар харажатлари ҳисоби**

Хизмат сафарларига қонунчиликка биноан қуйидаги харажатлар меъёрлари мавжуд:

- яшаш хоналари ижараси, сафар жойига бориш ва доимий иш жойига қайтиш харажатларини тўлаш, шунингдек:
- сафар жойига бориш ва доимий иш жойига қайтиш харажатларини тўлаш бўйича харажатлар транспортнинг умумий фойдаланиш барча хиллари (жумладан ижаравий ва тижорий, таксидан ташқари) йўлкира ҳақи миқдорида, шу жумладан транспортда мажбурий сұғурта тўлашлари, йўл харажатларини олдиндан сотиб олиш бўйича хизматлар тўловлари, самолёт ва поездларда ўринларни бронлаш хизматлари учун тўловлар (тасдиқловчи ҳужжатлар бўлганда), поездларда ётаржой буюмларидан фойдаланиш учун харажатлар тўлашга ҳужжатсиз қабул қилинади.

Йўл ҳужжатлари бўлмагандага муассаса, ташкилот, корхона раҳбарига сафар қилинган ходим йўлкирасини тўлаш масаласини ҳар бир муайян ҳолда ҳал қилиш ҳуқуки берилади:

- сафарда ва йўлда бўлиш вақти учун ходимларга суткалик харажатлар қуйидаги миқдорда - Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан козэффицентларда:
- Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси шаҳарларида - вилоят марказларида - 0,1;
- Ўзбекистон Республикасининг бошқа шаҳарларида ва аҳоли пунктларида - 0,08;

Сафар жойида яшаш хоналарини ижара қилиш бўйича харажатлар ходимга етиб келган кунидан бошлаб чиқиб кетган кунига ча тасдиқловчи ҳужжатлар бўлганда фактик харажатлар бўйича тўланади (люкс номерлари бундан мустасно), жумладан меҳмонхоналарда кўрсатиладиган кўшимча хизматлар учун ва жойларни бронлаш учун харажатлар.

Сафар қилинган ходимга шунингдек мустасно ҳолатларда тасдиқловчи ҳужжатлар бўлганда бирлашма, корхона, муассаса раҳбарининг рұксати билан ҳаво, темир йўл, сув ва автомобиль транспортида юкларни ташиш учун харажатлар ҳам тўланади.

Люкс хоналарда яшашни тасдиқловчи ҳужжатлар топширилганда яшаш хоналари ижараси бўйича тўловлар бу номерлар умумий қийматининг 70 фоизи миқдорида тўланади.

Яшаш хоналари ижараси учун харажатларни тасдиқловчи ҳужкат-лар бўлмаганда сафар қилинган ходимларга Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳаки 0,02 қисми миқдорида тўланади.

Сафар билан боғлиқ кўшимча харажатлар (телефонда сўзлашувлар, телеграф хизматлари) ходимларга тасдиқловчи ҳужкатлар бўлганда тўланади.

Сафар қилинган ходимга шунингдек станцияга, пристанга, аэропортга, агар улар ахоли пунктидан ташқарида бўлса, бориш учун транспорт харажатлари ҳам тўланади (таксидан ташқари).

Ходимларни Ўзбекистон Республикасидан ташқарига сафар қилинганда сафар харажатлари меъёри Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 5 июнда 932-сон билан рўйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси чегарасидан ташқарига сафар қилинганда сафар харажатларига маблағлар бериш тартибига биноан белгиланади.

Фойдадан солиқقا тортишда сафарга харажатларни фақат меъёрлар чегарасида белгилайдиган тижорий ташкилотлардан фарқли ўлароқ ННТларда сафар учун барча харажатлар, агар улар смета ёки грантда назарда тутилган бўлса, мақсадли ҳисобланади. Бу сафар билан боғлиқ барча харажатларга тааллуқли: суткаликларни тўлаш, меҳмонхонада яшаш, йўлкирани тўлаш ва ш.к.

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига биноан (58-модда) суткалик пул сифатида қонунда кўрсатилган меъёрлардан ортиқча тўланадиган суммалар жисмоний шахслар даромадлари солигига тортилади.

ННТда маблағларни мақсадли ишлатаётганларни ишончли асослаш учун сафар бўйича бажарилган ишларни батафсил тавсифлаб ҳисобот тувиш мақсадга мувофиқ. Ҳисобот шакли белгиланмайди ва ташкилот тарафидан мустақил ишлаб чиқилади.

Ҳисобот учун сафар суммаларини бериш қўйидаги проводка билан акс эттирилади:

Дт 4420 (71) «Хизмат сафарлари учун берилган бўнаклар»

Кт 5010 (50) «Миллий валютадаги пул маблағлари»

Ҳисобот учун сафар суммаларини хорижий валютада бериш қўйидаги проводка билан акс эттирилади:

Дт 4420 (71) «Хизмат сафарлари учун берилган бўнаклар»

Кт 5020 (50) «Хорижий валютадаги пул маблағлари»

Бунда қўйидагини назарда тувиш керак: агар ташкилот нақд чет эл валютасини олса, унинг олиниши ва ҳисобот учун берилиши алоҳида касса китобида ҳисобга олиб борилиши керак (яъни иккита касса китоби тувиш керак).

Ҳисобот қилувчи шахсдан бўнак ҳисоботи олингандан унга берилган суммалар 8800 (96)- мақсадли молиялаш ҳисобварағидан ёки агар сафар тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлса, харажатлардан ҳисобдан чиқарилади.

Сафар харажатларини ҳисобдан чиқариш:

- мақсадли молиялаш ҳисобига –

**Дт 8800 (96) «Мақсадли молиялаш»**

**Кт 4220 (71) «Хизмат сафарлари учун берилган бўнаклар»**

- харажатларга (тадбиркорлик фаолияти бажарилганда) –

**Дт 2010, 9400 (20-, 26-ҳисобварақлар) харажатлар ҳисоби ҳисобвараклари**

**Кт 4220 (71) «Хизмат сафарлари учун берилган бўнаклар»**

ННТ ходимларининг сафарларга боришларидан ташқари бошқа ҳолатлар ҳам юзага келиши мумкин, масалан, бошқа минтақалар ва чет элдан мутахассисларни таклиф қилиш, шунингдек турли конференциялар, съездлар, семинарлар ва ҳ.к.ларнинг йўлкираси, яшши ва баъзан овқатланиши учун турли харажатлари тўланиши керак бўлган иштирокчиларни қабул қилиш.

Бу харажатлар факат олувчилар билан вақтинчалик меҳнат шартномалари ёки фуқаровий-ҳукукий шартномалар тузилган бўлган тақдирдагина сафарларга харажатлар тоифасига киритилиб, жисмоний шахсларга нақд пулда қопланиши мумкин.

Шуни таъкидлаш керакки, меҳнат шартномалари ёки фуқаровий-ҳукукий шартномаларини факат меҳнатидан режалаштирилган тадбирларда фойдаланиш назарда тутилган (лекторлар, тренерлар, журналистлар ва бошқалар) жисмоний шахслар билан тузиш мумкин.

Бошқа мақсадларда келган шахсларни қабул қилиш бўйича харажатлар (билим олиш, тажриба алмашиш ва шу каби) умумий овқатланиш корхоналари, меҳмонхоналар, транспорт ташкилотлари билан шартномалар тузиш йўли билан фақат нақд бўлмаган шаклда тўланиши мумкин.

Бошқа вариант бўлиши мумкин.

Нотижорий ташкилот - тадбир ташкилотчиси тадбирнинг хар бир иштирокчисига йўл, яшаш ва овқатланиш харажатлари суммасини ҳисоблайди, шундан кейин бу суммани нақд пулсиз тартибда тадбирга келган иштирокчи ишлайдиган ННТнинг ҳисобкитоб ҳисобварағига «конференция (съезд ва ш.к.)да қатнашиш учун мақсадли бадал» тарзида ифодалаб ўтказади.

Бухгалтерлик ёзуви қўйидагича бўлади:

**Дт 8800 (96)**

**Кт 5110, 5210 (51,52)**

Кўрсатилган сумма оловчида мақсадли маблағларга қўшилади, солиқقا тортилмайди ва мазкур тадбирда қатнашувчи ташкилот ходими сафарсига ишлатилади. Бунда оловчи тарафидан кўйидаги бухгалтерлик ёзуви тузилади:

Дт 5110, 5210 (51,52)

Кт 8890 (96)

Бу ҳолдаги бирламчи ҳужжатлар (сафар гувоҳномаси, билетлар, квитанциялар ва бошқа ҳужжатлар) нотижорий ташкилот - «мақсадли бадал» оловчиси бухгалтериясида сакланиши керак. Бу ҳужжатлардан нусха олиб тадбир ташкилотчиси бўлган ННТ га пул маблағлари мақсадли ишлатилганини тасдиқлаш учун жўнатиш ортиқча бўлмайди, деб ўйлашга асос бор.

### 6.10. Курс тафовутлари ҳисоби

ННТ амалий фаолиятида кўйидаги валюта операциялари амалга оширилиши мумкин:

- грант сифатида валюта ҳисобварағига нақдсиз валюта маблағларини олиш;
- валюта маблағларини сўмга сотиш;
- хорижда семинарлар, конференциялар ўтказиш бўйича хизматлар кўрсатишга хорижий шерик билан тузилган контрактга кейин ҳақ тўлаш учун, шунингдек ҳалқаро ташкилотларга аъзолик бадалларини тўлаш учун валюта маблағларини сўмга харид қилиш;
- ушбу хизматларга ва аъзолик бадалларини тўлаш учун нақдсиз валюта маблағларини ўтказиш;
- хизмат сафарлари харажатлари учун ҳисботга нақд валюта маблағларини бериш ва ишлатилмаган қолдиқни банкка топшириш;
- хизмат сафарлари харажатлари учун ҳисботга нақд валюта маблағларини бериш ва ҳисбот суммасининг ишлатилмаган қолдигини кассага қабул қилиш.

Бундан ташқари ННТ хориждан гуманитар ёрдам олиши мумкин.

Валюта операцияларини амалга оширадиган нотижорат ташкилотлари учун «курсдаги фарқлар» ҳисоби ва уларга солиқ солиш масаласи foятда муҳим ҳисобланади.

Курсдаги фарқ – тегишли актив ёки мажбуриятнинг сўмдаги баҳолари ўртасида фарқdir, уларнинг қиймати тўлаш бўйича мажбуриятларни бажариш санасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича ҳисоблаб чиқарилган хорижий валютада ҳамда ҳисобга қабул қилиш санасида ёки олдинги ой охирда сўмдаги баҳосида ифодаланган.

ННТ фаолиятида курсдаги фарқ, одатда, қуйидаги ҳисоб обьектлари бўйича юзага келиши мумкин:

- ҳисобдор шахсларнинг хорижий валютада ифодаланган дебиторлик ёки кредиторлик қарзи;
- касса ва валюта ҳисобварағида хорижий валютадаги пул маблағлари қолдиғи;
- хорижий манбалардан грантлар доирасида олинган мақсадли молиялаш маблағларининг қолдиқлари.

Курс тафовутлари ҳисоби Бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисобот беришда хорижий валютадаги операцияларни кўрсатиш тартиби ҳақидаги низомга (АВ 2001 йил 16 ноябрдаги 1085-сон рўйхат рақами) биноан тартибга солинади.

Низомнинг 7-бандига биноан баланснинг валюта моддаларига қуйидагилар киради:

- кассадаги, банкнинг депозит ва ссуда ҳисобваракларидағи валюта маблағлари, жумладан аккредитивлари;
- хорижий валютадаги пул ҳужжатлари;
- хорижий валютада ифодаланган қисқа ва узоқ муддатли қимматли қофозлар;
- хорижий валютада олинган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари, кредитлар ва заёмлар киради.

Низомнинг 8-бандига биноан қуйидагилар қайта ҳисобланмайди:

- хўжалик юритувчи субъектнинг хорижий валютасига харид қилинган мулки (асосий воситалар, номоддий активлар, товар-моддий бойликлар, арzon ва тез эскирувчи буюмлар);
- устав капитали ҳажми ва таъсисчилар (қатнашчилар) ҳиссалари нисбатлари, шу жумладан хорижий инвестициялар иштирокида ташкил қилинган корхоналарда.

Мақсадли молиялаш маблағлари қолдиқлари Низомда тилга олинмаган: на қайта баҳоланадиган валюта моддалари қаторида на қайта баҳоланмайдиган баланс моддалари қаторида.

21-сон БХМС янги таҳрири амалга киритилиши билан ННТ тўғрисидаги қонун ҳужжатларидаги бу камчилик бартараф этиляпти, чунки 21-сон БХМСга 2-илованинг 366-бандига кўра:

*Хорижий валютада олинган грант суммаси хўжалик операцияси амалга оширилган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий валютасига қайтадан ҳисобланади.*

Хорижий манбалардан грантлар доирасида олинган мақсадли молиялаш маблағларининг қолдиқлари қайта баҳоланиши керак-лиги солиқ солиш нұқтаи назаридан олганда ННТ үчүн катта амалий аҳамияттаға эга, чунки мақсадли молиялаш ҳисобварағида курсдаги фарқни акс эттириш өткізу даромад (фойда) солиғи со-линадиган объект юзага келмайди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилаган, хорижий валюталарга нисбатан сўмнинг курси ўзгарганда юзага кела-диган курсдаги фарқни қайта ҳисоблаш бўйича проводкалар бух-галтерия ҳисобида қўйидагича акс эттирилади.

Мусбат курс тафовутида:

Дт 5210 (52) Мақсадли тушумлар ҳисобварақлари

Кт 8810 (96) «Грантлар ва субсидиялар»

Манфий курс тафовутида:

Дт 8810 (96) Мақсадли тушумлар ҳисобварақлари

Кт 5210 (52) «Валюта ҳисобварағи»

Грант маблағларини сарфлаш грант бюджетига мувофиқ юз беради. Одатда грант бюджети грант берувчи мамлакат валюта-сида тасдиқланади. Қилинган харажатлар бўйича грант берувчи-га харажатларни ҳисоблаб ёзиш ва ҳисботлар учун ушбу хара-жатларга сарфланган валютанинг аниқ суммасини сўмларга кон-вертациялаш санасида Ўзбекистон Республикаси Марказий бан-кининг курсидан фойдаланилади.

Агар валютани сотишдан олинган сўмлардан кейинчалик грант бюджетида белгиланган мақсадларга ишлатиш учун ННТ валюта-ни МБ курсидан ошадиган курс бўйича сотган ҳолда ҳам курсдаги фарқларга солиқ солиш масаласи юзага келиши мумкин. Бунда юзага келадиган курсдаги фарқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси ўзгарган өткисидаги курсдаги фарққа қараганда бутунлай бошқача иқтисодий маъно касб этади ва солиқ со-лиш обьекти сифатида баҳоланиши мумкин. Грант берувчига ҳисобдор мақсадли маблагларнинг олинган ўсишидан нотижорат фаолияти учун фойдаланадиган ННТ учун мазкур масала ҳозирги вақтда меъёрномалар билан тартибга солинмаган.

Банк валюта ҳисобварағидаги қолдик бўйича фоизлар ҳисоблаб ёзган тақдирда олинган сума сотишдан ташқари даромад ҳисоб-ланади ва умумбелгиланган тартибда фойда солиғи солинади.

Агар ННТ уставдаги нотижорат фаолияти билан бир қаторда тижорат фаолиятини амалга оширса, курсдаги фарқларнинг бух-галтерия ҳисоби ва уларга солиқ солиш ҳам умумбелгиланган тар-тибда амалга оширилади.

Курс тафовутлари ҳисоби Бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисобот беришда хорижий валютадаги операцияларни күрсатып тартиби ҳақидаги низомга (АВ 2001 йил 16 ноябрдаги 1085-сон рўйхат раками) биноан хўжалик юритувчи субъектлар баланснинг валютали қисмларини ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича валюта ҳисобидан банк кўчирмалари асосида ҳосил бўлган курс тафовутларини қуидаги ҳисобварақларга ўтказиб қайта баҳолашни амалга оширадилар:

- мусбатини - «Келажак даврлар даромадлари» ҳисобварағига.
- манфийини - «Келажак даврлар чиқимлари» ҳисобварағига.

Баланснинг валюта қисмларини ҳар ойда қайта баҳолаш натижасида йигилган мусбат курс тафовути молиявий-хўжалик фолиятининг натижаларига қуидагича тартибда киритилади:

- хорижий валютадаги дебиторлик ва кредиторлик қарзи бўйича;
- унинг тўланишига (ўчиришига) қараб;
- бошқа ҳолларда - баланснинг тегишли валюта моддалари билан хўжалик операциялари бажарилишига қараб.

Баланс валюта қисмларини сўм эквивалентида қайта баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ҳисобот ойининг сўнгги санасидаги курси бўйича бажарилади.

Курс тафовути суммаси баланснинг валюта қисмларининг қайта баҳолашдан аввалги ва кейинги қийматларини таққослаш билан аниқланади.

Масалан, корхонанинг валюта ҳисобварағида 20 минг доллар бор.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг аввалги ойи охирги кунидаги курси 1 долларга 800 сўмни, ҳисобот ойининг сўнгги кунига 1 долларга 810 сўмни ташкил қилди. Ҳисобот ойидаги курс тафовути қуидагича аниқланади:

$$(810 - 800) \times 20 \text{ минг} = 200 \text{ минг сўм.}$$

Агар валюта маҳсулот (иш, хизмат)ларни амалга оширишдан, яъни ННТнинг тадбиркорлик фолиятидан олинган бўлса, у ҳолда валюта курси бўйича курс тафовути қуидагича ҳисобланади:

- мусбат

Дт 5210 (52) «Валюта ҳисобварағи»

Кт 6230 (83) «Муддати узайтирилган даромад» («Келгуси даврлар даромадлари»).

- манфий

Дт 3290 (31) «Бошқа муҳлат берилган харажатлар» ҳисобварақ «Келгуси даврлар харажатлари»)

Кт 5210 (52) «Валюта ҳисобварағи».

Валюта ҳисобварағи бўйича операциялар бажарилганда йигилган тафовут даромадларга ёки жорий йил киримлари ва чиқимларига ҳисобдан чиқарилади:

- кирим ҳолида

Дт 6230 (83) «Муддати узайтирилган даромад» («Келгуси даврлар даромадлари»);

Кт 9540 «Курс тафовутларидан даромадлар» (80.4-ҳисобварак «Молиявий фаолиятдан даромадлар»);

- чиқим ҳолида

Дт 9620 «Курс тафовутларидан заарлар» (80.4-ҳисобварак «Молиявий фаолият бўйича харажатлар»)

Кт 3290 «Бошқа мұхлат берилган харажатлар» (31-ҳисобварак «Келажак даврлар харажатлари»).

Мисол тариқасида ННТнинг хорижий валютасида 2 минг долларлик ускуна харид қилишини кўриб чиқамиз.

Қийматни ҳисоблаб чиқариш учун миллий валютанинг бу операцияни қайд қилиш вақтидаги алмаштириш курси олинади. Агар бу курс ускуна учун тўлаш муддатидаги курсдан фарқ қиласа, у ҳолда курсдаги тафовут фойда ёки зарар сифатида кўрсатилиши керак.

Ушбу ускунани олиш пайтида курс 1 долларга 800 сўмлигини ҳисобга олиб унинг қиймати 1600 минг сўм деб баҳоланади ва бу сумма валюта курси ўзгарганда ўзгармаслиги керак.

Лекин тўлаш пайтида курс 1 долларга 810 сўмни ташкил қилди ва бу ҳолат корхона 1600 минг сўм эмас, 1620 минг сўм тўлаши зарурлигини англатади.

Бу манфий курс тафовути (1600-1620) қуйидагича акслантирилади:

- курс тафовутидан зарар сифатида – ускуна ННТнинг тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланилганда бажарганда;
- мақсадли молиялашнинг камайиши сифатида - мақсадли бадал ҳисобига ускуналар харид қилинганда.

## **6.11. Филиаллар ва шуъба корхоналар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби**

ННТларнинг шуъба корхоналарига нисбатан солиққа тортиш бўйича мавжуд имтиёзлар ва ННТлар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланганларида қўшимча имтиёзлар мавжуд эмаслиги ҳисобга олинса, устав фаолиятини молиялаш учун ННТларнинг шуъба корхоналарини тузиш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқдир.

Нотижорат ташкилоти бадаллари ҳисобига шуъба корхона устав капиталининг шаклланиши бухгалтерия ҳисобида қуйидагича проводкалар билан акс эттирилади:

- пул маблағлари билан -

Дт 0620 (06) «Шуъба хўжалик жамиятларига инвестициялар»

Кт 5110 (51) «Ҳисоб-китоб ҳисобварағи»

- асосий воситалар билан –

Дт 0620 (06) «Шульба хўжалик жамиятларига инвестициялар»  
Кт 0100 (01) «Асосий воситаларни ҳисоб қилиш ҳисобвараклари»  
ва ҳ.к.

Эски ҳисобвараклар режасида шульба тузилмаларда балансларо ҳисоб-қитобларни юритиш учун 78-актив-пассив ҳисобварак белгиланган эди.

Янги ҳисобвараклар режасида бу муносабатлар иккита ҳисобваракда ҳисобга олинади:

- актив – 4120-ҳисобварақ «Шульба ва тобе хўжалик жамиятларидан олишга доир ҳисобвараклар»

- пассив – 6120-ҳисобварақ «Шульба ва тобе хўжалик жамиятларига тўлашга доир ҳисобвараклар»

ва ҳисоб-китоб амалда бошқа ташкилотлар билан ҳисоб-китобдан фарқ қilmайди. Шульба корхонанинг ҳар қандай дебиторлик қарзи 4120-ҳисобварақда, кредиторлик эса 6120-ҳисобварақда ҳисобга олинади.

Масалан, шульба корхонанинг қандайдир хизматларини бажариши ифодаланиши:

Дт 4120 «Шульба ва тобе хўжалик жамиятларидан олишга доир ҳисобвараклар»

Кт 9030 «Ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар»

Ёки, масалан, шульба корхонадан қурилиш материаллари олинишининг ифодаланиши:

Дт 1050 «Қурилиш материаллари»

Кт 6120 «Шульба ва тобе хўжалик жамиятларига тўлашга доир ҳисобварақлар»

Лекин, шульба тузилмаларининг тадбиркорлик фаолиятидан олинган ва факат низомий мақсадларни бажаришга ишлатилиши керак бўлган даромадлари мақсадли тушумлар сифатида акс этирилади ва солик солиниш обьекти бўлиб ҳисобланмайдилар:

Дт 5110 (51) «Ҳисоб-китоб ҳисобвараги»

Кт 8890 (96.9) «Бошқа мақсадли тушумлар»

ННТ тадбиркорлик фаолияти билан шугууландиган шульба корхоналари билан бир қаторда низомий нотижорат фаолиятини кенгайтириш учун филиаллар тузиши мумкин.

Юридик шахс бўлган (нотижорат ташкилотлари учун шундай имконият кўзда тутилган) филиаллар билан ўзаро муносабатларни ҳисоб-китоб қилиш шульба корхоналари билан ҳисоб-китоб қилишга айнан ўхшаш бўлиб 4120 ва 6120 ҳисобварақлар (эски ҳисобварақлар режасида 78-ҳисобварақ)да акс этирилади.

Филиаллар билан ҳисоб-китоб турли йўналишларда амалга оширилиши мумкин: таъсис ҳужжатлари билан назарда тутилган бош ННТга мажбурий тўловлар, алоҳида дастурлар бюджетларига мувофик филиалларнинг ННТ низомий фаолиятида иштироқи бўйича, ННТ ривожланиши доирасида филиалларни моддий ресурслар билан таъминлаш бўйича.

Ҳисобнинг таҳлилийлигини таъминлаш мақсадида филиаллар билан ҳисоб-китобларни уларнинг йўналишларига қараб табақа-лаштириш тавсия этилади.

Масалан, филиаллар билан бош ННТга мажбурий тўловлар бўйича 4121 ва 6121 (78.1), мақсадли молиялаш доирасида бажарилаётган аниқ дастур бўйича – 4122 ва 6122 (78.2), ривожланиш дастури бўйича – 4123 ва 6123 (78.3), бошқа ҳисоб-китоблар бўйича – 4129 ва 6129 (78) ҳисобваракларни киритиш.

Масалан, грант доирасида бош ННТ филиалга конференция ўтказиш учун пул маблағларини ўтказади. Бош ННТда бу қуидагича акс эттирилади:

Дт 4120 (78) «Шуъба ва тобе хўжалик жамиятларидан олишга доир ҳисобвараклар»

Кт 5110 (51) «Ҳисоб-китоб ҳисобвараги»

Филиалнинг бош ННТга маблағларни мақсадли фойдаланилгани тўғрисидаги ҳисоботидан сўнг:

Дт 8800 (96) Мақсадли тушумлар ҳисоби ҳисобвараклари

Кт 4120 (78) «Шуъба ва тобе хўжалик жамиятларидан олишга доир ҳисобвараклар»

Агар ННТ алоҳида балансга ўтказилмаган лекин, олиб борилаётган хўжалик операцияларини мустақил ҳисоб қиладиган ва ННТ бухгалтериясига якунланмаган баланс тақдим этадиган филиаллар (бўлимлар)га эга бўлса баланс ичидағи ҳисоб-китобларни улар учун маҳсус мўлжалланган ҳисобваракларда юритиш мақсадга мувофиқдир:

- 4110 «Алоҳида ажратилган бўлинмалардан олишга доир ҳисобвараклар» актив ҳисобваракларда;
- 6110 «Алоҳида ажратилган бўлинмаларга тўлашга доир ҳисобвараклар» пассив ҳисобваракларда.

4110 ва 6110 ҳисобваракларида таҳлилий ҳисоб-китоб 4120 ва 6120 ҳисобвараклари бўйича кўрсатилганига ўхшаш тарзда ташкил килинади.

Эски ҳисобвараклар ишчи режасида баланслар аро ҳисоб-китоблар ҳисобини юритиш учун 79 «Идора ичидағи ҳисоб-китоблар» актив-пассив ҳисобвараги мўлжалланган.

## 6.12. Бухгалтерия ҳисобида ННТ ни тугатиш жараёнини акс эттириш

Ўзбекистон Республикаси «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонунининг 36-моддасига биноан ННТни тугатиш куйидаги тартибда бажарилади.

Нодавлат нотижорат ташкилотининг таъсисчилари, қатнашчилари (аъзолари) ёки нодавлат нотижорат ташкилотини тугатиш хақида қарор килган орган давлат қайдини бажарувчи адлия органи билан келишилган ҳолда тугатиш ҳайъатини тайинлайдилар.

Нодавлат нотижорат ташкилотини тугатиш Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Нодавлат нотижорат ташкилотини тугатиш хақида ёзув давлат қайдини юритувчи адлия органи юридик шахси томонидан қуйидаги хужжатлар асосида ягона давлат реестрига киритилади:

Нодавлат нотижорат ташкилотини тугатиш хақида ёзувни юридик шахслар ягона давлат реестрига киритиш хақида ариза (ихтиёрий тугатиш ҳолатида);

Нодавлат нотижорат ташкилотини тугатиш хақида тегишли органнинг қарори;

Нодавлат нотижорат ташкилотинининг низоми ва бошқа таъсис хужжатлари ва унинг давлат қайди ҳақида ёзувни юриманаси;

Тугатиш баланси ёки топшириш хужжати ёхуд бўлиш баланси.

Кредиторлар талаблари қаноатлантиргандан кейин қолган мулк ташкилотнинг иштирокчилари (аъзолари) шунингдек ННТнинг раҳбар органлар аъзолари ёки ходимлари орасида тақсимланиши мумкин эмас ва тегишли тартибда ишлатилади.

Колган мулкни ишлатиш тартиби қонунчилик даражасида ишлаб чиқилмаган. Асос сифатида қуйидагини олиш таклиф қилинади. ННТ тугатилганда кредиторлар талаблари қаноатлантиргандан кейин қолган мулк худди шундай (ёки ўхшаш) низомий фаолият йўналишига эга бошқа нотижорат ташкилотларига тақсимлаб берилиши мумкин.

Бунда қуйидаги бухгалтерия ёзувлари тузилади:

Дт 8800 (96) Максадли тушумлар ҳисоби ҳисобвараклари

Дт 8520 (85.2) «Кўшилган сармоя»

Дт 8200 «ННТнинг асосий воситалар ва номоддий активларданги фонди»

(молиялаш манбалари қайси ҳисобваракларда қўрсатилганига қараб).

Кт мол-мулк ҳисоби ҳисобвараклари (0100, 0400, 1000 ва ҳ.к.).

## VII. БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИДА СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИНИ АКС ЭТТИРИШ ТАРТИБИ

Солиқ имтиёзлари ҳисобда Юридик шахсларга солиқ, божхона ва мажбурий тўловларни бюджетга тўлаш бўйича берилган имтиёзларни расмийлаштириш ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисида низомга мувофик акс эттирилади (АВ 2002 йил 25 июнданги 115-рўйхат раками).

Низом қонун ҳуҷжатларига биноан қуйидаги солиқ имтиёзлари берилган хўжалик субъектларига татбиқ этилади:

солиқ солишдан озод қилиш натижасида бўшаган маблағларни мақсадли вазифаларни бажаришга йўналтириш шарти билан соликлар, божхона ва мажбурий тўловларни бюджетга тўлаш бўйича;

бўшаётган маблағларни мақсадли ишлатиш назарда тутилмаган холда, юқорида айтилган тўловлардан вактинчалик озод этиш бўйича.

Мазкур Низом солиқ солишдан озод этиш имтиёзлари доимий тусга эга бўлган ва (ёки) мақсадли фойдаланиш назарда тутилмаган хўжалик субъектларига татбиқ этилмайди.

Солиқ имтиёзларини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш уларнинг характеристига боғлиқ.

Солиқ солишдан озод қилиш натижасида бўшаган маблағларни мақсадли вазифаларни бажаришга йўналтириш шарти билан соликлар бўйича имтиёзлар берилганида ҳисоблаб ёзилган мажбурий тўловлар ва соликлар Молиявий натижалар тўғрисидағи ҳисоботда (2-сон шакл) акс эттирилади ва молиявий натижалар шаклланишига таъсир қиласди.

Солиқ солишдан вақтинчалик озод қилишда ҳисоблаб ёзилган мажбурий тўловлар ва соликлар суммалари Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилмайди ва молиявий натижалар шаклланишига таъсир қилмайди.

Солиқ имтиёзларининг бухгалтерия ҳисобини олиб бориш бухгалтерия ҳисобининг қуйидаги ҳисобваракларида акс эттирилади:

а) мақсадли тушумлар ҳисобваракларида «Мақсадли фойдаланилдиган солиқ имтиёзлари» ҳисобварағи очилади - бўшаган маблағларни мақсадли масалаларга йўллаш шарти билан бухгалтерия ҳисобида солиқ имтиёзларини ифодалаш ҳолатида;

масалан, «Мақсадли фойдаланилдиган солиқ имтиёзлари» 8840 (96.4) ҳисобварағи.

б) резерв сармоя ҳисобваракларида «Резерв сармоя - солиқ имтиёзлари» ҳисобварағи очилади;

масалан, 8590 (85.39) «Резерв сармоя - солиқ имтиёзлари» ҳисобварағи

в) бюджетта түловлар бўйича қарзлар ҳисобварақларида тегишли солиқлар ва йигимлар турлари бўйича 6490 (68.9) «Солиқ имтиёзлари» ҳисобварағи очилади.

Масалан, агар ННТ барча солиқларнинг тўловчиси бўлса, у холда ҳар бир солиқ бўйича алоҳида ҳисоб юритиш керак ва ҳар бир солиқ тури бўйича кўйидаги ҳисобварақларни (илова ҳисобварақларни) очиши керак:

6491 (68.91) – ККС бўйича имтиёзлар

6492 (68.92) – даромад (фойда)дан солиқ бўйича имтиёзлар

6493 (68.93) – мол-мулк солиғи бўйича имтиёзлар

6499 (68.99) – импорт учун божхона тўловлари бўйича имтиёзлар

Шунингдек 4410-«Бюджетта солиқлар ва йигимлар бўйича бўнак тўловлари» ҳисобварағи бўйича (эски режа бўйича – 68-ҳисобварақ дебети) мол етказиб берувчиларга олинган ҳисобварақ-фактуралар бўйича тўланган қўшилган қиймат солиғи қисмида ҳисоб юритилиши лозим. Масалан:

4511 – ККС бўйича бўнаклар.

Олиб кирилаётган товарларнинг божхона расмийлаштируви, бюджетта солиқлар, божхона ва мажбурий тўловларни ҳисоблаб ёзиш умумий тартибда, амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Бунда:

- ҳисоблаб ёзилган божхона тўловларининг бутун суммаси божхона юқ декларациясининг 47-устунида кўрсатилиб, ҳисоблаб ёзилган тўловлар имтиёзлар тақдим этилиши муносабати билан бюджетта тўланиши кераклиги тўғрисида белги қўйилади;

- уларга доир солиқ имтиёзлари тақдим этиладиган, бюджетта ҳисоблаб ёзилган солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар солиқ органларига белгиланган шакллар ва муддатлар бўйича тақдим этилади. Товар (ишлар, хизматлар) сотилиши чоғида ҳисобварақ-фактуралар ёзилади, уларда солиқ солинадиган айланмага ҳисолаб ёзилган ККС суммаси ажратиб кўрсатилади.

Ҳисоблаб ёзилган божхона тўловлари, солиқлар (ушбу солиқни тўловчилар учун ККСдан ташкири) ва бюджетта мажбурий тўловлар:

товарнинг сотилиш (харид) қийматига киритилади – бўшаётган маблағларни мақсадли вазифаларни бажаришга йўналтириш шарти билан солиқ солищдан озод этиш кўринишида солиқ имтиёзлари тақдим этилганида;

**Товарнинг сотилиш (харид) қийматига киритилмайди – бўшаётган маблағлардан мақсадли фойдаланишни назарда тутмайдиган, солиқ солишдан вақтинча озод этганда.**

**Солиқ имтиёзлари бухгалтерия хисоби қўйидаги тартибда баҳарилади:**

а) умумий тартибда белгиланган солиқлар ва қонунчиликка биноан товар-моддий бойликларни ва ускуналарни харид қилишдаги нархига қўшиладиган божхона тўловлари суммасига (бу солиқни тўловчилари учун ККС мустасно қилинади):

- товар-моддий бойликлар ҳисоби ҳисобвараклари дебети, капитал маблағлар, ўрнатишга ускуналар;
- бюджетга тўловлар бўйича қарзлар ҳисоби ҳисобвараги кредити.

Бир йўла бўшаган маблағлар суммасига:

- бюджетта тўловлар бўйича қарз ҳисоби ҳисобвараги дебети;
- мақсадли тушумлар ҳисоби ҳисобвараги кредити.

Масалан, ускуна олинди; ННТ божхонанинг 850 минг сўм мидоридаги йиғимини тўлашдан бўшаган маблағларни мақсадли ишлатиш шарти билан озод қилинган.

Божхона божини ўтказиш акс эттирилади:

Дт 0820 (08) «Асосий воситалар хариди» 850

Кт 6499 (68.99) – «Импорт божхона божи бўйича имтиёзлар» 850

Бир йўла бўшаган маблағлар суммасига:

Дт 6499 (68.99) – «Импорт божхона божи бўйича имтиёзлар» 850

Кт 8840 (96.40) «Мақсадли фойдаланиш билан солиқ имтиёзлари» 850

б) мазкур солиқни товар-моддий бойликларни харид қилишда, шу жумладан божхона расмийлаштирилишида ўтказилган тўловчилар учун тўланган ККС суммасига:

– бюджетта тўловлар бўйича қарзни ҳисоб қилиш ҳисобвараги дебети;

– таъминотчилар ва пурратчилар турли кредиторлар билан ҳисоб ҳисобвараклари кредити.

Мазкур ҳолатда одатдаги бухгалтерия ёзуви бажарилади; масалан, тўланган ККС суммаси 520 минг сўмни ташкил қилди:

Дт 4411 (68.1) «Солиқлар бўйича бўнак тўловлар» (турлари бўйича) 500

Кт 6010 (60) «Тўлашга доир ҳисобвараклар», 6990 (76) «Бошқа мажбуриятлар» 500

в) маҳсулот (иш, хизмат)ларни ва бошқа мулкни реализация қилишда ўтказишнинг ККСи суммасига:

- маҳсулот (иш, хизмат)ларни ва бошқа мулкни реализация қилиш ҳисоби ҳисобвараклари дебети (Олишга доир ҳисобвараклар ҳисоби ҳисобвараги - 21-сон БХМС Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий хўжалик фаолиятини бухгалтерия ҳисоби ҳисобваракла-ри режаси ва уни кўллаш бўйича йўриқномага биноан);

- бюджетта тўловлар бўйича қарзларни ҳисоб қилиш ҳисобва-раги кредити.

Бир йўла бўшаган маблағлар суммасига:

- бюджетта тўловлар бўйича қарзларни ҳисоб қилиш ҳисобва-раги дебети;

- мақсадли тушумлар ҳисоби ҳисобвараги кредити;

Масалан, сотилган маҳсулотдан ККС 800 минг сўмни ташкил қилди; ККС одатдагича ўтказилади ва ҳисобварак-фактура ККС ни ҳисобга олиб ёзиб берилади:

Дт 4010 (46) «Олишга доир ҳисобвараклар» 800

Кт 6491 (68.91) «ККС бўйича имтиёзлар» 800

Олинган (800) ва тўланган (500) ККС орасидаги фарқ мазкур ҳолатда бюджетта ўтказилмайди, балки имтиёзли солиқ солища мақсадли молиялашни ҳисоб қилиш ҳисобваракларида акс эттирилади:

Дт 6491 (68.91) «ККС бўйича имтиёз» 800

Кт 4411 (68.1) «Солиқлар бўйича бўнак тўловлар» 500

Кт 8840 (96.9) «Мақсадли фойдаланиш билан солиқ имтиёзлари» 300

г) Бюджетта умумий белгиланган тартибда давр чиқимларига киритиладиган мажбурий тўловлар ва йиғимлар суммасига:

- давр чиқимлари ҳисобвараги ҳисоби дебети;

- бюджетта тўловлар бўйича қарзларни ҳисоб қилиш ҳисобва-раги кредити.

Бир йўла бўшаган маблағлар суммасига:

- бюджетта тўловлар бўйича қарзларни ҳисоб қилиш ҳисобва-раги дебети;

- мақсадли тушумлар ҳисоби ҳисобвараги кредити;

Масалан, мол-мулккага солиқ ҳисоблаб ёзилди:

Дт 9430 (26.3) «Бошқа операцион харажатлар»

Кт 6493 (68.93) «Мол-мулк солиғи бўйича имтиёзлар»

Ҳисоблаб ёзилган солиқ бюджетта ўтказилмайди, балки мақ-садли молиялашни ҳисоб қилиш ҳисобварагига киритилади:

Дт 6493 (68.93) «Мол-мулк солиғи бўйича имтиёзлар»

Кт 8840 (96.9) «Мақсадли фойдаланиш билан солиқ имтиёзлари» 300

д) хўжалик юритувчи субъект фойдаси ҳисобига киритилади-ган бюджетта умумий белгиланган тартибда ўтказиладиган маж-бурий тўловлар ва йиғимлар суммасига:

-солиқ ва йигимларни тұлаш үчүн фойдани ишлатиш ҳисобварағи дебети;

- бюджетта тұловлар бүйіча қарзларни ҳисоб қилиш ҳисобварағи кредити.

Бир йүлә бүшаган маблағлар суммасыга:

- бюджетта тұловлар бүйіча қарзларни ҳисоб қилиш ҳисобварағи дебети;

- мақсадли тушумлар ҳисоби ҳисобварағи кредити;

Масалан, даромадға (Фойдага) солиқ ҳисоблаб ёзилди:

Дт 9810 (81) «Даромад (фойда) солиғи бүйіча харажатлар»

Кт 6492 (68.92) «Даромад (фойда) солиғи бүйіча имтиёзлар»

Ҳисоблаб ёзилған солиқ бюджеттега ўтказилмайды, балки мақсадли молиялашни ҳисоб қилиш ҳисобварағига киритилади:

Дт 6492 (68.92) «Даромад (фойда) солиғи бүйіча имтиёзлар»

Кт 8840 (96.4) «Мақсадли фойдаланиш билан солиқ имтиёзлари»

Ҳисоблаб ёзилған бюджеттега мажбурий тұловлар ва солиқлар суммасы молиявий натижалар ҳисоботида (2-сон шакп) тегишли 020 (ККС), 030 (акциз), 100 (давр чиқымларига киритилған) 180, 190 (фойдадан солиқлар сатрларда умумий белгиланған тартибда акс эттириләди:

- 8840 (96.4) «Мақсадли фойдаланиш билан солиқ имтиёзлари» ҳисобварағи дебети;

- 8590 (85.39) «Захира сармояни ҳисобға олиш ҳисобварағи»нинг кредити.

Маблағларни солиққа солищдан озод қилиш натижасыда бүшаган ва мақсадли тушумлар ҳисоби ҳисобварағида ҳисобға олинадиган сума имтиёз даври күрсатылған ҳолда - имтиёз даври тугаши бүйіча, бошқа ҳолларда эса ҳар йили қуидәги тартибда үчирилади:

- мақсадли тушумларни ҳисоб қилиш ҳисобварағи дебети – 8840 (96.4);

- захира сармояни ҳисобға олиш ҳисобварағининг кредити – 8590 (85.39).

Конунчиликда солиқ солищдан бүшаган маблағлар мақсадли фойдаланилиши белгиланмаган вақтінчалик озод қилиш назарда тутилиши мүмкін. Бу ҳолда ҳар бир тұлов тури бүйіча алоҳида балансдан ташқары «Вақтінчалик солиқ имтиёзлари»

ҳисобварақлари очилиши мүмкін. Уларнинг дебетида умум-белгиланған тартибда ҳисоблаб ёзилған солиқлар ва бюджеттега тұловлар акс эттириләди.

Ҳисоблаб ёзилған бюджеттега мажбурий тұловлар ва солиқлар суммалари Молиявий натижалар түгрисидеги ҳисоботда (2-сон шакп) акс эттирилмайды ва молиявий натижалар шаклланишига таъсир қылмайды

Имтиёз берилган давр тугаганидан сўнг, «Вақтингчалик солиқ имтиёзлари» номли балансдан ташқари ҳисобваракнинг дебетида ҳисобга олинадиган, солиқ солишдан озод этиш натижасида бўшаган маблағлар суммаси ушбу ҳисобваракларнинг кредитига ҳисобдан чиқарилади.

Бунда ҳисобдан чиқарилгандан сўнг, бўшаган маблағлар тўғрисидаги маълумот, имтиёз берилган давр тугаши билан 5 йил мобайнида корхонада сақланиши керак.

Корхона ва ташкилотлар солиқдан озод қилиш натижасида бўшаган маблағларни мақсадли ишлатишни тасдиқлаш учун ҳар иили йиллик молиявий ҳисобот билан тўловларни тўлашдан озод қилиш натижасида бўшаган маблағларни ишлатиш ҳақида қўйида кўрсатилган шаклда ҳисобот бериши керак.

Агар солиқ солишдан озод этиш натижасида ёки импорт қилинган товарларни сотиши (реализация қилиш) оқибатида бўшаган маблағлардан мақсадсиз фойдаланиш далиллари аниқланган тақдирда, мақсадсиз фойдаланилган маблағлар суммаси, шунингдек ўз эҳтиёжлари учун келтирилган мол-мulkни сотиши (реализациси) бўйича ҳисобланган божхона тўловлари жаозо чоралари қулланилган ва пенялар ҳисобланган ҳолда бюджеттга ундирилади.

Корхона ва ташкилотлар тўғри ва ўз вақтида ҳисобот беришга жавобгар бўладилар ва ҳисоботлар берилмагандан ёки ўз вақтида берилмаганда уларга амалдаги қонунчиликка биноан молиявий санкциялар кўлланилади.

**Соликлар, божхона ва бюджетта мажбурий тўловлардан озод этиш натижасида бўшаган маблағлардан  
фойдаланиш тўғрисида  
ҲИСОБ-КИТОБ**

(ҳисобот даври)

Тўловларнинг номи	Сумма	Асос, имтиёз даври
<b>Суммага жами</b>		
<b>Белгиланган мақсадларга йўналтирилган маблағлар - жами</b>		
<b>Жумладан, қуйидаги мақсадларга:</b>		

## VIII. СОЛИҚ СОЛИШ ВА БУХГАЛТЕРИЯ ХИСОБИ БҮЙІЧА ПРАКТИКУМ

### 1-мисол

ННТнинг символикасига эга бўлган халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи ННТнинг шуъба корхонаси 2003 йил 1 чорагида қўйидаги иқтисодий кўрсаткичларга эга:

Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таннархи 4800 минг сўм.

Сотилган маҳсулотнинг ҳажми (ККСиз) 10000 минг сўм.

Сотилган маҳсулотнинг таннархи 4000 минг сўм.

Маъмурий харажатлар 2000 минг сўм.

Бошқа операцион харажатлар (солиқлар ва мажбурий тўловларсиз) 3000 минг сўм.

Шу жумладан даромад солиғини хисоблашда чегириб ташланмайдиган 2500 минг сўм.

Мол-мулк қолдик қийматининг ўртача миқдори (қайта баҳолашни хисобга олган ҳолда).

2003 йил 1 чорак учун 5000 минг сўм.

Биринчи чоракда бош ННТга устав фаолиятини амалга ошириш учун 2000 минг сўм ўтказилди.

Ўз ишлаб чиқариш хоналари ва маъмурий бинолар йўқ.

ННТ шуъба корхонасининг устав капиталидаги улуши 100% ташкил қиласди.

Мазкур нотижорат ташкилоти ва унинг тузилмалари учун солик имтиёзларини бериш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг маҳсус қарори ёки Президентнинг маҳсус фармони чиқарилмаган.

**1. ННТнинг шуъба корхонаси мақомига эга бўлиши мұносабати билан корхонага солиқлар ва йиғимлар бўйича қандай имтиёзлар берилади?**

**2. Таннарх ва маъмурий харажатлар таркибида хисобга олинган иш ҳаки фондига тўловлардан ташқари қандай солиқлар, йиғимлар ва мажбурий тўловлар хисоблаб ёзилиши ва бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга берилган имтиёзларни хисобга олган ҳолда шуъба корхона томонидан тўланиши лозим?**

**3. Тўловлар қандай ставкалар бўйича амалга оширилади?**

**4. Солиқларни тўлаш ва пул ўтказиш операциялари бухгалтерия хисобида қандай проводкалар билан акс эттирилади?**

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 32-моддасига мувофиқ ННТнинг шульба корхонаси мавқеи шу нотижорат ташкилотининг уставда белгиланган фаолиятини амалга ошириш учун йўналтирилган ажратмалари суммасига солиқ солинадиган даромад базасини камайтириш ҳукуқини беради. ННТга низомий вазифасини бажариш учун ўтказилган сумма 9340 «Бошқа операцион ҳаражатлар» (26 «Давр ҳаражатлари, З «Бошқа операцион ҳаражатлар» илова ҳисобварафи) да акс эттирилади.

Кўриб чиқилаётган вазиятда шульба корхона ННТнинг мулкидадир, шунинг учун кўрсатиб ўтилган имтиёзни қўллаш учун асос мавжуд.

Бошқа солиқлар ва бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга мажбурий тўловлар бўйича ННТнинг шульба корхонаси мавқеи туфайли ҳеч қандай имтиёзлар назарда тутилмаган ва солиқ солиши умумий тартибда амалга оширилади.

Кўриб чиқилаётган вазиятда корхона Ўзбекистон Республикаси СКнинг 6-моддасида санаб ўтилган умумдавлат солиқлари ҳамда 7-моддасида санаб ўтилган маҳаллий солиқлар ва йигимларнинг тўловчиси ҳисобланади.

Кўйидаги солиқлар учун солиқ солиши базаси мавжуд:

- Юридик шахслардан олинадиган даромад солиғи;
- Кўшилган қиймат солиғи;
- Мол-мулк солиғи;
- Экология солиғи;
- Инфратузилмани ривожлантириш учун солиқ.

Бошқа солиқлар учун солиқ солинадиган база йўқ, чунки (корхона ишлаб чиқариш ва маъмурий хоналарни ижарага олади ва шунинг учун ер, ер ости бойликларидан фойдаланганлиги учун солиқ ва сув ресурсларидан фойдаланганлиги учун солиқ тўловчиси эмас, акциз солиғи солинадиган маҳсулот ишлаб чиқармайди ва ишлаб чиқариш жараённида улардан фойдаланмайди.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар бюджетга солиқлардан ташқари тушумдан Республика йўл фондига ва Пенсия фондига ажратмаларни амалга оширадилар.

Солиқлар, йигимлар ва бюджетга мажбурий тўловлар ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 30 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2003 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 455-сон қарори билан тасдиқланган.

Кўйида берилган шартлардаги дастлабки маълумотларга мос равиша солиқларнинг ҳисоб китобини келтирамиз.

### **Кўшилган қиймат солиги**

Кўшилган қиймат солигининг таърифи, ставкалари, ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби ҳамда солиқ бўйича имтиёзлар Ўзбекистон Республикаси СКнинг 65-79 моддаларида келтирилган. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг айтиб ўтилган моддаладаги қоидалар «Кўшилган қиймат солигини ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Йўриқномада батафсил кўриб чиқилган (Адлия вазирлигига 1997 йил 29 декабрда 383-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

Маэкур йўриқнома бўйича товарларнинг реализацияси бўйича оборотлар миқдори кўшилган қиймат солигини солиши обьектидир (3.1-банд). Солиқ солинадиган оборотларнинг миқдори реализация қилинадиган товарлар қиймати асосида, қўлланиладиган нархлар ва тарифлардан келиб чиқиб, уларга кўшилган қиймат солиги қийматини киритмасдан (4.1-банд).

Кўшилган қиймат солигининг ставкаси 20%ни ташкил қиласди.

2003 йил 1 чораги учун корхона томонидан ҳисоблаб ёзилган КҚС миқдори:

$$\text{КҚС} = 10\,000 \times 20\% = 2\,000 \text{ минг сўм}$$

### **Мол-мулк солиги**

Мол-мулк солигини солиши обьекти, ставкаси, ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби ҳамда солиқ бўйича имтиёзлар Ўзбекистон Республикаси СКнинг 89-95 моддаларида келтирилган. СКнинг айтиб ўтилган моддаларида қоидалар Юридик шахсларга солинадиган мол-мулк солигини ҳисоблаб чиқиш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги Йўриқномада (Адлия вазирлигига 2002 йил 11 марта 1107-сон билан рўйхатдан ўтказилган) батафсил кўриб чиқилган.

Асосий воситалар ва номатериал активларнинг қолдик қийматининг ўртача миқдори солиқ солиши учун база ҳисобланади.

2003 йилда мол-мулк солигининг ставкаси 3%ни ташкил қиласди.

Кўриб чиқилаётган вазиятда номатериал активлар йўқ, 2003 йил 1 чораги учун асосий воситалар қолдик қийматининг ўртача миқдори 5000 минг сўмни ташкил қиласди, 2003 йил 1 чораги учун мол-мулк солиги:

$$\text{МС} = 5\,000 \times 3\% = 150 \text{ минг сўм.}$$

(Тўлиқ йиллик ставка қўлланилишига эътибор беринг, солиқни йил учун эмас, балки чорак учун ҳисобланганлик ҳолати мол-мулкнинг ўртача йиллик қийматини ҳисоблашда эътиборга олинган).

### Экология солиги

Экология солиги солинувчи объектнинг таърифи, ставкаси, ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби ҳамда солик бўйича имтиёзлар Ўзбекистон Республикаси СКнинг 110-115 моддаларида келтирилган. Айтиб ўтилган моддалардаги қоидалар «Экология солигини ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Йўрикномада (Адлия вазирлигига 1998 йил 15 январда 394-сон билан рўйхатдан ўтказилган) батафсил кўриб чиқилган. Солик солиши объекти бўлиб товарлар (ишлар, хизматларни)нинг ишлаб чиқариш таннаҳи (муомала чиқимлари) ҳисобланади. Махсулот (ишлар, хизматларни)нинг ишлаб чиқариш таннаҳи деганда корхонанинг ички обороти чегирилган ҳолда ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ҳисобваракларида акс эттириладиган ялпи харажатлар суммаси тушунилади.

Солик солиши объектининг таърифига 2003 йилдан бошлаб ўзгартиришлар киритилди: энди солик солиши объекти бўлиб ишлаб чиқариш харажатлари ва давр харажатлари тушунилади, бундан бюджетта мажбурий тўловлар, соликлар, йигимлар, давлат мақсадли фонdlарига ажратмалар мустасно.

2002 йил 1 чораги учун экология солиги:

$$\text{ЭС} = (4800 + 2000 + 3000) \times 1\% = 98 \text{ минг сум.}$$

*Республика йўл фондига ажратмалар.*

Республика йўл фондига ажратмалар Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йилдаги Республика йўл фондини ташкил қилиш тўғрисидағи 334-сон қарорида назарда тутилган. Ҳисоблаб чиқиш учун база мазкур Қарорнинг 1-иловасида келтирилган Республика йўл фондиди маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги Низомга мувофиқ аниқланади. Ишлаб чиқариш корхоналари учун йўл фондига ажратмаларни ҳисоблаб чиқиш учун база сифатида бухгалтерия ва статистика ҳисботлари маълумотлари ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми олинади.

Республика йўл фондига ажратмалар суммаси:

$$\text{ЙФА} = 10\,000 \times 1,5 \% = 150 \text{ минг сўм.}$$

*Пенсия фондига ажратмалар*

Реализация қилинган маҳсулотнинг амалдаги ҳажмидан мажбурий ажратмаларни ҳисоблаб чиқиш тартиби ва тўлаш муддатлари Адлия вазирлигига 2001 йил 16 марта 1018-сон билан рўйхатга

олинган Давлат ижтимоий сұғартаси бүйича бюджетдан ташқари Пенсия фондига мажбuriй бадалларни ҳисоблаб чиқиш ва тұлаш тартиби тұғрисида»ғи Йүриқномага мувофиқ аникланади.

Мажбuriй ажратмалар солиши объекти ҳисобот даврида (ойида) реализация қилинган маҳсулотнинг (ишлар, хизматларнинг) ККС ва акциз солиғи чиқарып ташланған амалдаги ҳажмиdir («Молиявий натижалар тұғрисида ҳисобот» 2-шаклнинг 050 сатри). Мажбuriй ажратмалар ставкасы 0,7% ни ташкил қилади.

Күриб чиқилаётган вазиятда 2003 ыйл 1 чораги учун реализация қилинган маҳсулот ҳажми 10000 минг сүмни ташкил қилади, реализация қилинган маҳсулот ҳажмидан Пенсия фондига ажратмалар суммаси:

$$\text{ПФА} = 10\,000 \times 0,7\% = 70 \text{ минг сүм.}$$

Солинган солиқлар ва бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга мажбuriй тұловлар ўз мөхиятига күра бошқа операцион харажатларға киради, 9440 «Бошқа операцион харажатлар» ҳисобварағи («Давр харажатлари» 26-ҳисобварақ, 3 «Бошқа операцион харажатлар» илова ҳисобварағи) дебети бүйича ҳисобға олинади ва «Молиявий натижалар тұғрисида ҳисобот» 2-шаклнинг 100-сатрида акс эттирилади. Умуман давр харажатларыға ёзиб қўйиладиган қўйидаги солиқлар ва бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга мажбuriй тұловлар тұланған:

$$C = MC + EC + YFA + PFA = 150 + 98 + 150 + 70 = 468 \text{ минг сүм.}$$

### *Фойда солиғи*

Ўзбекистон Республикаси СКнинг 19-моддасига мувофиқ даромад солиғи солинадиган даромадларни аниклашда солиқлар, үйғимлар ва бюджетдан ташқари фондларға тұловлар бүйича харажатлар жами даромаддан чегириб ташланади. Шунинг учун даромад солиғи ККС ҳамда давр харажатларыға киритилувчи барча солиқлар, үйғимлар, бюджет ва бюджетдан ташқари фондларға тұловлар аникланганидан сүнг ҳисоблаб чиқилади.

Юридик шахслар Ўзбекистон Республикаси СКнинг 13-14 моддаларыга мувофиқ даромад солиғи тұловчилариidir. Ўзбекистон Республикаси СКнинг күрсатиб ўтилған бандларида қоидалар Юридик шахслар томонидан даромад солиғини ҳисоблаб чиқиш ва бюджеттега тұлаш тартиби тұғрисида»ғи Йүриқноманинг (Адлия

вазирлигига 2002 йил 13 марта 1109-сон билан рўйхатга ўтказилган) 1-3 бандларида батафсил кўриб чиқилган.

Даромад солиги бўйича базани аниқлаш қўйидаги тартибда амалга оширилади:

А) Солиқ солингунга қадар даромад аниқланади («Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот» 2-шаклининг 170 сатри).

Фойдага солиқ солингунга қадар молиявий натижা:

10 000 (КҚСиз сотилган маҳсулот хажми)

минус

4 000 (сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи)

минус

2 000 (маъмурий харажатлар)

минус

3468 (бошқа операцион харажатлар)

тeng

532 минг сўм (фойдага солиқ солингунга қадар молиявий натижা).

Бошқа операцион харажатлар қўйидагилардан таркиб топади:

- 2000 минг сўм миқдорида бош ННТга ажратмалар.
- 468 минг сўм миқдорида давр харажатларига киритиладиган солиқлар.

● 1000 минг сўм миқдорида бошқа операцион харажатлар.

Б) Солиқ солинадиган база Харажатлар таркиби тўғрисида низомга 1-иловага мувофиқ қайтар ҳисоб билан солиқ солинадиган базага киритиладиган ва ННТга ажратмалар суммасига камайтирадиган харажатлар суммасига ўзгартирилади (СК 32-моддаси). Бизнинг мисолимиз шартларига кўра у 2500 сўмни ташкил этади.

Солиқ солинадиган базага қайтариладиган харажатлар суммасига бош компанияяга ўтказилган 2000 сўмлик сумма киришига эътибор беринг.

$532+2500=3032$  минг сўм.

В) СКнинг 32-моддасига мувофиқ солиқ солинадиган база устув мақсадлари учун бош ННТ ажратмалари суммасига камайтирилади:

$3032-2000=1032$  минг сўм.

Шу тариқа, фойда солигининг ҳисоби учун база 1032 минг сўм миқдорида белгиланган.

Фойда солиги ҳукумат томонидан жорий йилга тасдиқланган ставка бўйича белгиланади. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил

30 декабрдаги 455-сон қарорига мувофиқ 2003 йилда фойда солиғи бүйічика ставка 20%ни ташкил этади, фойда солиғи:

$$\text{ФС} = 1032 \times 20\% = 206,4 \text{ минг сүм.}$$

#### *Инфраструктуралы ривожлантириш учун солиқ*

Инфраструктуралы ривожлантириш учун солиқ солинувчи объектнинг таърифи, ҳисоблаб чиқиш ва бюджетта тұлаш тартиби «Инфраструктуралы ривожлантириш учун солиқни ҳисоблаб чиқиш ва бюджетта тұлаш тартиби тұғрисида» Йүрикномада (Адлия вазирилги томонидан 2002 йил 15 февралда 1100-сон билан рүйхатдан үтказилған) келтирілген.

Инфраструктуралы ривожлантириш учун солиқни ҳисоблаб чиқиш учун база сифатида даромад солиғи тұланғандан сүңг корхона ихтиёрида қолган даромад олинади. Солиқ бүйічика ставка 8% ни ташкил қылады.

#### *Инфраструктуралы ривожлантириш учун солиқ:*

$$\text{ИРС} = (532 - 206,4) \times 8\% = 26 \text{ минг сүм}$$

Солиқлар ва мажбuriй тұловларни тұлаш бүйічика проводкаларни амалга оширишдан мақсад бухгалтерия хисобида солиқлар ва үйімлар бүйічика бюджетта бюджетдан ташқари жамғармалар олдидаги қарзларни акс эттиришдір. 21-сон БХМСГа мувофиқ бюджетта ҳисоблаб ёзилған солиқлар «Бюджетта тұловлар бүйічика қарзлар» 6410-хисобварағида кредит бүйічика акс эттирилади (68 «Бюджет билан ҳисоб-китоблар»), бюджетдан ташқари жамғармаларға эса – «Бюджетдан ташқари жамғармаларға тұловлар» 6520 ҳисобварағининг кредити бүйічика акс эттирилади (67 «Бюджетдан ташқари тұловлар бүйічика ҳисоб-китоблар» ва 69 «Ижтимоий суғурта ва таъминот бүйічика ҳисоб-китоблар»).

Дебет бүйічика солиқларни ҳисоблаб ёзиш «Харажатлар таркиби тұғрисида»ғи Низомга мувофиқ амалга оширилади.

Күшилған қыймат солиғи билвосита солиқларға киради, үзининг иқтисодий мөхиятига күра (истеъмол учун солиқ) ишлаб чиқаруучи корхоналарнинг харажати эмас, балки харидорлар ва буюртмачиларнинг харажатларидир ва шунинг учун «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар» 4010-хисобварағининг дебети бүйічика акс эттирилади.

Ҳисобварақларнинг эски режасида реализациядан молиявий натижаларни шакллантириш учун «Маҳсулотлар (ишлар, хизмат-

лар) реализацияси» 46-таққослама ҳисобварафи ишлатилади, шунинг учун ККСни тўлаш ва тўланган суммани харидорлар (бу-юртмачилар) билан ҳисоб-китобларга киритиш икки проводка билан расмийлаштирилади. ККС бўйича бюджетта қарз 46-ҳисобварақнинг дебети ва 68-ҳисобварақнинг кредити билан тўланади, тўланган суммани харидорлар билан ҳисоб-китобларга киритиш «Харидорлар ва буортмачилар билан ҳисоб-китоблар» 62 ҳисобварағининг дебети ва 46-ҳисобварақнинг кредити бўйича реализациядан тушган барча тушум таркибида акс эттирилади.

Бевосита соликлар бўйича харажатларни киритиш уларни ҳисоблаб чиқиш учун нима база қилиб олинишига боғлик. Даромаддан ҳисоблаб чиқиладиган соликлар (даромад солиғи, инфраструктура солиғи) «Соликлар ва йигимлар тўлаш учун даромаддан фойдаланиш» 9800 ҳисобварафи, 9810 «Даромад солиғи бўйича харажатлар» ва 9820 «Йигимлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича харажатлар» ҳисобварақларининг дебетига киритилади (81 «Даромаддан фойдаланиш»).

Корхонанинг соликлар ва бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга йигимлар бўйича қолган барча харажатлари давр харажатларига киритилади ва 9430 «Бошқа операцион харажатлар» ҳисобварағининг дебети бўйича акс эттирилади (26 «Давр харажатлари», 3-илова ҳисобварақ «Бошқа операцион харажатлар»).

Куйида соликлар ва бюджетта ҳамда бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий тўловларни тўлаш ва пул ўтказиш бўйича проводкалар келтирилган. Бир турдаги проводкалар қайтарилишининг олдини олиш учун соликлар ва мажбурий тўловларни тўлаш ва пул ўтказиш йил учун умумий сумма билан кўрсатилган:

№ т/р	Хўжалик операцияс мазмуни	Сум- ма	Ҳисобварақлар корреспонденцияси				Ёзувларни тасдиқ- ловчи хужжатлар	
			21-сон БХМС бўйича		Амалдаги ҳисобварақлар режаси бўйича			
			Дебет	Кре- дит	Дебет	Кре- дит		
1.	ККС тўланган	2 000	4010	6410	46	68- илова ҳис- об- варақ "ККС"	Ҳисоб- варақ- фактура- лар, бух- галтерия малъумот- номаси- ҳисоб- китоб	

2.	Тушум таркибидан ККС харидорлар билан ҳисоб-китобларга ўтказилган	2 000			62	46	Ҳисоб-варақ-фактура-лар, бух-галтерия маълумот-номаси-хисоб-китоб
3.	Мол-мулк солиги ёзилган	150	9430	6410	26 ил.\ в 3	68 илова ҳисоб-варақ "Мол-мулк со-лиги"	Мол-мулк-нинг ўртача йиллик қолдиқ қийматини ҳисоблаш
4.	Экология солиги ёзилган	98	9430	6410	26 ил.\х в 3	68 илова ҳисоб-варақ "эко-логия со-лиги"	Бухгалтерия маълумот-номаси хисоб-китоб
5.	Йўл жамғармас ажратмалар суммаси ёзилган	150	9430	6530	26 ил.\х в 3	67 илова ҳисоб-варақ "Йўлжам-ғармаси"	Статистика ҳисоботи, бухгалтерия маълумот-номаси-хисоб-китоб
6.	Пенсия жамғармас ажратмалар суммаси ёзилган	70	9430	6530	26 ил.\х в 3	69 илова ҳисоб-варақ "Реали-зациядан пенсия жамғар-масига"	Бухгал-терия маълумот-номаси-хисоб-китоб
7.	Даромад солиги ёзилган	206,4	9810	6410	81 ил.\х в 1	68 илова ҳисоб-варақ "Фой-да соли-ғи"	Даромад солигининг ҳисоб-китоби, илова 1 бўйича харажатлар реестри
8.	Инфраструктурировожланти учун солик ёзилган	26	9820	6410	81 ил.\х в 1	68 илова ҳисоб-варақ "Фойда-дан бошқа соликлар солик"	Инфра-структурани ривоҷлантириш учун солик ҳисоб-китоби

## 2 - мисол

Нодавлат нотижорат ташкилоти (ННТ) асосий устав (нотижорат) фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган тармоқли ахборот тизимини барпо қилиш учун 2 комплект компьютер ускуналари сотиб олиш мақсадида хорижий фонддан пул маблағлари кўринишида грант олган. Грант бюджетида ҳар бир комплектнинг нархи 1000 АҚШ долларида баҳоланган. Грант маблағларидан фойдаланганлик тўғрисида ҳисбот грант берувчига компьютер ускунасини ўрнатгандан кейин 3 ойдан кейин тақдим этилган.

### **Грант тўғрисидаги шартнома бўйича олинган маблағларни қайси тартибда бухгалтерия ва солиқ ҳисоб-китобларида акс эттириш лозим?**

Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисобининг ҳисобварақлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқномага (21-сон БХМС, Адлия вазирлигига 2002 йил 23 октябрда 1181-сон билан рўйхатдан ўтказилган) мувофиқ, грантлар корхона фаолиятини молиялаш манбалари ҳисобланади ва корхонанинг ҳусусий капиталига киритилган.

Грант бўйича олинган маблағлар кейин бериладиган фойдаланиш тўғрисидаги ҳисбот билан бирга мақсадли тушумлардан иборат бўлади.

Грантдан фойдаланиш шартлари ва уларнинг мақсадли йўналтирилиши грант тўғрисидаги Шартномада назарда тутилади. Шартномаларнинг қоидаларига мувофиқ грант маблағларини сарфлаш грант олувчининг мувофиқлаштирилган бюджетидаги харажат қисмларига қатъий риоя қўлган амалга оширилиши лозим.

Грант маблағларининг олиниши ва уларни сарфлаш тўғрисидаги маълумотлар ҳамма тасдиқловчи ҳужожатлар ва зарур асослашларни ўз ичига олиши керак. Грант бўйича пул маблағлари ва мол-мулкнинг келиб тушиши грант олувчининг бошқа маблағларидан алоҳида ҳисобга олиниши лозим.

Грант бўйича пул маблағларини тўлаш Ўзбекистон Республикаси валюта қонунчилигининг талабларига мувофиқ олувчининг банк ҳисобвараfigа нақд пулсиз пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади\*.

---

\* Маълум ҳолларда грант берувчи грант олувчига товарлар етказиб берувчи ва хизматлар кўрсатуви фирмага бевосита тўлаши мумкин. Бундай ҳолларда тўловлар грант олувчи тақдим қўлган маълумотлар асосида амалга оширилади ва грантнинг бир қисми деб ҳисобланади. Амалга оширилган тўловлар ҳақида грант берувчи хабарнома йўллайди.

Грант олувчи грант шартномасининг талабларига мувофиқ сотиб олинган мол-мулкка эгалик ҳукукига згадир. Грант олувчи олинган мол-мулкни эҳтиётлик билан асраши ва ўз хоналарида уларнинг сакланиши ҳамда улардан соз ҳолатда фойдаланишини таъминлаши лозим.

21-сон БХМСга мувофиқ грантларнинг мавжудлиги ва уларнинг ҳаракати ҳисоби 8810 «Грантлар» ҳисобварагида амалга оширилади. Амалдаги ҳисобвараклар режасида мақсадли чора-тадбирларни амалга ошириш учун йўналтирилган маблағларнинг ҳисобини олиб бориш учун 96 «Мақсадли молиялаш ва тушумлар» ҳисобвараги ишлатилади. Грант шартномаси бўйича ажратилган маблағлар 8810 (96) ҳисобваракнинг кредити бўйича турли дебиторларнинг қарзларини ҳисобга олиш ҳисобвараги 4890 «Бошқа шахсларнинг қарзлари» (олдинги 76 «Турли дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар» ҳисобвараги) билан корреспонденцияда акс эттирилади. Грант бўйича молиялаштирилувчи мақсадли лойиҳанинг бюджетда назарда тутилган пул маблағлари ва мол-мулкни олиш мос равишда пул маблағлари ҳисобвагининг (5110, 5210) дебети ва грант берувчи қарзининг камайиши эса 4890 (олдин 76) ҳисобварагининг кредити бўйича акс эттирилади.

Грант суммасини Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида (сўмда) қайта ҳисоблаб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича маблағларни грант олувчининг ҳисобварагига келиб тушган кунида амалга оширилади. Бунда пайдо бўлган курс фарқи 8810 (96) ҳисобварагида акс эттирилади ва солиқ солиши учун ҳисобга олинмайди.

Сотиб олинадиган асосий воситалар обьектлари учун етказиб берувчига ҳақ тўлаш 4320 «Етказиб берувчилар ва пудратчиларга узок муддатли активлар учун берилган бўнаклар» ҳисобвараги дебети ва 5110 «Ҳисоб-китоб варағи» ҳисобвараги кредити бўйича акс эттирилади.

Компьютер техникасини сотиб олиш 0820 «Асосий воситаларни сотиб олиш» (олдинги 08 «Капитал қўйилмалар» ҳисобвараги, 08-1 «Асосий воситаларни куриш ва сотиб олиш» илова ҳисобвараги) ҳисобварагида дебет бўйича 6010 «Етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўлаш учун ҳисобвараклар» ҳисобвараги (олдинги 60-ҳисобварак) билан корреспонденцияда акс эттирилади. Компьютерлар сотиб олингач, 4320 ва 6010-ҳисобвараклар ёпилади.

Компьютер қурилмалари комплектлари асосий воситалар обьектлари сифатида 0150 «Компьютер қурилмалари ва ҳисоблаш техникаси» ҳисобварагининг дебети бўйича 0820 ҳисобва-

ғининг кредитидан (олдинги 01 «Асосий воситалар» ҳисобварағи) кирим қилинади.

Грант бүйича келиб тушадиган компьютер қурилмаларининг амортизацияси компьютер қурилмасини ҳисобга қабул қилиш ойдан кейинги ойдан бошлаб грант олувчининг ҳисоб сиёсатига мұвоғиқ түгри чизикли (бир маромли) амортизация усулини құллаш ійді билан ҳисоблаб ёзилади. Компьютер амортизациясынинг йиллик меъёри – 20%.

ННТ үчун асосий воситалар ва амортизацияның ҳисоби ўз хусусиятларига әзалиғи сабабли, ҳисоб сиёсатида уларни бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида акс эттириш усули ҳам күзда тутилиши керак. Айтайлық, ҳисоб сиёсатида молиялаш манбалари ҳисобварақларини ёпиш ҳисоботни грант беруучига тақдим этиш далили бүйича амалга оширилиши белгиланған, бунда асосий воситаларнинг қолдик қиймати 8200 (88) «ННТ фонди асосий воситалар ва номоддий активларда» ҳисобварақларига Дт 8810 (96.1) «Грантлар», Кт 8200 (88) проводкаси билан үтказилади. Компьютер қурилмасини ўрнатыш пайтидан бошлаб грант беруучига ҳисобот тақдим этишгача бўлган даврда (бизнинг мисолимизда 3 ой) компьютер қурилмасининг амортизацияси 8810 (96)- ҳисобварақ дебети бўйича 0250 «Компьютер қурилмалари ва ҳисоблаш техникасининг эскириши» (02) ҳисобварақи билан корреспонденцияда акс эттирилиши керак. Молиялаш манбаи ёпилганидан кейин амортизацияни бундан кейин ҳисоблаб ёзиш 8200 (88)- ҳисобварақ дебети бўйича амалга оширилади.

Грант олувчининг бухгалтерия ҳисобида грант маблағларини олиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган оперциялар куйидаги тартибда акс эттирилади:

№ т/р	Хўжалик операциялар нинг мазмуни	Сумма	Ҳисобварақлар корреспонденцияси				Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар	
			21-сон БХМС бўйича		Амалдаги ҳисобварақлар режаси бўйича			
			Дебет	Кредит	Дебет	Кредит		
1.	Ажратилган грант тўғрисида тўлов хабарномаси олинган	1640000 (2000 x 820,0)*	4890	8810	76	96.1	Грант ажратиш тўғрисида қарор, Грант тўғрисидаги шартнома	

2.	Грант бүйича ажратылған маблағлар олинган ва улар сүмгә конвертацияланған	1697840 (2000 x 848,92)*	5210, 5110	4890 5210	52 51	76 52	Грант тұғрисидеги шартнома, хисоб-китоб хисобварағида банк күчирмаси
3.	24.05.2001 г. Мусбат курс фарқы акс эттирилған	57840	4890	8810	76	96	Бухгалтерия хисоби
4.	Сотиб олинған компьютер курилмалари учун сотувчи билан хисоб китоблар акс эттирилған	1697840	4320	5110	61	51	Шартнома, хисобварақ-савдо товар накладной
5.	Компьютерлар олиниши ва етказиб берувлығы олдидан ҳақ тұлаш акс эттирилди	1697840	0820 6010	6010 4320	08 60	60 61	Тұлов топширик-номаси, хисоб-китоб варасыдан күчирма
6.	Авлар объектлари компьютер курилмаси хисобга олниди	1697840	0150	0820	01	08	Фойдала-нишга топшириш далолат-номаси
7.	Грант берувлығы хисобот топширишке қадар амортизация хисоблаб ёзиштеди	84892 (169784 x 20% : 12 x 3)	8810	0250	96	02	Амортизация хисоблаб ёзиш кайдномаси
8.	Грант берувлығы хисобот тақдым этилгандан кейин молиялаш манбанин ёпиш	1612948 (169784 - 84892)	8810	8200	96	88	Грант берувлығы томондан маблағлардан фойдаланиш хисоботини имзолаш
9.	Компьютер курилмалари тұла эскиришигача амортизацияны харойда ёзиш	28297 (169784 x 20% : 12)	8200	0250	88	02	Амортиза-ция хисоблаб ёзиш кайдномаси

\* Тегишли хўжалик операцияларини амалга ошириш кунидан Ўзбекистон Республикаси МБ белгилаган сўмга нисбатан АҚШ доллари курси.

ННТнинг халқаро фонддан грант шартномаси бўйича олган маблағлари тадбиркорликдан олинган даромадларга кирмайди ва Ўзбекистон Республикаси СКнинг 31-моддасига мувофиқ солиқ солиши объекти ҳисобланмайди.

Ўзбекистон Республикаси СКнинг 92-моддасига мувофиқ грант бўйича олинган ННТнинг нотижорат мақсадларга ишлатилаётган компютер курилмаларига мол-мулк солиги солинмайди.

### **3 - мисол**

Халқ таълими Маркази республика бўйича бепул семинарлар туркумини ўtkазиш учун чет эл фондидан грант олган. Грантнинг тасдиқланган бюджети харажатларнинг қўидидаги моддаларини кўзда тутади (маълумотлар грант олувчининг ҳисоб-китоб варагига пул маблағлари келиб тушган кунга Ўзбекистон Республикаси МБ белгилаган, АҚШ доллари курси бўйича қайта ҳисобланган сўмларда келтирилади):

1. Лойиҳа маъмурияти ва жалб қилинган мутахассис маърузачиларнинг иш ҳақи - 2000 минг сўм;
2. Иш ҳақи фондидан ижтимоий ажратмалар (37,2 %) – 744 минг сўм;
3. Сафар харажатлари – 600 минг сўм;
4. Сарфланувчи материаллар – 700 минг сўм;
5. Махсус адабиёт сотиб олиш - 1300 минг сўм;

**ЖАМИ: 5400 минг сўм**

**Грант бўйича олинган пул маблағлари ва мол-мулкни бухгалтерия ва солиқ ҳисоби қайси тартибда олиб борилади?**

Компьютер курилмаларини сотиб олиш 6010 «Етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланиши лозим бўлган ҳисобвараклар» ҳисобвараги билан корреспонденцияда 0820 «Асосий воситаларни сотиб олиш» ҳисобварагининг дебети бўйича акс эттирилади.

Грант бюджетида назарда тутилган сафар харажатлари учун лойиҳаларнинг алоҳида бажарувчиларига берилган бўнаклар бўйича ҳисоб-китоблар тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш 4420 «Хизмат сафарлари учун берилган бўнаклар» ҳисобварагида (олдинги 71 ҳисобварак) акс эттирилади. Ушбу ҳисобваракнинг дебети бўйича сафар харажатларига ҳисобот бериш шарти билан берилган сумма пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобвараклари, хусусан 5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари» ҳисобва-

рафи билан корреспонденцияда акс эттирилади. Таҳлилий ҳисоб хар бир ҳисобдор шахс ва берилган бүннак бүйича юритилади.

Накд пул маблағларини бериш 1998 йил 24 январда Ўзбекистон Республикаси МБ томонидан тасдиқланган 376-сон юридик шахслар касса операцияларини олиб бориш Қоидаларига (Ўзбекистон Республикаси АВ томонидан 1998 йил 17 декабрда 565-сон билан рўйхатга олинган) мувофиқ тартибга солинади.

Грант бюджетида назарда тутилган бошқа харажатлар мақсадли молиялаш ҳисобварагларининг дебети бүйича 6890 «Бошқа мажбуриятлар» (олдинги 76 «Турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китблар» ҳисобвараги), 6710 «Ходимлар билан иш ҳаки бүйича ҳисоб-китблар» (олдинги 70 ҳисобварак), 6520 «Ижтимоий суғурта бүйича тўловлар» (69 ҳисобварак) ҳисобвараглари билан корреспонденцияда акс эттирилади.

Грант олувчининг бухгалтерия ҳисобида грант маблағларини олиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган харажатлар қуидаги тартибда акс эттирилади:

№ т/р	Хўжалик операциясинин мазмуни	Сум- ма	Ҳисобвараклар корреспонденцияси				Ёзувларни тасдиқловчи хужжатлар	
			21-сон БХМС бўйича		Амалдаги ҳисобварак- лар режаси бўйича			
			Дебет	Кре- дит	Дебет	Кре- дит		
1.	Грант ажратилганди лиги ҳакида хабарнома олинган	5400	4890	8810	76	96	Грант ажратиш тўғрисида карор	
2.	Грант бўйича ажратилган маблағлар олинган	5400	5110	4890	51	76	Ҳисоб-китоб ҳисобвара- ғидан банкнинг кўчирмаси	
3.	Сафар харажатларига бўннак тўлаш учун банкдан маблағлар келиб тушган*	600*	5010	5110	50	51	Сафар тўғрисида бўйрук, бўннакни ҳисоблаш, банкнинг кўчирмаси, йўл чеки, кирим касса ордери	

4.	Ҳисобот берувчи шахсларга хизмат сафарлари учун берилган бўнаклар*	600*	4220	5010	71	50	Кассирнинг ҳисоботи, касса чиқим ордери
5.	Хизмат сафарлари учун харажатлар акс эттирилган*	600*	8810	4220	96	71	Бўнак тўғрисидаги ҳисобот
6.	Грант бюджетида назарда тутилган бошқа харажатлар акс эттирилган*	4800*	8810	6890 (6710, 6520 ва х.к.)	96	76 (70, 69 ва х.к.)	Техник хизмат кўрсатиш шартномаси, бошқа шартномалар, ҳисобварақ-фактурулар

\*Хўжалик операциялари тўғрисидаги маълумотлар бир вақтнинг ўзида қайд этилмайди ва бухгалтерия ҳисобида тегишли вақт даврларида акс эттирилади.

ННТ Грант тўғрисидаги шартнома бўйича халқаро фонддан олган маблағлар тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромад ҳисобланмайди ва бинобарин, Ўзбекистон Республикаси СК 31-моддасига мувофиқ солиқ солиши обьекти ҳисобланмайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1998 йил 19 январдаги 31-сон Халқаро илмий-техникавий алоқалар, халқаро ва хорижий ташкилотлар ва фондларнинг грантлари бўйича илмий дастурлар ва лойиҳаларни давлат томонидан кўллаб-куватлаш тўғрисидаги карорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси ҳузуридаги Илмий-техник ривожланиш бўйича Мувофиқлаштириш кенгаши ҳузуридаги Фан ва технологиялар маркази томонидан чет элдан грантлар бўйича олиб келинаётган пул маблағлари ва ускуналарнинг ажратилган грантларнинг мақсадларига мос келиши тўғрисида хулоса бериш тартиби ўрнатилган. Хулоса грант олувчининг ёзма аризаси ва тақдим қилинган ҳужжатларнинг илмий-техникавий экспертизаси натижаларига мувофиқ берилади. Хулосанинг асл нусхаси грант олувчи субъектнинг қулига, унинг нотариусда тасдиқланган нусхаси эса солиқ, божхона ва банк муассасаларига тақдим қилинади.

Хулоса мавжуд бўлганида халқаро ва хорижий ташкилотлар ва фондлардан ҳамда илмий-техникавий ҳамкорлик соҳасида халқаро битимлар доирасида олинган грант суммаси жисмоний шахсларнинг солиқ солиши мақсадида аниқланадиган жами даромадларига киритилмайди.

## IX. МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАР

### 9.1. Ҳисобот беришнинг умумий тушунчалари ва тақдим этадилари

Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳақида»ги Конунийнинг 33-моддасига биноан ННТ «ўз фоалиятининг натижаларини ҳисобини юритади ҳамда статистик ва солиқ органларига белгиланган тартибда ҳисоботлар тақдим этади». Конун ҳужжатларига мувофиқ нотижорат иашкилотлари бошқа ҳисоботларни ҳам тақдим этадилар.

Молиявий ҳисоботларни тўлдириш Қоидаларига мувофиқ (МВ нинг 07.02.2002 даги 31-сон Бўйруғи, Адлия вазирлигига 19.03.2002 да 1117-рақам билан қайд қилинган) молиявий ҳисоботни Ўзбекистон Республикасининг конун ҳужжатларига биноан юридик шахс ҳисобланган, барча мулкчилик шаклидаги корхона ва ташкилотлар (хорижий инвестициялар иштироқидаги корхоналар, аудиторлик ташкилотлари, суғурта ташкилотлари ва банклар бундан мустасно), шунингдек мулкида, хўжалик юритишида ёки тезкор бошқарувида мол-мулки бўлган ва ўз мажбуриятлари бўйича ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, шунингдек мустақил баланс ва ҳисоб-китоб варагига эга, солиқ конунчилигига мувофиқ солиқ тўловчилар ҳисобланган алоҳида бўлинмалар тақдим этадилар.

Яъни нотижорат ташкилотлари ҳам тижорат ташкилотлариdek молиявий ҳисобот бериш шаклларини тўлдиришлари керак, нотижорат ташкилотларининг филиаллари ва ваколатхоналари алоҳида бўлинмалар бўлиб, солиқ хизмати органларига мустақил равишда молиявий ҳисобот тақдим этадилар.

Молиявий ҳисоботни тақдим этиш муддатлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2000 йил 15 июнда тасдиқланган Чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботни тақдим этиш муддатлари тўғрисидаги Низомга (АВ рўйхат раками № 942, 03.07.2000 йил) биноан белгиланади ва қўйидагича:

- чораклик молиявий ҳисоботлар учун - ҳисобот даври тугагач кейинги ойнинг 25-кунигача;
- йиллик молиявий ҳисоботлар учун - ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 февралигача.

Йиллик молиявий ҳисобот қўйидаги шакллар хажмида тақдим этилади:

- а) Бухгалтерия баланси - 1-сон шакл;
- б) Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот - 2-сон шакл;

- в) Асосий воситалар ҳаракати тўғрисида ҳисобот - 3-сон шакл;
- г) Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот - 4-сон шакл;
- д) Хусусий сармоя тўғрисида ҳисобот - 5-сон шакл;
- е) Дебиторлик ва кредиторлик қарзи тўғрисида маълумотнома - 2а-сон шакл.

Йиллик молиявий ҳисоботга илова қилинади:

ҳисобот йилида корхона фаолиятининг якуний натижаларига, корхонада йиллик молиявий ҳисоботни кўриб чиқиш ва соф фойдани тақсимлаш якунлари бўйича қарорларга таъсир кўрсатган асосий омиллар баён этилган тушунтириш хати;

молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги тўғрисида аудиторлик хуло-саси (Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонуни 10-моддасига биноан).

Агар баланс йил бошида ўзгартирилган бўлса, тушунтириш хатида ўзгартириш сабаблари изохланади. Унда, агар кейинги йил учун қабул қилинган ҳисоб сиёсати ҳисобот йилида қабул қилинганидан фарқланса, у ҳам келтирилади.

Ярим йиллик ва чораклик молиявий ҳисобот қуйидаги шакллар ҳажмида тақдим этилади:

- а) бухгалтерия баланси - 1-сон шакл;
- б) молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот - 2-сон шакл;
- в) дебиторлик ва кредиторлик қарзи тўғрисида маълумотнома - 2а-сон шакл.

Ҳисобвараклар намунавий шакллари ННТ фаолиятининг ўзига хос жиҳатларини тўлиқ ҳажмда акс эттирмайди. Чунончи, масалан, ННТ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмаса, «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот» 2-сон шакли умуман тўлдирилмаслиги кераклиги тушунарли. Бирок, амалда солик органлари ушбу шаклни мантиқий маъносини тушуниш қийин усуслар билан тўлдиришни талаб қиласидилар: «Сотишдан тушум» устунида нотижорат ташкилотларига мақсадли тушумларни, «Товар, ишлар, хизматлар таннаххи» устунида эса нотижорат дастурлар бўйича мақсадли харажатларни кўрсатишни талаб қиласидилар ва ҳоказо. Аслида солик органларининг солик тўловчи фаолиятига қизикиши қонуний бўлишини ҳисобга олиб, 2-сон шаклни тўлдириш ўрнига (ёки тадбиркорлик фаолияти мавжуд бўлса – у билан бир қаторда), тушунтириш хатига олинган даромадларни акс эттирувчи ва улардан нотижорий фойдаланишни акс эттирадиган қуйидаги шаклни қўшиб қўйишни тавсия қиласиз:

## НОТИЖОРАТ УСТАВ ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ХАҚИДА ҲИСОБОТ

### Ташкилот номи

са- тр №	Кўрсаткичлар номи	Ўтган йилнинг шу даврида		Жорий йилнинг ҳисобот даври	
		Даро- ма	Хара- жат	Даро- ма	Хара- жат
1	2	3	4	5	6
1	Ҳисобот йилининг бошида фойдаланилмаган маблағлар колдиқи		x		x
2	I бўлим. Ташқи манбалардан тушумлар		x		x
	Шу жумладан:				
3	Аъзолик бадаллари		x		x
4	Хайрия ёрдами		x		x
5	Мақсадли тушумлар		x		x
6	Давлат субсидиялари		x		x
7	Халқаро ташкилотларнинг грантлари		x		x
8	Бошқа тушумлар		x		x
9	II бўлим. Ўзини ўзи молиялаш манбаларидан даромадлар, жами (Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг 200 сатри)		x		x
10	ЖАМИ ДАРОМАДЛАР ( 1 ва 9 сатрлар жами)		x		x
11	III бўлим. - ИШЛАТИЛГАН МАБЛАҒЛАР, ЖАМИ (18 ва 28 сатрлар жами)	x		x	
12	Устав фаолиятини амалга оришириш учун жорий харажатлар - жами (13 дан 20 сатрларгача жами)	x		x	
	Шу жумладан:				
13	1 дастур бўйича	x		x	
14	2 дастур бўйича	x		x	
15	3 дастур бўйича	x		x	
15		x		x	
16		x		x	
17		x		x	
18		x		x	

19	"Захираларни ривожлантириш" дастури бўйича	x		x	
20	Дастурлар сметаларида ҳисобга олинмаган маъмурӣ ва хўжалик харажатлари	x		x	
21	<b>Капитал ҳаражатлар - жами (22 дан 25 сатргача жами)</b>	x		x	
	Шу жумладан:				
22	Асосий воситалар ва номоддий активларни харид қилишга йўналтирилган инвестициялар	x		x	
23	Шульба корхоналарни ташкил қилишга йўналтирилган инвестиациялар	x		x	
24	Капитал курилиш	x		x	
25	Асосий воситаларни модернизациялаш	x		x	
26	<b>Ҳисобот йилининг охирида фойдаланилмаган маблағлар колдиги (01 сатр+16 сатр-17 сатр)</b>		x		x

ННТ учун шульба корхоналар сифатида кичик корхоналарни ташкил этиш одатда оддий ва қулай йўлдир. Кичик корхона ва микроФирмалар, Узбекистон Республикаси Вазирлар Мажхамасининг 2002 йил 25 июндаги «Статистика ва молиявий ҳисоботларни янада такомиллаштириш тадбирлари тўғрисида» 227-сон қарорига ва МВнинг 2002 йил 12 июлдаги 86-сон Буйруғига (АВ 2002 йил 22 июлдаги 1117-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) мувофиқ факат йиллик молиявий ҳисобот тақдим этадилар, у Бухгалтерия баланси – 1-сон шакл, «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот» 2-сон шакл ва Дебиторлик ҳамда кредиторлик қарз тўғрисида маълумотнома – 2а-сон шаклдан иборатдир. Йиллик молиявий ҳисоботга тушунтириш хати, молиявий ҳисобот шаклларини тўлдириш қоидаларида белгиланган ҳолларда эса – аудиторлик ҳulosаси илова қилинади.

Молиявий ҳисобот шаклларида барча назарда тутилган кўрсаткичлар келтирилади. Корхонада тегишли активлар, пассивлар, операциялар йўқлиги сабабли ўёки бу модда (сатр, устун) тўлдирилмаган тақдирда ушбу модда (сатр, устун) чизиб қўйилади.

Молиявий ҳисобот шаклларининг манзил қисми куйидаги тартибда тўлдирилади:

а) «Корхона, ташкилот» реквизити - корхонанинг тўлиқ номи (белгиланган тартибда рўйхатга олинган таъсис ҳужжатларига мувофиқ) ва КТУТга биноан унинг коди кўрсатилади;

б) «Тармок (фаолият тури)» реквизити - корхонанинг тармоғи (фаолият тури) ва ХХҮТГа биноан тармок (фаолият тури)нинг коди кўрсатилади;

в) «Давлат мол-мулкини бошқариш органи» реквизити - ихтиёрида корхона турган (агар шундай бўлса) ва унга молиявий ҳисобот юбориладиган органнинг номи кўрсатилади; ННТ лар бу сатрда «мустақил» деб ёзадилар;

г) «Манзил» реквизити - корхонанинг тўлиқ юридик манзили кўрсатилади;

д) «Назорат суммаси» реквизити - корхоналар томонидан тўлдирилмайди.

Молиявий ҳисоботни тузиш чоғида Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуни, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари, шунингдек бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисобот тузиш масалалари бўйича бошқа амалдаги меъёрий-ҳукукий ҳужжатларга амал қилиш лозим.

Ташкилотнинг барча алоҳида бўлинмалари фаолиятининг кўрсаткичлари бош ННТ молиявий ҳисобот шакллари кўрсаткичларининг маълумотларига киритилиши керак.

Молиявий ҳисоботни тузиш чоғида ҳисобот санаси бўлиб ҳисобот даврининг охирги тақвимий куни ҳисобланади.

Ҳисобот йилида тугатилган ёки қайта ташкил этилган корхона йил бошидан тугатиш (қайта ташкил этиш) пайтига қадар бўлган давр учун йиллик молиявий ҳисоботнинг амалдаги шакллари бўйича ҳисобот тақдим этади.

Янги ташкил этилган корхоналар молиявий ҳисоботда маблағлар ва уларнинг манбаларини белгиланган тартибда улар рўйхатга олинган ойнинг 1-кунидан ҳисобот йилининг 31 декабрига қадар, ҳисобот йилининг 1 октябридан кейин ташкил этилган корхоналар эса давлат рўйхатига олинган санадан бошлаб кейинги йилнинг 31 декабрига қадар кўрсатадилар (мазкур тартиб тугатилган (қайта ташкил этилган) корхоналар ва уларнинг алоҳида бўлинмалари неғизида барпо этилган корхоналарга татбиқ этилмайди).

Корхона баланси моддалари пухта ўтказилган активлар ва пассивлар инвентаризацияси билан асосланиши керак. Инвентаризация Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 1999 йил 19 октябрда тасдиқлаган «Инвентарлашни ташкил этиш ва ўтказиш» Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (19-сон БХМС) (рўйхат рақами 833, 1999 йил 2 ноябрь) билан белгиланган тартибда ўтказилади. Бунда йиллик молиявий ҳисоботни

такдим этишга қадар доимий фаолият кўрсатадиган инвентаризация комиссиялари инвентаризация давомида аниқланган, бойликларнинг ҳақиқатдаги мавжудлиги билан бухгалтерия ҳисоби маълумотларидағи тафовутларни тартибга солиши керак. Шунингдек, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари инвентаризация қилиниши керак, у солиштириш далолатномалари ёки ўзаро ҳисоб-китоблар сальдосини тасдиқлаш хатлари билан расмийлаштирилади. Ўтказилган инвентаризациялар сони ва натижалари, шунингдек уларни ўтказмаслик сабаблари йиллик молиявий ҳисоботга илова қилинадиган тушунтириш хатида акс эттирилиши керак.

Ҳисобот йилидаги инвентарлашлар микдори, уларни ўтказиши санаси, мол-мулк ва молиявий мажбуриятлар рўйхати хўжалик юритувчи субъект раҳбари томонидан белгиланади, 19-сон БХМСнинг 1.5 ва 1. б-бандларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Куйидаги ҳолларда инвентарлаш ўтказилиши шарт:

- мол-мулк ижарага берилганда, сотиб олинганда, сотилганда;
- йиллик молиявий ҳисоботни тузиш олдидан, инвентарлаш ҳисобот йилининг 1 октябридан кечиктирмай ўтказиладиган мол-мулкдан ташқари.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 28.08.98 йилда 486-сон билан рўйхатга олинган «Товар-моддий захиралар» деб номланган 4-сон БХМСга биноан товар-моддий захиралар бир йилда камида бир марта инвентарланади. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 23.09.98 йилда 491-сон билан рўйхатга олинган «Асосий воситалар» деб номланган 5-сон БХМС га муофик асосий воситалар икки йилда камида бир марта, кутубхона фондлари эса беш йилда бир марта инвентарланади.

Пул маблағлари, пул хўжатлари, бойликлар ва қатъий ҳисобдаги бланклар ойда бир марта, ёнилғи-мойлаш материаллари, озиқ-овқат маҳсулотлари - ҳар чорақда, қимматбаҳо металлар - тармоқ йўриқномаларига мувофиқ инвентарланади.

Айрим жойлар ва мавсумий тусда ишлайдиган корхоналарда ишлаб чиқариш захиралари улар энг кам микдорда қолганда қўйидаги ҳолларда инвентарланади:

- асосий воситалар ва товар-моддий бойликлар қайта баҳолангандা;
- моддий жавобгар шахслар алмашганда (ишларни қабул қилиш топшириш кунида);
- ННТ тугатилганда (қайта ташкил этилганда) тугатиш (ажратиш) балансини тузиш олдидан ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Умумий (жамоавий) моддий жавобгарлик шароитида инвентарлаш жамоа раҳбари ўзгарганда, жамоадан унинг эллик фоиздан ортиқ аъзолари чиқиб кетганда, шунингдек жамоанинг битта ёки бир нечта аъзоси талаби билан ўтказилади.

Инвентарлаш ва бошқа текширишлар пайтида аниқланган бойликларнинг ҳақиқатда мавжудлигининг бухгалтерия ҳисоби мавлумотларидан фарқлари қуидагича тартибга солинади:

- ортиқча чиқан асосий воситалар, моддий бойликлар, пул маблағлари ва бошқа мол-мулк кирим қилиниши ва ННТнинг молиявий иатижаларига ёки бюджет ташкилотини молиялашни (фондларни) кўпайтиришга қайд этилиши, кейинчалик ортиқча чиқиш сабаблари ва айборд шахслар аниқланиши керак;

- белгиланган меъёрлар доирасида бойликларнинг йўқолиши ННТ раҳбарларининг фармойишига кўра ишлаб чиқариш ва муомала чиқимларига ёки бюджет ташкилотини молиялашни (фондларни) камайтиришга ҳисобдан ўчирилади. Йўқолиш меъёрлари ҳақиқатда камомад аниқланган тақдирдагина қўлланиши мумкин.

Бунда белгиланган меъёрлар доирасида бойликларнинг йўқолиши бойликлар камомади қайта навларга ажратишдати ортиқча мол билан ҳисобга олгач белгиланишига зътибор берилади. Агар белгиланган тартибда ўтказилган қайта навларга ажратиш бўйича ҳисобга қилингандан кейин ҳам бойликлар камомади мавжуд бўлса, табиий йўқолиш меъёрлари камомад аниқланган бойликлар номи бўйичагина қўлланиши мумкин.

Тасдиқланган меъёрлар бўлмаган тақдирда йўқолиш меъёрлардан ортиқча камомад сифатида қаралади;

- йўқолиш меъёрларидан ортиқча бойликлар камомади, шунингдек, бойликлар бузилишидан кўрилган талафотлар айборд шахсларга юкланди.

Сунистъемолликлар оқибати бўлган камомад ва талафотлар аниқланганда тегишли материаллар камомад ва талафотлар аниқлангандан сўнг 5 кун давомида тергов органларига берилиши керак, аниқланган камомад ва талафотлар суммасига эса фуқаролик даъвоси тақдим этилади;

- бойликларнинг йўқолиши ва бузилиши туфайли бойликларнинг талафотлар меъёрларидан ортиқча камомади, камомад ва бузилишларнинг аниқ айборлари аниқланмаган ҳолларда, маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ ташкилот томонидан ишлаб чиқариш ва муомала чиқимларига ҳисобдан чиқарилиши ёки

бюджет ташкилотида мақсади молиялашни (фондларни) камайтиришга ҳисобдан чиқарилиши мүмкін.

Бунда бойликларнинг йўқолиш ва бойликлар бузилиши туфайли талафотлар меъёрларидан ортиқча камомадини ҳисобдан ўчиришни расмийлаштириш учун тақдим этиладиган ҳужжатларда ана шундай камомад ва талафотларнинг олдини олиш бўйича қабул қилинган чоралар кўрсатилиши керак.

Бойликлар бузилиши факти тўғрисидаги хulosалар техник назорат бўлими (агар у мавжуд бўлса) ёки сифат бўйича тегишли инспекциялардан олиниши керак.

Табиий йўқолиш меъёрларидан ортиқча бойликлар камомади ва бузилишини ҳисобдан чиқаришни расмийлаштириш учун тақдим этиладиган ҳужжатларда тергов еки суд органларининг айбдор шахслар йўқлигини тасдиқлайдиган ёки айбдор шахслардан зарар ундирилиши рад этилган қарорлари ёки техник назорат бўлими ёки тегишли ихтисослаштирилган ташкилотлардан (сифат бўйича инспекциялар ва ҳоказолардан) олинган бойликлар бузилиши факти тўғрисида хulosса бўлиши керак.

Қайта навларга ажратиш натижасида ортиқча чиқиш ва камомадларнинг ўзаро ҳисобга олинишига биргина текширилаётган давр учун, биргина текширилаётган шахсда, биргина номдаги товар-моддий бойликларга нисбатан ва ишончли шахс рухсатига кўра айнан бир хил миқдорларда истисно тарзида йўл қўйилиши мүмкін.

Йўл қўйилган қайта навларга ажратиш тўғрисида моддий жавобгар шахслар ишончли шахсга батафсил тушунтириш тақдим этадилар.

Моддий жавобгар шахслар айби бўлмаган ҳолда қайта навларга ажратиша ҳосил бўлган қийматдаги камомад фарқига инвентарлаш баённомаларида бундай фарқ айбдор шахсларга киритил-маслиги хусусида муфассал тушунтириш берилиши керак.

Инвентарлаш натижалари инвентарлаш тугаган ойдаги ҳисоб ва ҳисботда, йиллик инвентарлашда эса йиллик молиявий ҳисботда акс эттирилиши керак.

Ҳисбот йилида ўтказилган инвентарлашлар натижалари маълумотлари инвентарлашда аниқланган натижалар қайдномасида умумлаштирилади.

**Инвентарлаш пайтида аниқланган натижалар қайдномаси**

Хисобварак-нинг номи	Хисобварак рақами	Инвентарлаш-да аниқланган натижа		Молмулкнинг шикастлашиши аниқланган	Камомадлар ва мол-мulk шикастланишидан талафотлар умумий суммасидан				
		Камомад	Ортиқча		сумма	Навларга қайта ажратиш бўйича хисобланган	Йўқотишлиар меъёри доира-с хисоб-д чиқарилган	айбдор шахс-л ёзилган	йўқотишилар меъёриларидан ташқари ишлаб чиқариш ва муомала чикимларига хисобдан чиқарилган
		сумма	сумма						
1	2	3	4	5	6	7	8	9	
1. Асосий воситалар	01,03								
2. Номоддий активлар	04								
3. Молиявий кўйилмалар	06,08, 58								
4. Хом ашё аз материаллар, ёқилиги, курилиш материаллари, эҳтиёт қисмлар		10							
5. Ёш ҳайвонлар ва сўқимга бўқилаётган ҳайвонлар		11							
6. Арzonбаҳо ва тез эскирувчан буюмлар		12							
7. Асосий ишлаб чиқариш, ўзи ишлаб чиқарган ярим тайёр маҳсулотлар		20,21							

8.Тайёр маҳсулот, товарлар	40,41							
9.Касса, пул хужжатлари ва бошқа бойликлар	50, 56, 57							
10.Қолганлари								

Рахбар

Бош бухгалтер

Инвентарлаш комиссиясининг раиси

Инвентарлаш вақтида аниқланган бойликлар ҳақиқатда мавжуддиги билан бухгалтерия ҳисоби маълумотлари ўртасидаги тафвутларни тартибга солиш тўғрисидаги таклифлар кўриб чиқиш учун ННТ раҳбарларига тақдим этилади.

Инвентарлаш ўtkазилганидан кейин молиявий ҳисоботни тузишга киришиш мумкин.

Молиявий ҳисобот шакллари раҳбар ва бош бухгалтер томонидан имзоланади, имзолар муҳр билан тасдиқланади.

Молиявий ҳисоботда тузатиш ва ўчиришлар бўлмаслиги керак. Хатолар тузатилган тақдирда тегишли таъкидлар қилинади, молиявий ҳисоботга имзо чеккан шахслар тузатиш санасини кўrsatган ҳолда уларни тасдиқлайдилар.

Жорий ва ўтган йиллардаги ҳисобот маълумотларини тузатишлар (улар тасдиқланганидан кейин) унинг маълумотлари бузилиши аниқланган ҳисобот даври учун тузилган ҳисоботда амалга оширилади, бунда тузатишлар ҳисобот даври (чорак, йил бошидан) учун маълумотларга киритилади.

Йиллик молиявий ҳисоботни текшириш давомида ишлаб чиқариш харажатларига (ёки муомала чиқимларига) у билан боғлиқ бўлмаган харажатларни киритиш натижасида даромадларни яшириш ёки молиявий натижаларни пасайтириш ҳоллари аниқланганда ўтган йил учун бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботга тузатишлар киритилмайди, балки ҳисобот даврида аниқланган ўтган йиллар фойдаси сифатида жорий йилда акс эттирилади.

## 9.2. Бухгалтерия баланси (1-сон шакл)

Бухгалтерия балансини (бундан кейин - баланс) тузишга қадар таҳлилий ҳисобварақлар бўйича оборотлар ва қолдиқлар ҳисобот даври охирида Бош дафтар ҳисобварақлари бўйича оборотлар ва қолдиқлар билан солиширилиши керак.

З-устунда баланс бўйича йил бошидаги маълумотлар, яъни аввалги йил учун йиллик молиявий ҳисобот баланси 4-устунининг маълумотлари кўрсатилади.

Йил боши ва охиридаги баланс маълумотларини таққослаб олиш учун тасдиқланган баланс моддалари номенклатураси йил охиридаги баланс учун белгиланган улардаги бўлимлар ва моддаларнинг номенклатураси ва гурухланишига мувофиқлаштирилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2002 йил 7 февралдаги 31-сонбуйруғига 1-сон илова, ЎзР АВ томонидан 2002 й. 19 марта рўйхатга олинган N 1117

Приложение N 1 к Приказу министра финансов от 7 февраля 2002 г. N 31, зарегистрированному МЮ 19 марта 2002 г. N 1117

**БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИ - 1 – сон шакл  
БУХГАЛТЕРСКИЙ БАЛАНС - форма N 1**

200 \_\_\_\_ йилга  
на \_\_\_\_\_ 200 \_\_\_\_ год  
000000000000

Корхона, ташкилот	БХУТ бўйича 1- шакл Форма N 1 по ОКУД	0710001
Предприятие, организация	Сана (йил, ой, кун) Дата (год, число, месяц)	
Тармоқ (фаолият тури)	КТУТ бўйича по ОКПО	
Отрасль (вид деятельности)	ХХТУТ бўйича по ОКНХ	
Давлат мулкини бошқариш органи	КТУТ бўйича по ОКПО	
Орган управления государственным имуществом	Назоратдаги миқдор Контрольная сумма	
Ўлчов бирлиги, минг сўм Единица измерения, тыс. сум.	Жўнатилган сана Дата высылки	
Манзилгоҳ	Кабул қилинган сана Дата получения	
Адрес	Топшириш муддати Срок представления	

Күрсаткичлар Показатели	Сатр коди Код стр.	Хисо- бот йили бошига на начало отчет- ного года	хисобот йили охирига на конец отчет- ного года
1	2	3	4
<b>АКТИВ</b>			
<b>I. Узок мұддатлы активлар</b>			
<b>I. Долгосрочные активы</b>			
Асосий воситалар: Основные средства:			
бошланғич (қайта тиқлаш) кіймат (01, 03) первоначальная (восстановительная) стоимость (01, 03)	010		
эскириш (02) износ (02)	011		
қолдик кіймат (010 011) остаточная стоимость (стр.010 011)	012		
Номоддий активлар: Нематериальные активы:			
бошланғич кіймат(04) первоначальная стоимость (04)	020		
Эскириш (05) Износ (05)	021		
қолдик кіймат (020 021) остаточная стоимость (стр.020 021)	022		
Капитал құйилмалар (07, 08) Капитальные вложения (07, 08)	030		
Шұйба хұжалик жамиятларидаги акциялар (06) Акции в дочерних хозяйственных обществах (06)	040		
Шұйба хұжалик жамиятларига берилған қарзлар (06) Займы, предоставленные дочерним хозяйственным обществам (06)	050		
Қарам хұжалик жамиятлардаги акциялар (06) Акции в зависимых хозяйственных обществах (06)	060		

Карам хўжалик жамиятларига берилган карзлар (06)	070		
Займы зависимым хозяйственным обществам (06)			
Узок муддатли инвестициялар (06) Долгосрочные инвестиции (06)	080		
Бошқа қарзлар (06)	090		
Прочие займы (06)			
Бошқа активлар	100		
Прочие активы			
<b>I БЎЛИМ БЎЙИЧА ЖАМИ</b> <b>012+022+030+040+050+060+070</b> <b>+080+090+100</b> <b>ИТОГО ПО РАЗДЕЛУ I</b> <b>012+022+030+040+050+060+070</b> <b>+080+090+100</b>	110		
<b>II. Жарий активлар</b>			
<b>II. Текущие активы</b>			
Ишлаб чиқариш закиралари (10, 11, 12-13, 15, 16)	120		
Производственные запасы (10, 11, 12-13, 15, 16)			
Тугалланмаган ишлаб чиқариш (20, 21, 23, 29)	130		
Незавершенное производство (20, 21, 23, 29)			
Тайёр маҳсулот (40)	140		
Готовая продукция (40)			
Олиб сотиладиган товарлар (41-42)	150		
Товары для перепродажи (41-42)			
Келгуси давр сарфлари (31)	160		
Расходы будущих периодов (31)			
Пул маблағлари (51, 55, 56, 57)	170		
Денежные средства (51, 55, 56, 57)			
Валюта маблағлари (50, 52, 55, 56, 57)	180		
Валютные средства (50, 52, 55, 56, 57)			
Хазнадаги пул маблағлари (50)	190		
Денежные средства в кассе (50)			
Киска муддатли молиявий кўйилмалар (58)	200		
Краткосрочные финансовые вложения (58)			

Сотиб олинган хусусий акциялар (56) Выкупленные собственные акции (56)	210		
<b>Дебиторлар, жами (230+240+250+260+270+280+290+300)</b> <b>Дебиторы, всего (стр.230+240+250+260+270+280+290+300)</b>	220		
шундан: түлов муддати ўтган дебиторлик қарзлари из нее: просроченная дебиторская задолженность	221		
Харидор ва буюртмачилар билан қисоблашишлар (62-82) Расчеты с покупателями и заказчиками (62-82)	230		
Бүннак (аванс) түловлари (61) Авансовые платежи (61)	240		
Бюджет билан қисоблашишлар (68) Расчеты с бюджетом (68)	250		
Бошқа операциялар бўйича ходимлар билин ҳисоблашишлар (73) Расчеты с персоналом по прочим операциям(73)	260		
Шўъба ва қарам жамиятлар билан хисоблашишлар (78) Расчеты с дочерними и зависимыми хозяйственными обществами (78)	270		
Хўжалик ичидаги ҳисоблашишлар (79) Внутрихозяйственные расчеты (79)	280		
Таъсисчилар билан ҳисоблашишлар(75) Расчеты с учредителями (75)	290		
Бошқа дебиторлик қарзлари (63, 70, 71, 76) Задолженность прочих дебиторов (63, 70, 71, 76)	300		
<b>II. БЎЛИМ БЎЙИЧА ЖАМИ</b> <b>(120+130+140+150+160+170+180+190+200+210+220)</b> <b>ИТОГО ПО РАЗДЕЛУ II</b> <b>(120+130+140+150+160+170+180+190+200+210+220)</b>	310		
<b>Баланснинг активи бўйича</b> <b>ЖАМИ (110+310)</b> <b>ВСЕГО по активу баланса (110+310)</b>	320		

Кўрсаткичлар Показатели	Сатр коди Код стр.	Хис- бот йили бошига на начало отчет- ного года	хисобот йили охирига на конец отчет- ного года
1	2	3	4
<b>ПАССИВ</b>			
<b>I. Ёзлик маблағларнинг манбалари</b>			
<b>I. Источники собственных средств</b>			
Устав капитали (фонди) (85/1)			
Уставный капитал (фонд) (85/1)	330		
Кўшилган капитал (85/2)			
Добавленный капитал (85/2)	340		
Резерв капитали (85/3)			
Резервный капитал (85/3)	350		
Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) (87)			
Нераспределенная прибыль (непокрытый убыток) (87)	360		
Максадли молиялаштириш ва тушумлар (96)			
Целевые финансирования и поступления (96)	370		
Келгуси давр сарфлари ва тўловлари учун резервлар (89)			
Резервы предстоящих расходов и платежей (89)	380		
Келгоси давр даромадлари (83)			
Доходы будущих периодов (83)	390		
I бўлим бўйича жами (330+340+350+360+370+380+390)			
Итого по разделу I (стр.330+340+350+360+370+380+390)	400		
<b>II. Мажбуриятлар</b>			
<b>II. Обязательства</b>			
Узоқ муддатли қарэлар (95, 97)			
Долгосрочные займы (95, 97)	410		
Узоқ муддатли банк кредитлари (92)			
Долгосрочные кредиты банков (92)	420		

Киска муддатли қарзлар (94) Краткосрочные займы (94)	430		
Киска муддатли банк кредитлари (90, 93) Краткосрочные кредиты банков (90, 93)	440		
Харидор ва буюртмачилардан олинган бўнклар (64) Авансы, полученные от покупателей и заказчиков (64)	450		
Кредиторлар, жами (470+480+490+500+510+520+530+540) Кредиторы, всего (стр. 470+480+490+500+510+520+530+540)	460		
шундан: тўлов муддати ўтган кредиторлик қарзлари из нее: просроченная кредиторская задолженность	461		
<b>Мол етказиб берувчилар ва пурратчилар (60)</b> <b>Поставщики и подрядчики (60)</b>	470		
<b>Бюджет бўйича қарзлар (68)</b> <b>Задолженность по бюджету (68)</b>	480		
шу жумладан: Хукумат қарори билин кечиктирилганлари в том числе: отсроченная по решениям Правительства	481		
Мекнатга ҳак тўлаш бўйича қарзлар (70) Задолженность по оплате труда (70)	490		
Мулкий ва шахсий сугурталар бўйича қарзлар (65) Задолженность по имущественному и личному страхованию (65)	500		
Бюджетдан ташқари тўловлар бўйича қарзлар (67, 69) Задолженность по внебюджетным платежам (67, 69)	510		
Шўйба ва қарам жамиятлари билин ҳисоблашишлар (78) Расчеты с дочерними и зависимыми хозяйственными обществами (78)	520		
Хўжалик ичидаги ҳисоблашишлар (79) Внутрихозяйственные расчеты (79)	530		
Бошқа кредиторлар (75, 71, 73, 76) Прочие кредиторы (75, 71, 73, 76)	540		

<b>II бўлим бўйича</b> <b>ЖАМИ</b> $(410+420+430+440+450+460)$	550		
<b>ИТОГО по разделу II</b> <b>(410+420+430+440+450+460)</b>			
<b>Баланснинг пассиви бўйича</b> <b>ЖАМИ</b> $(400+550)$	560		
<b>ВСЕГО по пассиву баланса</b> <b>(400+550)</b>			

Рахбар

Руководитель \_\_\_\_\_

Бош бухгалтер

Главный бухгалтер \_\_\_\_\_

«Асосий воситалар» моддаси бўйича (010-сатр) амалдаги ва консервациядаги асосий воситаларга доир маълумотлар кўрсатилади.

Мол-мulkни асосий воситалар таркибига киритишини бухгалтерия Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 1998 йил 7 сентябрда 46-сон билан тасдиқлаган «Асосий воситалар» Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (5-сон БХМС)га (АВ рўйхат раками 491, 1998 йил 23 сентябрь) биноан ва паспорт ҳамда тавсифлар, фойдаланиш бўйича йўриқномалар ва уларни харид қилинган ер участкалари ушбу модда бўйича ҳаридга доир ҳақиқатдаги харажатлар ҳажмида кўрсатилади.

Ушбу модда бўйича ерларни яхшилаш (мелиоратив, қуритиш, ирригацион ва бошқа ишлар)га капитал кўйилмалар ҳам акс эттирилади. Корхона томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ мулк сифатида харид қилинган ер участкалари ушбу модда бўйича ҳаридга доир ҳақиқатдаги харажатлар ҳажмида кўрсатилади.

Ушбу модда бўйича асосий воситаларга тааллуқли, «Узок муддатга ижарага олинадиган асосий воситалар» ҳисобварагида ҳисобга олинган узок муддатга ижарага олинадиган бинолар, иншоотлар, ускуналар ва бошқа объектлар ҳам акс эттирилади.

Алоҳида модда бўйича (011-сатр) корхона томонидан «Асосий воситалар» ва «Узок муддатга ижарага олинадиган асосий воситалар» ҳисобваракларида ҳисобга олинган асосий воситалар бўйича эскиришнинг ҳисоблаб ёзилган суммаси келтирилади.

Асосий воситалар бўйича амортизация Ўзбекистон Республикасининг Солик кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (5-сон БХМС) да назарда тутилган белгиланган меъёрлар ва усувлар бўйича ҳисоблаб ёзилади.

«Номоддий активлар» моддаси бўйича (020-сатр) корхонанинг узоқ муддатли давр давомида хўжалик фаолиятида ишлатиладиган ва даромад келтирадиган номоддий объектларга, табиий ресурслар, ер участкалари, патентлар, лицензиялар, интеллектуал мулк, ташкилий харажатлардан фойдаланиш хукуки ташкилий сарф-харажатлари кўрсатилади. Номоддий активларни корхона муассислари (мулқорлари) корхонанинг устав сармоясига улушлар ҳисобига киритишлари, шунингдек корхона томонидан унинг фаолият жараёнида харид қилиниши мумкин.

Мазкур модда бўйича номоддий активлар қиймати дастлабки ва қолдик баҳоларда алоҳида кўрсатилади, шунингдек ҳисоблаб ёзилган эскириш суммаси қайд этилади. Номоддий активлари эскириши «Номоддий активлар» Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (7-сон БХМС) да назарда тутилган қўлланиладиган усувларга биноан ҳисоб қилинган меъёрлар бўйича давр харажатларига киритилади. Ишлатилиш муддатини белгилаш мумкин бўлмаган номоддий активлар бўйича эскириш меъёрлари беш йил ҳисобидан (лекин корхонанинг фаолият кўрсатиш муддатидан кўп эмас) белгиланади.

«Капитал қўйилмалар» моддаси бўйича (030-сатр) хўжалик ва пудрат усувлари билан амалга ошириладиган тугалланмаган курилишнинг қиймати кўрсатилади.

Ушбу модда бўйича ўрнатиладиган ва корхона омборларида бўлган ускуналар захиралари ҳақиқий қиймати бўйича акс эттирилади.

«Шульба корхоналардаги акциялар» моддаси бўйича (040-сатр) шульба хўжалик жамиятлари акцияларига қўйилган, таҳлилий тарзда «Узоқ муддатли молиявий қўйилмалар» ҳисобварағида («Пай ва акциялар» илова ҳисобварағи) ҳисобга олинадиган маблағлар суммаси кўрсатилади.

«Шульба корхоналарга берилган қарзлар» моддаси бўйича (050-сатр) шульба корхоналарга берилган, «Узоқ муддатли молиявий қўйилмалар» ҳисобварағида («Берилган қарзлар» илова ҳисобварағи) ҳисобга олинадиган қарзлар суммаси акс эттирилади.

«Юшган корхоналардаги акциялар» моддаси бўйича (060-сатр) юшган корхоналар акцияларига қўйилган, таҳлилий тарзда «Узоқ муддатли молиявий қўйилмалар» ҳисобварағида («Пай ва акциялар» илова ҳисобварағи) ҳисобга олинадиган маблағлар суммаси кўрсатилади.

«Юшган корхоналарга қарзлар» моддаси бўйича (070-сатр) юшган корхоналарга берилган, «Узоқ муддатли молиявий қўйил-

малар» ҳисобварағида («Берилгандар қарзлар» илова ҳисобварағи) ҳисобга олинадиган қарзлар суммаси акс эттирилади.

«Узоқ муддатли инвестициялар» моддаси бўйича (080-сатр) корхонанинг давлат даромадли активлари (қимматли қоғозлар - акциялар, облигациялар)га, Ўзбекистон Республикаси худудида ва ундан ташқарида ташкил этилган бошқа корхоналарнинг (шувба ва уюшган корхоналардан ташқари) устав фондларига ва ҳоказоларга узоқ муддатли (бир йилдан ортиқ муддатга) инвестиациялари, корхона томонидан бошқа корхоналарга берилгандар қарзлардан ташқари, кўрсатилади.

Молиявий қўйилмалар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳақиқий харажатлар суммасида ҳисобга олинади.

Тўлиқ тўланмаган акция ва пайлар баланс активида уларнинг тўлиқ харид қийматида кўрсатилади, инвестор дивиденд олиш ҳукуқига эга бўлган ва ушбу қўйилмалар учун тўлиқ жавобгар бўлган ҳолларда кредиторлар моддаси бўйича сўндирилмаган сумма баланс пассивига киритилади. Қолган ҳолларда харид қилинадиган акция ва пайлар ҳисобига киритилган суммалар баланс активида дебиторлар моддаси бўйича кўрсатилади.

«Бошқа қарзлар» моддаси бўйича (090-сатр) юқорида саналган моддаларда ҳисобга олинмаган ва «Узоқ муддатли молиявий қўйилмалар» ҳисобварағида ҳисобга олинадиган узоқ муддатли қарзлар суммалари кўрсатилади.

«Бошқа активлар» моддаси бўйича (100-сатр) олдинги моддаларда саналмаган бошқа узоқ муддатли маблаглар ва қўйилмалар кўрсатилади. Ҳусусан, мазкур модда бўйича ижарага берувчи корхона узоқ муддатли ижарага берилган, «Тушумга доир ижара мажбуриятлари» ҳисобварағида қайд қилинган асосий воситалар бўйича қарз қолдигини кўрсатади.

Нотижорат ташкилотлари мазкур модда бўйича тасдиқланган дастурлар, графиклар ва ҳ.к. га биноан кейинги тақсимот учун олинган узоқ муддатли активлар (асосий воситалар) қийматини кўрсатишлари мумкин.

«I бўлим бўйича жами» моддаси бўйича (110-сатр) сатрлар бўйича сумма кўрсатилади: 012-сатр+022-сатр+030-сатр+040-сатр+050-сатр+060-сатр+070-сатр+080-сатр+090-сатр+100-сатр.

Баланс активининг «Жорий активлар» деган II бўлимида корхона жорий активларининг суммаси кўрсатилади.

«Ишлаб чиқариш захиралари» моддаси бўйича (120-сатр) хом ашё, асосий ва ёрдамчи материаллар, қайтарма чиқиндилар, ёқилғи, харид қилинган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи бу-

юмлар, эҳтиёт қисмлар, идишлар ва «Материаллар» ҳисобварағида ҳисобга олинадиган бошқа моддий бойликларнинг ҳақиқатдаги таннархи, арzon ва тез эскирувчан буюмлар, шу жумладан маҳсус асбоблар ва маҳсус мосламалар, маҳсус пойабзал ва чойшаб-ёстиқлар, ёзув-чиズув анжомлари ва овлаш қуроллари (траллар, ёйма түрлар, түрлар, матраплар ва ҳоказо) хизмат муддатидан қатыназар, шунингдек бир йилдан кам муддат фойдаланиладиган алмаштириладиган ускуналар кўрсатилиади.

«Тугалланмаган ишлаб чиқариш» моддаси бўйича (130-сатр) ҳисоби корхоналар молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби Хисобвараклар режасининг «Ишлаб чиқариш харажатлари» бўлими бухгалтерия ҳисоби ҳисобваракларида амалга ошириладиган тугалланмаган ишлаб чиқариш ва тугалланмаган ишлар (хизматлар)га доир харажатлар кўрсатилиади. Бунда тугалланмаган ишлаб чиқариш корхона томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низом, маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги тармоқ йўрикномаларига мувофиқ қабул қилинган баҳо бўйича акс эттирилади.

«Тайёр маҳсулот» моддаси бўйича (140-сатр) буюртмачилар билан тузилган шартноманинг шартларига кўра синовдан ўтган ва қабул қилинган, барча қисмлар билан бутланган ҳамда техник шартлар ва стандартларга мувофиқ келадиган, ишлаб чиқарилиши тугалланган буюмлар қолдигининг ҳақиқатдаги ишлаб чиқариш таннархи кўрсатилиади. Кўрсатилган талабларга жавоб бермайдиган маҳсулот ва топширилмаган ишлар тугалланмаган ҳисобланади ҳамда тугалланмаган ишлаб чиқариш таркибida кўрсатилиади.

«Қайта сотиш учун товарлар» моддаси бўйича (150-сатр) ўз фаолиятини савдо ва умумий овқатланишда амалга оширадиган корхоналар харид қиласидиган товарлар қолдигининг қиймати кўрсатилиади. Бунда умумий овқатланиш корхонаси ушбу модда бўйича ошхона ва омборхоналардаги хом ашё қолдиқлари, буфетлардаги товарлар қолдиқларини ҳам акс эттиради.

Ушбу модда бўйича саноат корхоналари ва бошқа ишлаб чиқариш корхоналари сотиш учун маҳсус харид қилинган буюмлар, материаллар, озиқ-овқат маҳсулотларини, шунингдек саноат корхонасида бутлаш учун харид қилинадиган, ишлаб чиқариладиган

маҳсулот таннархига киритилмайдиган ва харидорларга алоҳида қайтариладиган тайёр буюмлар қийматини кўрсатишади.

Мазкур модда бўйича чакана савдо корхоналари товарларнинг харид қийматини кўрсатадилар, яъни товарларнинг сотилиш қийматидан савдо устамаси суммаси олиб ташланади.

«Бўлғуси даврлар харажатлари» моддаси бўйича (160-сатр) хисобот йилида қилинган, лекин улар тааллуқли бўлган муддат давомида харажатларга киритиш йўли билан кейинги хисобот даврларида сўндирилиши керак бўлган харажатлар суммаси кўрсатилади. Бундай харажатларга, шу жумладан, оммавий ахборот воситаларига обуна харажатлари, олдиндан тўланган ижара тўлови, манфий курс фарқи ва ҳоказолар киради.

«Пул маблағлари» моддаси бўйича (170-сатр) корхонанинг «Хисоб-китоб варафи», «Банклардаги маҳсус хисобвараклар», «Пул ҳужжатлари», «Йўлдаги ўтказмалар» хисобваракларида хисобга олинадиган пул маблағлари қолдиги сўмларда кўрсатилади. Баланснинг ушбу моддасида акс эттирилган суммалар банк кўчирмаларига мувофиқ келиши керак.

«Валюта маблағлари» моддаси бўйича (180-сатр) корхона банклардаги валюта хисобвараклари ва корхонанинг валюта кассасида бўлган, хисобот даврининг охирги санасида Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки курси бўйича миллий валютада баҳоланган валюта маблағлари қолдигини кўрсатади.

«Кассадаги пул маблағлари» моддаси бўйича (190-сатр) хисобот даврининг охирги санасида корхона кассаларида бўлган, миллий валютадаги пул маблағларининг қолдиги кўрсатилади.

«Қисқа муддатли молиявий қўйилмалар» моддаси бўйича (200-сатр) корхоналарга қисқа муддатли (бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга) молиявий қўйилмалар (инвестициялар), бошқа корхоналарнинг қимматли қоғозлари, давлат ва маҳалий заёмларнинг фоизли облигациялари ва ҳоказолар, шунингдек корхона томонидан бошқа корхоналарга берилган қарзлар кўрсатилади.

«Сотиб олинган ўз акциялари» моддаси бўйича (210-сатр) корхона томонидан чиқарилган ва кейин тарқатиш учун чиқарилган кунидан бошлаб бир йил давомида корхонада бўлган сотиб олинган ўз акцияларининг суммаси кўрсатилади. Сотиб олинган ўз акциялари «Пул ҳужжатлари» хисобварагида хисобга олинади. ННТ учун бу сатр тўлдирилмайди, чунки ННТ акциядорлик жамияти шаклида мавжуд бўла олмайди.

«Дебиторлар, жами» моддаси бўйича (220-сатр) 230-сатр+240-сатр+250-сатр+260-сатр+270-сатр+280- сатр+290-сатр+300-сатрлар йигиндиси кўрсатилади.

221-сатрда маълумот учун ҳисобот давридаги муддати кечикирилган дебиторлик қарзи кўрсатилади.

«Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар» моддаси бўйича (230-сатр) улар учун корхонанинг ҳисоб-китоб варагига (ёки бошқа ҳисобварағига) тўловлар келиб тушиши йўли билан ушбу қарзни сўндириш пайтига қадар буюртмачилар (харидорлар)га сотилган маҳсулот, товарлар, топширилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун қарз кўрсатилади.

«Бўнак тўловлари» моддаси бўйича (240-сатр) бўлажак ҳисоб-китоблар бўйича бошқа корхоналарга тўланган бўнаклар суммаси кўрсатилади. Берилган бўнаклар ҳисоби «Берилган бўнаклар бўйича ҳисоб-китоблар» ҳисобварағида юритилади.

«Бюджет билан ҳисоб-китоблар» моддаси бўйича (250-сатр) солиқлар, йиғимлар ва бюджетга бошқа тўловларга доир ортиқча тўловни қўшгандা молия ва солиқ органларининг қарзи кўрсатилади. Ушбу модда бўйича умумбелгиланган тартибда ҳисобга олинган қўшилган қиймат солигининг суммаси ҳам кўрсатилади.

«Ходимлар билан бошқа операциялар бўйича ҳисоб-китоблар» моддаси бўйича (260-сатр) корхона ходимларининг ушбу корхона маблағлари ёки банк кредити ҳисобига уларга берилган ссудалар ва қарзлар, корхонага етказилган моддий зарарни қоплаш бўйича ва ҳоказо қарзлари кўрсатилади. Хусусан, ушбу модда бўйича якка тартиbdаги ва кооператив уй-жой қурилишига ёки боғ уйчаларини харид қилиш ва боғ участкаларини ободонлаштиришга ссудалар, уй-жой шароитини яхшилаш ёки уй-рўзгор анжомларини сотиб олишга ёш оиласарга бериладиган фойзсиз ссудалар ва ҳоказо ссудалар акс эттирилади.

Баланс активи ва пассивида «Шульба ва тобе хўжалик жамиятлари билан ҳисоб-китоблар» моддаси бўйича (270-сатр ва 520-сатр) ҳисоби «Шульба корхоналар билан ҳисоб-китоблар» ҳисобварағида юритиладиган, шульба ва (ёки) тобе хўжалик жамиятлари билан жорий операциялар бўйича маълумотлар (балансларга ҳисоб-китоблар) акс эттирилади. Корхоналарни шульба ва (ёки) тобе корхоналарга киритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 67 ва 68-моддалари билан белгиланади. Шульба ва (ёки) тобе хўжалик жамиятлариiga инвестицияларнинг ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 1998 йил 14 октябрда 50-сон билан тасдиқлаган «Консолидацияланган моли-

явий ҳисоботлар ва шуъба хўжалик жамиятларига инвестициялар ҳисоби» Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (8-сон БХМС) (рўйхат рақами 580, 1998 йил 28 декабрь)га биноан бош жамиятнинг алоҳида молиявий ҳисбботига консолидацияланиши керак.

Баланс активи ва пассивида «Ички хўжалик ҳисоб-китоблари» моддаси бўйича (280-сатр ва 530-сатр) уларнинг ўзаро ҳисоб-китоблари ҳисоби «Ички хўжалик ҳисоб-китоблари» ҳисбварағида юритиладиган ваколатхоналар, филиаллар ва бошқа алоҳида юридик шахс бўлмаган бўлинмалар билан жорий операциялар бўйича маълумотлар кўрсатилади.

«Муассислар билан ҳисоб-китоблар» моддасида (290-сатр) масъул шахслар қарзи, қабул килиб олишда топилган таъминотчилар билан товар-оддий бойликлар камомади бўйича ҳисоб-китоблар қарзи кўрсатилади. Шунингдек бу моддада карздорларга тан олинган ёки суд ва бошқа органларнинг уларни ундириш ҳақидағи қарори олинган жарималар, пенялар ва неустойкалар кўрсатилади.

«II-бўлим бўйича жами» моддасида (310-сатр) куйидаги сатрлар йиғиндиси натижаси кўрсатилади: 120-сатр + 130-сатр + 140-сатр + 150-сатр + 160-сатр + 170-сатр + 180-сатр + 190-сатр + 200-сатр + 210-сатр + 220-сатр.

«Баланс активи бўйича жами» моддасида (320-сатр) 110- ва 310-сатрлар йиғиндиси сифатида олинган актив якуний суммаси кўрсатилади.

«Устав капитали (фонд)» моддасида (330-сатр) таъсис хўжатларида корхона муассисларининг омонатлари (хиссалари, номинал қиймати бўйича акциялар, пай бадаллари) мажмуаси сифатида қайд қилинган устав капиталининг миқдори кўрсатилади.

*ННТ учун мазкур сатр кўпинча тўлдирилмайди, чунки нотижорат ташкилотларига устав капитали яратишнинг маъноси йўқ (сабаблари ҳақида юқорида кўринг).*

«Кўшилган сармоя» моддасида (340-сатр) акцияларни номинал қийматидан юқори нарҳда биринчи сотища олинган эмиссион даромад суммаси кўрсатилади. Кўшилган сармоя ҳисоби «Устав капитали» ҳисбварағининг «Кўшилган сармоя» илова ҳисбварағида олиб борилади. *Бу кисмда ННТда кўшилган сармоя бўлиши мумкин эмас.*

Мазкур моддада шунингдек корхонанинг устав капиталини шакллантиришда юзага чиқадиган Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг таъсис хўжжатларини қайд қилиш санасига ва устав капиталига маблағларни ҳақиқий бадал қилиш санасига курслари орасидаги фарқ суммаси акс эттирилади.

«Резерв сармоя» моддасида (350-сатр) корхона низомига биндан мулкни қайта баҳолашда ҳосил бўладиган фойда ҳисобига яратиладиган резервлар суммаси кўрсатилади (корхона мулкини кўпайтирувчи пул маблағлари ва бошқа тушумлар бундан мустасно). Резерв сармоя ҳисоби «Устав капитали» ҳисобварағининг «Резерв сармоя» илова ҳисобварағида олиб борилади.

Мазкур моддада шунингдек божхона тўловлари, солиқлар ва бюджетга мажбурий тўловлар бўйича солиқ имтиёзлари суммаси ҳам маблағларни солиққа тортишдан озод қилинган қисмини имтиёз даври тугагач «Максадли молиялаш ва тушумлар» ҳисобварағидан «Устав капитали» ҳисобварағининг «Резерв капитал» илова ҳисобварағи кредитига ўчирилиш ва мақсадли вазифаларни бажаришга йўналтириш шарти билан акс эттирилади.

«Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)» моддасида (360-сатр) чораклик ҳисоботларда фойда-нетто, яъни тайёр маҳсулот, ярим фабрикатлар, сотиладиган буюмлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларни амалга оширишдан молиявий натижа, шунингдек «Давр харажатлари» ҳисобварағидан ҳисоб қилинадиган операцион даромад ва тушумлар, харажатлар, мазкур корхона на учун хос бўлмаган тасодифий фаолиятдан фойда ва даромадлар кўрсатиладиган «Фойдалар ва заарлар» ҳисобварағи билан корхона йил давомида солиқларни тўлашни кўрсатадиган «Фойда (даромад)дан ўтказилган ва тўланган солиқлар» ҳисобварағи орасидаги фарқ акс эттирилади.

Ҳисобот йили тугагач «Фойда (даромад)дан ҳисоблаб ёзилган ва тўланган солиқлар» ҳисобварағининг дебети бўйича ҳисобга олинган суммалар «Фойдалар ва заарлар» ҳисобварағи дебетига ўтказилади, «Фойда (даромад)дан ўтказилган ва тўланган солиқлар» ҳисобварағи ёпилади ва биринчи январга сальдога эга бўлмайди.

Ҳисобот йили соф фойдаси (зарари) қоладиган «Фойдалар ва заарлар» ҳисобварағи сальдони «Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)» ҳисобварағининг дебети (зарари)га ёки кредити (соф фойдаси)га ўтказиб ёпилади.

Йиллик ҳисоботда «Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)» ҳисобварағининг кредитига ўтказилган фойда 360-сатрда ҳам кўрсатилади. Шу билан бирга агар мазкур ҳисобварақда (алоҳида илова ҳисобварақда) аввалги йиллар тақсимланмаган фойдасининг қолдиги бўлган бўлса, у ҳолда тақсимланмаган фойданинг қолдиги суммаси олинади ва йигилган фҳисобот йили бўйича ойда кўрсатилади.

Агар корхона зарар қилган бўлса, у ҳолда чорак охирида бу зарар худди шу модда бўйича «минус» ишора билан кўрсатилади. Шунингдек, «Ҳисоблаб ёзилган ва тўланган фойда (даромад)га тўловлар» ҳисобварафи сальдосининг «Фойда ва заарлар» ҳисобварафи сальдосидан ортиқча суммаси ҳам «минус» ишораси билан кўрсатилади.

**ННТ учун сатр факат тадбиркорлик фаолияти олиб борилган дагина тўлдирилади.**

«Мақсадли молиялаш ва тушумлар» моддасида (370-сатр) бюджетдан, тармоқ ва нотармоқ маҳсус фонdlаридан, бошқа корхоналар, жисмоний шахслардан мақсадли тадбирларни амалга ошириш учун олинган ва «Мақсадли молиялаш ва тушумлар» ҳисобварафида ҳисобга олинган пул маблағлари қолдиклари кўрсатилади.

ННТ мазкур сатрда мақсадли характерга эга барча тушумларни кўрсатади.

Бюджеттага божхона тўловлари, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўшаган маблағларни мақсадли ишлатиш шарти билан озод қилинган корхона ва ташкилотлар қонунчиликка биноан мазкур модда бўйича умумий тартибда ҳисобга олинган, лекин бюджеттага ўtkazilmagan солиқлар суммасини акс эттирадилар.

Имтиёз даври тугагач маблағларни солиқка тортишдан озод килиш натижасида бўшаган ва «Мақсадли молиялаш ва тушумлар» ҳисобварафи кредити бўйича ҳисобга олинадиган суммаси «Устав сармояси» ҳисобварафининг «Захира сармоя» илова ҳисобварафига ҳисобдан чиқарилади.

«Бўлгуси харажатлар ва тўловлар захиралари» моддаси бўйича (380-сатр) харажатларни маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархига бир меъёрда киритиш мақсадида асосий воситаларни капитал таъмирашни амалга ошириш учун корхона томонидан захира қилинган маблағлар кўрсатилади. Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомга кўра капитал таъмираш ишларини бажариш учун захира Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг рухсатига биноан барпо этилади.

**ННТ учун бу сатр кўпинча тўлдирилмайди.**

«Бўлгуси даврлар даромадлари» моддаси бўйича (390-сатр) ҳисобот иилида олинган, лекин бўлгуси ҳисобот даврларига тааллукли маблағлар (ижара тўлови ва ҳоказо), шунингдек амалдаги тартибга мувоғик «Бўлгуси даврлар даромадлари» ҳисобварафида ҳисобга олинадиган бошқа суммалар кўрсатилади.

ННТ учун бу модда фақат тадбиркорлик фаолияти билан шүгүлланганда түлдирилади.

I бўйим бўйича жами» моддаси бўйича (400-сатр) 320-сатр+330-сатр+340-сатр+350-сатр+360-сатр+370-сатр+380-сатрлар суммаси кўрсатилади.

«Узоқ муддатли қарзлар» моддаси бўйича (410-сатр) бошка корхоналар ва муассасалардан (банклардан ташқари) олинган узоқ муддатли (сўндириш муддати бир йилдан ортиқ бўлган) қарзлар бўйича қарз суммалари кўрсатилади.

Ана шу модда бўйича ижарага берувчилар билан уларга узоқ муддатли ижарага шартларида берилган ва улар томонидан «Узоқ муддатга ижарага олинадиган асосий воситалар» ҳисобварағида ҳисобга олинадиган асосий воситалар учун ҳисоб-китоблар холати («Ижара мажбуриятлари» ҳисобварағи бўйича ҳисобга олинадиган ижарага берувчи олдидағи кредиторлик қарзи)ни акс эттиради.

«Банкларнинг узоқ муддатли кредитлари» моддаси бўйича (420-сатр) банклар билан келишилган ва улардан олинган узоқ муддатли (сўндириш муддати бир йилдан ортиқ бўлган) кредитлар бўйича қарз суммалари кўрсатилади.

«Қисқа муддатли қарзлар» моддаси бўйича (430-сатр) бошка корхоналар ва муассасалардан (банклардан ташқари) олинган, «Қисқа муддатли қарзлар» ҳисобварағида ҳисобга олинган қисқа муддатли (сўндириш муддати бир йилдан кам бўлган) қарзлар бўйича қарз суммалари кўрсатилади.

«Банкларнинг қисқа муддатли кредитлари» моддаси бўйича (440-сатр) банклар билан келишилган, улардан олинган (сўндириш муддати бир йилгача бўлган) кредитлар бўйича қарз суммалари кўрсатилади.

Ана шу мoddада ходимлар учун берилган, «Ходимлар учун банк кредитлари» ҳисобварағида ҳисобга олинган банк кредитлари акс эттирилади ва корхона томонидан якка тартибдаги уй-жой курилиши, боф уйчаларини куриш ва бошка мақсадларга ходимларга ссуда бериш учун, шунингдек кредитта соттан товарлари учун савдо ташкилотларига тўлаш учун олинган банк кредитлари бўйича қарз суммаси кўрсатилади.

«Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар» моддаси бўйича (450-сатр) «Олинган бўнаклар бўйича ҳисоб-китоблар» ҳисобварағида ҳисобга олинган бўлғуси ҳисоб-китоблар бўйича чет ташкилотлардан олинган бўнаклар суммаси кўрсатилади.

ННТ учун бу модда фақат тадбиркорлик фаолияти билан шүгүлланганда түлдирилади.

«Кредиторлар, жами» моддаси бўйича (460-сатр) 470-сатр+480-сатр+490-сатр+500-сатр+510-сатр+520-сатр+530-сатр+540-сатр+550-сатрларни кўшиш билан корхонанинг кредиторлик қарзи суммаси акс эттирилади.

461-сатрда маълумот учун ҳисобот даврида муддати кечиктирилган кредиторлик қарзи кўрсатилади.

«Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар» моддаси бўйича (470-сатр) келиб тушган моддий бойликлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчилардан қарзлар суммаси кўрсатилади.

«Бюджет бўйича қарз» моддаси бўйича (480-сатр) бюджетга тўловларнинг барча турлари, шу жумладан жисмоний шахсларнинг даромад солиги суммаси бўйича қарзлар кўрсатилади.

«Хукумат қарорларига кўра кечикирилган қарзлар» моддаси бўйича (481-сатр) Ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Хукумат комиссиясининг қарорига кўра бюджетга тўловлар кечикирилган ва (ёки) улар бўлиб-бўлиб тўлаш хуқуқи берилган бюджетга тўловлар бўйича қарзлар суммаси акс эттирилади.

«Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарз» моддаси бўйича ҳисоблаб ёзилган, лекин ҳали тўланмаган меҳнатга ҳақ тўлаш суммалари кўрсатилади.

Меҳнатга ҳақ тўлаш ва сугурталаш бўйича ҳисоб-китобларни акс эттирувчи ҳисобвараклар бўйича дебет сальдоси «Бошқа debtорларнинг қарзлари» моддаси бўйича баланс активида кўрсатилади.

«Мулкий ва шахсий сугурташ бўйича қарзлар» моддаси бўйича (500-сатр) ходимлари ва мол-мulkни мажбурий ва ихтиёрий сугурталаш бўйича тўловларга доир қарзлар кўрсатилади.

«Бюджетдан ташқари тўловлар бўйича қарзлар» моддаси бўйича (510-сатр) корхонанинг давлат мақсадли жамғармалари (Республика йўл жамғармаси, Ўзбекистон Республикасининг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Давлат бандликка кўмаклашиш жамғармаси)дан, шунингдек қонунда белгиланган тартибиға мувофиқ Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси кентгашидан қарзлари кўрсатилади.

Мазкур модда бўйича ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Хукумат комиссиясининг қарорига кўра давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар кечикирилган ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлаш хуқуқи берилган давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарзлар суммаси ҳам аке эттирилади.

«Бошқа кредиторлар» моддаси бўйича (540-сатр) корхонанинг кредиторлар гурухи бошқа моддалари бўйича ўз аксини топмаган ҳисоб-китоблар бўйича қарзи кўрсатилади.

«Ил бўлим бўйича жами» моддаси бўйича (550-сатр) 400-сатр+410-сатр +420-сатр +430-сатр +440-сатр +450-сатр +460-сатрларни қўшиш натижаси кўрсатилади.

«Баланс пассиви бўйича жами» моддаси бўйича (560-сатр) 400

ва 550-сатрлар бўйича суммалар натижаси сифатида олинган пас-  
сивнинг якуний суммаси акс эттирилади.

### 9.3. Молиявий натижалар ҳақида ҳисобот (2-сон шакл)

ННТ учун мазкур шакл факат тадбиркорлик фаолияти билан шуғул-  
лангандағина тўлдирилиши керак, чунки шу ҳолатдагина ННТ да даро-  
мад ва ҳаражатларни ҳисобга олиш ҳисобвараги ишга туширилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг  
2002 йил 7 февралдаги 31-сон буйруғига 2-  
сон илова, ЎзР АВ томонидан 2002 й. 19  
марта рўйхатга олинган N 1117.

Приложение N 2 к Приказу министра финансов от 7 февраля 2002 г. N 31, зарегистрированному МЮ 19 марта 2002 года N 1117

### МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ - 2-сон

#### ОТЧЕТ О ФИНАНСОВЫХ РЕЗУЛЬТАТАХ - форма N 2

1 январдан 200 йилгача  
с 1 января по 1 200 года

□□□□□□□□□□

Корхона, ташкилот \_\_\_\_\_  
Предприятие, организация  
\_\_\_\_\_

Тармоқ (фаолият тури)  
Отрасль (вид деятельности)  
\_\_\_\_\_

Давлат мулкини бошқариш  
органи  
Орган управления  
государственным имуществом  
\_\_\_\_\_

Ўлчов бирлиги, минг сўм  
Единица измерения, тыс. сум.

Манзил  
Адрес  
\_\_\_\_\_

БХУТ бўйича 2 шакл Форма N 2 по ОКУД Сана (йил, ой, кун) Дата (год, число, месяц)	<u>0710002</u>
КТУТ бўйича по ОКПО	<u>  </u>
ХХТУТ бўйича по ОКНХ	<u>  </u>
КТУТ бўйича по ОКПО	<u>  </u>
Назоратдаги сумма	<u>  </u>
Контрольная сумма	<u>  </u>
Жўнатилган сана	<u>  </u>
Дата высылки	<u>  </u>
Кабул қилинган сана	<u>  </u>
Дата получения	<u>  </u>
Топшириш муддати	<u>  </u>
Срок представления	<u>  </u>

Кўрсаткичларнинг номи Наименование показателя	Сатор рака- ми N ст- рок	Етган йилнинг шу даврида. За соответствую- щий период прошлого года	Ҳисобот даврида За отчетный период			
			Даро- мадлар (фойда) Доходы (при- быль)	Хара- жатлар (зарар) Рас- ходы (убыт- ки)	Даро- мадлар (фойда) Доходы (при- быль)	Хара- жатлар (зарар) Рас- ходы (убыт- ки)
Максулот (иш, хизмат) сотишдан тушган тушум Выручка от реализации продукции (работ, услуг)	010			x		x
Кўшилган қиймат солиги Налог на добавленную стоимость	020	x			x	
Акциз солиги Акцизный налог	030	x			x	
Экспорт бўйича божхона божлари Экспортные таможенные пошлины	040	x			x	
Максулот (иш, хизмат) ларни сотишдан олинган соғ тушум (010-020-030-040) Чистая выручка от реализации продукции (работ, услуг) (010-020-030-040)	050					
Сотилган максулот (иш, хизмат) ларнинг ишлаб чиқариш таннаҳхи Производственная себестоимость реализованной продукции (работ, услуг)	060	x			x	
Максулот (иш, хизмат) ларни сотишдан тушган ялпи фойда (зарар) (050-060) Валовая прибыль (убыток) от реализации продукции (работ, услуг) (050-060)	070					
Сотиш харажатлари Расходы по реализации	080	x			x	
Мамурий харажатлар Административные расходы	090	x			x	
Асосий фаолиятнинг бошка жараёнларидан даромадлари ва харажатлари Прочие операционные расходы и доходы от основной деятельности	100					
Келгусида соликка тортиладиган базадан чиқариладиган ҳисобот даври харажатлари Расходы отчетного периода, исключаемые из налогооблагаемой базы в будущем	105	x			x	

**(210) Молиявий ҳисоботлар**

Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари) (070-080-090-105+100)	110				
Прибыль (убыток) от основной деятельности (070-080-090-105+100)					
Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларидан олинган дивидендлар Дивиденды, полученные от дочерних и зависимых хозяйственных обществ	120		x		x
Бошқа олинган дивидендлар Прочие дивиденды полученные	125		x		x
Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларидан олинган ва берилган карзлар бўйича фоизлар Проценты по займам, полученным и выданным дочерним и зависимым хозяйственным обществам	130				
Бошқа тўланган ва олинган фоизлар Прочие проценты уплаченные и полученные	135				
Валюта курс фарки Курсовые валютные разницы	140				
Молиявий фаолият бўйича бошқа даромад ва ҳаражатлари Прочие доходы и расходы по финансовой деятельности	145				
Умумхужалик фаолиятининг фойдаси (зарари) (110+120+125+130+135+140+145)	150				
Прибыль (убыток) от общехозяйственной деятельности (110+120+125+130+135+140+145)					
Фавқулоддаги фойда ва зарар Чрезвычайные прибыли и убытки	160				
Даромад (фойда) солиги тўлангунга қадар фойда (зарар) (150-/+160)	170				
Прибыль (убыток) до уплаты налога на доход (прибыль) (150-/+160)					
Даромад (фойда) дан солик Налог на доходы (прибыль)	180	x		x	
Юқоридаги моддаларга кирмайдиган бошқа солик ва ажратмалар Прочие налоги и отчисления, не входящие в вышеперечисленные статьи	190	x		x	
Ҳисобот давридаги соф фойда (зарар) (170-180-190)	200				
Чистая прибыль (убыток) отчетного периода (170-180-190)					

**БЮДЖЕТГА ТҮЛАНМАЛАР ТҮФРИСИДА МАЪЛУМОТ**  
**СПРАВКА О ПЛАТЕЖАХ В БЮДЖЕТ**

Кўрсаткичнинг номи Наименование показателя	Сатр коди № стро- ки	Ҳисоб- ланган микдор Причитается по расчету	Хақиқатда тўланган Фактически внесено
Даромад (фойда) дан солик шу жумладан: Налог на доходы (прибыль) в том числе:	210		
юридик шахслардан с юридических лиц	211		
жисмоний шахслардан с физических лиц	212		
Ялпи даромаддан солик Налог на валовой доход	220		
Ягона ер солиги Единый земельный налог	230		
Ягона солик Единый налог	240		
Кўшилган қиймат солиги Налог на добавленную стоимость	250		
Акциз солиги Акцизный налог	260		
Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солик Налог за пользование недрами	270		
Экология солиги Экологический налог	280		
Сувдан фойдаланиш тўловлари Налог за пользование водными ресурсами	290		
Экспорт бўйича божхона божлари Экспортные таможенные пошлины	300		
Импорт бўйича бож тўловлари Импортные пошлины	310		
Мол-мулк солиги Налог на имущество	320		

Ер солиги (ер учун тўланма) Земельный налог	330		
Реклама солиги Налог на рекламу	340		
Инфраструктурни ривоҷлантириш солиги Налог на развитие инфраструктуры	350		
Бошқа соликлар Прочие налоги	360		
Мақаллий бюджетга тўланмалар Платежи в местный бюджет	370		
Бюджет тўловларининг кечикирилиши туфайли белгиланган молиявий огоҳлантиришлар Финансовые санкции за просроченные платежи в бюджет	380		

Рахбар

Руководитель \_\_\_\_\_

Бош бухгалтер

Главный бухгалтер \_\_\_\_\_

«Маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотилишидан тушум» моддаси бўйича (010-сатр) корхона ва ташкилотлар, харидор ва буюртмачилар томонидан тушум таркибида тўланадиган соликлар билан биргаликда маҳсулот ва товарларни сотишдан, иш ва хизматлар учун бутун тушумни (қайтарилган товарлар ва тайёр маҳсулотлар кийматини, сотиш нархларидан харидор чегирмаларини чиқариб ташлаб) акс эттирадилар.

010-сатр «Маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотилиши» ҳисобва-  
рафининг кредит обороти маълумотлари бўйича тўлдирилади.

Асосий фаолияти мол-мулкни ижарага бериш ҳисобланган корхона ва ташкилотлар 010-сатр бўйича ҳисоблаб ёзилган ижара тўлови суммасини (молиявий ижара (лизинг)дан ташқари) акс эттирадилар. Мазкур ижара тўлови бўйича ККС суммаси 020-сатрда акс эттирилади.

«Қўшилган киймат солиги» моддаси бўйича (020-сатр) қўшилган киймат солигини тўловчи корхоналар реализация ҳисобва-

рафи бўйича тушум таркибida ҳисобга олинган ва «Махсулот (ишлар, хизматлар) сотилиши» ҳисобвараги дебети ва «Бюджет билан ҳисоб-китоблар» ҳисобвараги кредити бўйича «Қўшилган қиймат солиги бўйича ҳисоб-китоблар» илова ҳисобварагида кўрсатилган суммани акс эттирадилар. Қўшилган қиймат солигини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш Ўзбекистон Республикасининг солик қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.

«Акциз солиги» моддаси бўйича (030-сатр) акциз солигини тўловчи корхоналар реализация ҳисобвараги бўйича тушум таркибida ҳисобга олинган ҳамда «Махсулот (ишлар, хизматлар) сотилиши» ҳисобвараги дебети ва «Бюджет билан ҳисоб-китоблар» ҳисобвараги кредити бўйича «Акциз солиги бўйича ҳисоб-китоблар» илова ҳисобварагида кўрсатилган суммани акс эттирадилар. Акциз солигини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш Ўзбекистон Республикасининг солик қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.

040-сатрда экспорт божхона тўловлари акс эттирилади.

«Махсулот (ишлар, хизматлар) сотилишидан олинган соф тушум» моддаси бўйича (050-сатр) маҳсулот, товарлар, ишлар, хизматлар сотилишидан, шунингдек корхонанинг ёрдамчи, кўмакчи ва хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлари маҳсулотини четга сотишдан олинган молиявий натижага кўрсатилади. Маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотилишидан олинган соф тушум ҳисобот даврининг 020, 030, 040-сатрлари кўрсаткичларига камайтирилган 010-сатрдаги кўрсаткичига tengdir.

060-«Сотилган маҳсулот, ишлар, хизматларнинг ишлаб чиқариш таннаҳи» сатри бўйича (060-сатр) Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ «Асосий ишлаб чиқариш», «Ёрдамчи ишлаб чиқариш», «Хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликлар» ҳисобваракларида харажатларни умумлаштириш йўли билан олинган сумма кўрсатилади. Савдо ташкилотлари ушбу сатр бўйича сотилган товарларнинг харид қийматини акс эттирадилар. Товар оборотида (товарларни қабул қилиш ва сотиш) иштирок этмасдан, хизматлар учун тўлов сифатида даромад оладиган воситачи ташкилотлар бу сатрни тўлдирмайдилар.

060-сатр «Махсулот (ишлар, хизматлар) сотилиши» ҳисобварагининг дебет обороти маълумотлари бўйича «Тайёр маҳсулот» ёки «Товарлар» ҳисобвараклари билан корреспонденцияда тўлдирилади.

«Маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотилишидан ялпи фойда (зарар)» (070-сатр) сотишдан соф тушум билан ишлаб чиқариш таннархи ўртасидаги фарқ (050-сатр - 060-сатр) сифатида белгиланади.

080-«Сотиш харажатлари», 090-«Маъмурий харажатлар», 100-«Асосий фаолият бўйича бошқа операцион харажатлар ва даромадлар» (харажатлар қисмида) ва 105-«Келгусида солиқ солинадиган базадан чиқариб ташланадиган ҳисобот даври харажатлари» сатрлари «Фойда ва заарлар» ҳисобварағининг «Давр харажатлари» илова ҳисобварағида умумлаштирилган ҳисоб маълумотлари бўйича тўлдирилади. 100-сатрнинг операцион даромадлар қисми «Фойда ва заарлар» ҳисобварағининг «Операцион даромадлар ва тушумлар» илова ҳисобварағининг маълумотлари бўйича тўлдирилади.

Асосий фаолиятга доир фойда (зарар)ни белгилаш учун («Асосий фаолиятга доир фойда (зарар)» моддасининг 110-сатри) маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотилишига доир ялпи фойда (зарар)дан (070-сатр) сотиш харажатлари (080-сатр), маъмурий харажатлар (090-сатр), бошқа операцион харажатлар (100-сатр 6-устуни) суммаси, келгусида солиқ солинадиган базадан чиқариб ташланадиган ҳисобот даври харажатлари суммаси (105-сатр) чегирилади ва бошқа операцион даромадлар суммаси қўшилади (100-сатр 5-устуни).

120 («Шульба ва тобе хўжалик жамиятларидан олинган дивиденdlар»), 125 («Олинган бошқа дивиденdlар»), 130 («Олинган ва шульба ҳамда тобе хўжалик жамиятларига берилган қарзлар бўйича фоизлар»), 135 («Олинган ва тўланган бошқа фоизлар»), 140 («Валюта курсидаги фарқлар»), 145 («Молиявий фаолиятга доир бошқа даромадлар ва харажатлар») - ҳисобот сатрлари «Фойда ва заарлар» ҳисобварағининг «Молиявий фаолиятга доир фойда ва заарлар» илова ҳисобварағида умумлаштирилган маълумотлар бўйича тўлдирилади.

«Умумхўжалик фаолиятига доир фойда (зарар)» (150-сатр) - асосий фаолиятга доир фойда (зарар) қўшув (ёки айирув) корхонанинг молиявий фаолиятига доир натижалар.

160-сатр («Фавқулодда фойда ва заарлар») «Фойда ва заарлар» ҳисобварағининг «Фавқулодда фойда ва заарлар» илова ҳисобварағининг маълумотлари бўйича тўлдирилади.

170-сатрда 150 ва 160-сатрларни қўшиш натижаси (+/- белгисини ҳисобга олиб) сифатида олинган «Даромад (фойда) солинини тўлашга қадар фойда (зарар)» кўрсатилади. Ушбу сатр на-

тижаси даромад (фойда) солигини ҳисоблаш чоғида асос ҳисобланади.

180-«Даромад (фойда) солиги» сатри бўйича бюджетга тўланадиган ва «Ҳисоблаб ёзилган ва тўланган фойда (даромад) соликлари» ҳисобвараги дебети бўйича ҳисобга олинган, ҳисобот даври бошидан ҳисоблаб ёзилган даромад (фойда) солиги суммаси кўрсатилади.

190-«Юқорида саналган моддаларга кирмайдиган бошқа соликлар ва ажратмалар» сатри бўйича йил бошидан ҳисоблаб ёзилган, бюджет ва давлат мақсадли жамғармаларига тўланиши керак бўлган, корхона томонидан фойда ҳисобига тўланадиган ва ҳисобот шаклининг юқорида саналган моддаларида акс этмаган солик ва ажратмалар суммаси акс эттирилади.

Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ солик солишнинг алоҳида тартиби назарда тутилган корхона ва ташкилотлар 190-сатр бўйича ҳисоблаб ёзилган ягона солик, ялпи даромад солиги, ягона ер солиги суммасини акс эттирадилар.

200-«Ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари)» сатри бўйича корхоналар 170-сатр - 180-сатр - 190-сатрлар фарқи сифатида олинган тақсимланмаган соф фойда (ёки қопланмаган зарар) суммасини кўрсатадилар.

210-380-«Бюджетга тўловлар тўғрисида маълумотнома» сатрларбда корхоналар ва ташкилотлар томонидан солик қонунчилигига мувофиқ ҳисоблаб ёзиладиган ҳамда бюджетга тўланадиган тўловлар кўрсатилади.

#### **9.4. Асосий воситаларнинг ҳаракати тўғрисида ҳисобот (З-сон шакл)**

Асосий воситаларнинг ҳаракати тўғрисида ҳисоботда корхона асосий воситаларнинг мавжудлиги ва ҳаракати кўрсатилади.

3-устун ва 6-устунда корхонанинг балансида қайд этилган барча асосий воситалари қиймати (тегишлича ҳисобот даврининг боши ва охиридаги ҳолат бўйича), шу жумладан ижарага топширилган, бепул тақдим этилган ёки ишлатилмаётган (консервация, захирада бўлган ва ҳоказо) асосий воситалар айрим турлари ҳам акс эттирилади. Маълумотлар дастлабки қиймат бўйича келтирилади.

4-устунда ҳисобот даврида асосий воситаларнинг умумий ҳолати барча манбалар бўйича акс эттирилади, шу жумладан: қўшимча баҳолаш, илгари ҳисобга олинмаган, ҳақ эвазига харид қилинган воситалар, оборотдаги воситалардан асосий воситаларга ўтиш, бошқа корхоналар ва ташкилотлардан бепул тушумлар (агар

баланс йил бошида ўзгарган бўлса), шунингдек ҳисобот йилида молиялашнинг барча манбалари бўйича ишга туширилган янги асосий воситалар, шу жумладан банк кредитлари ҳисобига кирим қилинган воситалар.

5-устунда ҳисобот йилида асосий воситаларнинг умумий чиқиб кетиши акс эттирилади, шу жумладан: нархни тушириш, ортиқча ва ишлатилмайдиган мол-мулкни сотиш тартибида пулга сотилган асосий воситалар, асосий воситалардан оборот воситалар сирасига ўтказиш, бошқа корхона ва ташкилотларга бепул берилгандар, шунингдек ҳисобот йилида тўзилиши ва эскириши, табиий оғатлар ва авариялар оқибатида, таъмирлаш ва янги курилиш сабабли ва бошқа сабабларга кўра тугатилган асосий воситаларнинг тўлиқ қиймати (эскиришни чегирмасдан).

7-устун ва 10-устунда йил бошидаги ва ҳисобот даври охиридаги ҳолат бўйича асосий воситалар турларига доир жамланган эскириш суммаси акс эттирилади.

8-устунда ҳисобот даврида барча манбалар бўйича асосий воситаларнинг ҳисоблаб ёзилган эскириш суммаси, шу жумладан қўшимча баҳолаш чоғида эскиришни қўшимча ҳисоблаш, илгари ҳисобга олинмаган эскириш, илгари фойдаланишда бўлган асосий воситалар бўйича эскириш акс эттирилади.

9-устунда асосий воситаларни тугатиш, сотиш ва уларнинг бошқача чиқиб кетиши жараёнида чиқиб кетган воситалар бўйича ҳисоблаб ёзилган эскириш акс эттирилади.

11-устунда асосий воситаларнинг йил бошида 3-устун ва 7-устун маълумотлари ўртасидаги айирма натижаси сифатида олинган қолдик қиймати акс эттирилади.

12-устунда асосий воситаларнинг ҳисобот даври охирида 6-устун ва 10-устун маълумотлари ўртасидаги айирма натижаси сифатида олинган қолдик қиймати акс эттирилади.

«Жами асосий воситалар» моддаси бўйича ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш асосий воситаларининг харакати алоҳида сатрлар бўйича кўрсатилади.

Ишлаб чиқариш асосий воситаларига саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш, курилиш, қишлоқ хўжалиги, савдо ва умумий овқатланиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш ва моддий ишлаб чиқариш соҳасига тааллуқли бошқа фаолият турлари билан боғлик воситалар киради.

Ноишлаб чиқариш асосий воситаларига уй-жой ва коммунал хўжалик, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, ижтимоий таъминот, халқ таълими, маданиятга оид ва ҳоказо воситалар киради.

«Тугалланмаган қурилиш» моддаси бўйича (140-сатр) пудрат ва хўжалик усули билан бажариладиган обьектлар қурилишига, шунингдек асосий воситаларни харид қилишга доир корхона харажатларининг ҳаракати акс эттирилади.

Кичик бўлимнинг 4-устунида обьектлар қурилиши (пудрат ташкилотларининг тўлашга қабул қилинган ва тўланган тўловномали) ва асосий воситаларни харид қилишга доир корхона қилган харажатлар кўрсатилади.

Кичик бўлимнинг 5-устунида фойдаланишга топширилган қурилиш обьектлари ва харид қилинган асосий воситаларнинг, шунингдек асосий воситалар қийматини кўпайтирамайдиган ҳисобдан чиқарилган харажатларининг қиймати кўрсатилади.

«МАЪЛУМОТ УЧУН» кичик бўлимида кўрсатилади:

а) 150-сатр бўйича - йил давомида харид қилинган асосий воситаларнинг қиймати;

б) 151 - 153-сатрлар бўйича - корхона томонидан йил давомида обьектлар қурилишини молиялашга ва манбалар гурухлари бўйича асосий воситаларни харид қилишга ишлатилган маблағларни очиб бериш;

в) 160-сатр бўйича - бошқа корхоналарга ижарага берилган корхона асосий воситалари алоҳида турларининг қиймати (маълумотлар асосий воситалар қандай акс эттирилган бўлса, барча устунлар бўйича келтирилиши керак);

г) 170-сатр бўйича - ижарадаги корхона таркибида қайд этилган, ижарага олинган алоҳида турлардаги ва умуман асосий воситалар қиймати (маълумотлар асосий воситалар қандай акс эттирилган бўлса, барча устунлар бўйича келтирилиши керак).

## 9.5. Пул оқимлари тўғрисида ҳисбот (4-сон шакл)

Пул оқимлари тўғрисида ҳисботда корхонанинг молия ресурсларида барча ўзгаришлар пул оқимлари ҳаракати нуқтаи назаридан акс эттирилади. Ушбу ҳисбот тижорат корхоналари учун мўлжалланган, чунки қолган ҳисбот шаклларини тузишда ҳисоблаб ёзиш усули ишлатилишини ҳисобга олган ҳолда инфляция шароитида корхона ликвидлигини янада обьектив баҳолаш имконини беради.

Жорий хўжалик, инвестицион ва молиявий фаолиятнинг боришида пул маблағларининг барча ўзгаришлари шундай акс эттириладики, бу хол ҳисбот даврининг боши ва охирида пул маблағлари қолдиклари ва улар эквивалентлари (яъни қисқа муддатли, юқори ликвидли, маълум суммадаги пул маблағларига эр-

кин айлантириладиган, қиймати ўзгариш қаторига озгина учрайдиган инвестициялар) ўртасидаги ўзаро боғлиқликни белгилаш имконини беради.

«Харидорлардан олинган пуллар» моддаси бўйича (010-сатр) сотилган маҳсулот, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун корхонанинг банқдаги ҳисобварақларига ҳисбот даврида келиб тушган маблағлар суммаси кўрсатилади.

*ННТ учун бу модда факат тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланганда тўлдирилади.*

«Мол етказиб берувчиларга тўланган пуллар» моддаси бўйича (011-сатр) мол етказиб берувчиларга моддий бойликлар ва хизматлар (телефон, телеграф ва ҳоказо) учун тўланган пул маблағлари суммаси кўрсатилади, тўланиши тегишлича 040- ва 041-сатрларда акс этириладиган узок муддатли активларни харид қилишга тўловлардан ташқари.

«Хизматчиларга ва хизматчилар номидан тўланган пуллар» моддаси бўйича (012-сатр) ходимларга тўланган пул маблағлари суммаси (мехнатга ҳақ тўлаш кўрининишида), шунингдек давлат мақсадли жамғармаларига тўланган маблағлар суммалари, бюджетта тўланган жисмоний шахслар даромад солиғи, алиментлар, уй-жой фондига, ходимларга берилган банк кредитлари учун тўлов, корхонанинг ходимларга кўрсатиладиган хизматларга ҳақ тўлаши ва кассадан ҳамда ходимлар билан ва улар номидан операцияларга тўғри келадиган банк ҳисобварақларидан бошқа сарфлар ва пул маблағлари ҳамда уларнинг эквивалентларини сарфлаш билан боғлиқ қолган сарфлар кўрсатилади.

«Бошқа пул тўловлари ва тушумлари» моддаси бўйича (013-сатр) «Чиқим» устунида роялти, турли хил тақдирлашлар, комиссион йигимлар ва бошқа даромадларнинг тўланган пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари суммаси, савдо ва дилерлик мақсадларида тузилган контрактлар бўйича комиссион тўловлар, конвертациялагани учун банкка комиссион тўловлар ва ҳоказолар кўрсатилади, «Кирим» устунида эса уларнинг олинган суммалари кўрсатилади.

*ННТ бу модда бўйича мақсадли молиялаш сифатида келган маблағларни акс эттиради.*

«Жами соф пул оқими/хўжалик фаолиятидан чиқим» моддаси бўйича (014-сатр) «Кирим» устуни бўйича «+» ва «Чиқим» устуни бўйича «-» белгисининг таъсирини ҳисобга олган ҳолда 010, 011, 012, 013-сатрларни кўшиш натижаси кўрсатилади.

«Олинган фоизлар» моддаси бўйича (020-сатр) ва «Тўланган фоизлар» моддаси бўйича (021-сатр) тегишлича банк ҳисобварақ-

ларига ва корхона кассасига олинган сумма ҳамда тўланадиган фоизлар суммаси кўрсатилади. Олинган ва тўланган фоизлар ҳисоби «Фойда ва заарлар» ҳисобварагининг «Молиявий фаолиятга доир фойда ва заарлар» илова ҳисобварагида юритилади.

«Олинган дивидендлар» (022-сатр) моддаси ва «Тўланган дивидендлар» моддаси (023-сатр) бўйича пул маблағлари ҳамда пул эквивалентлари кўринишида олинган ва тўланган дивидендлар суммаси кўрсатилади.

«Жами соф пул оқими/фойдадан инвестициялар ва молиявий хизматга чиким» моддаси бўйича (024-сатр) «Кирим» устуни бўйича «+» ва «Чиким» устуни бўйича «-» белгисининг таъсирини ҳисобга олган ҳолда 020, 021, 022, 023-сатрларни қўшиш натижаси кўрсатилади.

«Тўланган даромад (фойда) солиги» моддаси бўйича (030-сатр) тўланган даромад (фойда) солиги суммаси кўрсатилади.

ННТ учун бу модда факат тадбиркорлик фаолияти билан шугулланганда тўлдирилади.

«Тўланган бошқа солиқлар» моддаси бўйича (031-сатр) барча тўланган солиқлар, божлар ва уларга тенглаштирилган йигимлар ва ажратмалар, юридик ва жисмоний шахсларнинг даромад (фойда) солиқлари бундан мустасно, суммаси кўрсатилади.

«Жами тўланган солиқлар» моддаси бўйича (032-сатр) 030 ва 031-сатрлар суммаси акс эттирилади.

«Номоддий активларнинг харири ва сотилиши» моддаси бўйича (040-сатр) «Чиким» устунида номоддий активларни харид қилиш учун мол етказиб берувчига тўланган (шу жумладан, олдиндан тўланган) пул маблағлари ва эквивалентлари суммаси кўрсатилади. «Кирим» устунида номоддий активларни сотиш улар учун бошқа сотиш ҳисобланган корхоналар номоддий активларни сотганлик учун келиб тушган маблағлар суммаси (шу жумладан, билосита солиқлар суммаси) ни акс эттирадилар.

«Узок муддатли моддий активларни харид қилиш ва сотиш» моддаси бўйича (041-сатр) «Чиким» устунида узок муддатли моддий активлар - кўчмас мулк, бинолар, ускуналар ва бошқа асосий воситаларни харид қилганлик учун мол етказиб берувчига тўланган (шу жумладан, олдиндан ҳак тўлаш билан) пул маблағлари ҳамда уларнинг эквивалентлари суммаси кўрсатилади. «Чиким» устунида узок муддатли моддий активларни сотиш улар учун бошқа сотиш ҳисобланган корхоналар узок муддатли моддий активларни сотишдан келиб тушган маблағлар суммасини (шу жумладан, билосита солиқлар суммасини) акс эттирадилар.

«Харид қилинган ва қўйилма қилинган узоқ муддатли ва қисқа муддатли қўйилмалар» моддаси бўйича (042-сатр) «Чиқим» устунида шу жумладан воситачиларга қимматли қоғозлар хариди учун тўланган комиссион пуллар суммаси ва биржада тўланган фоизлар кўрсатилади. «Кирим» устунида ўзиники бўлмаган эмиссияланган қимматли қоғозларни сотишдан тушган маблағлар суммаси, шунингдек банклар ва бошқа юридик шахсларнинг қисқа муддатли ва узоқ муддатли ссудалари ҳамда қарзлари акс эттирилади.

Тажриба-конструкторлик ишларига капиталлаштирилган харажатлар билан боғлиқ тўловлар ҳам ушбу модда бўйича акс эттирилади.

«Жами соф пул оқими/инвестиция фаолиятидан чиқим» моддаси бўйича (043-сатр) «Кирим» устунида «+» ва «Чиқим» устунида «-» белгисининг таъсирини ҳисобга олган ҳолда 040, 041, 042-сатрларни кўшиш натижаси кўрсатилади.

«Жами соф пул оқими/молиялашгача чиқим» моддаси бўйича (044-сатр) «Кирим» устуни бўйича «+» ва «Чиқим» устуни бўйича «-» белгисининг таъсирини ҳисобга олган ҳолда 014, 024, 032, 043-сатрларни кўшиш натижаси кўрсатилади.

«Сармояга акциялар чиқаришдан тушумлар» моддаси бўйича (050-сатр) ҳисбот даврида чиқарилган акциялар учун акциядорлардан келиб тушган пул маблағлари суммаси акс эттирилади.

**ННТ учун бу модда тўлдирилмайди.**

«Узоқ муддатли ва қисқа муддатли қарзлар (ссудалар) келиб тушиши» моддаси бўйича (051-сатр) «Кирим» устунида ҳисбот даврида келиб тушган, «Чиқим» устунида тўланган кредит ва қарзларнинг пул маблағлари суммаси кўрсатилади.

«Ижара мажбуриятлари бўйича тўловлар» моддаси бўйича (052-сатр) «Чиқим» устунида изярага берувчига тўланган, «Кирим» устунида изярачидан келиб тушган пул маблағлари ва улар эквивалентлари суммаси кўрсатилади.

«Жами соф оқим/молиявий фаолиятдан чиқим» моддаси бўйича (053-сатр) «Кирим» устунида «+» ва «Чиқим» устунида «-» белгиларининг таъсирини ҳисобга олган ҳолда 050, 051, 052-сатрлар суммаси кўрсатилади.

«Соф ўсиш/пуллар ва пул эквивалентларининг камайиши» моддаси бўйича (060-сатр) қўйидаги сатрлар суммасининг натижаси сифатида (+/- белгилари таъсирини ҳисобга олган ҳолда) олинган кирим ёки чиқим суммаси (тегишлича «Чиқим» ёки «Кирим» устунида) кўрсатилади: 044-сатр+053-сатр.

«Ҳисбот даври бошидаги ҳолат бўйича пул маблағлари ва пул эквивалентлари» моддаси бўйича (070-сатр) олдинги йилнинг 31

декабридаги ҳолат бўйича пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобваракларида (50, 51, 52, 55, 56, 57, 58) пул маблағлари қолдиқлари суммаси ва корхона балансида қайд этилган қисқа муддатли қимматли қофозлар қиймати кўрсатилади.

«Ҳисобот даври охиридаги ҳолат бўйича пул маблағлари ва пул эквивалентлари» моддаси бўйича (080-сатр) ҳисобот даврининг охирги тақвимий санасидаги ҳолат бўйича пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобваракларида (50, 51, 52, 55, 56, 57, 58) пул маблаглари қолдиқлари суммаси ва корхона балансида қайд этилган қисқа муддатли қимматли қофозлар қиймати кўрсатилади.

«Валюта маблағлари ҳаракати» бўлимида ҳисобот йилида корхона валюта маблағларининг ҳаракати кўрсатилади.

Валюта ҳисобвараги бўлмагандан бу бўлим тўлдирилмайди.

Валюта маблағлари Ўзбекистон Республикаси валютасида ҳисобот даврининг охирги санасидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича акс эттирилади.

«Йил бошидаги қолдиқ» моддаси бўйича (090-сатр) йил бошида корхона валюта ҳисобваракларида ва кассасида бўлган валюта маблағлари суммаси кўрсатилади.

«Жами келиб тушди» моддаси бўйича (100-сатр) йил бошидан валюта тушумлари умумий суммаси, «Шу жумладан:» моддаси бўйича эса валюта маблағларини олиш манбалари кўрсатилади:

а) 101-сатр - «сотишдан тушум» - йил бошидан корхона олган валюта тушуми суммаси;

б) 102-сатр - «конвертацияланган» - биржадан ташқари валюта бозорида сотиб олинган валюта суммаси;

в) 103-сатр - «олинган кредит» - хорижий валютада олинган кредит суммаси;

г) 104-сатр - «бошқа манбалар» - 101 - 103-сатрларда санаб ўтилмаган манбалар ҳисобига корхонанинг валюта ҳисобвараклари ва кассасига бошқа валюта тушумлари суммаси.

«Жами сарфланган» моддаси бўйича (110-сатр) корхона томонидан турли мақсадларга сарфланган валюта маблағларининг умумий суммаси акс эттирилади. Вапотани сарфлаш йўналишларини санаш «Шу жумладан:» моддаси бўйича 111 - 114-сатрларда очиб берилади:

а) 111-сатр - «маҳсулот таннархи ва давр харажатларига киритиладиган харажатлар» - маҳсулот таннархи ва давр харажатларига киритилган сарфланган валюта маблаглари суммаси. Масалан, банк хизматларига ҳақ тўлаш;

б) 112-сатр - «мол етказиб берувчиларга тұловлар» - хом ашё, материаллар, товарлар ва башқа оборот маблағларни харид қилишга сарфланган валюта маблағлари суммаси;

в) 113-сатр - «кредиторлар бүйича тұловлар, шу жумладан фоизлар» - валюта кредитлари бүйича кредитларни сүндиришшаға ва фоизларни тұлашып сарфланган валюта маблағлари суммаси;

г) 114-сатр - «башқа мақсадларга» - 111 - 114-сатрларда санаб үтилмаган башқа мақсадларга сарфланган валюта суммаси.

«Хисобот даври охиридаги қолдик» моддаси бүйича (120-сатр) хисобот даври охирида корхонанинг валюта ҳисобварақларыда ва кассасида бўлган валюта маблағлари суммаси акс эттирилади. Бу сумма: 090-сатр+100-сатр - 110-сатрга тенг.

## **9.6. Ҳусусий сармоя тұғрисида ҳисобот (5-сон шакл)**

ННТ бу шаклнинг фақат: тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланганда тақсимланмаган фойда қисмини ва агар ҳисобот даврида содир бўлган бўлса, мол-мулк текинга олинган тақдирда - «Узок муддатли активларни қайта баҳолаш» моддасини тұлдиради.

Башқа барча устунлар тұлдирилмайды. ННТ учун устав сармоясини шакллантириш, юқорида кўрсатилганидек, тавсия этилади.

«Йил бошидаги қолдик» моддаси бүйича барча корхоналар учун куйидаги ахборот акс эттирилади:

а) «Устав сармояси» 3-устунида таъсис ҳужжатларыда қайд этилган устав сармояси (фонди) суммаси кўрсатилади;

б) «Кўшилган сармоя» 4-устунида «Устав сармояси» ҳисобварағининг «Кўшилган сармоя» илова ҳисобварағида қайд этилган кўшилган сармоя суммаси кўрсатилади;

в) «Захира сармоя» 5-устунида қонун ҳужжатларига мувофиқ барпо этилган захира сармоя маблағлари суммаси акс эттирилади;

г) «Тақсимланмаган фойда» 6-устунида йил бошидаги тақсимланмаган фойда суммаси кўрсатилади;

д) «Копланмаган зарарлар» 7-устунида йил бошидаги корхона балансида қайд этилган зарар суммаси акс эттирилади.

«Ҳусусий (акциядорлик) сармоянинг ўсиши» моддаси бүйича (020-сатр) ҳусусий сармоянинг ўсиш суммаси акс эттирилади.

«Ҳусусий (акциядорлик) сармоянинг камайиши» моддаси бүйича (030-сатр) ҳусусий сармоянинг камайиш суммаси акс эттирилади.

«Қимматли қоғозлар эмиссияси» моддаси бүйича (040-сатр) белгиланган тартибда тегишли эмиссиялар суммаси акс эттирилади.

«Узок муддатли активларни қайта баҳолаш» моддаси бўйича (050-сатр) асосий фондлар, номоддий активлар ва бошқа узок муддатли активларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўтказилган қайта баҳолаш суммаси акс эттирилади.

«Устав сармоясини шакллантириш чоғида курсдаги фарқ» моддаси бўйича (060-сатр) бухгалтерия ва статистика ҳисобида «Устав сармояси» ҳисобварагининг «Қўшилган сармоя» илова ҳисобварагида қўшилган сармоя сифатида акс эттириладиган, корхона устав сармоясини шакллантириш чоғида таъсис ҳужжатларини рўйхатга олиш санаси ва маблағларни устав сармоясига ҳақиқатда киритиш санасида Марказий банк курслари ўртасида юзага келадиган курс фарқи акс эттирилади.

«Захира ажратмалар» моддаси бўйича (070-сатр) барпо этилиши таъсис ҳужжатлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган захира фондига ҳисоблаб ёзилган маблағлар суммаси акс эттирилади.

«Жорий йилнинг тақсимланмаган фойдаси (зарари)» моддаси бўйича (080-сатр) ҳисобот даврида олинган тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) суммаси кўрсатилади.

«Тўланган дивиденdlар» моддаси бўйича (090-сатр) олдинги йил учун ҳисобот даври бошидаги тақсимланмаган фойдадан ҳисоблаб ёзилган дивиденdlар суммаси кўрсатилади.

«Ҳисобот даври охиридаги колдик» моддаси бўйича (100-сатр) тегишли устунлар бўйича «Устав сармояси» ҳисобварагининг «Устав сармояси», «Қўшилган сармоя», «Захира сармоя» илова ҳисобвараклари бўйича ҳисобот даври охиридаги сальдо ва тақсимланмаган фойда суммаси кўрсатилади.

«Ҳисобот даври охирида устав сармоясига киритилган бадаллар» моддаси бўйича (130-сатр) муассислар ва акциядорлар томонидан корхона устав сармоясига ҳақиқатда киритилган маблағлар суммаси кўрсатилади.

120 - 142-сатрларни факат акциядорлик жамиятлари тўлдиради.

## **9.7. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисида маълумотнома**

«Дебиторлар ва кредиторлар рўйхати» 2-устунида корхона ва ташкилотнинг ҳисобот даврининг охирги санасидаги ҳолат бўйича ўзаро ҳисоб-китоблари ҳолати акс эттирилади. Мазкур устунда дебитор ва кредиторлар рўйхати дебитор (кредитор)дан юқори турувчи вазирликлар (идоралар) бўйича келтирилади. Агар де-

битор (кредитор) юқори турувчи вазирлик (идора)га эга бўлмаса, юридик шахснинг тўлиқ номини кўрсатиш зарур.

Ўзбекистон Республикасидан ташқаридағи қарзлар бўйича дебитор (кредитор)нинг номи (тўлиқ ёки умумқабул қилинган қис-қартишлар билан) кўрсатилади, шунингдек қавсларда мамлакат номи кўрсатилади.

2-устунда 2, 2.1.2, 3, 5, 5.1.2, 6-сатрлар бўйича албатта дебиторнинг номини кўрсатиш лозим.

3-устунда қарзнинг умумий суммаси кўрсатилади, хусусан:

а) 1-сатр бўйича дебиторлик қарзининг умумий суммаси кўрсатилади, у 3-устуннинг 2.1 ва 3.1-сатрлари суммасига teng бўлиши керак;

б) 4-сатр бўйича кредиторлик қарзининг умумий суммаси кўрсатилади, у 3-устуннинг 5.1 ва 6.1-сатрлари суммасига teng бўлиши керак.

Дебиторлик қарзининг умумий суммаси ўз ичига: тушумга доир ижара мажбуриятлари бўйича ҳисоб-китоблар, харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар, берилган бўнак тўловлари бўйича ҳисоб-китоблар, бюджет билан ҳисоб-китоблар, бошқа операциялар бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар, шульба ва тобе хўжалик жамиятлари билан ҳисоб-китоблар, ички хўжалик ҳисоб-китоблари, даъволар бўйича ҳисоб-китоблар, ҳисобот бе-рувчи шахслар билан ҳисоб-китоблар, устав сармоясига улушлар бўйича муассислар билан ҳисоб-китоблар, бошқа дебиторлар билан ҳисоб-китоблар, шу жумладан идора ичидаги корхоналар билан ҳисоб-китобларни олади. Бунда идора ичидаги ҳисоб-китоблар деганда мустақил балансга эга бўлган ва бир муайян вазирлик, идора, корпорация, уюшма, концерн ҳамда бирлашма таркибиغا кирадиган корхоналар ва ташкилотлар ўртасидаги ҳисоб-китоблар тушунилади. Бухгалтерия балансида идора ичидаги ҳисоб-китоблар суммаси ёйиб кўрсатилади: дебиторлик суммаси - 280-сатр бўйича баланс активида, кредиторлик суммаси - 530-сатр бўйича баланс пассивида. Дебиторлик қарзининг умумий суммаси бухгалтерия баланси 1-сон шаклининг 220-сатри суммасига мувофиқ келиши керак.

Кредиторлик қарзининг умумий суммаси ўз ичига: олинган бўнаклар бўйича ҳисоб-китоблар, мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар, бюджет билан ҳисоб-китоблар, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарз, мулкий ва шахсий суғурта бўйича қарз, давлат мақсадли жамғармаларидан қарз, шульба ва тобе хўжалик жамиятларидан қарз, дивиденdlар тўлаш бўйича қарз,

бошқа операциялар бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар, бошқа кредиторлар билан ҳисоб-китоблар, шу жумладан идора ичидаги корхоналар билан ҳисоб-китобларни олади. Кредиторлик қарзининг умумий суммаси бухгалтерия баланси 1-сон шаклининг 460-сатри суммасига мувофиқ келиши керак.

3-устунда 2, 2.1, 2.1.2, 2.2, 3, 3.1-сатрлар бўйича 1-сатрда акс эттирилган дебиторлик қарзининг умумий суммаси қўйидаги тартибда очиб берилади:

а) 2-сатр бўйича Ўзбекистон Республикаси ичидаги дебиторлик қарзи қўрсатилади;

б) 2.1-сатр бўйича Ўзбекистон Республикаси ичидаги дебиторлик қарзи умумий суммаси, шу жумладан 2-сатр бўйича ҳисобланган идора ичидаги қарз қўрсатилади;

в) 2.1.2-сатр бўйича 2.1-сатрдан ажратилган, идора ичидаги дебиторлик қарзи суммаси қўрсатилади;

г) 2.2-сатр бўйича 2.1.2-сатр бўйича ҳисобланган идора ичидаги дебиторлик қарзининг умумий суммаси берилади;

д) 3-сатр бўйича Ўзбекистон Республикасидан ташқаридағи дебиторлик қарзи қўрсатилади;

е) 3.1-сатр бўйича 3-сатр бўйича ҳисобланган, Ўзбекистон Республикасидан ташқаридағи дебиторлик қарзининг умумий суммаси қўрсатилади.

5, 5.1, 5.1.2, 5.2, 6, 6.1-сатрлар 146-бандга кўра дебиторлик қарзига ўхшаш тартибда тўлдирилади.

Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солик кўмитаси 1998 йил 26 июнда 17-07/62, 98-106-сон билан тасдиқлаган Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботида дебиторлик ва кредиторлик қарзларини ягона нархларда акс эттириш тартибига (АВ рўйхат рақами 458, 1998 йил 29 июнь) биноан ҳисобга олинади.

4-устунда муддати кечикирилган, қонун хужжатларида белгиланган муддатларда сўндирилмаган қарзининг умумий суммаси қўрсатилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 19 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги «Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-1154-сон Фармонини кисман ўзгартириш ҳақида» ПФ-2340-сон Фармони 1-бандига мувофиқ товарлар амалда юклаб жўнатилган, ишлар бажарилган, хизматлар қўрсатилган кундан бошлаб 90 кун ўтгач дебиторлик қарзи кечикирилган деб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2000 йил 29 июндаги «Биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 245-сон қарорига кўра марказлаштирилмаган экспорт операциялари бўйича тушумнинг келиб тушиш ёки қайтадан олиб кириш муддати 60 кундан ошмаслиги керак.

Бюджет ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий тўловлар бўйича кредиторлик қарзи қонун ҳужжатларида белгиланган тўлов муддатлари тугаган кундан кейинги кундан бошлаб кечиктирилган ҳисобланади.

Бошқа кредиторлик қарзлари бўйича кечиктириш муддати сўндиришнинг муйян муддатлари белгиланган хўжалик шартномалари асосида белгиланади.

Корхонага боғлиқ бўлмаган сабаблар бўйича ҳосил бўлган қарзларга доир:

а) 5-устунда корхонага боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ҳосил бўлган умумий қарз кўрсатилади, хусусан:

1-сатр бўйича дебиторлик қарзининг умумий суммаси кўрсатилади, у 1-сатр бўйича 7, 9, 11, 12-устунларда кўрсатилган суммага тенг бўлиши керак;

4-сатр бўйича кредиторлик қарзининг умумий суммаси кўрсатилади, у 4-сатр бўйича 7, 9, 11, 12-устунларда кўрсатилган суммага тенг бўлиши керак;

б) 6-устунда кечиктирилган қарзнинг умумий суммаси кўрсатилади;

в) 7-устунда ҳукумат қарорига кўра ҳақини тўламасдан юклаб жўнатилган (олинган) маҳсулот (ишлар, хизматлар) бўйича корхона ва ташкилотнинг умумий дебиторлик (кредиторлик) қарзи кўрсатилади. Ундан кечиктирилган қарз 8-устунда акс эттирилади;

г) 9-устунда улар бўйича давлат ресурслари ва фондларидан хом ашё ва материаллар юклаб жўнатилиши назарда тутилган, ҳисоблаб ўтказилган бўнак тўловлари суммаси кўрсатилади. Ундан кечиктирилган дебиторлик қарзи 10-устунда кўрсатилади. 9 ва 10-устунларда акс эттириладиган ахборот факат дебиторлик қарзи қисмida тўлдирилади;

д) 11-устунда унга доир белгиланган тартибда қарзни сўндиришни кечиктириш ҳукуқи берилган корхона ва ташкилотнинг қарзи акс эттирилади;

е) 12-устунда унга доир қонун ҳужжатларига мувофик тақдим этилган даъволар бўйича суд таҳлили жараёни бораётган қарз суммаси кўрсатилади. Шу ерда унга доир хўжалик судининг кре-

дитордан ундириш түгрисида қарори чиққан қарз акс эттирилади.

Зарурат туғилганда корхона ва ташкилотларга, агар ҳукумат-нинг тегишли қарори мавжуд бўлса, «Корхонага боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ҳосил бўлган қарз» бўйимида қўшимча устунлар очишга руҳсат берилади.

2а-шаклнинг сатрлари сони тегишлича 2, 2.1.2, 3 ва 5, 5.1.2, 6-сатрлар бўйича кўрсатиладиган дебиторлар ва кредиторлар со-нига боғлиқ бўлади.

2а-шаклга раҳбар ва бош бухгалтер имзо чекади ҳамда ҳар бир саҳифада мухр билан тасдикланади.

### **9.8. Статистик ва бошқа ҳисоботлар**

Нотижорат ташкилотлар, тадбиркорлик фаолияти билан шу-гулланмасалар ҳам ҳар йил чорагида статистика органларига меҳнат бўйича ҳисобот топширишлари лозим. Ҳисобот Адлия вазир-лигида 1999 йил 30 июляда қайд қилинган 788-сон Ёлланиб ишловчилар сони статистикаси ва меҳнат ҳақи бўйича йўриқнома асо-сида тузилади.

Нотижорат ташкилотлари шунингдек бошқа ташкилотлар ва корхоналар каби Давлат мақсадли фондларига ҳисобот тузишла-ри керак.

Пенсия фондига қўйидаги ҳисобот шакллари тақдим ҳили-нади:

- ишловчиларнинг меҳнат ҳақи фондидан 37,3 % суғурта ба-линни ўтказиш бўйича;
- ходимлар маошининг 2,5% ини ўтказиш бўйича;
- тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланилганда моллар (иш, хизматлар) ни сотиш фойдасидан 0,7%.

Бандликка кўмаклашиш фондига ходимлар иш ҳақи фондидан 1,5% ни ўтказиш бўйича ҳисобот топширилади.

Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига ишчиларнинг иш ҳақи фондидан 0,7% ни ўтказиш бўйича ҳисобот тақдим этилади.

Йўл фондига ННТ факат тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланганда йўл йигимларини ўтказиш ҳакида (тижорат фаолиятида автотранспорт воситаларини сотганлик ва Фойдаланганлик учун) ҳисобот беради.

Инсонпарварлик ёрдамини олиш ва тақсимлашда қатнашувчи нотижорат ташкилотлари шунингдек Вазирлар Махкамасининг 2002 йил 26 июлядаги «Инсонпарварлик ёрдамидан ва текинга тех-ник кўмакдан мақсадли фойдаланишини таъминлаш бўйича

чора-тадбирлар тўғрисида»ги 268-сон Қарорига биноан ҳисобот берадилар (Иловага қаранг).

### 9.9. Рўйхатга олиш органларига ҳисобот бериш

Ўзбекистон қонунларида «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги қонуннинг 8-моддасида кўрсатилган молиявий ва статистик ҳисобот бериш мажбуриятлари билан бир қаторда рўйхатга олиш органлари олдида ҳисобот бериш мажбуриятини кўзда тутивчи қоидалар ҳам мавжуд. Чунончи, рўйхатта олиш органларига ҳисобот бериш муддатлари, ҳисоботнинг тартиби ва мазмуни Ўзбекистон худудида фаолият юритувчи жамоат бирлашмаларининг низомларини рўйхатга олиш тўғрисидаги аризаларини кўриб чиқиш қоидаларида кўрсатилган. (Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 12 мартағи 132-сон қарори билан тасдиқланган). 1993 йилда тасдиқланган мазкур қоидалар, ҳозирги кунда ҳам ўз кучини йўқотмаган, рўйхатга олиш жойидаги адлия органларига ҳисобот бериш мажбурияти 1999 йил 14 апрелдаги «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги қонунга зид келмайди. Хусусан, ННТлар тўғрисидаги қонуннинг молиявий ва статистик ҳисобот бериш мажбуриятларини белгилаб берувчи ушбу 8-моддасида нодавлат нотижорат ташкилоти қонунда кўзда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга эканлиги кўрсатилган.

Юқорида келтирилган Қоидалар бўйича рўйхатга олиш органларига бериладиган ҳисобот икки хил кўринишида бўлади:

- чораклик;
- йиллик.

Қоидаларнинг 12-бандига мувофиқ ҳар чоракда бериладиган ҳисоботда қабул қилинган қарорлар (нусхаси) ва режалаштирилаётган чора-тадбирлар тўғрисида маълумотлар бўлиши керак. ҳисобот жамоат бирлашмаларининг раҳбар органлари томонидан топширилади. Кўрсатилган маълумотлар етказиб берилмаган ҳолатларда рўйхатга олиш органи ёзма огохлантиришдан сўнг тегишли жамоат бирлашмасининг тугатилиши тўғрисида тақдимнома бериш хукуқига эга.

Нодавлат нотижорат ташкилотининг фаолиятини тўхтатиш тартиби ва оқибатлари «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги қонуннинг 34-35-моддалари билан тартибга солинади. Кўрсатилган моддалардан маълум бўладики, кўриб чиқилаётган ҳолатда, ташкилот раҳбариятига ёзма огохлантириш (ННТлар

түғрисидаги қонун талаблари бузилган ҳолларни түғрилаш ҳақида тақдимнома) берилганды, адлия органи қоида бузганликни түғрилаш учун зарур муддатни белгилаб беради. Ушбу муддат давомида қоида бузиш түғриланмаса, - келтирилган ҳолатда ҳар чорақда бериладиган хисоботни ташкил этувчи маълумотларни тақдим этмаслик, - адлия органи ташкилот фаолиятини олти ойгача бўлган муддатга тұхтатиш түғрисида тақдимнома билан судга мурожаат қилиш хуқуқига зга.

Суднинг ташкилот фаолиятини тұхтатиш түғрисидаги қароридан сўнг, ташкилот, суд томонидан белгиланган тұхтатиш муддати давомида, қарор чиқаришга асос бўлган қоида бузилишини түғриласа, суд томонидан белгиланган муддат тугаганидан сўнг ўз фаолиятини бошқатдан бошлиши мумкин.

Агар, фаолиятни тұхтатиш учун асос бўлган қоида бузилиши суд томонидан белгиланган тұхтатиш муддати давомида ҳам түғриланмаса, у ҳолда, ушбу нодавлат нотижорат ташкилотининг фаолиятини тұхтатиш түғрисида тақдимнома берган орган, судга унинг тугатилиши түғрисида тақдимнома билан мурожаат қилиши мумкин.

Қоидаларнинг 17-бандига мувофиқ, йиллик хисобот ўтган йилда амалга оширилган ишлар түғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади. Йиллик хисоботта молиялаш манбалари ва маблағларни сарфлаш түғрисидаги декларация киритилиши шарт.

Йиллик хисобот ташкилот раҳбар органлари томонидан рўйхатга олиш органига хисобот йилидан кейинги йилнинг 1 февралигача тақдим этилади.

Рўйхатга олиш органига ташкилотнинг йиллик хисоботини ташкил этувчи маълумотларнинг белгиланган муддатда тақдим этмаслик юқорида келтирилган ҳар чорақда бериладиган хисоботга тааллуқли оқибатларга олиб келиши мумкин.

**Фойдаланилган ва тавсия қилинувчи  
адабиётлар рўйхати:**

1. Гамольский П.Ю. Некоммерческие организации. Бухгалтерский учет и налогообложение в 2001 году. Москва, Бухгалтерский учет, 2001г.
2. Гонорская А. Административное и финансовое управление негосударственными некоммерческими организациями (Практическое руководство)\ Под редакцией и при участии С. Куща. Ташкент, 1999 г.
3. Коллектив авторов МЦНП. Налогообложение некоммерческих организаций: Сборник материалов. Киев, 2001 г.
4. Ни В.П., Янцев Н.А. Каримов Н.А. Правовой статус некоммерческих организаций в Республике Казахстан (практическое руководство). Алматы. МЦНП, 2002 г.
5. Ньюман К. Сравнительные исследования и законы по вопросам социального партнерства. Алматы. МЦНП, 2001 г.
6. Хван Л.Б., Налоговое право. Ташкент, Консаудитинформ, 2001г.

## ИЛОВАЛАР\*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ КОНСТИТУЦИЯСИ (кўчирмалар)

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул килинган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрдаги 989-XII-сон Қонунига биноан ўзгартиришлар киритилган.

### VIII БОБ. СИЁСИЙ ХУҚУҚЛАР

**32-модда.** Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш хукуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини-ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади.

**33-модда.** Фуқаролар ўз ижтимоий фаолликларини Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ митинглар, йиғилишлар ва намойишлар шаклида амалга ошириш хукуқига эгадирлар. Ҳокимият органлари фақат хавфсизлик нуқтаи назаридангина бундай тадбирлар ўтказилишини тұхтатиши ёки тақиқлаш хукуқига эга.

**34-модда.** Ўзбекистон Республикаси фуқаролари касаба уюшмалариға, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмалариға уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш хукуқига эгадирлар.

Сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек ҳокимиятнинг вакиллик органларида озчиликни ташкил этувчи мухолифатчи шахсларнинг хукуқлари, эркинликлари ва қадр-қимматини хеч ким камситиши мумкин эмас.

**35-модда.** Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргалиқда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш хукуқига эга.

Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт.

\* Матни иловада келтирилган меъёрий-хукуқий хужжатларнинг расмий манбалари китоб мундарижасининг «Иловалар» бўлимида кўрсатилган.

### XIII боб. ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ

**56-модда.** Ўзбекистон Республикасида қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида зътироф этилади.

**57-модда.** Конституциявий тизимни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлига ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқук ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб килувчи, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланади.

Махфий жамиятлар ва уюшмалар тузиш тақиқланади.

**58-модда.** Давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради.

Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралашишига, шунингдек жамоат бирлашмаларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашишига йўл қўйилмайди.

**59-модда.** Касаба уюшмалари ходимларнинг ижтимоий-иктисодий ҳуқуқларини ва манфаатларини ифода этадилар ва ҳимоя қиладилар. Касаба ташкилотларига аъзо бўлиш ихтиёрийдир.

**60-модда.** Сиёсий партиялар турли табака ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузища иштирок этадилар. Сиёсий партиялар ўз фаолиятларини молиявий таъминланиш манбалари ҳақида Олий Мажлисга ёки у вакил қилган органга белгиланган тартибда ошкора хисбот бераби турадилар.

**61-модда.** Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди.

**62-модда.** Жамоат бирлашмаларини тарқатиб юбориш, улар фаолиятини тақиқлаб ёки чеклаб қўйиш факат суд қарори асосидагина амалга оширилади.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФУҚАРОЛИК КОДЕКСИ (кўчирмалар)

Биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрдаги 163-1 сон Қонуни билан тасдиқланган

Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августдаги 256-1 сон Қонуни билан тасдиқланган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 йил 29 августдаги 256-1 сон қарори билан 1997 йил 1 марта амалга киритилган

Мазкур Кодексга қуйидаги Қонунларга мувофиқ ўзгартиришлар киритилган:

ЎзРнинг 1996 йил 27 декабрдаги № 357-1,  
ЎзРнинг 1997 йил 30 августдаги № 485-1,  
ЎзРнинг 1998 йил 1 майдаги № 621-1,  
ЎзРнинг 1998 йил 25 декабрдаги № 729-1,  
ЎзРнинг 2000 йил 15 декабрдаги № 175-II,  
ЎзРнинг 2001 йил 30 августлаги № 271-II,  
ЎзРнинг 2001 йил 7 декабрдаги № 320-II,  
ЎзРнинг 2002 йил 8 августдаги № 405-II.

## **39-модда. Юридик шахс тушунчаси**

Ўз мулкида, хўжакик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкий ёки шахсий номулкий хукукларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот юридик шахс хисобланади.

Юридик шахслар мустақил баланс ёки сметага эга бўлишлари керак.

## **40-модда. Юридик шахсларнинг турлари**

Фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олган (тижоратчи ташкилот) ёки фойда олишни ана шундай мақсад қилиб олмаган ташкилот (тижоратчи бўлмаган ташкилот) юридик шахс бўлиши мумкин.

Тижоратчи ташкилот бўлган юридик шахс хўжалик ширкати ва жамияти, ишлаб чиқариш кооперативи, унитар корхона ва қонунларда назарда тутилган бошқача шаклда тузилиши мумкин.

Тижоратчи бўлмаган юридик шахс жамият бирлашмаси, ижтимоий фонд ва мулқдор томонидан молиявий таъминлаб туриладиган муассаса шаклида, шунингдек қонунларда назарда тутилган бошқача шаклда ташкил этилиши мумкин.

Тижоратчи бўлмаган ташкилот ўзининг уставда белгиланган мақсадларига мос келадиган доираларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғуланиши мумкин.

Юридик шахслар уюшмалар (иттифоқлар)га бирлашишлари мумкин.

Юридик шахс ушбу Кодекс, бошқа қонун хўжатлари, шунингдек устав ва бошқа таъсис ҳўжатлари асосида иш олиб боради.

### **73-модда. Матлубот кооперативи**

Иштирокчиларнинг моддий (мулкий) эҳтиёжларини қондириш мақсадида фуқароларнинг аъзоликка асосланган ихтиёрий бирлашмаси матлубот кооперативи ҳисобланиб, бу бирлашув унинг аъзолари томонидан ўз мулкий (пай) бадалларини қўшиш йўли билан амалга оширилади.

Матлубот кооперативининг уставида ушбу Кодекс 40-моддасининг тўртинчи ва бешинчи қисмларида кўрсатилган маълумотлардан ташкири куйидаги маълумотлар бўлиши керак: кооператив аъзолари қўшадиган пай бадалларининг миқдори тўғрисидаги; кооператив аъзоларининг пай бадалларининг таркибий ва уларни қўшиш тартиби ҳамда уларнинг бадални қўшиш мажбуриятини бузганлик учун жавобгарлиги тўғрисидаги; кооперативни бошқариш органларининг таркиби ҳамда ваколатлари ва улар томонидан қарор қабул қилиш тартиби, шу жумладан қарорлар бир овоздан овозларнинг малакали кўпчилиги билан қабул қилинадиган масалалар тўғрисидаги.

Матлубот кооперативининг номида унинг фаолиятининг асосий мақсади кўрсатилиши, шунингдек «кооператив» сўзи ёки «матлубот уюшмаси» ёхуд «матлубот жамияти» деган сўзлар бўлиши керак.

Матлубот кооперативининг аъзолари кўрилган зарарни йиллик баланс тасдиқланганлигидан кейин уч ой мобайнинда қўшимча бадаллар тўлаш йўли билан қоплашлари шарт. Ушбу бурч бажарилмаган тақдирда кооператив кредиторларнинг талабларига мувофиқ суд томонидан тугатилиши мумкин.

Матлубот кооперативининг аъзолари унинг мажбуриятлари бўйича ҳар бир кооператив аъзоси тўлайдиган қўшимча бадал-

нинг туланмаган қисми доирасида субсидиар жавобгар бўладилар. Бу ҳолда кооператив аъзолари солидар жавоб берадилар.

Матлубот кооперативининг тижорат фаолиятига нисбатан ушбу Кодекснинг тижоратчи ташкилотлар тўғрисидаги қоидалари қўлланилади.

Матлубот кооперативининг ҳукуқий мавқеи, шунингдек улар аъзоларининг ҳукуқ ва бурчлари ушбу Кодексга ва бошқа қонунларга мувофиқ белгиланади.

#### **74-модда. Жамоат бирлашмалари**

Маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларни қаноатлантириш учун ўз маблағларининг муштараклиги асосида қонунда белгилangan тартибда бирлашган фуқароларнинг ихтиёрий бирлашмалири жамоат бирлашмалари хисобланади.

Жамоат бирлашмалари ўз уставларида назарда тутилган ишлаб чиқариш ёки ўзга тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга ҳақлидирлар.

Жамоат бирлашмаларининг иштирокчилари (аъзолари) ушбу бирлашмаларга мулк қилиб берган мол-мулкларига, шу жумладан аъзолик бадалларига бўлган ҳукукларини сақлаб қолмайдилар. Улар аъзо сифатида иштирок этаётган жамоат бирлашмаларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайдилар, мазкур бирлашмалар эса – ўз аъзоларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайдилар.

Жамоат бирлашмалари ҳукуқий мавқeinинг хусусиятлари қонунхужжатлари билан белгиланади.

#### **75-модда. Ижтимоий фондлар**

Фуқаролар ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрий мулкий бадаллар қўшиш асосида таъсис этилган, хайрия, ижтимоий, маданий, маърифий ёки бошқа ижтимоий-фойдали мақсадларни кўзлайдиган, аъзолари бўлмаган ташкилот ижтимоий фонд хисобланади.

Фондга унинг муассислари томонидан берилган мол-мулк фонднинг мулкидир. Муассислар ўзлари ташкил этган фондларнинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайдилар, фонд эса – ўз муассисларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

Ижтимоий фонд мол-мулқдан ўз уставида белгиланган мақсадлар учун фойдаланади. Фонд ўз уставида назарда тутилган тадбиркорлик фаолияти билан шугулланишга ҳақли. Фондлар тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун хўжалик жамиятлари тузишга ёки уларда иштирок этишга ҳақлидирлар.

Фонд ҳар йили ўз мол-мулкидан қандай фойдалангани ҳақида хисобот босиб чиқариши шарт.

Ижтимоий фондни бошқариш ва унинг органларини шакллантириш тартиби унинг устави билан белгиланади. Ижтимоий фонднинг уставида ушбу Кодекс 43-моддасининг тўртинчи ва бешинчи қисмларида кўрсатилган маълумотлардан ташқари қуидаги маълумотлар бўлиши керак: фонднинг органлари тўғрисидаги; шу жумладан фонднинг фаолиятини назорат қилиб боруви ҳомийлик кенгаши ҳақида; фонднинг мансабдор шахсларини тайинлаш ва уларни озод қилиш тартиби; фонд тугатилганида унинг мол-мulkини тақсимлаш тартиби тўғрисидаги.

### **76-модда. Муассасалар**

Бошқарув, ижтимоий-маданий вазифаларни ёки тижоратчиликдан иборат бўлмаган бошқа вазифаларни амалга ошириш учун мулкдор томонидан ташкил этилган ва тўла ёки қисман молиявий таъминлаб туриладиган ташкилот муассаса ҳисобланади.

Муассасанинг ўзига биритириб кўйилган ва ўзи сотиб олган мол-мulkка бўлган ҳукуклари ушбу Кодекснинг 178 ва 180-моддадарига мувофиқ белгиланади.

Муассаса ўз мажбуриятлари бўйича ихтиёридаги пул маблаглари билан жавоб беради. Бу маблаглар етарли бўлмаса, тегишли мол-мulkнинг эгаси унинг мажбуриятлари юзасидан субсидиар жавобгар бўлади.

Айрим турдаги давлат муасссалари ва бошқа муассасалар ҳукукий мавқенинг хусусиятлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

### **77-модда. Юридик шахслар бирлашмалари (уюшма ва иттифоклари)**

Юридик шахслар ўзларининг фаолиятларини мувофиқлаштириш, шунингдек муштарак манфаатларини ифода этиш ҳамда химоя қилиш мақсадида уюшмалар (иттифоклар) шаклида бирлашмалар тузишлари мумкин.

Агар иштирокчиларнинг қарорига мувофиқ уюшмага (иттифокқа) тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш вазифаси юклиатилса, бундай уюшма (иттифок) ушбу Кодексда назарда тутилган тартибда хўжалик ширкати ёки жамиятига айлантирилиш керак. Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун уюшмалар (иттифоклар), башарти бу уларнинг устав мақсадларига эид келмаса, хўжалик жамиятлари тузишга ёки уларда иштирок этишга ҳақлидирлар.

Нотижорат ташкилотлари ўз фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида ҳамда умумий манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида үюшмалар шаклида бирлашмалар тусиши мумкин.

Үюшмалар (иттифоқлар) ва бошқа бирлашмалар юридик шахс хисобланади.

Үюшма (иттифоқлар) ва бошқа бирлашмалар аъзолари ўз мустақилликларини ва юридик шахс ҳукукларини саклаб қоладилар.

Үюшма (иттифоқ) ва бошқа бирлашмалар аъзолари уларнинг мажбуриятлари бўйича үюшма ва бошқа бирлашманинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ва микдорда субсидиар жавобгардирлар.

Үюшма (иттифоқ) ва бошқа бирлашма ўз аъзоларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

Үюшма аъзолари унинг мажбуриятлари бўйича үюшманинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган микдорда ва тартибда субсидиар жавобгар бўладилар.

Үюшма (иттифоқ)нинг номи унинг асосий фаолиятини кўрсатиши, унга «уюшмаси» ёки «иттифоқи» сўзлари киритилган бўлиши керак.

Қонун ҳужжатларида юридик шахслар бирлашмалари ҳукукий мавқеининг ҳусусиятлари белгиланиши мумкин.

## **78-модда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарув органдарни**

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарув органлари юридик шахс сифатида фуқаролик-ҳукукий муносабатларнинг қатнашчилариdir.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари яратган ёки сотиб олган мол-мулк уларнинг мулкиdir.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳукукий мавқеи қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ  
ҚОНУНИ  
14.04.1999 й.  
N 763-I**

**НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ  
ТАШКИЛОТЛАРИ ТҮҒРИСИДА**

**I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

**1-модда. Ушбу қонуннинг мақсади**

Ушбу қонуннинг мақсади нодавлат нотижорат ташкилотлари-нинг, шунингдек халқаро нодавлат нотижорат ташкилотларининг, чет эл нодавлат нотижорат ташкилотлари ваколатхоналари ва филиалларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Нодавлат нотижорат ташкилоти тушунчаси**

Нодавлат нотижорат ташкилоти - жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўза фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олингандаромадларни (фойдани) ўза қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилотидир.

Нодавлат нотижорат ташкилоти жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуклари ва қонуний манфаатларини, бошқа демократик қадриятларни ҳимоя қилиш, ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларга эришиш, маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларни қондириш, хайрия фаолиятини амалга ошириш учун ҳамда бошқа ижтимоий фойдали мақсадларда тузилади.

**3-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотлари  
түғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Нодавлат нотижорат ташкилотлари түғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, диний ташкилотлар ҳамда бошқа айрим нодавлат нотижорат ташкилотларини тузишнинг, улар фаолиятининг, қайта ташкил этилиши ва тутатилишининг хусусиятлари маҳсус қонунлар билан тартибга солинади. Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти соҳасининг ўёки бу муносабатлари маҳсус қонунлар билан тартибга солинмаган ҳолларда ушбу қонуннинг нормалари кўлланилади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари кўлланилади.

#### **4-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат органлари билан ўзаро муносабатлари**

Давлат нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳукуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳукукий имкониятлар яратиб беради.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг алохида ижтимоий фойдали дастурларига давлат кўмак кўрсатиши мумкин.

Давлат органлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг нодавлат нотижорат ташкилоти фаолиятига аралашишига, худди шунингдек нодавлат нотижорат ташкилотининг давлат органлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг фаолиятига аралашишига йўл қўйилмайди.

#### **5-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотининг халқаро алоқалари**

Нодавлат нотижорат ташкилоти қонун ҳужжатларига мувофик халқаро нодавлат нотижорат ташкилотларига кириши, улар билан тўғридан тўғри халқаро алоқалар ўрнатиши, ҳамкорлик тўғрисида тегишли битимлар тузиши мумкин.

### **II. НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТИНИНГ ҲУКУКИЙ МАҚОМИ, ҲУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

#### **6-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотининг ҳукукий мақоми**

Нодавлат нотижорат ташкилоти юридик шахс бўлади.

Нодавлат нотижорат ташкилоти, агар унинг таъсис ҳужжатларида бошқача қоида белгиланган бўлмаса, фаолият муддати чекланмаган ҳолда ташкил этилади.

#### **7-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотининг ҳукуклари**

Нодавлат нотижорат ташкилоти қўйидаги ҳукукларга эга:

ўз аъзолари ва қатнашчиларининг ҳукуклари ва қонуний манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш;

ижтимоий ҳаётнинг турли масалаларига доир ташаббуслар билан чиқиш, давлат ҳокимиияти ва бошқарув органлариға таклифлар киритиш;

давлат ҳокимиияти ва бошқарув органларининг қарорларини ишлаб чиқишида қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда иштирок этиш;

ўз фаолияти тўғрисида ахборот тарқатиш;

оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш ҳамда белгиланган тартибда ноширлик фаолиятини амалга ошириш;

уставда белгиланган вазифаларни бажариш учун тадбиркорлик тузилмаларини ташкил этиш;

ўз рамзий белгиларини таъсис этиш;

ўз фаолиятига таалуқли масалалар юзасидан йигилишлар, конференциялар ўtkазиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ ваколатхоналар очиш ва филиаллар ташкил этиш.

Нодавлат нотижорат ташкилоти қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

#### **8-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотининг мажбуриятлари**

Нодавлат нотижорат ташкилоти:

қонун ҳужжатларига риоя этиши;

ўз мол-мулки ва пул маблағларидан фойдаланиш тўғрисидаги ахборот билан танишиш эркинлигини таъминлаши;

нодавлат нотижорат ташкилотини рўйхатдан ўтказувчи органга ўзи ўтказаётган тадбирларга эркин кириш имконини бериши;

солиқ ва статистика органлариға ўз фаолияти тўғрисида хисоботлар тақдим этиши шарт.

Нодавлат нотижорат ташкилоти қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлади.

#### **9-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ваколатхоналари ва филиаллари**

Нодавлат нотижорат ташкилотининг ваколатхонаси у турган ердан ташқарида жойлашган алоҳида бўлинма бўлиб, нодавлат нотижорат ташкилотининг манфаатларини ифодалайди ва ҳимоя қиласи.

Нодавлат нотижорат ташкилотининг филиали у турган ердан ташқарида жойлашган алоҳида бўлинма бўлиб, унинг барча вазифаларини ёки вазифаларининг бир қисмини, шу жумладан ваколатхона вазифаларини амалга оширади.

Нодавлат нотижорат ташкилотининг ваколатхоналари ва филиаллари давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлиши мумкин.

### **10-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ташкилий-хукуқий шакллари**

Нодавлат нотижорат ташкилотлари жамоат бирлашмаси, ижтимоий фонд, муассаса шаклида, шунингдек қонунларда назарда тутилган бошқа шаклда ташкил этилиши мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ўзларининг фаолиятини мувофиқлаштириб бориш, шунингдек умумий манфаатларини ифодалаш хамда ҳимоя қилиш мақсадида ўюшмалар (иттифоклар) шаклида бирлашмалар тусиши мумкин.

### **11-модда. Жамоат бирлашмаси**

Маънавий ёки бошқа номоддий эҳтиёжларни қондириш учун ўз манфаатларининг муштараклиги асосида қонунда белгиланган тартибда бирлашган фуқароларнинг ихтиёрий бирлашмаси жамоат бирлашмаси деб эътироф этилади.

Жамоат бирлашмаси катнашчилари мазкур бирлашмага мулк қилиб берган мол-мulkларига, шу жумладан аъзолик бадалларига бўлган ҳукуқларини сақлаб қолмайдилар. Улар аъзо сифатида катнашаётган жамоат бирлашмасининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайдилар, мазкур бирлашма эса ўз аъзоларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

### **12-модда. Ижтимоий фонд**

Жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрий мулкий бадаллар асосида таъсис этилган, хайрия, ижтимоий, маданий, маърифий ёки бошқа ижтимоий фойдали мақсадларни кўзлайдиган, аъзолиги бўлмаган ташкилот ижтимоий фонд деб эътироф этилади.

Ижтимоий фондга унинг муассислари томонидан берилган мол-мulk фонднинг мулки бўлади. Муассислар ўзлари тузган фонд мажбуриятлари бўйича жавоб бермайдилар, фонд эса ўз муассисларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

Ижтимоий фонд мол-мulkдан ўз уставида белгиланган мақсадлар учун фойдаланади.

Ижтимоий фонд ҳар йили ўз мол-мulkидан қандай фойдаланаётганлиги тўғрисида ҳисоботлар эълон қиласи.

### **13-модда. Муассаса**

Ижтимоий, маданий ва бошқа нотижорат тусдаги вазифаларни амалга ошириш учун жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан тузилган нодавлат нотижорат ташкилоти муассаса деб эътироф этилади.

### **14-модда. Халқаро нодавлат нотижорат ташкилоти**

Ўз уставига ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳамда битта ёки ундан кўпроқ чет эл давлати ҳудудида фаолият олиб бориши мумкин бўлган халқаро ташкилот халқаро нодавлат нотижорат ташкилоти деб хисобланади.

## **III. НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТИНИ ТУЗИШ ТАРТИБИ**

### **15-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотини ташкил этиш**

Нодавлат нотижорат ташкилоти унинг муассислари (аъзолари) қарори асосида қонун ҳужжатларига мувофиқ тузилади.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг уюшмалари (иттифоқлари) камида иккита нодавлат нотижорат ташкилоти ташаббуси билан тузилиши мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилотининг ташаббускорлари ёки муассислари таъсис съездини (конференциясини) ёки умумий ийифилишни чақирадилар, унда устав қабул қилинади ҳамда раҳбар органлари тузилади.

Нодавлат нотижорат ташкилоти давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан тузилган деб хисобланади.

### **16-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотининг таъсис ҳужжатлари**

Нодавлат нотижорат ташкилотининг таъсис ҳужжатлари қуйидагилардан иборат:

муассислар (аъзолар) томонидан тасдиқланган устав;

қатнашчилар томонидан тузилган таъсис шартномаси ва улар тасдиқлаган устав - уюшма (иттифок) учун.

Нодавлат нотижорат ташкилоти таъсис ҳужжатларининг талаблари нодавлат нотижорат ташкилотининг ўзи учун, унинг муассислари ва қатнашчилари (аъзолари) учун мажбурийдир.

Таъсис шартномасида тарафлар (муассислар) нодавлат нотижорат ташкилотлари уюшмасини (иттифоқини) тузиш мажбу-

риятини оладилар, уни тузиш соҳасида биргаликда фаолият кўрсатиш тартибини, унга ўз мол-мulkини бериш ҳамда унинг фаолиятида иштирок этиш, нодавлат нотижорат ташкилоти фаолиятини бошқариш, муассисларнинг унинг таркибидан чиқиши шартларини белгилаб берадилар. Таъсис шартномасига муассисларнинг келишувига биноан бошқа шартлар ҳам киритилиши мумкин.

### **17-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотининг устави**

Нодавлат нотижорат ташкилотининг уставида қўйидагилар назарда тутилади:

нодавлат нотижорат ташкилотининг номи, мақсад ва вазифалари, унинг ташкилий-хукуқий шакли, у ўз фаолиятини амалга оширадиган ҳудуд;

нодавлат нотижорат ташкилотининг тузилмаси ва раҳбар органлари, заруратга қараб унинг назорат-тафтиш органлари (ижтимоий фондлар учун - мажбурий) ёки аудиторларни (аудиторлик фирмаларини) жалб этишининг мажбурийлиги;

раҳбар органларнинг ваколат доираси ва уларни шакллантириш тартиби, уларнинг ваколат муддатлари, доимий асосда ишлайдиган раҳбар орган жойлашган ер;

аъзолик белгиланган бирлашмалар учун - аъзо бўлиш ва аъзоликдан маҳрум бўлиш шартлари ва тартиби, аъзоларнинг хукуқ ва мажбуриятлари;

пул маблағлари ва бошқа мол-мulkни шакллантириш манбалари, нодавлат нотижорат ташкилоти ҳамда унинг таркибий бўлинмаларининг мол-мulkни бошқариш борасидаги хукуклари;

қайта ташкил қилиш ва тугатиш тартиби;

уставга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тартиби.

Нодавлат нотижорат ташкилотининг уставида унинг рамзий белгилари тавсифи бўлиши мумкин.

Уставда нодавлат нотижорат ташкилотининг фаолиятига таалуқли, қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа қоидалар ҳам назарда тутилиши мумкин.

### **18-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотининг муассисларига, қатнашчиларига (аъзоларига) қўйиладиган умумий талаблар**

Агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланган бўлмаса, ўн саккиз ёшга тулган жисмоний шахслар, шунингдек юридик

шахслар нодавлат нотижорат ташкилотининг муассислари, қатнашчилари (аъзолари) бўлиши мумкин.

Ёшларнинг нодавлат нотижорат ташкилотига ўн тўрт ёшга тўлган шахслар, болаларнинг нодавлат нотижорат ташкилотига эса ўн ёшга тўлган шахслар аъзо бўлиши мумкин. Нодавлат нотижорат ташкилотига аъзо бўлиш, аъзоликдан маҳрум бўлиш шартлари ва тартиби, шу жумладан ёшига кўра аъзоликдан чиқиш шартлари тегишли нодавлат нотижорат ташкилотларининг уставлари билан белгиланади.

Расмий ҳужжатларда у ёки бу нодавлат нотижорат ташкилотига аъзолик ёки унинг фаолиятидаги иштирокнинг кўрсатилишини талаб қилишга йўл қўйилмайди. Фуқароларнинг нодавлат нотижорат ташкилотига мансублиги ёки мансуб эмаслиги уларнинг ҳукуқлари ва эркинликларини чеклаш учун асос бўла олмайди.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг равища нодавлат нотижорат ташкилотининг муассислари, қатнашчилари (аъзолари) бўлиши мумкин, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва халқаро шартномаларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

### **19-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотининг рамзий белгилари**

Нодавлат нотижорат ташкилоти байроқ, эмблема, вимпел ва бошқа рамзий белгиларга эга бўлиши мумкин. Нодавлат нотижорат ташкилотининг рамзий белгилари давлат рамзий белгиларига ўшамаслиги керак.

Нодавлат нотижорат ташкилотининг рамзий белгилари уставга мувофиқ унинг раҳбар органи томонидан тасдиқланади ҳамда давлат рўйхатидан ўtkазилиши керак.

### **20-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотини қайта ташкил этиш**

Нодавлат нотижорат ташкилотини қайта ташкил этиш унинг юқори органи қарорига биноан бирлашиш, қўшилиш, бўлиниш, ажralиб чиқиш ва ўзгартириш йўли билан амалга оширилади.

Нодавлат нотижорат ташкилотини қайта ташкил этиш қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

## IV. НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТИНИ ДАВЛАТ РҮЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

### **21-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш**

Нодавлат нотижорат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш адлия органлари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган халқаро нодавлат нотижорат ташкилотлари, чет эл нодавлат нотижорат ташкилотларининг ваколатхоналари ва филиаллари, республика, вилоятлараро нодавлат нотижорат ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига рўйхатдан ўтказилади.

Вилоят, туман, шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ва овул худудларида фаолият олиб борадиган нодавлат нотижорат ташкилоти Корақалпогистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларида рўйхатдан ўтказилади.

Нодавлат нотижорат ташкилотини рўйхатга олган орган унинг фаолияти устав максадларига мувофиқлигини назорат қилади.

### **22-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш учун талаб этиладиган хужжатлар**

Нодавлат нотижорат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш учун рўйхатга олувчи органга қуийдаги хужжатлар тақдим этилади:

мазкур нодавлат нотижорат ташкилотининг раҳбар-органи аъзолари ҳар бирининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили ва жойи, яшаш жойи ҳамда манзилини кўрсатган ҳолда улар томонидан имзоланган ариза;

нодавлат нотижорат ташкилотининг икки нусхадаги устави;

таъсис съезди (конференцияси) ёки умумий йиғилишнинг нодавлат нотижорат ташкилотини ташкил этиш тўғрисидаги, муасислари хусусидаги, унинг уставини тасдиқлаш ҳақидаги, раҳбар органлари ва бошқа органларини шакллантириш тўғрисидаги маълумотлар албатта мавжуд бўлган баённомаси;

рўйхатга олганлик учун йиғим тўланганлиги тўғрисидаги банк тўлов ҳужжати.

Давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатлар таъсис съезди (конференцияси) ёки умумий йиғилиш ўтказилган кундан эътиборан икки ой ичida тақдим этилади.

Нодавлат нотижорат ташкилотининг ваколатхоналари ва филиалларини давлат рўйхатидан ўтказиш ваколатхона ва филиал томонидан тақдим этилган, нодавлат нотижорат ташкилотининг

марказий раҳбар органи томонидан тасдиқланган ҳужжатлар асосида, шунингдек нодавлат нотижорат ташкилоти давлат рўйхатидан ўтганилиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тартибда тасдиқланган нусхаси асосида тегишли адлия органлари томонидан амалга оширилади.

Нодавлат нотижорат ташкилотининг юридик шахс бўлмаган ваколатхоналари ва филиалларини хисобга олиш нодавлат нотижорат ташкилоти марказий раҳбар органлари томонидан тақдим этилган ва тасдиқланган ҳужжатлар асосида, шунингдек нодавлат нотижорат ташкилоти давлат рўйхатидан ўтганилиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тартибда тасдиқланган нусхаси асосида тегишли адлия органлари томонидан амалга оширилади.

Чет эл нодавлат нотижорат ташкилотининг ваколатхоналари ва филиаллари учун асосий ташкилот рўйхатдан ўтганилиги тўғрисидаги гувоҳнома ҳамда уставнинг давлат тилига таржима қилинган матни тақдим этилиши зарур.

### **23-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги қарор**

Нодавлат нотижорат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатларни қабул қилиб олган адлия органи уларни иккى ойлик муддат ичига кўриб чиқади ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида ёки давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қиласида ва қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан уч кун ичига муассисларга давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида гувоҳнома ёки қонун ҳужжатларининг қайси қоидалари бузилганлиги давлат рўйхатидан ўтказишни рад этишга олиб келганлиги ҳақида аниқ кўрсатилган ҳужжат беради.

### **24-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотининг маълумотларини юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритиш**

Давлат рўйхатидан ўтган нодавлат нотижорат ташкилотлари юридик шахсларнинг ҳамма танишиб чиқиши учун очик бўлган ягона давлат реестрига киритилади.

Юридик шахсларнинг ягона давлат реестрида куйидагилар кўрсатилилади:

- таъсис этилган сана;
- номи ва жойлашган ери;
- раҳбар органлари;

вакиллар сифатида иш олиб боришга ваколатли шахслар; фаолият соҳаси.

## **25-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш асослари**

Нодавлат нотижорат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш, агар: нодавлат нотижорат ташкилотининг таъсис ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришни, суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига путур етказишни, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини камситишни, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилишни. Фуқароларнинг соғлиги ва маънавиятига тажовуз қилишни мақсад қилиб қўйган бўлса;

хужжатлар рўйхат бўйича тўлиқ тақдим этилмаган ёки улар лозим даражада расмийлаштирилмаган бўлса;

хужжатлар устав қабул қилинган пайтдан бошлаб икки ойлик муддат ўтганидан кейин тақдим этилган бўлса;

илгари худди шу номдаги нодавлат нотижорат ташкилоти рўйхатдан ўтказилган бўлса;

нодавлат нотижорат ташкилотини тузишнинг қонунда белгиланган тартиби бузилган бўлса ёки унинг таъсис ҳужжатларида конунга номувофиқлар бўлса;

рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилган таъсис ҳужжатларида атайнин нотўғри маълумотлар келтирилганлиги аниқланган бўлса;

нодавлат нотижорат ташкилотининг номи ёки рамзий белгилари маънавиятга фуқароларнинг миллий ва диний туйғуларига дахл қилас;

нодавлат нотижорат ташкилотининг таъсис ҳужжатларида ҳарбийлаштирилган бирлашмалар тузиш назарда тутилган бўлса, рад этилиши мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш таъсис ҳужжатларида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва қонунларига зид қоидалар мавжуд бўлган бошқа ҳолларда ҳам рад этилиши мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилотини тузиш мақсадга мувофиқ эмас деган важ билан уни рўйхатдан ўтказишни рад этишга йўл қўйилмайди.

Нодавлат нотижорат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказишнинг рад этилиши рад этиш сабаблари бартараф этилган тақдирда ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун такроран тақдим этишга тўсқинлик қилмайди.

**Нодавлат нотижорат ташкилотини рўйхатдан ўтказувчи адлия органига такрорий қилинган мурожаатни кўриб чиқиш ва бу мурожаат юзасидан қарор чиқариш ушбу қонунда назарда тутилган тартибда амалга оширилади.**

**26-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотининг рўйхатдан ўтказиш рад этилганлиги устидан шикоят қилиш**

Нодавлат нотижорат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилганлиги, шунингдек рўйхатдан ўтказиш муддатлари бузилганлиги устидан судга шикоят қилиш мумкин.

**27-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотини  
қайта рўйхатдан ўтказиш**

Нодавлат нотижорат ташкилотининг таъсис ҳужжатларига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар нодавлат нотижорат ташкилотининг ўзини давлат рўйхатидан ўтказиладиган тартибда ва муддатларда давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.

Нодавлат нотижорат ташкилоти халқаро нодавлат нотижорат ташкилотига ёки унинг филиалига айлантирилган тақдирда уни қайта рўйхатдан ўтказиш мажбурийдир.

## **V. НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТИ ФАОЛИЯТИНИНГ ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ**

**28-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотининг мол-  
мулки**

Бинолар, иншоотлар, турар жойлар, ускуналар, инвентар, пул маблағлари, шу жумладан чет эл валютасидаги пул маблағлари, қимматли қофозлар ва бошқа мол-мулк нодавлат нотижорат ташкилотининг мулки бўлиши мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилотининг мулки қонун билан муҳофаза қилинади.

Нодавлат нотижорат ташкилоти ўз мажбуриятлари юзасидан қонунларга мувофиқ ундириш қаратилиши мумкин бўлган мол-мулки билан жавоб беради.

**29-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотининг  
мол-мулкини шакллантириш манбалари**

Нодавлат нотижорат ташкилотининг мол-мулкини шакллантириш манбалари қўйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

чириш ва аъзолик бадаллари, агар улар уставда назарда тутилган бўлса;

муассислардан, қатнашчилардан (аъзолардан) бир маротаба ва мунтазам равишида келадиган тушумлар; ихтиёрий мулкий бадаллар ва эҳсонлар; тадбиркорлик фаолиятидан олинган, фақат устав мақсадлари учун ишлатиладиган даромадлар (фойда); қонунларда тақиқланмаган бошқа тушумлар.

### **30-модда. Нодавлат нотижорат ташкилоти фаолиятининг турлари**

Нодавлат нотижорат ташкилоти қонун билан тақиқланмаган ҳамда ўзининг тъйсис ҳужжатларида назарда тутилган мақсадларга мувофиқ бўлган фаолиятнинг ҳар қандай турини амалга ошириши мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилоти томонидан айрим фаолият турлари фақат лицензиялар асосидагина амалга оширилиши мумкин. Бундай фаолият турларининг рўйхати қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

### **31-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотининг тадбиркорлик фаолияти**

Нодавлат нотижорат ташкилоти қонун ҳужжатларига мувофик ўз устав мақсадларига мос келадиган доираларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин.

### **32-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотига солик солиш**

Нодавлат нотижорат ташкилоти қонун ҳужжатларида белгилangan тартибда солиқлар, йиғимлар ҳамда бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга бошқа тўловлар тўлайди, шунингдек имтиёзлардан фойдаланади.

## **VI. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР**

### **33-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотининг ҳисоб ва ҳисботи**

Нодавлат нотижорат ташкилоти ўз фаолиятининг натижалари ҳисобини юритади ҳамда статистика ва солик органларига белгиланган тартибда ҳисботлар тақдим этади.

### **34-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотининг фаолиятини тўхтатиб қўйиш**

Нодавлат нотижорат ташкилотининг фаолияти у Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонун ҳужжатларини бузган тақдирда суд томонидан тўхтатиб қўйилиши мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилоти томонидан нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган, шунингдек устав мақсадларига зид ҳаракатлар содир этилган тақдирда прокуратура органлари ёки аддия органлари кўрсатилган қоидабузарликлар тўғрисида мазкур нодавлат нотижорат ташкилотининг раҳбар органларига тақдимнома киритади ҳамда бу қоидабузарликларни бартараф этиш муддатини белгилайди. Агар бу қоидабузарликлар белгиланган муддатда бартараф этилмаса, нодавлат нотижорат ташкилотининг фаолияти прокуратура ва аддия органларининг тақдимномаси асосида суднинг қарори билан олти ойгача бўлган муддатга тўхтатиб қўйилади.

Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида фавқулодда ҳолат жорий этилган тақдирда нодавлат нотижорат ташкилотининг фаолиятини тўхтатиб қўйиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

### **35-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотининг фаолиятини тўхтатиб қўйиш оқибатлари**

Нодавлат нотижорат ташкилотининг фаолияти суднинг қарори билан белгиланган муддатга тўхтатиб қўйилган тақдирда унинг оммавий ахборот воситалари муассиси тарикасидаги ҳуқуқлари тўхтатиб қўйилади, унга оммавий тадбирлар ташкил этиш, банк омонатларидан фойдаланиш тақиқланади, хўжалик фаолияти, меҳнат шартномалари, ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) оқибатида етказилган заарларнинг ўрнини қоплаш ва жарималар тўлашга доир ҳаражатлар бундан мустасно.

Агар нодавлат нотижорат ташкилоти фаолиятини тўхтатиб қўйишнинг суд томонидан белгиланган муддати мобайнида у ўз фаолиятининг тўхтатилишига сабаб бўлган қоидабузарликни бартараф этса, мазкур муддат тугаганидан сўнг нодавлат нотижорат ташкилоти ўз фаолиятини қайтадан бошлиши мумкин. Нодавлат нотижорат ташкилоти кўрсатилган қоидабузарликни бартараф этмаган тақдирда унинг фаолиятини тўхтатиб қўйиш тўғрисида судга тақдимнома киритган орган бу ташкилотни тугатиш тўғрисида судга тақдимнома киритиши мумкин.

### **36-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотини тугатиш**

Нодавлат нотижорат ташкилотини тугатиш унинг юқори организорига биноан ёки суд тартибида амалга оширилади.

Нодавлат нотижорат ташкилотининг муассислари, қатнашчилари (аъзолари) ёки нодавлат нотижорат ташкилотини тугатиш

тўғрисида қарор қабул қилган орган давлат рўйхатидан ўтказувчи адлия органи билан келишган ҳолда тугатиш комиссиясини тайинлайди.

Нодавлат нотижорат ташкилотини тугатиш Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Нодавлат нотижорат ташкилотини тугатиш тўғрисидаги ёзув уни давлат рўйхатидан ўтказган адлия органи томонидан кўйидағи ҳужжатлар асосида юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритилади:

нодавлат нотижорат ташкилотини тугатиш тўғрисидаги ёзувни юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритиш тўғрисидаги ариза (ихтиёрий равишда тугатилаётган тақдирда);

тегишли органнинг нодавлат нотижорат ташкилотини тугатиш тўғрисидаги қарори;

нодавлат нотижорат ташкилотининг устави ва бошқа таъсис ҳужжатлари ҳамда у давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома;

тугатиш баланси ёки топшириш ҳужжати ёхуд тақсимлаш баланси.

Кредиторларнинг талаблари қондирилгандан кейин қолган мол-мулк ташкилот қатнашчилари (аъзолари), шунингдек раҳбар органларнинг аъзолари ёки нодавлат нотижорат ташкилотларининг ходимлари ўртасида тақсимланиши мумкин эмас ҳамда ундан белгиланган тартибда фойдаланилади.

### **37-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишда айбдор бўлган шахслар конунга мувофиқ жавобгар бўладилар.

*Ўзбекистон Республикасининг Президенти  
И. Каримов*

Тошкент ш.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ  
ҚОНУНИ  
15.02.1991 й.  
N 223-XII**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА  
ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ ТҮГРИСИДА**

«Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари түгрисида»ги қонунга Ўзбекистон Республикасининг қуийдаги Қонунларига мувофиқ ўзгартеришлар ва қўшимчалар киритилган:

ЎзР 03.07.1992 й. 664-XII-сон қонуни,

ЎзР 25.04.1997 й. 421-1-сон қонуни,

ЎзР 26.12.1997 й. 549-1-сон қонуни.

Инсон хуқуqlари түгрисидаги Умумий декларацияга, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига асосланиб, ушбу қонунда фуқароларнинг жамоат бирлашмаларини тузиш эркинлиги уларнинг ажралмас хуқуки сифатида мустахкамлаб қўйилади.

**I БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

**1-модда. Жамоат бирлашмаси тушунчаси**

Ўз хукуqlари, эркинликларини ҳамда сиёsat, иқтисодиёт, ижтимоий ривожланиш, фан, маданият, экология ва ҳаётнинг бошка соҳаларидағи қонуний манфаатларини биргалиқда рўёбга чиқариш учун бирлашган фуқароларнинг хоҳиш-иродаларини эркин билдиришлари натижасида вужудга келган ихтиёрий тузилма жамоат бирлашмасидир.

Сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, қасаба уюшмалари, хотин-қизлар, ёшлар ва болалар ташкилотлари, ветеранлар ва ногиронлар ташкилотлари, илмий-техникавий, маданий-маърифий, физкультура-спорт ва бошқа кўнгилли жамиятлар, ижодий уюшмалар, юртдошлар уюшмалари, фондлар, ассоциациялар ва фуқароларнинг бошқа бирлашмалари жамоат бирлашмалари деб эътироф этилади.

Ушбу қонун тижорат максадларини кўзлайдиган ёхуд бошқа корхоналар ва ташкилотлар фойда (даромад) орттиришига кўмаклашадиган кооператив ташкилотларга ҳамда бошқа ташкилотларга, диний ташкилотларга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, шунингдек ташкил этиш ва фаолият кўрсатиш тар-

тиби бошқа қонун хужжатлари билан белгиланадиган ўзга органларга нисбатан татбиқ этилмайди.

## **2-модда. Ўзбекистон Республикасининг жамоат бирлашмалари тўғрисидаги қонунлари**

Ўзбекистон Республикасининг жамоат бирлашмалари тўғрисидаги қонунлари жамоат бирлашмаларининг хукуқий холати асосларини белгилаб берадиган ушбу қонундан, Қорақалпоғистон Республикасининг жамоат бирлашмалари тўғрисидаги қонунидан, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун хужжатларидан иборат бўлади.

## **3-модда. Жамоат бирлашмаларини тузишдан кўзда тутилган мақсад**

Жамоат бирлашмалари фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий, хукуклар ҳамда эркинликларни рўёбга чиқариш ва химоя қилиш; фуқароларнинг фаоллиги ва ташаббускорлигини, давлат ва жамият ишларини бошқаришда уларнинг иштирок этишини ривожлантириш; қасб-кор ва хаваскорлик қизиқишиларини кондириш; илмий, техникавий ва бадиий ижодкорликни ривожлантири; ахолининг сихат-саломатлигини сақлаш, хайрия фаолиятида қатнашиш; маданий-маърифий, физкультура-соғломлаштириш ва спорт ишларини ўтказиш; табиатни, тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш; ватан-парварлик ва инсонпарварлик тарбияси; республикалароро ва ҳалқаро алоқаларни кенгайтириш, ҳалқлар ўртасида тинчлик ва дўстликни мустахкамлаш; қонунда тақиқланмаган бошқа фаолиятни амалга ошириш мақсадида тузилади.

Фаолияти жамиятнинг ахлоқий негизларини, умумбашарий инсонпарварлик қадриятларини бузишига қаратилган, шунингдек конституцион тузумни ғайриқонуний йўл билан ўзгартириш ёки Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон худудининг бирлигини бузиш, урушни, зўравонликни ва шафқатсиликни, жамиятни парчалашга олиб борадиган ижтимоий, шу жумладан синфий шунингдек ирқий, миллий ва диний адоваратни авж олдириш, қонун билан тақиқланган бошқа хатти-харакатлар қилиш мақсадини кўзлайдиган жамоат бирлашмаларининг тузилишига йўл қўйилмайди.

Харбийлаштирилган жамоат бирлашмалари ва қуролли тузилмалар, шунингдек диний характерга эга партиялар, уларнинг фи-

лиаллари ва бошка структура бўлаклари ташкил этиш тақиқла-  
нади.

Жамоат бирлашмалари ва уларнинг идоралари томонидан қонуний ва демократик йўл билан шакллантирилган хокимият ва бошқарув идоралари хамда хокимият ваколатларига эга бўлган-  
ларга нисбатан файридемократик тарзда куч ишлатиб тазийк ўтка-  
зиш тақиқланади. қонуний равишда амал қилиб турган хокимият  
ва бошқарув идоралари хамда мансабдор шахсларга демократик  
усулда хал этиш баҳонаси билан тазийк ўтказишга бўлган хар қан-  
дай уринишга қонун билан бархам берилади.

Ахолининг саломатлиги ва ахлоқига, фуқароларнинг ҳукуқлари  
ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига тажовуз қилади-  
ган жамоат бирлашмаларини тузиш ва уларнинг фаолияти қонун-  
га мувофиқ таъқиб қилинади.

#### **4-модда. Жамоат бирлашмалари тузилиши ва фаолиятининг қоидалари**

Жамоат бирлашмалари ўз аъзолари (қатнашчилари)нинг их-  
тиёрийлиги, тенгҳуқуқлилиги, ўзини ўзи бошқариш, қонунийлик  
ва ошкоралик асосида тузилади ва харакат қилади.

Барча жамоат бирлашмалари ўз уставларида, бошқа хужжат-  
ларида кўзда тутилган вазифаларни бажаришда Ўзбекистон Рес-  
публикасининг Конституцияси, Қорақалпогистон Республикасида  
эса шунингдек Қорақалпогистон Республикасининг Конституция-  
си, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунлари доирасида иш  
кўрадилар.

Фуқаронинг жамоат бирлашмаси фаолиятида қатнашиши ёки  
қатнашмаслиги унинг ҳукуқлари ва эркинликларини чеклаш ёки унга  
имтиёзлар бериш учун, шу жумладан давлат ташкилотида лаво-  
зимни эгаллаш шарти ёки қонунда кўзда тутилган мажбуриятлар-  
ни бажармаслик учун асос бўла олмайди.

Мехнат тўғрисидаги қонунлар, шунингдек мехнаткашларнинг  
ижтимоий таъминоти ва ижтимоий суғурта қилдириш тўғрисидаги  
қонунлар жамоат бирлашмалари аппарати ходимларига нис-  
батан жорий этилади.

#### **5-модда. Давлат ва жамоат бирлашмалари**

Давлат жамоат бирлашмалари ҳукуқлри ва қонуний манфаат-  
ларига риоя этилишини таъминлайди хамда Конституцияга му-  
вофиқ улар ўз уставларидаги вазифаларни бажаришлари учун  
шарт-шароит яратилишига кафолат беради.

Давлат ёшлар ва болалар ташкилотлариға моддий ва маънавий мадад беради, уларга тисбатан имтиёзли солик сиёсати ўтказилишини таъминлайди, болалар ташкилотлариға, мактаб, мактабдан ташқари муассасалар биноларидан, клублардан, маданият саройлари ва уйларидан, спорт иншоотлари ва бошқа иншоотлардан белуп ёки имтиёзли шартлар билан фойдаланиш хуқуқини беради.

Қонунда кўзда тутилган холлардан ташқари давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралашишига, худди шунингдек, жамоат бирлашмаларининг давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг фаолиятига аралашишига йўл қўйилмайди.

Жамоат бирлашмалари ташкилотларининг тадбирлари улар аъзоларининг (қатнашчиларнинг) асосан ишдан бўш вақтида ва мазкур бирлашмалар маблаги хисобидан амалга оширилади.

Сиёсий партиялар ва сиёсий мақсадни кўзловчи оммавий жамоат харакатлари фаолиятининг давлат томонидан молиявий таъминланиши тақиқланади, қонун хужжатлариға мувофиқ сайлов кампанияларини молиявий таъминлаш холлари бундан мустасно.

Жамоат бирлашмалари манфаатлариға дахлдор масалалар қонунларда кўзда тутилган холларда тегишли жамоат бирлашмалари иштироқида ёки улар билан келишилган холда давлат идоралари ва хўжалик ташкилотлари томонидан хал қилинади.

## **6-модда. Республика жамоат бирлашмалари ва бошқа жамоат бирлашмалари**

Уставда белгиланган вазифаларга мувофиқ фаолияти бутун республика худудида амалга ошириладиган жамоат бирлашмалари республика жамоат бирлашмалариға киради. Бунда сиёсий партияning камида саккизта худудий субъектда (вилоятда), шу жумладан Коракалпогистон Республикаси ва Тошкент шахрида яшаётган камида беш минг, касаба уюшмасининг эса, камида уч минг аъзоси бўлиши керак.

Вилоят, нохия, шахар, поселка ва қишлоқ жамоат бирлашмалари махаллий жамоат бирлашмалариға киради.

Уставда белгиланган вазифаларга мувофиқ фаолияти бутун вилоят худудтда, Тошкент шахрида эса бутун шахар худудида амалга ошириладиган жамоат бирлашмалари вилоят, Тошкент шахар жамоат бирлашмалариға киради.

Уставда белгиланган вазифаларга мувофиқ фаолияти бутун нохия (шахар) худудида амалга ошириладиган жамоат бирлашмалари нохия (шахар) жамоат бирлашмалариға киради.

Уставда белгиланган вазифаларга мувофиқ фаолияти по-селка, қишлоқ ҳудудида амалга ошириладиган жамоат бирлашмалари поселка, қишлоқ жамоат бирлашмалариға киради.

Зарурат пайдо бўлган холларда вилоятлараво ва нохиялараро жамоат ташкилотлари тузилиши мумкин.

### **7-модда. Жамоат бирлашмаларининг иттифоқлари**

Жамоат бирлашмалари ихтиёрийлик асосида жамоат бирлашмаларининг иттифоқларига ўюшишга хақлидирлар.

Жамоат бирлашмаларининг иттифоқлари ушбу қонунда жамоат бирлашмалари учун белгилаб қўйилган тартибда тузилади, амал қиласи ва ўз фаолиятини тұхтатади.

## **II БОБ. ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА УЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ТХХТАТИЛИШИ**

### **8-модда. Жамоат бирлашмаларини тузиш**

Жамоат бирлашмаси камида ўн нафар фуқаронинг ташаббуси билан тузилади.

Жамоат бирлашмасини тузиш ташаббускорлари таъсис съездини (конференциясини) ёки умумий йигилишини чакирадилар, унда устав (низом, ўзга асосий ҳужжат) қабул қилинади ва рахбар идоралар тузилади.

### **9-модда. Жамоат бирлашмасига аъзолик**

Ўзбекистон Республиқси фуқаролари жамоат бирлашмаси аъзолари (катнашчилари) бўладилар. Сиёсий партиялардан ташкиари жамоат бирлашмаларининг уставида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг бирлашмага аъзо бўлишлари кўзда тутилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг ўн саккиз ёшга тўлган фуқаролари республика сиёсий партияларининг аъзолари бўлишлари мумкин.

Бир сиёсий партиянинг аъзоси айни вақтда бошқа сиёсий партиянинг аъзоси бўла олмайди.

Сиёсий партиялар ва касаба ўюшмаларидан ташкиари жамоат бирлашмаларининг фаолиятида уларнинг уставларида кўзда тутилган холларда жамоат аъзолари: корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг меҳнат жамоатари, фуқароларнинг бирлашмалари иштирок этишлари мумкин.

## **10-модда. Жамоат бирлашмасининг устави**

Жамоат бирлашмасининг уставида қўйидагилар кўзда тутилиши керак:

- 1) жамоат бирлашмасининг номи, мақсади ва вазифаси;
- 2) жамоат бирлашмасининг ички тузилиши, унинг ўз фаолиятини амалга оширадиган худуд;
- 3) жамоат бирлашмаси аъзолигига қабул қилиш шартлари ва тартиби, агар бирлашма рўйхатда қайд этиладиган аъзоларга эга бўлса, бундай холларда ундан чиқиш шартлари ва тартиби;
- 4) жамоат бирлашмаси аъзолари (қатнашчилари)нинг хуқуклари ва бурчлари;
- 5) жамоат бирлашмаси ҳамда унинг ташкилотлари раҳбар идораларининг ваколатлари ва уларни тузиш тартиби, уларнинг ваколат муддати;
- 6) жамоат бирлашмаси ҳамда унинг ташкилотларининг маблағлари ва бошқа мол-мулкини хосил қилишнинг пул билан та-минланиш манбалари;
- 7) жамоат бирлашмасининг раҳбар идораси қаерда жойлашганлиги;
- 8) жамоат бирлашмаси уставига ўзгартишлар, қўшимчалар киритиш тартиби;
- 9) жамоат бирлашмаси фаолиятини тўхтатиш тартиби. Уставда жамоат бирлашмаси фаолиятига тааллуқли бошқа қоидалар ҳам кўзда тутилиши мумкин. Жамоат бирлашмасининг устави амалдаги қонунларга зид бўлмаслиги керак.

## **11-модда. Жамоат бирлашмалари уставларини рўйхатга олиш**

Ўзбекистон Республикасида амал қилувчи халқаро, жамоат ташкилотларининг республика, вилоятлараро бирлашмаларининг уставлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинади.

Қорақалпоғистон Республикасида жамоат бирлашмасининг уставини рўйхатга олиш тартиби Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари билан белгиланади.

Вилоят, нохия, шахар, поселка, қишлоқ худудида ёки икки ва ундан ортиқ нохия, шахар, поселка, қишлоқ худудида фаолиятини амалга оширадиган жамоат бирлашмаларининг уставлари вилоятлар, Тошкент шахар ҳокимликларининг адлия бошқармалари томонидан рўйхатга олинади.

Жамоат бирламаси уставини рўйхатга олиш учун устав қабул қилинган кундан бошлаб бир ой муддат ичida мазкур жамоат

бирлашмаси раҳбар идораси аъзолари томонидан имзоланган ва шу аъзолар хар биринг фамилияси, исми, отасининг исми, тўғилган йили, истиқомат жойи кўрсатилган ариза топширилади. Аризага устав, уставни қабул қилган таъсис съезди (конференцияси) ёки умумий йиғилиш протоколи, ушбу қонунинг 6 ва 8-моддалари талаблари бажарилганинги тасдиқловчи бошқа материаллар илова қилинади.

Уставни рўйхатга олиш хақидаги ариза у топширилган кундан бошлаб иккى ой муддатда кўриб чиқилади.

Жамоат бирлашмалари уставларига киритилган ўзгаришлар, кўшимчалар хам уставларни рўйхатга олиш тартиби ва муддатларига мувофиқ рўйхатга олиниши лозим.

Жамоат бирлашмалари уставларини рўйхатга олувчи идоралар ана шу бирлашмалар рўйхатини тузиб борадилар.

Жамоат бирлашмаси ёки унинг ташкилотлари (идоралари) уларнинг уставлари рўйхатга олинган кундан бошлаб ушбу қонунда белгилаб қўйилган тартибда ўз фаолиятларини амалга оширадилар ва гражданлик қонуларига мувофиқ хуқуқий шахс, деб тан олиниши мумкин.

Халқаро жамоат бирлашмаларининг уларнинг бўлинмаларининг филиаллари, шу жумладан оммавий харакатлари ва уларнинг тармоқ бўлинмаларининг шунигдек республика ва маҳаллий жамоат бирлашмалари (шу жумладан оммавий харакатларининг) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ва унинг жойлардаги идораларида ўз уставларини рўйхатдан ўтказмаган бўлсалар, Ўзбекистон Республикаси худудида фаолият кўрсатишларига йўл қўйилмайди.

Жамоат бирлашмаси уставини, кейин унга киритилган ўзгаришлар ва кўшимчаларни рўйхатга олиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Кабинети, Қорақалпоғистон Республикасида эса - Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши томонидан белгиланган тартибда рўйхатга олиш хақи ундирилади.

## **12-модда. Жамоат бирлашмаси уставини рўйхатга олишни рад этиш**

Агар жамоат бирлашмасининг устави ушбу қонуннинг 3, 4 ёки 10-моддалари қоидаларига зид бўлса, ёхуд илгари худди шу номдаги жамоат бирлашмаси рўйхатга олинган бўлса, жамоат бирлашмаси уставини рўйхатга олишни рад этиш мумкин.

Уставни рўйхатга олиш рад этилган тақдирда бу хақда тақдим этилган устав қайси қонуннинг қоидаларига зид эканлиги кўрсатилиб, ариза берувчиг ёзма равишда хабар қилинади.

Жамоат бирлашмасининг уставини рўйхатдан ўтказининг рад этилиши устидан судга шикоят қилиш мумкин ва бу иш Ўзбекистон Республикаси гражданлик процессуал қонунида кўзда тутилган тартибда караб чиқилади.

Халқаро, республика ва вилоятларо жамоат бирлашмаларининг уставини рўйхатдан ўтказишнинг рад этилиши устаидан - Ўзбекистон Республикаси Олий судига, махаллий жамоат бирлашмалари уставини рўйхатдан ўтказишнинг рад этилиши устидан эса - тегишли вилоят, Тошкент шахар судига шикоят қилиш мумкин.

### **13-модда. Жамоат бирлашмаларининг рамзлари**

Жамоат бирлашмалари рамз сифатида ўз тимсолига, байроғига ва вимпелига эга бўлиши мумкин.

Жамоат бирлашмаларининг тимсоллари уставга мувофик, уларнинг раҳбар идоралари томонидан тасдикланади. Жамоат бирлашмаларининг тимсоллари ва вимпеллари ушбу қонуннинг З-моддаси иккинчи қисмида кўрсатилган мақсадларни тарғиб этишга хизмат килмаслиги керак.

Байроклар ва вимпеллар белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

### **14-модда. Жамоат бирлашмалари фаолиятининг тўхтатилиши**

Жамоат бирлашмаларининг фаолияти уларни қайта ташкил этиш (қўшилиш, бирлашиш, ажралиш) ёки тугатиш йўли билан тўхтатилиши мумкин.

Жамоат бирлашмалари уларнинг съездлари (конференциялари) ёки умумий йигилилари қарори билан қайтадан ташкил этилади. Жамоат бирлашмаларини қайта ташкил этгандан сўнг янгидан тузилган жамоат бирлашмасининг устави ушбу қонуннинг 11-моддасида кўзда тутилган тартибда рўйхатга олинади.

Жамоат бирлашмаси съезд (конференция) ёки умумий йигилилари қарорига мувофик, ёхуд ушбу қонуннинг 22-моддасида кўзда тутилган асосларга мувофик ва тартибда тугатилади.

Съезд (конференция) ёки умумий йигилилари қарорига мувофик тугатилган жамоат бирлашмасининг мол-мулки унинг уставида кўзда тутилган максад йўлида сарфланади.

Сиёсий партияниң фаолиятини тугатиш ёки тўхтатиб туриш «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофик амалга оширилади.

### **III БОБ. ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИНИНГ ХУҚУҚЛАРИ ВА УЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ**

#### **15-модда. Жамоат бирлашмаларининг хуқуқлари**

Жамоат бирлашмалари қонун олдида тенгдирлар.

Жамоат бирлашмаларининг хуқуқлари уларнинг уставларида қайд этилади.

Жамоат бирлашмалари уставларда, дастурий, бошқа хужжатларда белгиланган мақсадлар ва вазифаларни амалга ошириш учун ўз мақсадлари ва фаолияти тўғрисидаги ахборотни эркин тарқатади, қонунда кўзда тутилган холларда ва тартибда эса:

давлат хокимияти ва бошқарув идораларини тузишда қатнашади;

давлат хокимияти ва бошқарув идораларининг қарорларини тайёрлашда иштирок этади;

давлат ва жамоат идораларида ўз аъзолари (қатнашчилари) номидан иш юритади ва уларнинг қонуний манфаатларини химоя қилади;

ушбу қонунда хамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун хужжатларида Қорақалпоғистон Республикасида эса - Қорақалпоғистон Республикасининг хам ўзга қонун хужжатларида кўзда тутилган ваколатларни амалга оширади.

#### **16-модда. Сиёсий партиялар, оммавий жамоат харакатлари,**

##### **касаба ўюшмалари**

Сиёсий партиялар давлат хокимияти органларини шакллантиришда жамият муайян қисмининг сиёсий иродасини рўёбга чиқаришга интилади хамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини идора этишда қатнашади.

Партияларнинг дастурий хужжатлари бўлади, улар омманинг эътибори учун матбуотда эълон қилинади.

Сиёсий партиялар депутатликка номзодлар кўрсатиш, сайловлди ташвиқот ишларини олиб бориш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида фракциялар ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси хамда махаллий давлат хокимияти вакиллик органларида партия гурухлари тузиш хуқуқига эгадир.

Оммавий жамоат харакатлари сиёсий ёки ўзга мақсадларни кўзлайдилар хамда уларнинг рўйхатга олинган аъзолари бўлмайди.

Харбий хизматчилар ва хукуқни муҳофаза қилиш идораларида лавозимни эгаллаб турган шахслар ўз хизмат фаолиятида қонун

талабларига амал қиладилар ва сиёсий партиялар хамда сиёсий мақсадларни кўзловчи оммавий жамоат харакатларининг қарорлари билан боғлиқ бўлмайдилар.

Касаба уюшмалари давлат идоралари, хўжалик ташкилотлари, кооператив ва ўзга жамоат бирлашмалари билан ўзаро муносабатларда касаба уюшмалари тўғрисидаги амалдаги қонунларга мувофиқ касаба уюшмаси аъзоларининг ишлаб чиқариш, ижтимоий-иктисодий ва маданий соҳадаги манфаатларини кўзлаб иш олиб боради ва уларни химоя килади.

Сиёсий партиялар ва касаба уюшмаларининг факат якка тартибда рўйхатга олинадиган аъзолари бўлади.

### **17-модда. Жамоат бирлашмаларининг ишлаб чиқариш ва бошқа тадбиркорлик фаолияти**

Жамоат бирлашмалари қонунларда белгилаб қўйиладиган тартибда ишлаб чиқариш ва бошқа тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадилар хамда факат уставдаги вазифаларни бажариш мақсадида хукуқий шахс мақомига эга бўлган корхоналар ва хўжалик хисобидаги ташкилотларни барпо этадилар.

Жамоат бирлашмаларининг ишлаб чиқариш ва бошқа тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар ана шу бирлашмалар аъзолари (катнашчилари) ўртасида қайта тақсимланмайди ва ундан факат устав вазифаларини бажариш учун фойдаланилади; жамоат бирлашмалари ўз маблағларидан хатто ўз уставида кўрсатилмаган бўлса хам, хайрия мақсадлари йўлида фойдаланишларига йўл қўйилади.

Жамоат бирлашмалари тузадиган корхоналар ва ташкилотлар конунда белгилаб қўйилган тартибда ва микдорда бюджетга пул ўтказадилар.

### **18-модда. Жамоат бирлашмалари мулки**

Жамоат бирлашмалари, уларнинг ташкилотлари бинолар, иншоотлар, уй-жой фонди, ускуналар, асбоблар, маданий-мърифий ва соғломлаштириш мақсадлари учун мўлжалланган мулкларга, пул маблағига, акцияларга, бошқа қимматбахо қофозларга хамда уларнинг уставларида кўзда тутилган фаолиятни моддий таъминлаш учун зарур бўлган ўзга мол-мулкка, шунингдек интеллектуал мулк обьектларига эгалик қилишлари мумкин. Бирлашмаларнинг уставларида кўрсатилган мақсадларга мувофиқ уларнинг маблағи хисобидан барпо этилган нашриётлар, бошқа корхоналар, хайрия, муассасалари жамоат бирлашмаларининг мулки бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларида, Қорақалпогистон Республикасида эса - Қорақалпогистон Республикаси нинг ҳам қонун хужжатларида давлат ва жамоат хавфсизлиги мулохазалари билан ёки ҳалқаро шартномаларга мувофиқ жамоат бирлашмалари мулки бўла олмайдиган мол-мулк турлари белгилаб кўйилиши мумкин.

Жамоат бирлашмаларининг пул маблағлари, агар уставда кўзда тутилган бўлса, бирлашмага кириш ва аъзолик бадалларини тўлашдан; ихтиёрий равищда ўтказилган пул ва хайриялардан; уставга мувофиқ ўтказилган лекциялар, кўргазмалар, спорт тадбирлари ҳамда бошқа тадбирлар, лотереялар тушумларидан, ишлаб чиқариш, хўжалик ва ноширлик фаолиятидан олинадиган даромадлардан; қонун билан тақиқланмаган бошқа тушумлардан ташкил топади.

Сиёсий мақсадларни кўзловчи сиёсий партиялар ва оммавий жамоат харакатларининг диний ташкилотлардан, чет эл давлатлари, ташкилотлари ва фуқароларидан молиявий ва ўзга ёрдам олиши ман этилади, улардан тушган маблағларни эса Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги давлат фойдасига утказиб юборади.

Сиёсий партиялар ўз бюджетларини омманинг эътибори учун ҳар йили эълон қиласидилар.

Жамоат бирлашмаларининг мулки қонун билан муҳофаза қилинади.

Иттифоқларнинг ва уларга кирувчи бирлашмаларнинг ана шу иттифоқ ва унга қўшилган бирлашмаларга карашли мол-мулкка зғалик қилиш, ундан фойдаланиш, тасарруф этишга доир ваколатлари жамоат бирлашмалари иттифоқларининг уставларида белгилаб кўйилади.

### **19-модда. Жамоат бирлашмаларининг оммавий аҳборот воситалари ва ноширлик фаолияти**

Жамоат бирлашмалари оммавий аҳборот воситаларини таъсис этишга ҳамда амалдаги матбуот ва бошқа оммавий аҳборот воситалари тўғрисидаги қонунларга мувофиқ ноширлик фаолияти билан шуғулланишга ҳақлидирлар.

### **IV БОБ. ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ҚОНУННИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК**

#### **20-модда. Жамоат бирлашмалари фаолиятини назорат қилиш ва кузатиб бориш**

Молия идоралари жамоат бирлашмаларини маблаг билан таминлаш ва улар даромадларининг манбаларини, улар олган маб-

лағ миқдорини ва солиқлар тұғрисидаги қонунларга мувофиқ солик тұланишини назорат қылиб борадилар.

Жамоат бирлашмаларининг қонунларни бажаришини прокуратура идоралари назорат қылиб борадилар.

Жамоат бирлашмаси уставини рүйхатта олган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги идоралари жамоат бирлашмаси фаолиятининг мақсадларига таалуқли устав қоидаларига риоя этилишини назорат қилади. Рүйхатта олуучи идора жамоат бирлашмасининг раҳбар организдан қабул қилингандан қарорларни тақдим этишни талаб қилишга, жамоат бирлашмалари ўтказадиган тадбирларда қатнашиш учун ўз вакилларини юборишга, жамоат бирлашмаси уставига риоя қилиш билан бөгликтегі масалалар юзасидан жамоат бирлашмаси аъзоларидан ва бошқа фуқаролардан тушунтириш олишга хақлидир.

## **21-модда. Жавобгарлик асослари**

Жамоат бирлашмалари тұғрисидаги қонунни бузыш амалдаги қонунларга мувофиқ жиной, маъмурий, моддий ёки ўзга жавобгарликка сабаб бўлади.

Жамоат билашмалари тұғрисидаги фонунни бузганлик учун бу ишда айбдор бўлган давлат ва жамоат идораларининг мансабдор шахслари, шунингдек фуқаролар жавобгар бўладилар.

Жамоат бирлашмаси, шу жумлайдан ўз уставини рүйхатдан ўтказмаган жамоат бирлашмаси жамоат бирлашмалари тұғрисидаги қонунни бузган тақдирда қонунга мувофиқ жавобгар бўлади.

Жамоат бирлашмаси унинг уставида белгилаб қўйилган максадлар ва вазифалар доирасидан четта чиқадиган ёки қонунни бузадиган хатти-харакатлари содир эттан тақдирда ана шу жамоат бирлашмасининг раҳбар идораси жамоат бирлашмаси уставини рүйхатта олган идора ёки прокурор томонидан ёзма равишда огохлантирилиши мумкин.

## **22-модда. Жамоат бирлашмаси устав ёки қонун талабларини бузган тақдирда уни тугатиши**

Жамоат бирлашмаси ушбу қонун 3-моддасининг 2, 3, 4-қисмida ва 18-моддасининг тұрттынчи қисмидә кўзда тутилган хатти-харакатларни содир эттан тақдирда суд қарорига биноан тугатилиши мумкин.

Жамоат бирлашмаси ушбу қонуннинг 21-моддаси тұрттынчи қисмидә кўзда тутилган харакатларни бир йил давомида такроран содир этганлиги учун суд уни тугатиши мумкин.

Суд қарори билан тугатилган жамоат бирлашмасининг мол-мулки қайтариб бермаслик шарти билан давлат мулкига айлантирилиши мумкин.

Халқаро жамоат бирлашмалари, унинг бўлинмалари, филиалари, республика ва вилоятларо жамоат бирлашмалари Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг, Бош Давлат солик бошқармасининг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан ваколат берилган бошқа идоралари ва мансабдор шахсларнинг тақдими-га асосан Ўзбекистон Республикаси Олий суди чиқарган қарорга мувофиқ тугатилади. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жамоат бирлашмасини тугатиш тўғрисидаги қарори устидан шикоят қилинмайди.

Махаллий жамоат бирлашмалари тегишли вилоят, Тошкент шаҳар судлари томонидан тугатилади. Бунда суднинг қарори устидан Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят қилиниши мумкин.

### **В БОБ. ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАРИ ХАЛҚАРО ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ, ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАР**

#### **23-модда. Жамоат бирлашмаларининг халқаро алоқалари**

Жамоат бирлашмалари Ўзбекистон Республикаси қонунлари-га ва ўз уставларига мувофиқ халқаро жамоат (нохукумат) бирлашмаларига кўшилиши, бевосита халқаро алоқалар ўрнатишли-ри, тегишли битимлар тузишлари мумкин.

#### **24-модда. Халқаро жамоат бирлашмалари**

Агар Ўзбекистон Республикасида тузилган жамоат бирлашмасининг фаолияти уставга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси худудида ва битта ёки ундан кўпроқ хорижий давлат худудида амал килса, у халқаро жамоат бирлашмаси деб эътироф этилади.

Башарти, чет элда тузилган халқаро жамоат бирлашмаси таркибига республика жамоат бирлашмаси коллектив аъзо сифати-да кирса, республика жамоат бирлашмасининг устави хам ушбу қонунга мувофиқ рўйхатга олиниши керак.

Ўз фаолиятини хорижий давлат худудида хам амалга ошира-диган жамоат бирлашмаси зарур ўзгартышлар ва қўшимчалар киритилган уставини қайта рўйхатдан ўтказиш учун Ўзбекистон

Республикаси Адлия вазиригига тақдим этади.

Тинчликни мустахкамлашни, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришни, инсонпарварлик фаолиятининг ўзга турларини мақсад килиб кўйган жамоат бирлашмалари қонунда белгиланган имтиёзлардан фойдаланишлари мумкин.

Ушбу қонуннинг қоидалари хорижий давлатлар жамоат бирлашмаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тузилган бўлимлари (филиаллари ва бошқа таркибий бўлинмалари) фаолиятига нисбатан қўлланади.

### **25-модда. Халқаро шартномалар**

Агар Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномасида ушбу ғонундагидан ўзга қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартномадаги қоидалар қўлланади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти  
И. Каримов

Тошкент ш.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ  
ҚОНУНИ  
14.12.2000 й.  
N 160-II**

**НОРМАТИВ-ХУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ТҮҒРИСИДА**

**I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

**1-модда. Ушбу қонуннинг асосий вазифалари**

Ушбу қонун норматив-хуқуқий ҳужжатлар тушунчаси, турлари ва уларга қўйиладиган асосий талабларни белгилайди.

**2-модда. Норматив-хуқуқий ҳужжат тушунчаси**

Ушбу қонунда белгиланган шаклда қабул қилинган, умуммаж-бурий давлат кўрсатмалари сифатида қонун ҳужжатлари нормаларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжат норматив-хуқуқий ҳужжат деб ҳисобланади.

**3-модда. Норматив-хуқуқий ҳужжатлар түғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Норматив-хуқуқий ҳужжатлар түғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатdir.

Қорақалпогистон Республикаси норматив-хуқуқий ҳужжатларининг турлари ва уларга қўйиладиган асосий талаблар Қорақалпогистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам белгиланади.

**4-модда. Норматив-хуқуқий ҳужжатларни қабул қилувчи органлар ёки мансабдор шахслар**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари, маҳалий давлат ҳокимияти органлари норматив-хуқуқий ҳужжатларни қабул қилувчи органлар ёки мансабдор шахслар (бундан бўён матнда органлар деб юритилади) ҳисобланадилар.

**II. НОРМАТИВ-ХУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИНГ  
ТУРЛАРИ ВА ЎЗАРО НИСБАТИ**

**5-модда. Норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг турлари**  
Қуйидагилар норматив-хуқуқий ҳужжатлар ҳисобланади:

- а) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси;
- б) Ўзбекистон Республикасининг қонунлари;
- в) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари;
- г) Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари;
- д) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари;
- е) вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳужжатлари;
- ж) Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари.

### **6-модда. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари**

Норматив-хуқуқий ҳужжатлар қонун ҳужжатлари ҳисобланади ва улар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари мажмуми-ни ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари қонунлар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-хуқуқий ҳужжатлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари қонун ости ҳужжатлари ҳисобланади.

### **7-модда. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг устунлиги**

Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўёзсиз тан олинади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси олий юридик кучга эга ва Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасида қонунлар ва бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси асосида ва уни ижро этиш учун қабул қилинади ҳамда унинг нормалари ва принципларига зид келиши мумкин эмас.

### **8-модда. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари**

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари энг муҳим ва барқарор ижтимоий муносабатларни тартибга солади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ёки референдум ўтказиш орқали қабул қилинади.

## **9-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг қарорлари**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг қарорлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун қабул қилинади.

## **10-модда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари**

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун фармонлар шаклида норматив-хукукий ҳужжатлар қабул қиласди.

## **11-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларига мувофиқ қарорлар шаклида норматив-хукукий ҳужжатлар қабул қиласди.

## **12-модда. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-хукукий ҳужжатлари**

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари ўз ваколатлари доирасида буйруқлар ва қарорлар шаклида норматив-хукукий ҳужжатлар қабул қиласди. Низомлар, қоидалар ва йўриқномалар тарзида қабул қилинадиган норматив-хукукий ҳужжатлар қабул қиласди. Низомлар, қоидалар ва йўриқномалар тарзида қабул қилинадиган норматив-хукукий ҳужжатлар буйруқ ҳамда қарорлар билан тасдикланади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-хукукий ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг, Ўзбекистон Республикасининг Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун қабул қилинади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-хукукий ҳужжатлари бир неча вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари билан биргаликда ёки уларнинг биттаси томонидан бошқалари билан келишилган ҳолда қабул қилиниши мумкин.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг тармоқ бўлинмалари ва худудий органлари норматив-ҳуқуқий тусдаги ҳужжатлар қабул қилишга ҳақли эмас, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

### **13-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари**

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ваколатлари доирасида қарорлар шаклида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қиласди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, шунингдек, юқори турувчи маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари асосида ва уларни ижро этиш учун қабул қилинади.

### **14-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўзаро нисбати**

Турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг юридик кучи бўйича ўзаро нисбати Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган органнинг ваколатига ва мақомига, шунингдек, ҳужжатларнинг турларига мувофиқ белгиланади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат ўзига қараганда юқорироқ юридик кучга эга бўлган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ бўлиши шарт.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бир-бирига тўғри келмаган ҳолларда юқорироқ юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжат қўлланилади.

Тенг юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бир-бирига тўғри келмаган ҳолларда кейинроқ қабул қилинган ҳужжат қоидалари амал қиласди.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган вазирлик, давлат қўмитаси ёки идорасининг ижтимоий муносабатларнинг муайян соҳасини тартибга солиш учун маҳсус ваколати бўлса, ушбу орган қабул қилган ҳужжат бир хил даражадаги бошқа вазирлик, давлат қўмитаси ёки идорасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатига нисбатан юқорироқ юридик кучга эга бўлади.

### **III. НОРМАТИВ-ХУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН АСОСИЙ ТАЛАБЛАР**

#### **15-модда. Норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг тайёрланишини ташкил этиш**

Норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқаётган орган, қоида тариқасида, лойиҳани тайёрлаш юзасидан комиссия тузади.

Норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини тайёрлашга манфаатдор давлат органлари, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари, айрим фуқаролар жалб этилиши мумкин.

Норматив-хуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи орган норматив-хуқуқий ҳужжатнинг лойиҳасини тайёрлашни давлат органлари, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотларга, айрим фуқароларга белгиланган тартибда топшириши ёки шартнома асосида буюртма бериши мумкин.

Норматив-хуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи орган бир неча давлат органлари, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотларга, айрим фуқароларга мүкобил лойиҳалар тайёрлашни топширишга ёки улар билан шартномалар тузишга, шунингдек, энг яхши лойиҳа учун танловлар эълон қилишга ҳақлидир.

Иқтисодиётнинг алоҳида тармоқлари, давлат бошқарувининг бошқа соҳаларига доир норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини тайёрлашга тегишли тармоқлар ёки бошқарув соҳаларининг ҳолати ва ривожланиши учун маъсул бўлган вазирликлар, давлат қўмиталари ёки идоралари жалб этилади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш бўйича ишини мувофикалаштириб туриш, қонун ҳужжатларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

#### **16-модда. Норматив-хуқуқий ҳужжатни тайёрлашда норматив-хуқуқий ҳужжатнинг қўлланиш амалиётини ҳамда жамоатчилик фикрини ўрганиш**

Норматив-хуқуқий ҳужжатни тайёрлашда лойиҳани ишлаб чиқувчи орган:

loyixa mавзусига доир қонун ҳужжатларининг қўлланилиш тажрибасини ўрганади ва ҳисобга олади, хуқукни тартибга солишга бўлган жамоатчилик эҳтиёжини, қонун ҳужжатларининг самараадорлигига таъсир этувчи сабаблар ва шароитларни аниқлайди;

давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва жамоат бирлаш-

малари, шунингдек, фуқароларнинг таклифларини, оммавий ахборот воситаларининг материалларини, илмий муассасалар, олимлар ва мутахассисларнинг тавсияларини, жамоатчилик фикрини аниқлашнинг бошқа воситалари маълумотларини умумлаштиради ва улардан фойдаланади;

бошқа давлатлардаги қонунчилик йўли билан тартибга солиш тажрибасини ҳисобга олади.

қонун лойиҳалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда умумхалқ муҳокамасига кўйилиши мумкин. Бошқа норматив-хукукий ҳужжатларнинг лойиҳалари жамоатчилик ёки мутахассислар муҳокамасига кўйилиши мумкин.

### **17-модда. Норматив-хукукий ҳужжатнинг лойиҳасини норматив-хукукий ҳужжатни қабул қилувчи органга киритиш**

Норматив-хукукий ҳужжатнинг тайёрланган лойиҳаси норматив-хукукий ҳужжатни қабул қилувчи органга тақдимнома билан киритилади. Тақдимномада ҳужжатни қабул қилишнинг зарурлиги асослаб берилади, уни ишлаб чиқувчилар кўрсатилади, ҳужжат мазмуининг қисқача тавсифи берилади, лойиҳа келишилган давлат органлари, шунингдек, ташкилотларнинг рўйхати келтирилади, келишмовчиликларнинг мазмуни ва улар ҳақидаги асосли фикр қисқача баён этилади.

Зарурат бўлганда, норматив-хукукий ҳужжат лойиҳасига уни асослаш учун молиявий-иктисодий ҳисоб-китоблар, статистикаси маълумотлари ва бошқа ахборотлар илова қилинади.

### **18-модда. Норматив-хукукий ҳужжатлар лойиҳалари-нинг экспертизаси**

Норматив-хукукий ҳужжатларнинг лойиҳалари хукукий экспертизадан ўтказилиши шарт.

хукукий экспертиза давомида норматив-хукукий ҳужжатнинг лойиҳаси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонун ҳужжатларига, шунингдек, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги текширилади.

хукукий экспертиза норматив-хукукий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаган органнинг ёки норматив-хукукий ҳужжатни қабул қиласидан органнинг юридик хизмати, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилиши мумкин.

Киритилган лойиҳанинг сифатига баҳо бериш учун норматив-хукукий ҳужжатни қабул қилувчи органнинг қарорига биноан нор-

матив-хуқуқий ҳужжатнинг лойиҳаси бошқа хил (иктисодий, молиявий, илмий-техникавий, экология ва ўзга) экспертизадан ҳам ўтказилиши мумкин. Экспертлар сифатида тегишли лойиҳани тайёрлашда илгари бевосита иштирок этмаган ташкилотлар ва шахслар жалб этилади. Экспертиза ўтказиш учун бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлардан олимлар ва мутахассислар таклиф этилиши мумкин. Экспертлар норматив-хуқуқий ҳужжатнинг лойиха-зини топширган органнинг нуқтаи назари билан боғлиқ эмасдир.

### **19-модда. Норматив-хуқуқий ҳужжатнинг мазмунига нисбатан қўйиладиган талаблар**

Норматив-хуқуқий ҳужжатнинг матни лўнда, оддий ва равон тилда баён этилади. Норматив-хуқуқий ҳужжатда фойдаланиладиган тушиунчалар ва атамалар уларнинг амалдаги қонун ҳужжатларида қабул қилинган мазмунига мувофик, турлича шарҳлаш имкониятини истисно этадиган тарзда бир хилда қўлланилади. Эскирган ҳамда кўп маънони англатадиган сўзлар ва иборалар, мажозий тақъослашлар, сифатлашлар, киноялар қўлланилишига йўл қўйилмайди.

Норматив-хуқуқий ҳужжатда уни амалга оширишнинг ҳуқуқий воситалари, шу жумладан, молиялаштириш манбалари, рағбатлантириш, мукофотлаш ва назорат қилиш чора-тадбирлари кўрсатилиши мумкин.

Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва жамоат бирлашмалари, шунингдек, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг мажбуриятларини белгиловчи норматив-хуқуқий ҳужжатда ушбу мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик чоралари (агар бундай чоралар қонун ҳужжатларида назарда тутилган бўлмаса ёки маҳсус ҳужжатда белгиланиши керак бўлмаса) назарда тутилади.

Норматив-хуқуқий ҳужжатга уни қабул қилиш сабаблари ва максадларини тушунитиришдан иборат бўлган муқаддима киритилиши мумкин. Норматив кўрсатмалар муқаддимага киритилмайди.

Қонунларда норматив кўрсатмалар тартиб рақамига эга бўлган моддалар тарзида баён этилади. Қонунларнинг моддалари қисмларга бўлиниши мумкин. Моддаларнинг қисмларида бандлар, кичик бандлар ва хатбошилар бўлиши мумкин. Бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатларда норматив кўрсатмалар тартиб рақамига эга бўлган бандлар тарзида баён этилади. Бандлар кичик бандларга ва хатбошиларга бўлиниши мумкин.

Ҳажм жиҳатдан йирик норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг мазмун жиҳатдан яқин бўлган моддалари (бандлари) параграфлар ва боб-

ларга бирлаштирилади. Зарур ҳолларда боблар бўлимларга ва кичик бўлимларга бирлаштирилиши мумкин. Бўлимлар, кичик бўлимлар, боблар ва параграфлар сарлавҳаларга ва тартиб рақамларига эга бўлади.

Норматив-хукуқий ҳужжатларда қонун ҳужжатларига киритилаётган юридик, техникавий ва бошқа маҳсус атамаларнинг таърифлари берилиши мумкин.

Зарур ҳолларда норматив-хукуқий ҳужжатда юқорироқ юридик кучга эга бўлган норматив-хукуқий ҳужжатларнинг айрим қоидалари мазкур ҳужжатларга ҳавола қилинган холда айнан тақрорланади.

Норматив-хукуқий ҳужжатларда, қоида тариқасида, худди шундай юридик кучга эга бўлган амалдаги норматив-хукуқий ҳужжатларнинг норматив кўрсатмалари қайта айнан тақрорланмайди.

Норматив-хукуқий ҳужжатнинг моддаларида (бандларида) унинг бошқа моддаларига (бандларига), шунингдек, амалдаги бошқа норматив-хукуқий ҳужжатларга, уларнинг айрим қоидаларига ҳаволалар норматив кўрсатмаларнинг ўзаро боғлиқлигини кўрсатиш зарурати бўлган ҳолларда ёки тақрорлашларга йўл қўймаслик учун қўлланилади.

## **20-модда. Норматив-хукуқий ҳужжатнинг расмий матнини имзо қўйиб тасдиқлаш**

Норматив-хукуқий ҳужжатнинг расмий матни қўйидаги тарзда имзо қўйиб тасдиқланади:

Ўзбекистон Республикасининг қонуни-Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Раиси томонидан;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони - Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Раиси томонидан ёки унинг топшириғига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан;

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-хукуқий ҳужжатлари - ҳужжатни қабул қилган орган раҳбари томонидан;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари - тегишли ҳоким томонидан.

### **21-модда. Норматив-хуқуқий ҳужжатларининг реквизитлари**

Норматив-хуқуқий ҳужжатлар қўидаги реквизитларга эга бўлади:  
хужжатнинг тури ва номи;  
хужжат қабул қилинган жой, сана ва хужжат рақами;  
тегишли норматив-хуқуқий ҳужжатларни имзо қўйиб тасдиқлаш-  
га расман ваколати бўлган шахсларнинг фамилияси, лавозими ва  
имзолари.

### **22-модда. Норматив-хуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказишга тақдим этиш**

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-  
хуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган кундан эътиборан ўн кун ичida  
уларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун Ўзбекистон Республика-  
си Адлия вазирлигига тақдим этади.

### **23-модда. Янги норматив-хуқуқий ҳужжат қабул қилинганлиги муносабати билан илгари қабул қилинган ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш**

Янги норматив-хуқуқий ҳужжат қабул қилинганлиги муносаба-  
ти билан илгари қабул қилинган норматив-хуқуқий ҳужжатларга  
зарур ўзгартиришлар ёки қўшимчалар киритилади ҳамда илгари  
қабул қилинган барча ҳужжатлар ёки уларнинг қисмлари, агар улар  
янги норматив қўрсатмаларга зид бўлса ёхуд янги ҳужжат билан  
тўлалигича қамраб олинган ёки амалда ўз аҳамиятини йўқотган,  
лекин расман ўз кучини йўқотган деб эътироф этилмаган бўлса,  
ўз кучини йўқотган деб эътироф этилмоғи керак.

## **IV. НОРМАТИВ-ХУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ, УЛАРНИНГ КУЧГА КИРИШИ ВА АМАЛ ҚИЛИШИ**

### **24-модда. Норматив-хуқуқий ҳужжатларни эълон қилишга қўйиладиган талаблар**

Норматив-хуқуқий ҳужжатлар расмий нашрларда эълон қили-  
ниши керак. ҳамманинг эътибори учун расман эълон қилинмаган  
қонун асосида ҳеч ким судланиши, жазога тортилиши ёки мол-  
мукидан маҳрум қилиниши мумкин эмас.

Норматив-хуқуқий ҳужжат расман баён тарзида эълон қилини-  
шига йўл қўйилмайди.

Норматив-хуқуқий ҳужжат расман эълон қилинганда унинг бар-  
ча реквизитлари кўрсатилади.

Норматив-хуқукий хужжатларни норасмий нашрларда эълон қилишга, шунингдек, уларни қонун хужжатларининг электрон маълумот тизимлари оркали тарқатишга бу хужжатлар расмий манбаларда эълон қилинганидан сўнг ҳамда барча реквизитлари, эълон қилинган расмий манбалари ва кучга кириш санасини кўрсатиш шарти билан рухсат этилади.

### **25-модда. Норматив-хуқукий ҳужжатларни эълон қилишнинг расмий манбалари**

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси», «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари эълон қилинадиган расмий манбалар ҳисобланади.

«Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарорларининг тўплами», «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинадиган расмий манбалар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Аддия вазирлиги томонидан нашр этиладиган «Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий хужжатлари Ахборотномаси», вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг расмий нашрлари Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-хуқукий хужжатлари эълон қилинадиган расмий нашрлар ҳисобланади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-хуқукий хужжатлари мазкур органларнинг расмий нашрларида эълон қилинади.

### **26-модда. Норматив-хуқукий ҳужжатларнинг кучга кириши**

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари, агар ҳужжатларнинг ўзида бошқа муддат кўрсатилган бўлмаса, расман эълон қилинадиган сўнг ўн кундан кейин кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари тегишинча Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиланган тартибда кучга киради ва улар эълон қилиниши шарт.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-хукуқий хужжатлари, агар хужжатнинг ўзида кечрок муддат кўрсатилган бўлмаса, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг ўн кундан кейин кучга киради.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ўтказилган кундан эътиборан ўн кунлик муддат ичидаги барча манфаатдор шахслар эътиборига етказилиши лозим. Норматив-хукуқий хужжатни манфаатдор шахслар эътиборига етказиш норматив-хукуқий хужжат матни билан монеликсиз (эркин) танишиш ҳукуқини таъминловчи ҳар қандай шаклда амалга оширилиши мумкин.

## **27-модда. Норматив-хукуқий хужжатнинг орқага қайтиш кучи**

Норматив-хукуқий хужжатлар орқага қайтиш кучига эга эмас ва улар амалга киритилганидан кейин юзага келган муносабатларга нисбатан татбиқ этилади.

Қонун, у амалга киритилишига қадар юзага келган муносабатларга нисбатан, агар бу ҳоллар қонунда бевосита назарда тутилган бўлса, татбиқ этилиши мумкин. Агар қонун хатти-ҳаракатлар содир этилган пайтда жавобгарликка сабаб бўлмаган ёки енгилроқ жавобгарликка сабаб бўлган хатти-ҳаракатлар учун юридик ва жисмоний шахсларнинг жавобгарлигини белгилаш ёки кучайтиришни назарда тутса ёхуд юридик ва жисмоний шахсларга моддий зарар келтирса, қонунга орқага қайтиш кучини бериш мумкин эмас.

## **28-модда. Норматив-хукуқий хужжатнинг амал қилиш муддати**

Норматив-хукуқий хужжат, агар унинг матнида бошқа изоҳ берилмаган бўлса, муддатсиз амал қиласди.

Норматив-хукуқий хужжат амал қилишининг вақтинчалик муддати бутун хужжат учун ёки унинг қисмлари учун белгиланиши мумкин. Бундай ҳолда унда хужжат (ёки унинг қисми) қайси муддатга ёки ҳар кандай ҳодиса юз бергунига қадар ўз кучини сақлаб қолиши кўрсатилиши зарур.

Норматив-хукуқий хужжатни қабул қилган орган белгиланган муддат тугагунига қадар хужжатнинг амал қилинишини янги муддатга, бошқа ҳодиса юз бергунига қадар узайтириш тўғрисида ёки хужжатга муддатсиз тус бериш ҳақида қабул қилиши мумкин.

### **29-модда. Норматив-хукукий ҳужжатларнинг шахслар доираси бўйича амал қилиши**

Норматив-хукукий ҳужжатларнинг амал қилиши Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ва юридик шахсларига, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эллик юридик шахсларга, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга татбиқ этилади.

### **30-модда. Норматив-хукукий ҳужжат амал қилишининг тугатилиши**

Норматив-хукукий ҳужжат (унинг қисми) қуийдаги ҳолларда амал қилишини тугатади:

норматив-хукукий ҳужжат (унинг қисми) мўлжалланган муддат тугаганда ёки ҳодиса бошланганда;

норматив-хукукий ҳужжат (унинг қисми) қонунда белгиланган тартибда Конституциявий эмас деб топилганда;

норматив-хукукий ҳужжат (унинг қисми) ўз кучини йўқотган деб топилганда;

норматив-хукукий ҳужжат қонунда назарда тутилган ҳолларда бекор қилинганда.

## **V. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР**

### **31-модда. Норматив-хукукий ҳужжатларни шарҳлаш**

Норматив-хукукий ҳужжатларни шарҳлаш норматив-хукукий ҳужжатда ноаниқликлар топилган, у амалиётда нотўри ёки мантиққа зид тарзда кўлланилган ҳолларда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ қонунларнинг нормаларига Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди шарҳ беради.

Қонун ости ҳужжатларига уларни қабул қилган органлар расмий шарҳ беради.

Шарҳлаш жараёнида норматив-хукукий ҳужжатларга тузатишлар, қўшимчалар ва аниқлаштирувчи нормалар киритилишига йўл кўйилмайди.

### **32-модда. Норматив-хукукий ҳужжатларни мунтазам нашр этиш**

Норматив-хукукий ҳужжатларни қабул қилувчи ҳужжатларнинг тўпламлари ва мажмуаларини қонун ҳужжатларида белгиланган

тартибда нашр этади ёхуд уларни бошқа органлар ва ташкилотлар нашр этиши тўғрисида топшириклар беради.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари ўзлари қабул қилган норматив-хукукий ҳужжатларнинг бир тизимга солинган мажмуаларини нашр этади, мажмуаларни назорат ҳолатида саклайди, уларга қўшимчалар нашр этади, уларни қайта нашр этади.

### **33-модда. Норматив-хукукий ҳужжатларни давлат томонидан ҳисобга олиш**

Норматив-хукукий ҳужжатларни давлат томонидан ҳисобга олиш бундай ҳужжатларни марказлашган тарзда йиғиш ва рўйхатга олишдан, уларнинг фондларини ҳамда бу ҳужжатлар ҳақидаги марказлашган ахборотларни яратиш ва назорат ҳолатида сақлаб туришдан иборатdir.

Ўзбекистон Республикасининг норматив-хукукий ҳужжатлари ни давлат томонидан ҳисобга олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

*Ўзбекистон Республикаси Президенти  
И. Каримов*

Тошкент ш.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР  
МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ**  
1993 йил 12 март  
№132

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЖАМОАТ  
БИРЛАШМАЛАРИНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШНИ  
ТАРТИБГА СОЛИШ ТЎҒРИСИДА**

Мазкур қарорга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 19 августдаги 423-сон, 1997 йил 8 апрелдаги 177-сон қарорларига биноан ўзгартиришлар киритилган.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 3 июлдаги Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисидаги» қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунига биноан ҳамда жамоат бирлашмаларининг уставини рўйхатдан ўтказишни тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ**:

1. Илова қилинган Ўзбекистон Республикаси худудида фаолият кўрсатувчи жамоат бирлашмаларини рўйхатдан ўтказиш ҳақида ги аризаларини кўриб чиқиши Қоидалари тасдиқлансан.

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигига мазкур Қоидаларни жорий қилиш тартиби бўйича тушунтиришлар беришга рұхсат этисин.

2. Бугунги кунгача рўйхатдан ўтган барча жамоат бирлашмалари ҳамда уларнинг тузилмавий бўлинмалари 1993 йилнинг II ва III кварталларида илова қилинаётган Қоидаларда кўзда тутилган тартибда қайта рўйхатдан ўтишлари зарурлиги тан олинсан. Қайта рўйхатдан ўтмаган жамоат бирлашмалари ва уларнинг тузилмавий бўлинмаларининг фаолияти тўхтатиб турилади.

3. Жамоат бирлашмалари уставини рўйхатдан ўтказиш учун куйидаги микдорда тўловлар белгилансин:

-халқаро жамоат  
бирлашмалари

йигирма энг кам иш ҳақи ҳамда  
100 АҚШ доллари микдорида  
эркин конвертацияланувчи  
валютада

- республика ва вилоят

йигирма энг кам иш ҳақи

-бошқа жамоат бирлашмалар

ўн энг кам иш ҳақи

4. Мазкур Қарорнинг З-бандида кўрсатилган ногиронлар, ветеранлар, аёллар ва болалар жамоат бирлашмаларининг уставини рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани бериш учун 25 фоиз микдорида тўлов олинади.

5. Рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳнома йўқотилган тақдирда дубликат бериш учун рўйхатдан ўтказиш учун тўловнинг 50 фоизи олинади.

6. Қайта рўйхатдан ўтказиш ҳамда жамоат бирлашмасининг уставига киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимчаларни мувофиқлаштириш учун тўлов рўйхатдан ўтказиш учун тўловнинг 50 фоиз микдорида олинади.

7. Жамоат бирлашмасини рўйхатдан ўтказиш ёки қайта рўйхатдан ўтказишида рад жавоби берилганда ва мазкур қарор ўзгартиришсиз қолдирилганда тўланган тўлов қайтариб берилмайди.

8. Ариза кўриб чиқилмасдан қолганидан уч ой ўтпанидан сўнг уставни рўйхатдан ўтказиш ёки қайта рўйхатдан ўтказиш учун ариза берилганда рўйхатдан ўтказиш учун тўлов умумий асосда олинади.

9-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 19 августдаги 423-сон қарорига биноан ўз кучини йўқотган.

9. Мазкур қарорга биноан олинаётган тўловлар белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигининг ҳисобрақамига ўтказилади.

10. Ўзбекистон Республикаси Президенти қошидаги Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 2 апрелдаги 83-сон Қарори ўз кучини йўқотган деб тан олинсин.

*Ўзбекистон Республикасининг  
Бош Вазири А. Муталов.*

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Махкамасининг 1993 йил 12 мартдаги  
132-сон қарори билан  
тасдиқланган**

**Ўзбекистон Республикаси худудида фаолият кўрсатувчи жамоат бирлашмаларининг уставини рўйхатдан ўtkазиш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиш  
ҚОИДАЛАРИ**

Мазкур Қоидаларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1997 йил 8 апрелдаги 177-сон Қарорига биноан ўзгаришилар киритилган.

1. Ўзбекистон Республикаси худудида фаолият кўрсатувчи халқаро, республика ва вилоятлараро жамоат бирлашмалари, партиялар, оммавий жамоат ҳаракатлари ва касаба ўюшмаларининг уставларини рўйхатдан ўtkазиш Ўзбекистон Республикасининг адлия Вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Халқаро жамоат бирлашмалари тузилмавий бўлинмаларининг (бўлимлари, филиаллари) уставларини (низомлари) рўйхатдан ўtkазиш ҳам Ўзбекистон Республикаси адлия Вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Республика ва вилоятлараро жамоат бирлашмалари структуравий бўлинмаларининг ҳамда вилоят, туман, шаҳар, поселка, қишлоқ худудида ёки икки ва ундан ортиқ туманлар ва шаҳарлар, поселкалар ва қишлоқлар худудида фаолият кўрсатувчи жамоат бирлашмаларининг уставлари (низомлари) вилоятларнинг адлия бошқармалари, Тошкент шаҳар ҳокимияти томонидан рўйхатдан ўtkазилади.

Ўз уставига (низомига) эга бўлмаган структуравий бўлинмалар рўйхатга олувчи тегишли адлия органларида ҳисоб рўйхатидан ўтадилар.

2. Жамоат бирлашмаси уставини (низомни) рўйхатдан ўtkазиш учун «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисидаги» қонуннинг 11 моддасида кўзда тутилган тартиб ва муддатларда рўйхатдан ўtkазувчи органга ариза берилади. У жамоат бирлашмасининг раҳбар органи аъзолари томонидан исми, фамилияси, отасининг исми, сайланган лавозими, туғилган йили, яшаш жойи ва телефони кўрсатилган ҳолда имзоланганди бўлиши лозим. (1-илова).

Рўйхатдан ўtkазиш тўғрисидаги аризага нотариус томонидан тасдиқланган (ёки уларни берган органлар томонидан тасдиқланган) қуидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим (3 нусхада):

а) «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисидаги» Қонуннинг 10 моддасининг талабларига жавоб берувчи жамоат бирлашмасининг устави

б) уставни қабул қилган таъсис йиғилиши (конференция) ёки умумий йиғилишнинг баённомаси.

в) рўйхатдан ўтказиш учун тўлов тўланганлигидан далолат берувчи банк тўлов ҳужжати.

г) «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисидаги» Қонуннинг 6-, 8- ва 11-моддаларининг талаблари бажарилганлигини тасдиқловчи бошқа материаллар, шу жумладан:

- жамоат бирлашмасини ташкил қилиш ташаббускорлари (таъсисчилар) тўғрисида маълумотлар (ташаббускорлар – фуқаролар учун фамилиси, исми, отасининг исми, туғилган йили, яшаш жойи);

- жамоат бирлашмалари учун – бирлашманинг номи, раҳбар органнинг манзилгоҳи, уставни рўйхатдан ўтказилган санаси ва жойи).

«Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисидаги» қонун киритилмасдан олдин барпо қилинган жамоат бирлашмалари ташаббускорлар тўғрисидаги маълумотларни давлат ва жамоат органларининг далолатномалари, архив ҳужжатларининг нусхалари, ишга тегишли хатлар шаклида тақдим қилишлари мумкин;

- фамилияси, исми, отасининг исми, сайланган лавозими, туғилган йили, манзилгоҳи ва телефони кўрсатилган ҳолда раҳбар орган аъзолари тўғрисида маълумотлар. Бунда бир жамоат бирлашмаси раҳбар органининг аъзоси бир вақтда бошқа жамоат бирлашмаси раҳбар органининг аъзоси бўла олмайди;

- мазкур жамоат бирлашмасининг бошқа мамлакатлар, Қоракалпогистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва Ўзбекистон Республикасининг вилоятларида ташкилотлари борлиги тўғрисидаги ҳужжатлар (мазкур ҳужжатлар халқаро, республика ёки вилоятларро жамоат бирлашмалари ташкил қилинаётган ҳолда тақдим қилинади);

- фаолиятни, нашриёт фаолияти ва босма органларини таъминлашни ўз ичига олган ҳолда, молиялаштириш манбалари тўғрисидаги декларация;

- илк бор ташкил қилинаётган жамоат бирлашмалари учун – ижарага берувчининг тегишли хоналарни беришга розилиги ҳақида хати;

-сиёсий партиялар учун – Коракалпогистон Республикаси ва Тошкент шаҳрини ўз ичига олган ҳолда камида саккиз ҳудудий субъектларда (вилоятларда) истиқомат қилувчи камида беш минг партия аъзоларининг рўйхати, касаба ўюшмалари учун – камида уч минг фуқаро рўйхати. (Гал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 8 апрелдаги 177-сон Қарори таҳририда) (Олдинги таҳририга кара). Рўйхатларда имзодан ташқари имзо Кўювчининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, доимий яшаш жойи кўрсатилади. Имзо ва маълумотлар мос рашида Фуқаронинг яшаш жойида (иш, ўқиш ёки ҳарбий хизмат жойи) тасдиқланади.

Жамоат бирлашмасининг тузилмавий бўлинмалари уставини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги аризага нотариус томонидан тасдиқланган устав (низом) ва Бош жамоат бирлашмасини рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги далолатномаларнинг нусхаси ва жамоат бирлашмасининг марказий раҳбар органи томонидан тасдиқланган таъсис ҳужжатлари илова қилинади.

Рўйхатдан ўтказувчи орган жамоат бирлашмаси томонидан тақдим қилинган материалларнинг ишончлилиги ва жорий қонунчиликка мос эканлигини текширади.

3. Жамоат бирлашмаси уставини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза ўзбек ва рус тилида барча зарур ҳужжатлар келиб тушгандан сўнг икки ой ичидаги кўриб чиқилади.

Зарур бўлган ҳолларда рўйхатдан ўтказувчи орган тегишли ташкилотларга жамоат бирлашмасининг уставини экспертизадан ўтказишини топшириши мумкин, шу сабаб туфайли аризани кўриб чиқиш муддати узайтирилиши мумкин, лекин бир ойдан ошмаслиги лозим.

Аризани кўриб чиқиш натижасида рўйхатдан ўтказувчи орган қуидаги қарорлардан бирини қабул қиласди:

- 1) уставни рўйхатдан ўтказиш;
- 2) рўйхатдан ўтказишига рад жавобини бериш;
- 3) аризани кўриб чиқмасдан қолдириш.

4. «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисидаги» қонун киритилмасдан олдин ташкил қилинган жамоат бирлашмасининг устави кўрсатилган қонуннинг 10-моддаси таалабларига мос келмаган ҳолларда, агар бу номослик бирлашманинг мақсад ва вазифалари, унинг аъзоларининг хукуқларига тегишли бўлмаса, у жамоат бирлашмаси раҳбар органининг бирлашманинг энг яқин йигилишида (съездзи, конференцияси) уставга зарур ўзгартиришлар ва қўшимчалар ки-

ритиши тўғрисидаги ёзма мажбурияти бўлганида рўйхатдан ўтказилиши мумкин.

5. Қандай турдалигидан қатъий назар бир хил номли ҳалқаро, республика ва бошқа жамоат бирлашмаларининг уставини рўйхатдан ўтказишга йўл қўйилмайди.

Уставни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза билан икки ёки ундан ортиқ бир хил номли бирлашмалар мурожаат этган ҳолларда уставни рўйхатдан ўтказиш учун устунлик ҳуқуқига «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисидаги» қонун жорий қилинмасдан олдин ташкил қилинган жамоат бирлашмаси эга бўлади. Бундай бирлашма бўлмаса, у холда бошқалардан олдин ушбу ном билан уставни рўйхатдан ўтказиш учун ариза топширган жамоат бирлашмасига афзаллик берилади.

6. Жамоат бирлашмасининг уставини рўйхатдан ўтказиш, унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш учун микдори ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган рўйхатдан ўтказиш тўловлари олинади.

7. Жамоат бирлашмаси уставини рўйхатдан ўтказиш учун рад жавоби берилган ҳолларда рўйхатдан ўтказувчи орган бу ҳақда асосланган қарор қабул қиласди. Рўйхатдан ўтказишга рад жавобига жамоат бирлашмасининг раҳбарияти Ўзбекистон Республикасининг фуқаро-процессуал кодексида кўзда тутилган тартиб ва муддатларда тегишли судга шикоят аризаси топшириши мумкин.

8. Агар жамоат бирлашмаси уставини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза ҳужжатларни тақдим қилинмасдан топширилган бўлса ёки мазкур Қоидаларнинг 2- ва 5-бандларида кўрсатиб ўтилган ҳолатларнинг бири мавжуд бўлганида ариза кўриб чиқилмайди. Аризани кўриб чиқмаслик тўғрисидаги қарор ариза берувчига ёзма шаклда маълум қилинади. Уларга камчиликлар бартараф қилингандан сўнг жамоат бирлашмаси уставини рўйхатдан ўтказиш учун тўловлврни тўламасдан қайта мурожаат қилиш ҳуқуклари тушуштирилади. Қайта ариза билан мурожаат қилинганда аризани кўриб чиқмаслик учун қарор қабул қилингандан уч ой ўтганидан сўнг рўйхатдан ўтказиш учун тўлов умумий асосда олинади. Аризани кўриб чиқмасликка қарор қабул қилиш учун асос бўлган сабаблар бартараф қилинганда, ариза «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисидаги» қонун ва мазкур Қоидаларда белгиланган тартиб ва ва муддатларда кўриб чиқиласди.

9. Жамоат бирлашмаси уставини рўйхатдан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинганда ариза берувчига рўйхатдан ўтказил-

ганлиги тўғрисида белгиланган намунада гувохнома берилади. (З-ва 4-иловалар).

Гувохнома йўқотилганда унинг дубликатини бериш учун рўйхатдан ўтказиш тўловининг 50 фойзи миқдорида тўлов ундирилади.

10. Устави рўйхатдан ўтказилган жамоат бирлашмасига рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан жамоат бирлашмалари реестрига ёзиган кўйилувчи тегишли рўйхатдан ўтказиш тартиб раками берилади.

Реестрга куйидагилар киритилади: номи, тури, бирлашмани ташкил қилиш мақсадлари ва фаолияти, оти, манзилгоҳи, раҳбар органларнинг таркиби ва сайланган санаси, устав қабул қилинган сана, реестрга киритилган сана, фамилия, исми, лавозими, реестрга киритган шахснинг имзоси (5-илова).

11. Агар уставда жорий қонунчиликка зид ҳолатлар мавжуд бўлса ёки таъсис ҳужжатларида бошқа қоида бузилишлари аниқланса, жамоат бирлашмаси уставини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги қарор рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан бекор қилинади.

12. Белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган жамоат бирлашмаларининг раҳбар органлари ҳар чоракда рўйхатдан ўтказувчи органга қабул қилинган қарорлар (нусхаси) ва режалаштирилаётган тадбирлар тўғрисида маълумотларни тақдим қилиб туришлари лозим. Кўрсатилган маълумотлар тақдим қилинмаган тақдирда, рўйхатдан ўтказувчи орган ёзма огоҳлантириш берганидан сўнг тегишли жамоат бирлашмасини тугатиш тўғрисида илтимоснома киритади.

13. Жамоат бирлашмасининг уставини қайта рўйхатдан ўтказиш, уставга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги аризалар мазкур Қоидаларга биноан кўриб чиқилади. Жамоат ташкилотилари уставдаги ўзгартиришлар ва қўшимчалар тўғрисида ҳамда жамоат ташкилотининг жойлашган жойи ўзгарганида бир ой муддат ичida рўйхатдан ўтказувчи органга хабар беришлари лозим. Бундай ўзгартиришлар ва қўшимчалар тўғрисида белгиланган муддатда хабар берилмагандан уставни қайта рўйхатдан ўтказишида тўлов тўлиқ миқдорда олинади.

14. Жамоат бирлашмалари уставини қайта рўйхатдан ўтказиш мазкур Қоидаларнинг 2-бандида санаб ўтилган нотариус томонидан (хужжатларни берган орган томонидан) тасдиқланган ҳужжатлар ҳамда жамоат бирлашмасининг охирги йилдаги фаолияти тўғрисидаги хисоботни тақдим қилингандан сўнг амалга оширилади.

15. Уставлари Адлия Вазирги ва вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимиятларининг адлия бошқармаларида рўйхатга олинган жа-

моат бирлашмаларининг реестрлари оммавий ахборот воситалирида ошкор этилиши мумкин.

16. Жамоат бирлашмаларининг уставларини рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотлар ўн кун ичидаги давлат статистика органларига белгиланган шаклда берилиши лозим.

17. Белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган жамоат бирлашмалари, шу жумладан партиялар ва касаба уюшмалари, ҳар йили 1 Февралгача рўйхатдан ўтказувчи органга фаолиятни молиялаш манбалари ва маблағларни сарфлаш тўғрисида декларацияни қўшган ҳолда ўтган йилдаги фаолияти тўғрисида ҳисобот ҳамда мавжуд аъзолар сони тўғрисида маълумот тақдим қилишлари лозим.

18. Тугатилганда жамоат бирлашмасининг раҳбар органлари уч кун ичидаги рўйхатдан ўтказувчи органга тегишили ариза беришлари лозим. Рўйхатга олингандикни бекор қилиш бу ҳолда жамоат бирлашмаси энг юқори органининг мажлиси баённомасидан кўчирма ёки тегишили суд қарори асосида амалга оширилади.

Агар аъзолари сони жамоат бирлашмалари тўғрисидаги қонунинг 6-моддасининг 1-қисми ва 8-моддасининг 1-қисмига биноан жамоат бирлашмасини таъсис қилиш учун зарур микдордан кам бўлиб қолган тақдирда ҳам жамоат бирлашмаси ўз фаолиятини тутатган ҳисобланади.

**Жамоат бирлашмаларининг уставини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиши Қоидаларига**

### **1-ИЛОВА**

#### **АРИЗА**

Түғилган йили, доимий турар жойи, телефон рақамини кўрсатган ҳолда \_\_\_\_\_

жамоат ташкилотининг бошқарув органи аъзолари – фуқароларнинг \_\_\_\_\_

фамилияси, исми, отасининг исми

(жамоат бирлашмасининг номи)

Рўйхатдан ўтказиш учун \_\_\_\_\_  
(уставни қабул қилиш вақти - йил, ой, сана)

(уставни қабул қилған органнинг номи)

уставни тақдим қилади

Бирлашма устав фаолиятининг асосий мақсадлари

(қисқа баён этилади)

Жамоат бирлашмаси бошқарув органининг  
номи ва жойлашган жойи (манзилгоҳи)

Ариза берувчиларнинг фамилияси имзоси  
сана

Жамоат бирлашмаларининг уставини рўйхатдан ўтказиш тўғри-  
сидаги аризаларни кўриб чиқиш Қоидаларига  
**2-ИЛОВА**

жамоат бирлашмаларини молиялаштириш манбалар хақида

### **ДЕКЛАРАЦИЯ**

(номи)

199\_199\_йиллар учун

Таъсис қилувчилар ажратган сумма

199

a) \_\_\_\_\_

корхона, ташкилот раҳбарининг  
имзоси, мухр тасдиғи билан)

199

б) \_\_\_\_\_

(корхона, ташкилот раҳбарининг  
имзоси, мухр тасдиғи билан)

199

в) \_\_\_\_\_

корхона, ташкилот раҳбарининг  
имзоси, мухр тасдиғи билан

1. Аъзо бўлиш бадаллари суммаси \_\_\_\_\_
2. Аъзолик бадаллари суммаси \_\_\_\_\_
3. Фуқаролар ва корхоналардан кўнгилли тўловлар \_\_\_\_\_
5. Нашриётчилик фаолиятини молиялаштирувчи манба \_\_\_\_\_
6. Хўжалик ишлаб чиқариш, нашриётчилик, реклама фаолиятла-  
ри, ўқитиш курсларини ташкил қилиш, проспектлар, маданий-ма-  
иший тадбирлардан келадиган фойдалар  
\_\_\_\_\_
7. Бошқа фойдалар \_\_\_\_\_
8. Банкда маблағларнинг мавжудлиги  
ҳ/р №, валюта ҳисобрақами  
«№ \_\_\_\_\_
9. Юқорида кўрсатилган маълумотларнинг  
тўғрилигини тасдиқлайман:

“\_\_\_” 199 \_\_\_ й.

Жамоат бирлашмаси

бошлигининг имзоси

Жамоат бирлашмаларининг уставини рўйхатдан ўтказиш тўғри-  
сидаги аризаларни кўриб чиқиш Қоидаларига

### **З-ИЛОВА**

### **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ**

Ўзбекистон Республикаси  
Герби

Жамоат бирлашмаси уставини рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақида  
**ГУВОҲНОМА**

“\_\_\_” 199 \_\_\_ й.

Бирлашманинг номи \_\_\_\_\_

Бирлашманинг тури \_\_\_\_\_  
 (республика, халқаро, вилоятлараро)

Бирлашманинг раҳбар органи \_\_\_\_\_  
 (тұлиқ номи, манзили)

Фаолиятнинг асосий мақсадлари \_\_\_\_\_

---

---

---

---

Ўзбекистон Республикаси  
 Адлия Вазирлиги

Жамоат бирлашмаларининг уставини рўйхатдан ўтказиш түғри-  
 сидаги аризаларни кўриб чиқиш Қоидаларига  
**4-ИЛОВА**

### **ХОКИМИЯТИНИНГ**

### **АДЛИЯ БОШҚАРМАСИ**

Ўзбекистон Республикаси  
 Герби

Жамоат бирлашмаси уставини рўйхатдан ўтказилганлиги хақида  
**ГУВОХНОМА**

«\_\_\_» 199\_\_\_ й.

Бирлашманинг номи \_\_\_\_\_

---

Бирлашманинг тури \_\_\_\_\_  
 (вилоят, туман, шаҳар)

---

Бирлашманинг раҳбар орган \_\_\_\_\_  
 (тўлиқ номи, манзил)

Фаолиятнинг асосий мақсадлари \_\_\_\_\_

ХОКИМИЯТИНИНГ

Адлия бошқармаси бошлиғи

Жамоат бирлашмаларининг уставини рўйхатдан ўтказиш тўғри-  
 сидаги аризаларни кўриб чиқиш Қоидаларига

### **5-ИЛОВА**

Рўйхат- дан ўтказиш рақами ва санаси	Жамоат бирлаш- масининг номи ва тури	Асо- сий мақ- сад- лари	Устав ва раҳбар органни қабул қилинган сана, унинг таркиби	Раҳбар органнинг номи ва манзили, телефон	Реестрга киритил- ган сана, ёзувни киритган шахснинг лавозими ва имзоси
1	2	3	4	5	6

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР  
МАҲКАМАСИННИГ  
ҚАРОРИ  
1999 ЙИЛ 17 НОЯБРЬ, № 502**

**ХАЙРИЯ ҲАМДА БОШҚА ЖАМҒАРМАЛАР ВА ЖАМИЯТ-  
ЛАРГА, ШУНИНГДЕК, УЛАР ТОМОНИДАН ТАШКИЛ  
ҚИЛИНГАН КОРХОНАЛАР ВА ШЎЬБА ТУЗИЛМАЛАРИГА  
СОЛИҚЛАР, ЙИҒИМЛАР ҲАМДА БОЖХОНА ТЎЛОВЛАРИ  
БЎЙИЧА БЕРИЛГАН ИМТИЁЗЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИШ ТАР-  
ТИБИ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат бюджетига солиқлар ва тўловлар бўйича имтиёзлар беришни тартибига солиш тўғрисидаги» 1999 йил 26 июлдаги ПФ-2343-сон Фармонини бажариш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Хайрия ҳамда бошқа жамғармалар ва жамиятларга, шунингдек, улар томонидан ташкил қилингандан корхоналар ва бошқа шўъба тузилмаларига солиқлар, йиғимлар ҳамда божхона тўловлари бўйича берилган имтиёзларниң қўлланиш тартиби тўғрисидаги Низом иловога мувофиқ тасдиқланисин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.С. Ҳамидов зимасига юклатилсин.

*Вазирлар Маҳкамасининг Раиси  
И. Каримов*

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил  
17 ноябрдаги 502-сон қарорига  
**ИЛОВА**

**Хайрия ҳамда бошқа жамғармалар ва жамиятларга,  
шунингдек, улар томонидан ташкил қилингандан  
корхоналар ва шўъба тузилмаларига солиқлар,  
йиғимлар ҳамда божхона тўловлари бўйича берилган  
имтиёзларниң қўлланиш тартиби тўғрисида  
**НИЗОМ****

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг хайрия ҳамда бошқа жамғармалар ва жамиятларга\* (бундан кейин

нотижорат ташкилотлар деб аталади), шунингдек, улар томонидан ташкил қилинган корхоналар ва бошқа шўъба тузилмаларига нисбатан «Давлат бюджетига солиқлар ва тўловлар бўйича имтиёзлар тўғрисида» 1999 йил 26 июлдаги ПФ-2343-сон Фармонини амалга ошириш механизмини белгилайди.

2. Юқорида қайд этилган Фармоннинг амал қилиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг алоҳида фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ, Божхона Кодексларида ва «Бож тарифи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунида назарда тутилган солиқлар, йигимлар ва божхона тўловлари бўйича имтиёзларга кўшимча белгиланган имтиёзлар нотижорат ташкилотларга, улар томонидан ташкил этилган корхоналарга ҳамда бошқа тузилмаларга тадбиқ этилади.

3. Берилган кўшимча имтиёзлар доирасида:

3.1. Куйидагилардан божхона тўловлари (божхона расмийлаштириш учун йигимлар бундан мустасно) ундирилмайди:

а) ўзининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун нотижорат ташкилотлар, шунингдек, улар томонидан ташкил қилинган корхоналар ва шўъба тузилмалари томонидан олиб келинаётган товарлардан;

б) устав вазифалари ижро этилишига мувофиқ мурувват мақсадида олиб келинган товарлардан.

3.2. Куйидагилардан солиқлар ва йигимлар ундирилмайди:

а) қуидаги:

- таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тадбиркорлик фаoliyatiдан даромад олишни кўзламайдиган ижтимоий-хайрия мақсадлари ва бошқа мақсадлар учун ташкил этилган нотижорат ташкилотларидан;

- мазкур ташкилотнинг ходимлари, муассислари ёки аъзоларининг шахсий манфаатларига қаратилмаган молиявий ва бошқа маблағларни тақсимловчи ва инвестицияловчи нотижорат ташкилотлардан (конун ҳужжатларида белгиланган меҳнат учун тақдирлашдан ташқари);

б) уставда назарда тутилган фаoliyatни амалга ошириш учун нотижорат ташкилотлар томонидан олинган юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик бадаллари ва бошқа ажратмалардан.

---

\* Конун ҳужжатларига мувофиқ нотижорат ташкилотларга мансуб бўлган, фаoliyatining асосий мақсади фойда олиш бўлмаган ташкилотлар бошқа жамғармалар ва жамиятлар хисобланади.

4. Олиб келинган товарлардан мазкур Низомнинг 3.1-кичик бандида назарда тутилмаган мақсадларда фойдаланилганда, ёхуд кейинчалик товарлар беш йил мобайнида ҳақи тўланган ҳолда сотилганда Ўзбекистон Республикасига олиб келишда божхона тўловлари тўлашдан озод килинган товарлар қийматидан амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ белгиланган микдорларда бўнак кўшилган ва жазолар қўлланилган ҳолда, божхона декларацияси расмийлаштирилган санада амалда бўлган барча божхона тўловлари ундирилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Солик кодексининг 32-моддасида назарда тутилган ҳолларда Президентнинг алоҳида фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан нотижорат ташкилотларнинг мулки бўлган корхоналар учун даромад (фойда)дан олинадиган солик юзасидан солик солинадиган база ушбу нотижорат ташкилотларнинг уставида қайд этилган фаолиятини амалга оширишга йўналтириладиган даромад (фойда)дан ажратмалар микдорида камайтирилади.

Кўрсатиб ўтилган имтиёз факат нотижорат ташкилотлар мулки бўлган, яъни устав сармояси 100 фоиз микдорда жамғармалар ва жамиятлар томонидан шакллантирилган корхоналарга ва бошқа тузилмаларга татбиқ этилади.

Агар нотижорат ташкилотлар корхона ва бошқа тузилмаларнинг муассисларидан бири бўлган тақдирда, яъни ташкил этилаётган корхонанинг устав сармояси нотижорат ташкилотлар маблағлари ҳисобига тўлиқ шакллантирилмаган бўлса, у ҳолда бундай корхоналарга ва бошқа тузилмаларга юқорида кўрсатиб ўтилган имтиёз татбиқ этилмайди. Корхоналарнинг мазкур тоифасига, қонун хужжатларида назарда тутилган ҳоллардан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг Солик кодексига мувофиқ солик солинади.

6. Нотижорат ташкилотлар ҳамда улар томонидан ташкил этилган корхоналар ва бошқа тузилмалар томонидан тадбиркорлик фаолияти амалга оширилган тақдирда уларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг Солик, Божхона кодексларида ва «Бож тарифи тўғриси»даги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган соликлар, йиғимлар ва божхона тўловлари ундириш тартиби татбиқ этилади.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамасининг  
ҚАРОРИ**

**2002 ЙИЛ 26 ИЮЛЬ, № 268**

**МУРУВВАТ ЁРДАМИДАН ВА БЕГАРАЗ ТЕХНИК КҮМАК-  
ДАН МАҚСАДЛИ ФОЙДАЛАНИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШ  
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТҮҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасига халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар, шунингдек хорижий ҳукумат ташкилотлари ва ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар томонидан кўрсатилаётган муруват ёрдамидан ва бегарараз техник кўмакдан қатъий мақсадли фойдаланилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

**1. Куйидагилар:**

Муруват ёрдами юкларини қабул қилиш, ҳисобга олиш, аниқ йўналтирилган тарзда тақсимлаш ва улардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш тартиби хамда муруват лойиҳалари мониторинги тўғрисидаги Низом 1-иоловага мувофиқ;

Техник кўмаклашиш маблағлари мониторинги ва улардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш тартиби тўғрисидаги Низом 2-иоловага мувофиқ тасдиқлансан.

**2. Куйидагилар:**

муруват лойиҳаларнинг амалга оширилиши, шунингдек Ўзбекистон республикасида муруват ёрдами юкларини тақсимлаш ва улардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш билан боғлиқ бўлган масалаларнинг мувофиқлаштирилиши учун масъулият - Вазирлар Маҳкамасининг Ихтимоий комплексига;

техник кўмаклашиш маблағларидан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш билан боғлиқ бўлган масалаларнинг мувофиқлаштирилиши учун масъулият - Вазирлар Маҳкамасининг Ташки иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаментига юклатилсан.

3. Ўзбекистон Республикасида муруват ёрдами ва бегарараз техник кўмаклашиш доирасида тушган товарлардан тижорат мақсадларида фойдаланиш қатъий тақиқлансан.

Кўрсатиб ўтилган товарлар сотилган, ижарага берилган ёки улардан бошқа мақсадларда фойдаланилган тақдирда айбдор шахслар конун хужжатларига мувофиқ қатъий жавобгарликка тортиладилар.

4. Вазирлар Маҳкамасининг Ихтимоий комплекси икки ҳафта муддатда Вазирлар маҳкамасига мурувват ёрдами бўйича доимий ишловчи ишчи гурухнинг янгиланган таркибини тасдиқлаш учун киритсинг, унга қўшимча равишда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва Давлат солик қўмитасининг мутахассисларини киритсинг.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлеклари, Ўзбекистон Республикаси Соғликни сақлаш вазирлиги, Мехнат ва аҳолини ихтимоий мухофаза қилиш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирликлар ва идоралар тасдиқланган Мурувват ёрдами юкларини қабул қилиш, ҳисобга олиш, аниқ йўналтирилган тарзда тақсимлаш ва улардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш тартиби ҳамда мурувват лойиҳалари мониторинги тўғрисидаги Низомни ҳисобга олган ҳолда мурувват ёрдами бўйича тегишли равишда худудий ва тармоқ комиссиялари ташкил этсинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги:

икки ҳафта муддатда «Мурувват ёрдам олиниши ва ундан мақсадли фойдаланилиши тўғрисидаги ҳисобот» ва «Техник қўмаклашиш маблағлари олиниши, тақсимланиши ва улардан мақсадли фойдаланилиши тўғрисидаги ҳисоботнинг давлат статистика ҳисоботи шаклларини ишлаб чиқсан ва тасдиқласин;

Статистика давлат департаменти тузилмасида, ходимларнинг штатдаги белгиланган сони доирасида, маҳсус гурӯҳ ташкил этсин, унга мурувват ёрдами ва беғараз техник қўмак олиниши ва улардан мақсадли фойдаланилиши бўйича материалларни умумлаштиришни юклатилсинг;

ҳар чоракда мурувват ёрдами ва техник қўмаклашиш маблағлари олиниши ва улардан мақсадли фойдаланилиши тўғрисидаги умумлаштирилган ахборотни Вазирлар Маҳкамасига ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига тақдим этсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ташки ишлар вазирлиги мурувват ёрдами юкларини кузатиб борувчи ва беғараз қўмаклашиш лойиҳаларини амалга оширишда қатнашувчи шахсларрга келиш визалари консулилк йигимлари ундирилмасдан расмийлаштирилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

мурувват ёрдам юклари Ўзбекистон Республикаси худуди бўйлаб транспортда ташилиши чоғида уларнинг сақланишини таъминласин;

бегараз кўмаклашиш дастурлари доирасида ишловчи хорижий фуқароларга давлат божлари ундирилмасдан кўп марталик визалар берсин ва уларнинг муддатини узайтирсинг, вақтинча рўйхатдан ўтказсинг ва рўйхатдан ўтказиш муддатини узайтирсинг.

9. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг З-иловага мувофиқ қарорлари ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Т. Султонов зиммасига юклатилсинг.

*Вазирлар Махкамасининг Раиси  
И. Каримов*

Вазирлар Махкамасининг 2002 йил

26 июлдаги 268-сон қарорига

## 1-ИЛОВА

**Мурувват ёрдам юкларини қабул қилиш, хисобга олиш, аниқ йўналтирилган тарзда тақсимлаш ва улардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш тартиби ҳамда мурувват лойиҳалари мониторинги тўғрисида**  
**НИЗОМ**

### **I. Асосий қоидалар**

1. Мазкур низом Ўзбекистон Республикасида мурувват ёрдами юкларини қабул қилиш, хисобга олиш, аниқ йўналтирилган тарзда тақсимлаш ва улардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш тартибини, шунингдек мурувват лойиҳалари мониторинги масалаларини белгилайди ва тартибга солади.

2. Мурувват ёрдами – бу аҳолининг ижтимоий начор гурухларига тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий соҳа муасасаларини кўллаб-кувватлаш, табиий оғатлар ҳамда бошқа фавқулотда ҳодисалар оқибатларини тугатиш учун бериладиган мақсадли бегараз кўмакнинг бир туридир.

Мурувват ёрдами тиббиёт товарлари, озиқ-овқат маҳсулотлари, ҳалқ истеъмол товарлари ва бошқа товарлар, шу жумладан асбоб-ускуналар, транспорт ва техника, шунингдек грантлар, иختиёрий эҳсонлар, бажарилган ишлар ва хизматлар, шу жумладан мурувват ёрдами юкларини транспортда ташаш, кузатиб бориш ва сақлаш шаклида кўрсатилади.

Муруват ёрдами сифатида олинган товарлар божхонада расмийлаштириш тартиботлари амалга оширилгандан кейин олувчиликлар томонидан «Муруват ёрдами» ёзувини қайд этган, олувчичилинг реквизитларини кўрсатган ҳолда тамғаланади.

Муруват ёрдами хорижий давлатлар, уларнинг федерал ёки муниципал тузилмалари, ҳалқаро ва хорижий ташкилотлар, шунингдек бошқа юридик ва жисмоний шахслар (кейинги ўринларда донор ташкилотлар деб аталади) томонидан кўрсатилиши мумкин.

Бюджет, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фаолияти фойда олишга йўналтирилмаган бошқа юридик шахслар (кейинги ўринларда олувчилар деб аталади) кейинчалик республика истеъмолчилари ўртасида тақсимлаш мақсадида муруват ёрдамининг олувчилари бўлишлари мумкин.

Муруват ёрдами юкларини олувчилар дастурлар ва донорлар билан тузилган битимлар ёки муруват ёрдами билан боғлиқ тадбирларни мувофиқлаштириш учун масъул бўлган Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий комплексининг карорлари асосида аниқланади.

Тамаки маҳсулотлари, вино-ароқ ва бошқа алкогольни маҳсулотлар, ҳарбий мақсадлардаги товарлар, шунингдек олиб келиниши тақиқланган товарлар муруват ёрдами юклари жумласига киритилиши мумкин эмас.

Муруват ёрдами юкларининг пул ифодасидаги қийматидан асосан божхонада расмийлаштириш мақсадлари учун фойдаланилади.

3. Ўзбекистонга муруват ёрдами кўрсатувчи ҳалқаро ва хорижий ноҳукумат ташкилотлари ваколатхоналари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига аккредитация қилинади. Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий комплексининг хulosаси ҳалқаро ноҳукумат ташкилотини аккредитация қилишга тақдим этиш ва унинг аккредитация муддатини узайтириш учун асос ҳисобланади.

4. Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий комплексининг муравват ёрдами масалалари бўйича қарорлари вазирликлар, идоралар, ташкилотлар ва маҳаллий ҳокимият органларининг бажариши учун мажбурий ҳисобланади ва протоколлар шаклида қабул қилинади.

Шахсий таркиби Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши билан тасдиқланадиган доимий ишлайдиган ишчи гурӯҳ (кейинги ўринларда ишчи гурӯҳ деб аталади) Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий комплексининг муруват ёрдамини мувофиқлаштириш масалалари бўйича ижро этувчи органи ҳисобланади.

5. Муруват ёрдами юкларини қабул қилиш, божхонада расмийлаштириш, транспортда ташиш, тўплаш, саклаш, хатловдан

ўтказиш, юкларнинг хавфсизлиги бўйича қўриқлаш ва бошқа қарантин тадбирларини ўтказиш, мурувват ёрдамини аниқ йўналтирилган тарзда тақсимлаш ва улардан самарали, мақсадли фойдаланиш учун масъулият:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ҳузурида тузиладиган мурувват ёрдами бўйича ҳудудий комиссияларга (кейинги ўринларда ҳудудий комиссиялар деб аталади);

Ижтимоий соҳа вазирликлари ва идоралари, шунингдек но давлат нотижорат ташкилотлари ҳузурида тузиладиган мурувват ёрдами бўйича тармоқ комиссияларга (кейинги ўринларда тармоқ комиссиялари деб аталади) юкланади.

1. Мурувват ёрдамидан белгиланмаган мақсадда фойдаланишда айбдор бўлган шахслар қонунда белгиланган тартибда жавоб берадилар.

## **II. Мурувват ёрдами юкларини қабул қилиш, ҳисобга олиш, аниқ йўналтирилган тарзда тақсимлаш ва улардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш тартиби**

7. Мурувват ёрдами юкларини қабул қилиш, ҳисобга олиш, аниқ йўналтирилган тарзда тақсимлаш ва улардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

8. Мурувват ёрдами сифатида Ўзбекистон Республикасига келтириладиган юкларни божхонада расмийлаштириш Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий комплексининг кўрсатилган юкларнинг мурувват ёрдамига мансублиги тўғрисидаги холосаси асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасига келтирилган мурувват ёрдами юклари тўғрисидаги маълумотлар белгиланган тартибда ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий комплексига ҳамда Макроитисодиёт ва статистика вазирлигининг статистика давлат департаментига тақдим этилади.

9. Юкларнинг мурувват ёрдамига мансублигини тасдиқлаш учун мурувват ёрдамини олувчи Вазирлар Маҳкамасининг Ижтимоий комплексига кўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

дастур ёхуд донор ташкилот билан мурувват ёрдами бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги битим;

юкни жўнатувчининг юк мурувват ёрдамига мансублиги тўғри-  
сидаги инвойси (хисобварак-фактура);

юкни олувчининг юкнинг фойдаланиш мақсади тўғрисидаги  
хати;

йўл-транспорт юк хатлари;

зарурият бўлганда, карантин ва бошқа инспекция хизматлари-  
нинг юкнинг амалдаги қонун хужкатларига мувофиқ республикага  
келтирилишига рухсат этилган юклар рўйхатига мувофиқлиги  
тўғрисидаги хulosаси.

10. Юкларнинг мурувват ёрдамига мансублиги тўғрисидаги  
хulosалар Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий комплексининг прото-  
коли тарзида расмийлаштирилади ва унинг раҳбари томонидан  
тасдиқланади.

Мурувват ёрдами юкларини божхонада тезкорлик билан рас-  
мийлаштириша мақсадида Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий комп-  
лексининг масъул ходимларидан тайинланган мувофиқлаштирув-  
чи томонидан уларнинг мурувват ёрдамига мансублиги тўғриси-  
даги дастлабки хulosаси берилишига йўл қўйилади, кейинчалик  
мазкур хulosha Ижтимоий комплекснинг протоколи билан тасдиқ-  
ланади.

11. Аэропортларда, темир йўл ва автотранспорт станциялари-  
нинг омборларидаги мурувват ёрдами юкларидан саклаш, хабар-  
дор қилиш, божхона тартиботлари, декларациялаш, бекор туриб  
қолиш, тушириш-юклаш ишлари ва бошқа хизматлар учун бож-  
лар, йигимлар ва бошқа хил тўловлар олинмайди.

12. Мурувват ёрдами юклари сифатини ва уларнинг хавфсиз-  
лигини назорат қилиш белгиланган тартибда, тўлов ундиринасдан  
давлат назоратининг ваколатли органлари томонидан амалга  
oshiрилади.

13. Мурувват ёрдами юкларининг уларни ташиб вақтидаги сақ-  
ланиш тегишли транспорт ташкилотлари ва Ўзбекистон Респуб-  
ликаси Ички ишлар вазирлиги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги  
хизмати бўлинмалари томонидан, тўлов ундиринасдан таъминла-  
нади.

14. Мурувват ёрдами юкларини олувчилар мурувват юклари-  
нинг хисобга олинишини, сақланишини, улардан мақсадли фой-  
даланилишини ва уларни аниқ йўналтирилган тарзда таксимлани-  
шини таъминлашга мажбурдирлар.

Мурувват ёрдами сифатида келтирилган товарларни хисобга  
олиш ва саклаш тижорат товарларидан алоҳида амалга ошири-  
лади.

15. Худудий ва тармоқ комиссиялари протокол билан тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасининг Ихтимоий комплексига муруват ёрдами юкларини аниқ йўналтирилган тарзда тақсимлаш бўйича таклифлар тақдим этадилар: улар ҳар йили бериладиган буюртманомаларга мувофиқ бўлиши (ушбу Низомга 2 ва 3-иловаларга мувофиқ шакл бўйича), донор ташкилотлар ва республика жамоат бирлашмалари таклифларига, халқ депутатлари ва жойлардаги ўзини-ўзи бошқариш органлари сўровларига асосланиши керак.

16. Муруват ёрдами юкларининг мақсадли фойдаланилиши ва уларни аниқ йўналтирилган тарзда тақсимлаш устидан назорат худудий ва тармоқ комиссиялари томонидан амалга оширилади. Муруват ёрдами юкларини олувчи бюджет ташкилотлари бўйича назорат шунингдек юқори ташкилотлар томонидан ҳам амалга оширилади.

17. Ҳузурида худудий ва тармоқ комиссиялари ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва идоралари, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигининг Статистика давлат департаментига муруват ёрдами юклари олингани ва улардан мақсадли фойдаланилгани тўғрисида ҳар чорақда Давлат статистика ҳисоботи шакли бўйича ҳисоботлар тақдим этадилар.

Статистика давлат департаменти Вазирлар Маҳкамасининг Ихтимоий комплекси ишчи гурухи билан биргалиқда худудий ва тармоқ комиссиялари томонидан тақдим этилган маълумотларни ҳар чорақдаги йигим статистик ҳисбот тарзида умумлаштиришини таъминлайди.

18. Муруват ёрдами юкларининг мақсадли фойдаланилиши ва аниқ йўналтирилган тарзда тақсимланишини текширишлар белгиланган тартибда, ишчи гурухи томонидан Вазирлар Маҳкамаси Ихтимоий комплекси тасдиқлаган жадвал бўйича, зарурият бўлганда, мустақил эксперталар, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва Давлат солик қўмитаси вакилларини жалб этган ҳолда ўтказилади.

19. Муруват ёрдами юкларини олувчилари ёки истеъмолчилари ҳисобланадиган бюджет ташкилотларининг молия-хўжалик фаолиятини режали текширишларни ўтказиш вақтида давлат молия органлари томонидан уларни текшириш режаларига муруват ёрдами юкларининг мақсадли фойдаланилиши ва уларни аниқ йўналтирган тарзда тақсимланишини назорат қилиш ҳам киритилади.

20. Ўтказилган текширишлар якунлари бўйича далолатнома тузилади, унда мурувват ёрдами юкларини божхонада расмий-лаштириш, қабул килиш, ҳисобга олиш ва аниқ йўналтирилган тарзда тақсимлаш талабларига мувофиқлик, шу жумладан:

мурувват ёрдами юкларини сақлаш ва тақсимлаш шароитлари;

мурувват ёрдами сифатида келтирилган товарларда тамғанинг мавжудлиги;

олинган мурувват ёрдами юклари бўйича ҳисобга олиш ҳужжатларининг (ҳисобга олиш дафтарлари, китоблари, ведомостлар ва шу кабилар) мавжудлиги ва тўлиқлиги;

мурувват ёрдами юклари истеъмолчиларининг юкларнинг олинганилиги тўғрисида белги кўйилган ҳолдаги номлари кўрсатилган рўйхатларини тузиш;

мурувват ёрдами сифатида олинган фойдаланилмаган товарлар миқдорининг ҳисоби, сабаблари, фойдаланишга яроқлик муддати ўтиб кетган товарлар (маҳсулотлар) ни кўрсатган ҳолда;

фуқароларнинг хатлари ва шикоятлари бўйича ишларнинг амалга оширилганлиги акс эттиради.

### **III. Мурувват лойиҳаларининг амалга оширилиши мониторингини юритиш тартиби**

21. Мурувват лойиҳалари амалга оширилиши мониторинги ушбу Низомга 4-иловага мувофик схема бўйича юритилади.

22. Донор ташкилотлар томонидан мурувват ёрдами доирасида берилган маблағлар, товарлар ва хизматлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мурувват лойиҳаларини амалга ошириш мониторингининг мақсади ҳисобланади.

23. Мурувват ёрдами бўйича худудий ва тармоқ комиссиялари мурувват лойиҳаларини амалга ошириш бўйича таклифлар тўғрисидаги маълумотларни йигади, ишлайди ва умумлаштиради ҳамда ушбу маълумотларни мунтазам равищда Вазирлар Маҳкамасининг Ижтимоий комплексига тақдим этади.

Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий комплексининг ишчи гурухи тақдим этилган ахборотни таҳлил қиласди, ҳар йили йигма ҳисобот тузади ва Ижтимоий комплекс учун устувор лойиҳалар рўйхатини шакллантириш бўйича таклифлар тайёрлайди.

24. Мурувват лойиҳаларининг устувор рўйхатини донор ташкилотларга юбориш ишчи гурух томонидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда республикада аккредита-

ция килинган донор ташкилотлари ваколатхоналари орқали амалга оширилади.

Донор ташкилотлар томонидан мурувват лойиҳасини амалдан оширишдан манфаатдорлик тасдиқланган тартибда тегишли ижрочи худудий ва тармоқ комиссиялари орқали дастурни тайёрлаш ва амалга оширишнинг асосланган режа-жадвалини протол билан тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасининг Ихтимоий комплексига жўнатади.

25. Мурувват лойиҳалари мониторингининг мунтазам равишда ўтказилиши юзасидан масъулият худудий ва тармоқ комиссияларига юкланди.

26. Мурувват лойиҳаларини амалга ошириш мониторингини амалга ошириш қўйидаги ҳужжатларни тайёрлаш ва йиғиш, шуннингдек тасдиқлашни назарда тутади;

а) Режа-жадвал (ушбу Низомга 5-иловага мувофиқ шакл бўйича);

б) Ишларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисобот (ушбу Низомга 6-иловага мувофиқ шакл бўйича);

в) Ишларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботга тушунтириш хати (ихтиёрий шаклда), унда қўйидаги маълумотлар бўлади:

лоиҳа тўғрисида умумий маълумотлар (тармоқ сектори, лойиҳанинг номи, унинг жойлашган жойи ва кутилаётган натижалари, мурувват лойиҳасининг ижроилари, амалга ошириш даври, смета қиймати, молиялаштириш манбалари);

молиялаштиришнинг бориши ва ажратилган маблағларнинг ўзлаштирилиши, мурувват лойиҳасини амалга оширишда пайдо бўлган муаммолар тўғрисида ахборот;

импорт қилинаётган товарлар ва хизматлар тўғрисида маълумотлар;

27. Мурувват ёрдами бўйича худудий ва тармоқ комиссиялари томонидан ҳисоботлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ихтимоий комплексига ва Статистика давлат департаментига:

Режа-жадвал - ҳар йили 25 январдан кечикмай;

Ишларнинг бажарилиши тўғрисида ҳисобот ва Ишларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботга тушунтириш хати - ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 10-кунидан кечикмай тақдим этилади.

28. Статистика давлат департаменти ҳар чорақда Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаментига устувор мурувват лойиҳаларининг амалга оширилиши тўғрисида якуний ахборот тақдим этади.


Муруват ёрдами юкларини қабул қилиш, хисобга олиш, аниқ йўналтирилган тарзда тақсимлаш ва улардан мақсадли фойдаланишишини назорат қилиш тартиби ҳамда муруват лойиҳалари мониторинги

тўғрисидаги Низомга

## 1-ИЛОВА

**Муруват ёрдами юкларини қабул қилиш, хисобга олиш, аниқ йўналтирилган тарзда тақсимлаш ҳамда улардан мақсадли фойдаланишишини назорат қилиш**

### СХЕМАСИ



1. Донор ташкилотлар томонидан муруват юкларининг олувчиларга берилиши
2. Олувчи томонидан товарлар муруват ёрдамига тегишли юк эканлиги тўғрисидаги хужожатлар тайёрланиши ва уларнинг комиссиялар орқали Ижтимоий комплексга юборилиши (2a)

3. Ижтимоий комплекс томонидан хужкатларнинг кўриб чиқилиши ва божхона органларига юкларнинг мурувват ёрдамига тегишли эканлиги тўғрисида хулоса берилиши
  4. Божхонада расмийлаштириш ва мурувват ёрдами юклари сифатини назорат қилиш
  5. Божхона органлари томонидан мурувват юклари тўғрисида ҳар чорақда «Макроиктисодиётстат» нинг Статистика давлат департаменти ва Вазирлар Махкамасининг Ижтимоий комплексига маълумотлар берилиши
  6. Мурувват ёрдами юкларини аниқ тарзда тақсимлаш лойиҳасини тайёрлаш ва асослаш
  7. Мурувват ёрдами юкларининг аниқ тарзда тақсимланишини протокол билан тасдиқлаш
  8. Мурувват юкларини истеъмолчиларга етказиб бериш ва уларни ҳисобга олиш
  9. Режали текширишлар ўтказиш, мурувват юкларини божхонада расмийлаштириш, ҳисобга олиш, тақсимлаш ва улардан мақсадли фойдаланишини назорат қилиш билан боғлиқ чора-тадбирларнинг бажарилишини акс эттирган ҳолда далолатномалар тузиш
  10. Мурувват юкларининг олиниши ва улардан фойдаланиши тўғрисида ҳар чорақда ҳисобот тақдим этиш
- Мурувват юкларидан мақсадли фойдаланилишини ва аниқ йўналтирилган тарзда тақсимланишини, шу жумладан ҳам истеъмолчилар бўйича (11а), ҳам донор ташкилотлар томонидан (11б) текширилади

Муруват ёрдами юкларини қабул қилиш, ҳисобга олиш, аниқ  
йўналтирилган тарзда тақсимлаш ва улардан мақсадли  
фойдаланишини назорат қилиш тартиби ҳамда муруват  
лойиҳалари мониторинги  
**тўғрисидаги Низомга 2-ИЛОВА**

**Вазирлар Махкамасининг Ижтимоий комплексига  
тақдим этиш учун муруват дастурларини амалга  
ошириш мақсадида муруват  
ёрдами бўйича худудий комиссия буюртманомасининг  
НАМУНАВИЙ ШАКЛИ**

1. Сарварақ
- А) дастурнинг номи
- Б) худудий комиссия тўғрисидаги маълумотлар (манзили, телефон, факс)
- В) дастурнинг бошланиши ва тугалланиши саналари
- Г) лойиҳанинг жуғрофияси
- Д) дастурнинг қиймати
2. Муаммонинг қўйилиши
3. Дастурнинг мақсади ва вазифалари
4. Дастурни амалга ошириш усуслари ва босқичлари
5. Дастур мониторинги усуслари
6. Кутилаётган натижалар ва уларни баҳолаш мезонлари
7. Дастурнинг бюджети

Муруват ёрдами юкларини қабул қилиш,  
 ҳисобга олиш, аниқ йўналтирилган тарзда  
 тақсимлаш ва улардан мақсадли фойдаланишишини  
 назорат қилиш тартиби ҳамда муруват лойиҳалари  
 мониторинги тўғрисидаги Низомга

### **З-ИЛОВА**

## **Муруват ёрдами бўйича тармоқ комиссиясининг муруват ёрдами олишга буюртманомасининг НАМУНАВИЙ ШАКЛИ**

- 1) Тармоқ комиссиясининг номи
- 2) Муруват ёрдами сифатида олинаётган товарларнинг сўра-  
 лаётган гурӯҳи номи (Масалан: дори - дармонлар ва тиббиёт ан-  
 жомлари)
- 3) Неча марта мурожаат қилинган  
 (Буюртманома биринчи буюртманома ёки тақрорий эканлиги  
 кўрсатилсун. Агар буюртманома тақрорий бўлса, қайси ҳалқаро  
 ташкилотга қаҷон мурожаат қилингандиги кўрсатилсун)
- 4) Талаб этиладиган муруват юклари сўрови учун шакл

МУРУВВАТ ЁРДАМИНИ ОЛУВЧИЛАР	МУРУВВАТ ЁРДАММИНИНГ ТАЛАБ ЭТИЛГАН ЮКЛАРИ РЎЙХАТИ	КОМП- ЛЕКТЛАР СОНИ
Масалан: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги	Ногиронлар аравачалари	10

- 5) Етказиб беришнинг кутилаётган муддатлари
- 6) Муруват ёрдамидан фойдаланиш мониторинги усуллари  
 (Масалан: бевосита олувчилардан сўраб чиқиш, тақсимлаш  
 жойига борувчи комиссиялар, олувчи ташкилотлар ҳисоботлари,  
 бошқалар)

Муруват ёрдами юкларини қабул қилиш, ҳисобга олиш, аниқ  
йўналтирилган тарзда тақсимлаш ва улардан мақсадли  
фойдаланилишини назорат қилиш тартиби ҳамда муруват  
лойиҳалари мониторинги тўғрисидаги Низомга

#### 4-ИЛОВА

#### Муруват лойиҳаларини амалга ошириш МОНИТОРИНГИ СХЕМАСИ



1. Муруват лойиҳаларини амалга оширишга доир таклифлар тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва умумлаштириш
2. Тақдим этилган ахборотни таҳлил қилиш, ҳар йили йигма ҳисобот тузиш, устувор лойиҳаларнинг биринчни навбатдаги рўйхатини тузиш

3. Ижтимоий комплекс томонидан муруват лойиҳаларининг устувор рўйхатини тасдиқлаш ва уни Ўзбекистон Республикаси Ташки ишлар вазирлиги (За) ва Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган донор ташкилотларнинг ваколатхоналари (Зб) орқали донор ташкилотларга (Зв) юбориш

4. Кўшма дастур ёки лойиҳани ишлаб чиқиш ҳамда томонларнинг масъулияти тўғрисидаги икки томонлама битимни тайёрлаш

5. Лойиҳа тўғрисида ахборот йигилишини таъминлаш, режажадвални тасдиқлаш ва лойиҳа бўйича ишлар бажарилганлиги тўғрисидаги чораклик ҳисоботларни олиш

6. Муруват лойиҳалари амалга оширилишининг бориши тўғрисидаги умумлаштирилган ахборотни Вазирлар Маҳкамасининг Ижтимоий комплексига ва Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигининг Статистика давлат департаментига тақдим этиш

7. Вазирлар Маҳкамасининг Ташки иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаментига устувор муруват лойиҳалари амалга оширилиши тўғрисидаги якуний умумлаштирилган ахборотни тақдим этиш

Мурувват ёрдами юкларини қабул қилиш, ҳисобга олиш, аник йўналтирилган тарзда тақсимлаш ва улардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш тартиби ҳамда мурувват лойиҳала-ри мониторинги тўғрисидаги Низомга

## 5-ИЛОВА

### Мурувват лойиҳасини тайёрлаш ва амалга ошириш режа-жадвали

Лойиҳанинг номи \_\_\_\_\_

Бажарувчи \_\_\_\_\_

Лойиҳанинг режалаштирилаётган муддатлари: 200 \_\_\_\_.

N	Тадбирла (ишлар тури)	Натурал курсат- кичини ўлчаш бир- лиги	Лой- иҳа бўй- ича ҳам- маси	Бажарилиш ҳажми/молиялаштириш											
				До нача- ла пла- ниру- емого года	Шу жумладан йиллар бўйича						Башорат				
					Бир йилга ҳам- маси	Шу жумладан чораклар бўйича				2- йилга	3- йилга	Ундан кей- инги йил- ларга			
1	2	3	4	5		6	7	8	9	10	11	12	13		

**Изоҳ.** Лойиҳа қисмлари бўйича тадбирлар (ишлар турлари) ни бажариш ва молиялаштиришнинг режадаги ҳажмлари жадвалга каср шаклида киритилади, тегишли ўлчов бирликларидағи натурадаги кўрсаткич сурат, маҳраж эса – валютадаги молиялаштириш суммаси. Натурадаги кўрсаткич деганда физик миқдорлар (узунлиги, ҳажми, массаси, миқдори ва ҳоказолар), ишлаб чиқилган ҳужжатлар (loyiha смета ҳужжатлар, ҳисбот, хулоса ва ҳоказолар) ёки амалга оширилган ишлар (маслаҳат, семинар, хизмат сафари, ҳарид қилиш, назорат, ҳужжат тасдиқлаш ва ҳоказолар) назарда тутилади.

Муруват ёрдами юкларини қабул қилиш, ҳисобга олиш, аник йўналтирилган тарзда тақсимлаш ва улардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш тартиби ҳамда муруват лойиҳала-ри мониторинги тўғрисидаги Низомга

## 6-ИЛОВА

### Муруват ёрдами бўйича ишларнинг бажарилиши тўғрисида ХИСОБОТ

Лойиҳанинг номи \_\_\_\_\_

Бажарувчи \_\_\_\_\_

Лойиҳанинг режалаштирилаётган муддатлари: 200\_\_\_\_\_.

N	Лойи-ханинг номи	Натура ифодасида иш турлари	Натура-даги кўрсат-кичнинг ўлчов бирли-ги	Натура ифодасида ишларни бажариш ҳажми				Хисобот чорагидаги ўзлашти-риш ҳажми Сўм ёки АҚШ доллари			
				Йил бошидан бошлаб		Шу жумладан хисобот чорагидан					
				режа	ама-лда	режа	ама-лда				
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10		

**Изоҳ.** Натурадаги кўрсаткич деганда физик миқдорлар (узунлиги, ҳажми, массаси, миқдори ва ҳоказолар), ишлаб чиқилган хужжатлар (войиҳа-смета хужжатлари, хисобот, хулоса ва ҳоказолар) ёки амалга оширилган ишлар (маслаҳат, семинар, хизмат сафари, харид қилиш, назорат, хужжатни тасдиқлаш ва ҳоказолар) назарда тутилади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2002 йил 26 июлдаги  
268-сон қарорига  
**2-ИЛОВА**

**Техник кўмаклашиш маблағлари мониторинги  
ва улардан мақсадли фойдаланишини назорат  
килиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар ҳамда хорижий ҳукумат ташкилотларининг техник кўмаклашиш маблағлари мониторинги ва улардан мақсадли фойдаланишини назорат қилиш тартибини белгилайди.

2. Халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар ва хорижий ҳукумат ташкилотларининг техник кўмаги:

товарлар (асбоб-ускуналар) харид қилиш учун;

маслаҳат хизматлари кўрсатиш учун;

халқаро молиявий-иктисодий институтлар, хорижий ҳукумат ташкилотлари ва хорижий инвесторларнинг қарзлари ва инвестициялари жалб қилинган ҳолда амалга ошириладиган лойиҳаларнинг техник-иктисодий асосланишини ишлаб чиқиш учун;

таълим берувчи дастурлар (тренинг)ни амалга ошириш учун грантлар шаклида берилади.

3. Халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар ҳамда хорижий ҳукумат ташкилотларининг техник кўмаклашиш маблағлари мониторинги ва улардан мақсадли фойдаланишини назорат қилиш мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

**II. Техник кўмаклашиш лойиҳаларини  
амалга ошириш мониторинги**

4. Техник кўмакни олувчи вазирлик ёки идора (ижро этувчи агентлик) халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар ҳамда хорижий ҳукумат ташкилотлари томонидан техник кўмаклашиш гранти маъқулланиши тўғрисида ижобий қарор қабул қилгандан кейин икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаментига Вазирлар Маҳкамасининг тегишли комплекси раҳбари томонидан тасдиқланган:

А) техник кўмаклашиш лойиҳасини амалга ошириш тадбирлари режаси;

Б) грант маблағларини ўзлаштириш жадвалини тақдим этади.

5. Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, идоралари ва минтақалари бўйича ахборотларни туркумлаш ва техник кўмаклашишдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Махкамасининг Ташқи иқтисодий алокалар ва хорижий инвестициялар департаменти ҳар чорақда техник кўмакни олувчилар тўғрисидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигининг Статистика давлат департаментига белгиланган шакл бўйича тақдим этади (2-илова).

6. Олинган маълумотлар асосида Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигининг Статистика давлат департаменти тегишли ижро этувчи агентликларга давлат статистика хисоботининг шаклини юборади.

7. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигининг Статистика давлат департаменти олинган ва ўзлаштирилган грант маблағлари тўғрисида ижро этувчи агентликлар томонидан тақдим этилган маълумотлар ҳар чорақда йиғма статистика ҳисоботи шаклида умумлаштирилишини, шунингдек тўлов баланси статистикасига киритилишини таъминлайди.

8. Вазирлар Махкамасининг Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти ҳар чорақда маблағларнинг халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар ҳамда хорижий ҳукумат ташкилотларининг тегишли ҳисоб рақамларидаги ҳаракати тўғрисидаги ахборотни олади, ушбу ахборот умумлаштирилади ва маълумотларнинг электрон базасига киритилади ҳамда техник кўмаклашиш лойиҳаларининг амалга оширилиши доимий мониторингини ва халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар ҳамда хорижий ҳукумат ташкилотларининг грантлари ҳисобига амалга оширилаётган лойиҳалар бўйича маълумотларнинг электрон базасида сақланишини таъминлайди.

9. Грант маблағлари ҳисобига товарлар ва хизматлар сотиб олиш халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар ҳамда хорижий ҳукумат ташкилотлари томонидан белгиланган тартибларга мувофиқ тендер асосида амалга оширилади ва улар учун ҳак, қоидага кўра, қароргоҳларда очилган тегишли ҳисоб рақамларидан тўғридан-тўғри тўланади.

10. Халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар ҳамда хорижий ҳукумат ташкилотларининг техник кўмаклашиш лойиҳалари доирасида Ўзбекистон Республикасига олиб келинаётган товар-

лар (хизматлар)ни божхонада расмийлаштириш улар билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ўртасида тузилган битимларга ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Ижро этувчи агентликлар Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаментига халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар ҳамда хорижий ҳукумат ташкилотларининг техник кўмаклашиш лойиҳаларини амалга ошириш доирасида олиб келинаётган товарлар (хизматлар) тушганлиги тўғрисида ахборот беради.

Товарлар (хизматлар)нинг халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар ҳамда хорижий ҳукумат ташкилотларининг техник кўмаклашиш тегишлилиги тўғрисидаги хуроса, зарурат бўлганда, ижро этувчи агентликларга Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти томонидан Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан донор ташкилотлар ўртасидаги тегишли битимларни ўрганиш асосида берилади.

11. Техник кўмаклашиш лойиҳалари тугаллангандан кейин ижро этувчи агентликлар бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаментига лойиҳанинг эришилган мақсадларини, иқтисодий самарасини, балансга қабул қилингандиги ва етказиб берилган моддий-техник воситаларидан фойдаланиш йўналишларини акс эттирувчи техник кўмаклашиш лойиҳаси амалга оширилганлиги тўғрисидаги ижро этувчи агентликнинг раҳбари томонидан тасдиқланган якунловчи ҳисботни, шунингдек лойиҳа натижаларини қўллашга доир чора-тадбирлар режасини тақдим этади.

### **III. Грант маблағларидан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш**

12. Грант маблағларини ўз вақтида ўзлаштириш ва улардан мақсадли фойдаланиш учун масъулият ижро этувчи агентлик раҳбарлари зиммасига юкланди.

13. Техник кўмаклашиш лойиҳалари амалга оширилишини кўриб чиқиш ижро этувчи агентликлар ва манфаатдор томонларининг вакиллари таклиф этилган ҳолда ҳар чоракда камида бир марта Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти томонидан амалга оширилади.

14. Грант маблағларидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини назорат қилишни қучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳ-

камасининг Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти техник кўмаклашиш лойихалари амалга оширилиши бўйича ижро этувчи агентликлар фаолиятини белгиланган тартибда режали текшириш учун Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Марказий банк ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар вакилларидан иборат ишчи гурухлар ташкил этишга хаклидир.

15. Бюджет (хукумат) ташкилотлари томонидан грант маблағларидан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш шунингдек юкори ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси билан биргалиқда амалга оширилади.

Техник кўмак, шу жумладан пул шаклида кўмак олган бюджет ташкилотлари белгиланган тартибда солиқ органларига грант маблағларидан фойдаланилишини акс эттиручи ҳисоботни, бюджет маблағларидан фойдаланилиши тўғрисидаги ҳисобот сингари ҳисобот тақдим этадилар.

16. Лойихани амалга ошириш жадвалидан орқада колиш, грант маблағларидан самарасиз ва бошқа мақсадда фойдаланиш ҳоллари аниқланган тақдирда Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли комплекси раҳбарига уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар киритади.

Техник кўмаклашиш маблағларидан бошқа мақсадларда фойдаланишда айбдор бўлган шахслар қонунда белгиланган тартибда жавоб берадилар.

**Техник кўмаклашиш маблағлари мониторинги  
ва улардан мақсадли фойдаланилишини  
назорат қилиш тартиби тўғрисидаги Низомга**  
**1-ИЛОВА**

**Халқаро молиявий ҳамда иқтисодий институтлар  
ҳамда хорижий ҳукумат ташкилотларининг техник  
кўмаклашиш маблағлари мониторинги ва улардан  
мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш**

**СХЕМАСИ**



**- МОНИТОРИНГ**

1. Халқаро молиявий ва иқтисодий институт ёки хорижий ҳукумат ташкилоти томонидан техник кўмаклашиш лойиҳасини молиялаштириш тўғрисида қарор қабул қилиш
2. Вазирлар Маҳкамаси комплекси раҳбари томонидан тасдикланган техник кўмаклашиш лойиҳаси амалга оширилишига доир тадбирлар режаси ва грант маблағларини ўзлаштириш жадвали
3. Техник кўмакни олувчилар тўғрисидаги маълумотлар
4. Статистика ҳисоботи шакли

5. Техник кўмаклашиш грантлари бўйича статистика ҳисоботи
6. Йигма статистик ҳисбботни умумлаштириш
7. Маблағларнинг халқаро молиявий ва иқтисодий институт ёки хорижий хукумат ташкилотининг тегишли ҳисоб рақамлари-даги ҳаракати тўғрисидаги ахборот

7а Техник кўмаклашиш лойиҳалари амалга оширилишининг доимий мониторинги ва маълумотларнинг электрон базасини кўллаб-куватлаш

8. Товарлар (хизматлар) олингани тўғрисида ахборот
9. Товарлар (хизматлар)ни божхонада расмийлаштириш
10. Лойиҳа амалга оширилганлиги тўғрисида якуний ҳисбот

**- назорат**

11. Лойиҳаларнинг амалга оширилишини кўриб чиқиш, техник кўмаклашиш лойиҳалари амалга оширилиши бўйича фаолиятни режали текшириш

11а Лойиҳани амалга ошириш жадвалидан орқада қолиш ҳол-ларини бартараф этиш юзасидан таклифлар

12. Грант маблағларидан фойдаланишни назорат қилиш

Техник кўмаклашиш маблағлари мониторинги ва улардан мақсадли фойдаланишини назорат қилиш тартиби тўғрисидаги  
Низомга  
**2-ИЛОВА**

**Халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар ҳамда хорижий хукумат ташкилотларининг техник кўмагини олувчилар тўғрисидаги маълумотлар**  
200\_\_\_йил \_\_\_чораги учун

Маблағларни олувчи	Грант-нинг тартиб рақами ёки коди	Грант-нинг номи	Халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар ҳамда хорижий хукумат ташкилотларининг номи	Грант маблағлари-фойдаланиш бошланган сана	Грант суммаси (минг АҚШ доллари)
1	2	3	4	5	6

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамасиниг ташқи иқтисодий  
алоқалар ва хорижий инвестициялар  
департаменти бошлиғи \_\_\_\_\_  
200 \_\_\_ й. \_\_\_\_\_

Вазирлар Маҳкамасиниг 2002 йил 26 июлдаги  
268-сон қарорига  
**З-ИЛОВА**

**Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг ўз кучини  
йўқотган қарорлари  
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида муруват ёрдами дастурларини мувофиқлаштириш тўғрисида» 1995 йил 25 апрелдаги 146-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 сентябрдаги 359-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига киритилаётган Ўзгартиришлар ва қўшимчаларнинг 1-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Ташки мөхнат миграцияси масалалари агентлиги тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2001 йил 6 апрелдаги 162-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг айрим қарорларига киритилаётган Ўзгартиришлар ва қўшимчаларнинг 10-банди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 8 майдаги 207-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2001 йил., 5-сон, 26-модда) билан тасдиқланган «Хорижий давлатларнинг дипломатик ваколатхоналарини, консуллик муассасаларини, халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналарини ҳамда улар ходимларини Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги хузурида аккредитация қилиш тартиби»га 1-илова 1-бандининг «B» кичик банди.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ  
ҚАРОРИ  
30.08.2002 й. N 309**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА  
МИКРОКРЕДИТЛАШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ  
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТҮҒРИСИДА**

Микрокредитлашнинг янги усусларини жорий этиш йўли билан аҳолининг тадбиркорлик фаолиятида янада фаол қатнашиши учун кўшимча шарт-шароитлар яратиш, шунингдек аҳолининг ижтимоий ночор табакаларини қўллаб-кувватлаш ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун донор ташкилотларнинг маблағларини кенг жалб этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рагбатлантириш бўйича Республика мувофиқлаштирувчи Кенгашинг иловага мувофиқ халкаро молия ташкилотлари, хорижий хукуматга қарашли ва хукуматга қарашли бўлмаган нотижорат ташкилотлар (донор ташкилотлар)нинг бегараз маблағларини (грантларини) жалб этиш йўли билан микрокредитлаш тизимини ривожлантириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги хусусий тадбиркорликни микрокредитлаш дастурларини ривожлантиришнинг, шунингдек донор ташкилотлар иштироқидаги лойиҳаларнинг мувофиқлаштирувчиси этиб белгилансин, унга микрокредитлаш лойиҳалари бўйича ахборотларни ҳар чоракда умумлаштириш ва таҳлил этиш функциялари юклансин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

микрокредитлар ҳар бир қарз олувчига эквиваленти 3 минг АКШ долларидан ортиқ бўлмаган нақд маблағ билан миллий валютада муддатлилик, ҳақ тўлаш ва қайтариш шартларида берилади;

Ўзбекистон Республикаси резидентлари - юридик ва жисмоний шахслар микрокредитлаш бўйича қарз олувчилар ҳисобланади;

донор ташкилотлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентлари бўлган нотижорат ташкилотлар маблағ билан таъминловчи ташкилотлар ҳисобланади;

нотижорат ташкилотларнинг ўз маблағлари, донор ташкилотлар томонидан нотижорат ташкилотларга микрокредитлаш учун бериладиган грантлар, шунингдек нотижорат ташкилотларнинг микрокредитлаш билан бөглиқ фаолиятдан олинадиган даромадлари микрокредитлаш маблағлари манбалари ҳисобланади;

қарз олувчиларни танлаш, микрокредитлаш лойиҳалари доирасида уларга маблағлар бериш ва маблағларни қайтариш тартиби маблағ билан таъминловчи ташкилотлар томонидан белгиланади;

донор ташкилотларнинг микрокредитлаш манбаси сифатида фойдаланиладиган эркин алмаштириладиган валютадаги грант маблағлари тегишли ваколатли банкнинг корреспондентлик ҳисоб рақамига ўтказилади ва банклараро валюта савдоларида белгиланган тартибда сотилиши керак;

микрокредитлаш учун миллий валютадаги накд маблағ банклар томонидан нотижорат ташкилотларнинг ҳисоб рақамларидағи мавжуд маблағлар доирасида берилади.

4. Нотижорат ташкилотларнинг мазкур қарорга мувофиқ микрокредитлашдан олинган даромадлари 2006 йил 1 январгача даромад (фойда) солиги тўлашдан озод қилинсин, бўшаётган маблағлардан операция харажатларини қоплаш, ўз моддий-техника базасини ривожлантириш, шунингдек микрокредитлашни кенгайтириш учун мақсадли фойдаланилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Баш вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зими масига юклансин.

*Вазирлар Маҳкамасининг Раиси  
И. КАРИМОВ*

Тошкент ш.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2002 йил 30 августдаги  
309-сон қарорига  
**илова**

**Ўзбекистон Республикасида микрокредитлашни  
ривожлантиришда қатнашувчи донор ташкилотлар  
РҮЙХАТИ**

N	Ташкилот номи
1	АҚШ халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) линияси бўйича ACD/VOCA, FINCA
2	Осиё тараққиёт банки (ОТБ)
3	БМТнинг тараққиёт дастури (ПРООН), "Очиқ жамият" институти (Сорос жамғармаси) - ўз ўзини маблағ билан таъминлаш
4	"Мурувват корпуси" халқаро мурувват ташкилоти (Буюк Британия ҳукуматининг ёрдамида)
5	Нидерландия халқаро тараққиёт ва ҳамкорлик ташкилоти (НОВИБ)
6	АҚШнинг ҳукуматга қарашли бўлмаган "Биргалиқдаги тараққиёт" ташкилоти (JDA)
7	JICA (Япония) линияси бўйича ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар - Ўқитиш дастури
8	АҚШнинг ҳукуматга қарашли бўлмаган "Норт Вест Медикал Тим" ва "Глобал Лайфлайн" ташкилотлари

## МУНДАРИЖА

<b>СЎЗ БОШИ .....</b>	<b>3</b>
<b>КИРИШ .....</b>	<b>6</b>
<b>I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР</b>	
1.1. ННТлар фаолиятининг хуқуқий асослари .....	9
1.2. Қўлланмада фойдаланилган асосий тушунчалар .....	11
<b>II. ННТЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБАЛАРИ</b>	
2.1. ННТларни молиялаш манбаларининг таснифи .....	15
2.2. Та什қи молиялаш манбалар .....	16
2.3. Ўзини ўзи молиялаш манбалари .....	18
<b>III. ННТ ФАОЛИЯТИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА БЮДЖЕТИНИ ТУЗИШ</b>	
3.1. Режалаштириш .....	21
3.2. Бюджет турлари .....	21
3.3. Бюджет моддалари .....	22
3.4. Бюджет тузиш босқичлари .....	23
3.5. Бюджет тузишига шартли мисол .....	24
<b>IV. ННТ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ</b>	
4.1. Та什қи назорат .....	35
4.2. Ички назорат .....	36
<b>V. ННТларга СОЛИҚ СОЛИШ</b>	
5.1. Ўзбекистон Республикасида солиқлар тизими ва ННТларга бериладиган солиқ режимларининг хусусиятлари .....	38
5.2. ННТларга умумдавлат ва маҳаллий солиқларнинг алоҳида турлари бўйича солиқ солиш. Имтиёзлар бериш ва уларни қўллаш тартиби .....	42
5.3. ННТларга нисбатан божхона тўловлари ва имтиёзлар ...	100
5.4. Бюджетдан ташқари фондларга мажбурий тўловлар ....	109
5.5. Эҳсон қўлувчи юридик шахслар учун солиқ имтиёзлари ...	118
5.6. ННТнинг микромолиялашдан олган даромадларига нисбатан солиқ имтиёзлари .....	121
<b>VI. НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИДАГИ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИННИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ</b>	
6.1. Умумий қоидалар .....	122
6.2. Янги ҳисобвараклар режасининг тузилмаси .....	123
6.3. Ҳисоб сиёсати ва ҳисобвараклар ишчи Режаси .....	126

<b>6.4. Бухгалтерия ҳисобида ННТ тузиш жараёнини акс эттириш</b>	131
<b>6.5. ННТ даромадларини ҳисоб-китоб қилиш</b>	132
<b>6.6. Моддий бойликларни ҳисобга олиш хусусиятлари</b>	135
<b>6.7. ННТ харажатларини ҳисоб-китоб қилиш</b>	141
<b>6.8. Мехнатга ҳақ тұлаш ҳисоби</b>	147
<b>6.9. Сафар харажатлари ҳисоби</b>	148
<b>6.10. Курс тавофтлари ҳисоби</b>	151
<b>6.11. Филиаллар ва шұльба корхоналар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби</b>	155
<b>6.12. Бухгалтерия ҳисобида ННТни тугатиш жараёнини акс эттириш</b>	158
<b>VII. БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИДА СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИНИ АКС ЭТТИРИШ ТАРТИБИ</b>	159
<b>VIII. СОЛИҚ СОЛИШ ВА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ БҮЙИЧА ПРАКТИКУМ</b>	165
<b>IX. МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАР</b>	
<b>9.1. Ҳисобот беришнинг умумий түшүнчалари</b>	
ва тамойиллари	181
<b>9.2. Бухгалтерия балансы (1-сон шакл)</b>	190
<b>9.3. Молиявий натижалар ҳақида ҳисобот (2-сон шакл)</b>	208
<b>9.4. Асосий воситаларнинг ҳаракати тұғрисида ҳисобот (3-сон шакл)</b>	215
<b>9.5. Пул оқимлари тұғрисида ҳисобот (4-сон шакл)</b>	217
<b>9.6. Хусусий сармоя тұғрисида ҳисобот (5-сон шакл)</b>	222
<b>9.7. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тұғрисида маълумотнома</b>	223
<b>9.8. Статистик ва бошқа ҳисоботлар</b>	227
<b>9.9. Рўйхтга олиш органларига ҳисобот бериш</b>	228
<b>Тавсия қилинувчи адабиётлар рўйхати</b>	
<b>ИЛОВАЛАР:</b>	
<b>Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси</b> (кўчирмалар). Ўзбекистон Республикаси Олий Совети ахборотномаси, 1993 йил, 1-сон, 4-модда; 1994 йил, 1-сон, 5-модда	231
<b>Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодеки</b> (кўчирмалар). Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, 11-12-сон; 1997 йил 2-сон, 56-модда, 9-сон, 241-модда; 1998 йил, 5-6-сон, 102-модда; 1999 йил, 1-сон, 20-модда, 9-сон, 229-модда; 2001 йил, 1-2-сон, 23-модда, 9-10-сон, 182-модда; 2002 йил, 1-сон, 20-модда	

да; Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2002 йил, 19-сон, 144-модда .....	233
<b>Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси аҳборотномаси, 1999 йил, 5-сон, 115-модда .....</b>	<b>238</b>
<b>Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Совети аҳборотномаси, 1991 йил, 4-сон, 76-модда; 1992 йил, 9-сон, 363-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси аҳборотномаси, 1997 йил, 4-5-сон, 126-модда; 1998 йил, 3-сон, 38-модда .....</b>	<b>252</b>
<b>Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-хукукий хужжатлар тўғрисида»ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси аҳборотномаси, 2001 йил, 1-2-сон, 8-модда ..</b>	<b>266</b>
<b>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 12 мартағи «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмаларини рўйхатдан ўтказишни тартибга солиш тўғрисида»ги 132-сон Карори. Ўзбекистон Республикаси Хукумати Қарорлари тўплами, 1993 йил, 3-сон, 9-модда .....</b>	<b>279</b>
<b>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 17 ноябрдаги «Хайрия ҳамда бошқа жамғармалар ва жамиятларга, шунингдек, улар томонидан ташкил қилинган корхоналар ва бошқа шульба тузилмалариға соликлар, йигимлар ҳамда божхона тўловлари бўйича берилган имтиёзларнинг кўлланиш тартиби тўғрисида»ги 502-сон Карори. Ўзбекистон Республикаси Хукумати Қарорлари тўплами, 1999 йил, 11-сон, 67-модда .....</b>	<b>291</b>
<b>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 17 ноябрдаги «Муруват ёрдамидан ва беғараз техник кўмақдан мақсадли фойдаланилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 268-сон Карори. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2002 йил, 14-сон, 112-модда .....</b>	<b>294</b>
<b>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 30 августдаги «Ўзбекистон Республикасида микрокредитлашни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 309-сон Карори. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2002 йил, 15-16-сон, 126-модда .....</b>	<b>319</b>

---

КҮШИМЧА ІЗУВЛАР УЧУН

---

---

КҮШИМЧА ЁЗУВЛАР УЧУН

---

---

КҮШИМЧА ЁЗУВЛАР УЧУН

---

*Нашр масалалари бўйича қуийдаги манзилга  
мурожсаат этишингизни сўраймиз:*  
**Тошкентдаги Халқаро Нотижорат  
Хуқуқ Маркази (ХНҲМ)**  
 Тел.: (998 71) 169-16-13 (14,15,17)  
 Факс: (998 71) 169-16-41  
 Эл. почта: icnl@spart.uz  
 website: <http://www.icnl.org/car>

## **ЎЗБЕКИСТОНДА НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИГА СОЛИҚ СОЛИШ ВА УЛАРНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ**

Нашр бичими 60x84 1/16 . Адади 1000 нусха. Буюртма № 7  
 Бепул тарқатилади.

«DEKORPOLIGRAF» МЧЖ, 7000003, Тошкент ш.,  
 Олмазор мавзеси, Фурқат кўчаси 11а.  
 Тел.: 144-74-96, факс: 120-74-97

Саҳифаловчи: Отабек Тошмуҳамедов.